**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ**

# «ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ»

**мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси**

# МАТЕРИАЛЛАРИ

**(II -қисм)**

**(2019 йил 22-23 февраль кунлари)**

**САМАРҚАНД – 2019**

**Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва ролини ошириш муаммолари.** / 2019 йил 22-23 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (II -қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 256 бет.

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**
**М.Қ.Пардаев** – иқтисод фанлари доктори, профессор

**Нашр учун масъуллар:**
**М.М.Мухаммедов –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Ж.Р.Зайналов –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**И.С.Тухлиев –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**К.Б.Уразов –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Т.С.Шарипов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
**А.Н.Холиқулов –** иқтисод фанлари номзоди, доцент в.б.

**Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова**

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

**Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.**

**© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019**

# I ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”

**Қ.Ж.Мирзаев –** СамИСИ профессори, и.ф.д.,
**У.Бердиев** – СамИСИ магистранти

## АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Республикамиз иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда унинг асосий лакомотиви бўлган аграр соҳани тараққий эттириш жуда муҳим ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатимизда “... қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади”[1], айниқса “... агар биз юртимизда барқарор иқтисодиёт қурмоқчи бўлсак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар каби бой ва фаровон яшамоқчи бўлсак, чала-чулпа, юзаки эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишимиз шарт”[2]. “Иқтисодиёт – бу ҳисоб – китоб дегани. Ҳар бир ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим”[3] – деган сўзлари келгусида мазкур соҳада амалга оширишимиз зарур бўлган ишларни белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, аграр соҳанинг истиқболдаги тараққиёти, мазкур соҳага кўрсатиладиган сервис хизматларни янада ривожлантириш, харажатларни камайтириш билан белгиланади.

Мамлакатимиз аграр соҳасида моддий-техника ресурслари жумладан, минерал ўғит, ёнилғи мойлаш материаллари, техника воситалари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш талаб даражасида эмас. Шу боисдан ҳам, биринчидан, турли мулкчилик шаклларидаги аграр соҳа корхоналарини моддий-техника ресурслари билан бозор қонунлари асосида таъминлаш тизимини такомиллаштириш зарур бўлса, иккинчи томондан хўжалик субъектларини мавжуд ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланишга бўлган манфаатдорлик механизмини ишлаб чиқиш лозим. Бошқача айтганда, бозор иқтисодиёти талаблари асосида харажатларни пасайтириш зарур.

Бугунги кунда аграр соҳада моддий-техника таъминотининг заифлиги, аксарият хўжаликлар ер майдонларининг кичиклиги ва молиявий нобарқарорлиги шароитида мавжуд моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эгадир.

[1]Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
[2]Ўша жойда
[3]Ўзбекистон РеспубликасиПрезидент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. 20-бет.

Айниқсааграр соҳа учун етказиб берилаётган моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ сарфларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатидаги улушининг юқорилиги ҳам бу заруратни асослаб бермоқда. Ҳар бир турдаги ресурс бирлиги ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ресурс сарфини камайтириш ушбу масаланинг негизини ташкил этади.

Шу боис, бугунги кунда барча турдаги ресурслардан, шу жумладан моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига улар сарфини камайтириш, натижада маҳсулот таннархининг арзон бўлиши ва пировард натижада маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўпроқ эътибор бериш лозим. Чунки, тадқиқотларнинг кўрсатишича, аксарият ҳолларда минерал ўғитлар, ЁММдан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Демак, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сарфланаётган ресурс бирлиги ҳисобига олинган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги самарадорлигини белгиловчи асосий меъзонлардан бўлиши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий юксалишининг муҳим асосларидан бири бу ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш асосида юқори самарадорликка ва молиявий-иқтисодий барқарорликка эришиш ҳисобланади. Айниқса бу борада Республикамиз биринчи Президенти И.Каримов қайд этганидек, «қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш»[1] бугунги кунда иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шу мақсадда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи агросервис корхоналаридаги хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришнинг ички резервларини излаб топиш ниҳоятда долзарбдир. Бу борада «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги республика Президентини Фармони алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи агросервис корхоналари бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодий ночор хизмат кўрсатувчи агросервис корхоналарини молиявий соғломлаштириш;
- мазкур корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш;
- агросервис корхоналарини малакали ишчи-ходимлар билан таъминлаш;
- агросервис корхоналари иқтисодий ўсишининг барқарор суръатларини таъминлаш.

[1] Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисодиёт, 2009. 59-бет.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури талаблари асосида агросервис корхоналарида хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим (1-расм).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархининг йилдан-йилга ортиб боришининг асосий сабабларидан бири бу моддий-техника ресурслари нархларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларига нисбатан тез суръатлар билан ўсиб боришидир. Натижада уларнинг салмоғи маҳсулот таннархи таркибида 45-55 фоизни ташкил этмоқда. Пахта ва ғалла давлат томонидан белгиланган баҳоларда сотиб олинаяпти, лекин хўжаликлар уни етиштириш учун сарфланадиган ресурсларни эркин баҳоларда сотиб олмоқдалар. Бизнингча, бу ерда давлат томонидан сотиб олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун ресурслар имтиёзли нархларда сотилиши лозим.




**1-расм. Агросервис хизматлари харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари**

Таҳлил натижаларига кўра, бугунги кунда барча турдаги моддий-техника ресурсларидан аввалги ширкат хўжаликларига нисбатан фермер

хўжаликларида самарали фойдаланишга эришилмоқда. Бунинг энг асосий сабабларидан бири бу мулк, етиштирилган маҳсулот ва олинган даромадни эркин тасарруф этиш имкониятининг мавжудлиги, меҳнат мотивациясининг юқорилигидир. Бироқ, шунга қарамасдан бугунги кунда уларнинг молиявий ҳолати моддий-техника базасини мунтазам равишда янгилаб бориш ва мустаҳкамлаш имконини бермаётир. Натижада техника воситаларини ишлатиш (эксплуатацион) харажатлари ошиб кетмоқдаки, бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулоти таннархини юқори бўлиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларга турли хил сервис хизматлари кўрсатувчи тузилмаларнинг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ.

Аммо бу жараён мавжуд фермер хўжаликлари учун агросервис субъектлари томонидан сифатли агросервис хизматларини амалга ошириш имконини беради.

Умуман, аграр соҳада агросервис хизматлари харажатларини камайтириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ, яъни:

- биринчидан, агросервисни модернизациялаш ва хизматлар сифатини яхшилаш ва сервис харажатларини камайтиришга олиб келувчи ресурс тежамкор технологияларни жалб этиш;

- иккинчидан,мавжуд барча ресурслар ва ички имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига агросервис хизматлари харажатларини 20%гача пасайтириш;

- учинчидан, агросервис хизматлари билан боғлиқ энергия ресурслари нархининг ўсиш даражасини 6-8% дан оширмаслик;

- тўртинчидан, агросервис корхоналарини имтиёзли кредит ресурслари (инвестициялар) асосида қўллаб-қувватлаш;

- бешинчидан, маҳалийлаштириш дастури асосида агросервис хизматларининг янги маҳаллий турларидан (чорва моллари сотиш хизматлари, органик ўғитлар етказиб бериш хизматлари) фойдаланишни ривожлантириш кабилардан иборат.

Айниқса, агросервис хизматларини камайтиришга тўсиқ бўлаётган муаммолардан бу маҳсулот таннархи таркибидаги юқори улушга эга бўлган хизматлар кўрсатувчи сервис корхоналари асосан давлат тасарруфидаги монопол мавқега эга тузилмалар ҳисобланади ва уларнинг хизмат кўрсатиш баҳолари юқори бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳсулот етиштириш самарадорлигининг паст бўлиши, фермер хўжаликларининг молиявий нобарқарорлигига олиб келмоқда.

Келгусида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг гарови ҳисобланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва уни тараққиётининг муҳим асоси ҳисобланган агросервис харажатларини босқичма-босқич камайтириб бориш Республикада ҳақиқий бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг муҳим асоси бўлиб қолаверади.

**R.A.Seytmuratov –** SamDU, Iqtisodiyot va biznes kafedrasi mudiri, i.f.d.,
**F.A.Djalilov –** SamDU, Iqtisodiyot va biznes kafedrasi assistenti

# XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINING MILLIY IQTISODIYOTDA VA AHOLI BANDLIGIDAGI AHAMIYATI

Xizmat ko‘rsatish soha faoliyatining tarixiga murojaat qilsak, dastlabki davrlarda uning insoniyat taraqqiyotida egallagan ulushi nihoyatda ozligining guvohi bo‘lamiz. Hozirda iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar ijtimoiy ishlab chiqarish samaradorligining o‘sishi, aholi ijtimoiy va madaniy ehtiyojining rivojlanishi ijtimoiy mehnat taqsimotida ijtimoiy sohaning yirik tarmoqqa aylanishga sabab bo‘ldi. Ma’lumotlarga qaraganda, bu mamlakatlarda ishga yaroqli umumiy aholi o‘rtacha 70% dan ko‘prog‘i shu sohalarda faoliyat ko‘rsatmoqda.

Xizmat sohaning paydo bo‘lishi va kelajakda rivojlanishi uning ijtimoiy mehnat taqsimotidagi o‘rnining mustahkamlanib borishida va mamlakatning iqtisodiy o‘sishida sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Bu sohalarning maxsuslashishi, yiriklashishi, yangi tarmoqlarning tashkil topishi iqtisodiyotni boyitgan holda ishlab chiqarish darajasining o‘sishini ta’minlaydi.

Ijtimoiy soha xizmati moddiy ne’matlar ishlab chiqaruvchilarning shaxsiy extiyoji hisoblanadi. Takror ishlab chiqarish nuqtai nazaridan sohaga shaxsiy iste’molning qo‘shilishi absolyut yo‘q bo‘lib ketishidan darak bermaydi. Aks holda noishlab chiqarish sohalari bilan iqtisodiy aloqalar to‘g‘risida gap bo‘lishi mumkin emas edi. Xizmat ko‘rsatish sohalari shaxsiy iste’molga qo‘shiladigan takror ishlab chiqarish jarayonining vujudga kelishida ob’ektiv sharoit yaratib beradi. Chunki, birinchidan, bu sohalarning ba’zi tarmoqlari xizmati ishchi kuchi ishlab chiqarish muomalasiga kiradi va ishlab chiqarish jarayonida ishchilar tomonidan takror ishlab chiqariladi. Ikkinchidan, ijtimoiy takror ishlab chiqarish bo‘yicha olingan shaxsiy iste’mol sohasi o‘zida umumiy jarayonni ko‘rsatadi.

Ijtimoiy soha xizmati, birinchidan, o‘ziga xos iqtisodiy qonuniyatga ega: ularning qiymati bo‘lmaydi, chunki qiymat yaratish uchun moddiy ne’matlar barpo etilmaydi, aksincha xizmat ko‘rsatiladi.

Ikkinchidan, xizmat ko‘rsatish sohalari mehnati moddiy ishlab chiqarish sohalari mehnatidan alohida tomonlari bilan farq qiladi. Bu sohalar xodimlari alohida odamlar bilan muloqotda bo‘ladilar, har xil toifadagi va har xil diddagi odamlarning so‘rovlariga javob beradilar. Bu esa xodimlardan yuksak sifatli kasb mahoratini talab qiladi.

Uchinchidan, ijtimoiy sohani joylashtirishda tabiat omili moddiy ishlab chiqarish sohalarini joylashtirishdagi kabi ahamiyatga ega emas.

Xizmat ko‘rsatish sohalarining asosiy ishlab chiqarish fondlari moddiy ishlab chiqarish mehnat vositalariga tashqi ko‘rinishdan o‘xshashi mumkin. Iqtisodiy mohiyati esa bir-biriga o‘xshamaydigan, chunki moddiy ishlab chiqarishda mehnat vositalari o‘z qiymatini ishlab chiqarilayotgan mahsulotga

asta-sekin o‘tkaza borib amortizatsiya ajratmasi sifatida o‘z qiymatini tiklasa, ijtimoiy sohada iste’mol natijasida mehnat vositalari o‘z qiymatini yo‘qotadi va moddiy ishlab chiqarish sohalari tomonidan yaratilgan milliy daromad hisobiga ular qayta tiklanadi.

To‘rtinchidan, xizmat ko‘rsatish sohalari mehnatining faqat oz miqdori mexanizatsiyalashtiriladi va avtomatlashtiradi. Shuning uchun ham ijtimoiy soha moddiy ishlab chiqarish sohalaridan mehnat sig‘imini ko‘pligi bilan farq qiladi. Ijtimoiy sohada mehnat xajmini kengaytirish va xizmat ko‘rsatish sifatini oshirish asosan mehnat resurslarini sonini ko‘paytirish mehnat hamda boshqarishni tashkil qilishning taraqqiylashgan usullarini qo‘llash orqali amalga oshiriladi.

Beshinchidan, xizmat iste’mol predmeti hisoblanadi. Mamlakatimizda xizmat ko‘rsatish sohalarining xizmati asosan bepul ko‘rsatiladi. Bozor iqtisodiyotiga o‘tish jarayonida respublikamizda ijtimoiy sohada ma’lum xizmat turlari pullik ko‘rinishda amalga oshirilmoqda, lekin bunday xizmat ko‘rsatishda ham ma’lum doiradagi chegaralar mavjud.

Bozor iqtisodiyoti davrida shu sohalar shaxobchalarini boshqarish nazariyasining asosini yaratadi, xo‘jalik yuritish amaliyotini jamlaydi, resurslardan samarali foydalanish yo‘llarini aniqlaydi, shuningdek sohaning barcha ijtimoiy muhofazaga muxtoj toifadagi odamlarga ma’lum yengilliklar berilmoqda.

Xizmat ko‘rsatish sohalari bo‘g‘inlarida ish sifatini oshirish usullarini belgilaydi.

Ijtimoiy soha iqtisodiyotining fan sifatida paydo bo‘lishi va rivojlanishining asosi iqtisodiy nazariya va "ekonomiks" hisoblanadi. Lekin xizmat ko‘rsatish sohalarida yig‘ilib qolgan o‘ziga xos iqtisodiy aloqalarni o‘rganishda Shu soha iqtisodi va iqtisodiy nazariya o‘rtasida ba’zi bir farqlar mavjuddir.

Iqtisodiy nazariya ishlab chiqarish aloqarida ijtimoiy sohaning o‘sishiga o‘ziga xos tomonlarini ishlab chiqarish kuchlari rivojining bir qismi sifatida ko‘rib chiqadi.

Xizmat ko‘rsatish sohalari iqtisodi Shu soha iqtisodiy aloqalari shakllanishining alohida tomonlarini o‘rganishga va amaliyotda ulardan foydalanishning o‘ziga xosligini tahlil qilishga asosiy e’tiborni qaratadi.

Ijtimoiy soha iqtisodiyoti shu sohaning boshqa tarmoqlari - maorif, sog‘liqni saqlash, madaniyat iqtisodi va boshqalarga nisbatan umumiy iqtisod sifatida vujudga keladi. Shuning uchun ham tarmoqlar rivojlanishining iqtisodiy qonuniyatlarini e’tibor bilan o‘rganish, xo‘jalik yuritish usullarining ratsional yo‘llarini ishlab chiqish, bozor iqtisodiyoti sharoitida sohaning har bir tarmog‘i bo‘yicha alohida iqtisodiy yo‘nalishlarni belgilash ijtimoiy soha iqtisodiyotining predmeti hisoblanadi. Ijtimoiy ishlab chiqarish, taqsimlash, sotish va iste’mol qilish bo‘g‘inlarini umumlashtiruvchi yagona xalq xo‘jaligi kompleksi ikkita yirik tarmoqdan: moddiy ishlab chiqarish va noishlab chiqarish sohalaridan iborat. Shuning uchun ham xalq xo‘jaligi ikki soha ko‘rinishi bilan

chegaralanadi. Moddiy ishlab chiqarishga tarixan va mantiqan qaraydigan bo‘lsak, moddiy ne’matlar yaratish insoniyat taraqqiyotida asosiy omil hisoblanadi. Alohida noishlab chiqarish turlari faoliyatining ajralib chiqishi esa ishlab chiqarish kuchlari darajasining rivojlanishi va ijtimoiy mehnat taqsimotining boshlang‘ich shaklidir.

Kichik va xususiy biznesni rivojlantirish hamda qishloq yoshlarini tadbirkorlik faoliyatiga jalb etshdga ko‘maklashish uchun qishloq mavjud o‘quv yurtlari faoliyati tubdan o‘zgartirildi. Har bir tumanda tadbirkorlik bo‘yicha o‘quv markazlari, kasblar bo‘yicha litseylar, biznes-maktablar, kichik va xususiy biznes va fermer xo‘jaliklari hamda aholiga xizmat ko‘rsatish sohalari uchun kadrlar tayyorlash bo‘yicha kasb-xunar kollejlari tashkil etilmoqda.

Shu jihatdan, servis sohasiga e’tiborning kuchaytirilayotganligi bejiz emas. Chunki, viloyatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishning hozirgi va yaqin kelajakdagi ustuvor vazifalaridan biri servis sohasini rivojlantirishdan iborat ekanligi hukumat qarorlari va Prezidentimizning farmon va ma’ruzalarida qat’iy belgilab qo‘yilgan. Jumladan, sohada ko‘rsatilayotgan xizmatlar hajmi va sifati bo‘yicha biz iqtisodiy rivojlangan mamlakatlardan hamon jiddiy orqada qolayotganimiz ta’kidlab o‘tilgan. Shu tufayli hokimiyatning quyi bo‘g‘inlarida ham ushbu masalani e’tibordan qochirmaslik lozimdir. Zero, O‘zbekistonda xizmat sohalarining rag‘batlantirilishi mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotining hal qiluvchi strategik omillaridan biri xisoblanadi. Xukumatimiz tomonidan chiqarilgan bir qator qarorlar natijasida boshlangan kichik korxonalar tashkil etish va uni rag‘batalantirish jarayoni keyingi yillarda iqtisodiyotimizda muhim o‘zgarishlarga olib keldi.

Demak, xizmat sohalari kelajakda iqtisodiyotning muxim sohasiga aylanadi. Shu munosabat bilan, viloyatning shahar va qishloqlarida xizmat sohalarini rivojlantirishning konseptual yo‘nalishlarini hayotga tadbiq etishda quyidagilarni inobatga olib yondashish maqsadaga muvofiqdir:

- milliy qadriyatlarimizga ko‘ra, an’anaviy xizmatlar va kasanachilik faoliyati bilan shug‘ullanuvchi oilalarning tadbirkorlik faoliyatini tiklashni rag‘batlantirish va rivojlantirish;
- milliy hunarmandchilikni rivojlantirish yo‘nalishidagi oilaviy korxonalarni tiklashda, ularga o‘z faoliyatlarini boshlab olishi uchun zarur bo‘lgan boshlang‘ich mablag‘ bilan ta’minlashda imtiyozli kreditlarni yo‘lga qo‘yish lozim.

Xulosa qilib aytganda, xizmat sohasini rivojlantirish, bandlik muammosini ayniqsa, xotin-qizlar, qishloq yoshlarini ish bilan ta’minlash, oilalarning daromadini sezilarli darajada ko‘paytirish, butun mamlakatimiz aholisining farovonligini oshirish imkoniyati yaratadi. Bu birinchidan, aholini ish bilan ta’minlash orqali oilalarning muhim daromad manbai va mulkdorlar sinfini shakllantirishning asosi bo‘lsa, ikkinchidan, mamlakatimiz bozorini xizmatlarga bo‘lgan ehtiyojini qondirish orqali aholining turmush darajasining oshishiga sabab bo‘ladi.

**И.С.Очилов** – ТДАУ доценти, и.ф.н.

# ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда инновацион фаолият ютуқларидан самарали фойдаланиш давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Фикримизча, **инновация - муайян бир жараён ёки маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифатли ўсишини таъминлаш мақсадида жорий этилган янгилик** бўлиб, у қўшимча қиймат яратиш воситаси, шу сабабли фойда келтирмагунча у инновация ҳисобланмайди.

Жаҳон тажрибасига кўра, инновацион ривожланишнинг учта модели бўлиб, республикамизда унинг учинчи – инновацион сиёсатда менежмент, молия, иқтисод, социология соҳаларида кадрларни тайёрлаш, енгил саноат, туризм кабиларни ривожлантиришга қаратилган моделидан кўпроқ фойдаланилмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, юртимизда изчил давом этаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи талабларини бажариш омилларидан бири сифатида инновацион ривожланиш йўналишида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш” долзарб масала ҳисобланади [1].

Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибасига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши тараққий этган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида, масалан, Америка Қўшма Штатларида 80 фоизга, Буюк Британия, Канада, Францияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Италия, Японияда 68 фоизга тенг бўлганлиги билан белгиланади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабрь ойларида 47,3 % га тенг бўлди.

Хизматлар соҳаси – корхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хизмат турларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олган жамланма соҳа ҳисобланади. Бошқача айтганда, хизматлар соҳаси тижорат, касбий ва маиший хизматларни кўрсатишга ихтисослашган мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари ҳисобланади. Ушбу соҳа саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда иқтисодиётнинг учта асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши бўйича мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт даражасини баҳолаш мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг асосий қисми хизматлар соҳасига тўғри келади.

Шу билан бирга, хизматлар соҳаси иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ва банд бўлганларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 49,7 % ни хизматлар соҳаси ташкил этади.

Замонавий шароитда хизматлар соҳаси бўш вақтни кўпайтиришга ёрдам беради, жамият ва одамларнинг эҳтиёжларини янада кўпроқ қондириш ва ошириш имкониятини яратади ҳамда замонавий ҳаёт сифатини шакллантиришнинг муҳим элементи сифатида намоён бўлади.

Фикримизча, хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси жуда паст бўлганлигининг асосий сабаблари давлат мулкининг устуворлиги ва хизматлар соҳасини молиялаштиришда қолдиқ тамойили асосида амалга оширилганлиги бўлди.

Аҳоли истеъмол бюджетида хизматлар улушининг жуда паст даражаси юзага келди, бу эса ниҳоятда чекланган ассортиментдаги ва паст сифатли маҳсулотларга бўлган талаб ва тўлов қобилиятининг деформациясига олиб келди. Турмуш, дам олиш ва бўш вақт соҳасида сифат стандартларининг жуда пастлиги моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир кўрсатди. Хизматлар кўрсатиш соҳасидаги корхоналарнинг моддий-техника базаси ибтидоий даражадалиги билан ажралиб турарди (маҳаллий саноат деярли зарур ускуналарни ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган), малакаси паст ишчи кучидан фойдаланилган, чунки хизматлар соҳасида меҳнат ҳақи энг паст даражада эди ва юқори малакали ишчилар бошқа тармоқларга ёки яширин фаолият турларига кетиб қолишар эди.

Хизматлар соҳасида барқарор ривожланиш XX асрнинг иккинчи ярмида нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилди. Натижада хизматлар соҳасининг кўлами кенгайди ва мамлакат ЯИМнинг катта қисмини эгаллади.

Тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилашга тўсқинлик қилувчи энг муҳим муаммо бозорда рақобатбардош муносабатларнинг етарли эмаслиги ва тарифларнинг ўсишини чеклаш ва янги ташкилий тузилмалар учун маъмурий тўсиқларни камайтиришдир. Хизмат кўрсатиш сектори республика минтақалари иқтисодиётининг истиқболли соҳаларидан бири бўлиб, унинг ривожланиши аҳоли биринчи ўринда соҳада бандликни ошириш, инсон капиталининг сифатини ошириш ва ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишга таъсир кўрсатади.

Маълумки, товарларни сотиш, айниқса, юқори технологияли маҳсулотларни сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатишда муҳим омил саналади, бу соҳада турли хизматларни жорий этиш товарларни сотиш ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади.

Айрим компаниялар доирасида хизматлар соҳасини бирлаштириш тенденцияси транспорт хизматлари, суғурта ва лизинг хизматлари, туризм ва бошқа хизматлар билан интеграциялашган ҳолда самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. у билан бирга,

хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолияти замонавий бозор шароитида иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади [3].

Хизматлар таркибининг сифат жиҳатдан кенгайиши, **соҳага инновацияларни жалб этиш,** янги иш ўринларини яратиш, инвестицион фаолиятни фаоллаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва самарали бошқарув усулларини жорий қилиш учун зарур бўлган хизматлар соҳасига хорижий капиталнинг кириб боришини ошириш ҳамда солиқ ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш имконини беради.

Инновацион жараёнда етакчилик биринчи навбатта давлатга берилади. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Зеро, инновация – бу келажак дегани. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилган.

Инновация – илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларнинг натижасида жамият эҳтиёжлари ва ёки бошқа ижобий таъсир учун яратилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (товар, иш, хизмат ва бошқалар), ишлаб чиқариш жараёни, янги маркетинг усули, янги иш ўринлари ёки ташқи алоқалар ҳисобланади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ишланмаларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига жорий қилиш бўйича ижобий натижалар билан бир қаторда, илмий муассасалар фаолиятини янада мувофиқлаштириш, давлат лойиҳаларини бажаришда ижро ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, соҳадаги юридик хизмат самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, ривожланган хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш масалаларига эътибор қаратиш лозим.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг мукаммал инновацион ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилиши ва унда хизматлар соҳасининг менежмент ва маркетинги очиб берилиши лозим;

жаҳон тажрибаси ўрганилган ҳолда инновация масаласига кенг қамровли ёндашиб, дунёнинг глобал инновацион индексида белгилаб берилган еттита йўналишга алоҳида эътибор бериш, жумладан, хизматлар соҳаси самарадорлигига инновацион жараёнларнинг таъсири илмий жиҳатдан ўрганилиши лозим;

инсон капитали, аҳолининг олий таълим билан қамрови масаласи алоҳида таҳлил этилиши лозим. Зеро, етарлича билимга эга мутахассисни етиштирмасдан туриб инновацияни жорий қилиш мумкин эмас. Бу каби вазифаларни бажаришда эса хорижий тажрибани чуқур ўрганиш, олимлар, экспертларнинг илмий-таҳлилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг оқилона таркибини шакллантириш ҳамда келажакда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишни таъминлаш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности системы интеграции научной и инновационной деятельности», №ПП-3899, 06.08.2018 г.
3. Казаков С.П. Тенденции развития сферы услуг в инновационной постиндустриальной экономике // «Механизация строительства». 2012. № 6. с. 14-18.
4. Азгальдов Г. Г., Костин А. В. Интеллектуальная собственность, инновации и квалиметрия // Экономические стратегии, 2008. — № 2 (60). — С. 162—164.
5. Друкер П. Бизнес и инновации. — М.: Вильямс, 2010. — 432 с. — ISBN 0-88730-618-7.
6. https://ru.wikipedia.org.



**А.Н.Холиқулов –** СамИСИ, Менежмент ва статистика кафедраси мудири


## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ УСУЛИ СИФАТИДА

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий моҳиятини кўриб чиқиш давомида унинг одамлар ва яхлит жамиятнинг турли-туман талабларини қаноатлантириш билан боғлиқ муҳим жиҳатини тушуниб олиш мумкиндир. Инсоннинг, жамиятнинг эҳтиёжлари ҳақида гапирилганда, ўзининг қондирилишини талаб этиш баробарида уларни фаолиятга ундайдиган бирор нарсага муҳтожлик, зарурлик тушунилади.

“Эҳтиёж” тушунчаси амалиётда ва илмий назарияда бир қатор терминларни яратилишига сабаб бўлганки, уларнинг орасида энг асосийси олинган товар, хизмат, сервис маҳсулининг якуний фойдаланувчиси ҳисобланмиш - истеъмолчидир.

Истеъмолнинг сўнгги этапи билан тўғридан-тўғри боғлиқлик хизмат кўрсатиш соҳасининг моддий ишлаб чиқаришдан фарқини белгилаб беради, яъни кўпгина саноат тармоқлари технологик операцияларнинг дастлабки босқичида иштирок этадилар холос. Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари эса аксинча, мижоз билан, буюртмачи билан юзма-юз учрашади ва шу билан сўнги истеъмол жараёнида иштирок этади.

Шу сабабли истеъмолчига хизмат кўрсатиш жараёнининг ўзида ноиқтисодий – ижтимоий, психологик, маънавий бошланмаларнинг салмоқли потенциали мужассам бўлиб, бу хизмат кўрсатиш жараёни “буюмлардан четланувчан” ҳусусиятга эгалигини билдиради. Хизматларни ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши кўп ҳолатларда хизмат кўрсатиш ходими билан мижоз (буюртмачи, харидор) нинг бевосита алоқада бўлиши жараёнида амалга ошади. Аммо, улар ўртасидаги алоқа ҳатто бир замон ва маконда содир бўлсада, натижа истеъмолчи томонидан рад этилмаган ҳолатдагина амалга ошган ҳисобланади.

Жамиятда инсон эҳтиёжлари ва уларнинг ўзгаришлари (трансформацияси)нинг мавжудлиги икки энг муҳим омил билан аниқланади:

- инсоннинг биотабиий бошланмасини қайта тиклаш зарурати – бу факторнинг амал қилишида бирламчи эҳтиёжлар инсонга хосдир, қайсики улардан аксарияти ўзининг долзарблик даражасига кўра, туғма ва ўзгармасдир. Бирламчи эҳтиёжлар орасида инсоннинг жисмоний мавжудлигини таъминловчи яшаш жойининг ҳафвсизлигини сақлашга, овқатланишга, дам олишга, наслни давом эттиришга ва бошқа шу кабиларга бўлган эҳтиёжларга урғу бериб ўтиш лозим.
- инсоннинг ижтимоий, маънавий-маданий сифатларини ривожлантириш зарурати – инсоннинг ижтимоий муносабатларда субъект сифатида иштирок этишга интилиши ва атрофдаги оламни англашни, ўзининг маънавий ривожланишини ҳоҳлаши, кўнгил очиш истакларининг мавжудлиги жуда катта ҳажмда иккиламчи эҳтиёжларни вужудга келтиради. Моҳиятан ушбу истаклар мосланувчан ва инсон умри давомида ривожланиши, доналаниши ёки сўниб бориши мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳусусиятлар эҳтиёжларнинг ҳосил бўлиши ва сифатига кўра, ниҳоятда турли-туман бўлишлигидан далолат беради. Бир хил талаблар инсон организмида шу қадар чуқур илдиз отган бўладики, унинг бутун умри давомида мунтазам (ҳар куни) қаноатлантирилиши талаб этилади. Шу сабабли уларни инкор қилиб бўлмайди. Булар жисмоний ва физиологик пландаги – ҳаракат, тунги дам олиш, овқатланиш, организмни тиклаш эҳтиёжлардир. Бошқа эҳтиёжларни баъзи ҳоллардагина қаноатлантириш мумкин, аммо улар ҳам кам аҳамиятли эмас. Баъзи эҳтиёжлар бевосита инсоннинг ривожланиш ёши билан боғлиқ вужудга келади – болалик, ўрта ва кекса ёш эҳтиёжлари.

Шунингдек, жамоавий ва индивидуал эҳтиёжлар ҳам фарқланади. Жамоавий эҳтиёжлар одамлар гуруҳлари, аҳоли ва яхлит мамлакатга хос бўлади. Улар ўзларини қаноатлантирилишида алоҳида шароитларни талаб этади. Улардан кўпчилигини бир киши томонидан уддалашнинг имкони йўқ – улар фақат жамоа фаолияти асосида, давлат ва маҳаллий ҳукумат институтлари томонидан бажарилиши мумкиндир. Жамоавий эҳтиёжга мисол сифатида ҳарбий ҳафвсизлик, жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий таъминот кабиларни келтириш мумкин.

Индивидуал эҳтиёжлар жамоавий эҳтиёжлардан буткул ажратилмайди. Улар мазмуни ва кўринишига кўра такрорланмайдиган, шахсий ҳусусиятга эга бўлган, индивид томонидан мустақил танланадиган эҳтиёжлардир.

Ижтмоий ва маданий эҳтиёжлар тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Улар ҳам турли-туман бўлиб, инсонга бутун ҳаёти давомида ҳамроҳлик қилиб боради. Уларнинг спецификаси шундан иборатки, туғма эҳтиёжлардан фарқли ўлароқ улар маданий муҳит томонидан вужудга келтирилади ва шахснинг умумий ривожланганлиги билан боғлиқ бўлади. Қайд этиб ўтилганидек, улардан кўпчилиги майин ҳусусиятга эга ва тезда ўзгариши мумкин.

Шу билан биргаликда ижтимоий-маданий эҳтиёжларнинг маълум қисми масалан, физиологик эҳтиёжлар сингари ҳусусиятларга эга эмас. Бир қисми эса бошқа одамларга қараб ёки ижтимоий муҳитнинг мақсадли таъсири натижасида пайдо бўлади. Айниқса инсон социал ахборотлар, реклама, мода кабилар таъсирида бўлади.

Ташқи таъсир оқибатида вужудга келувчи эҳтиёжлар орасида ҳаммаси ҳам маълум бир инсон учун мажбурий аҳамият касб этмайди. Буни одамнинг ўзи дастлаб билмаслиги, фақат мазкур эҳтиёж қаноатлантирилгандан сўнг уни кераксиз эканлиги тўғрисида ҳулоса қилиши мумкин. Масалан айрим кишилар қиммат нархдаги бирор-бир буюмни харид қилишни узоқ вақт орзу қилиб юради ва уни харид қилгандан сўнг буюм амалда унга жуда ҳам керакли эмас эканлигига иқрор бўладилар.

Хизмат кўрсатиш соҳаси инсониятнинг бирламчи (жисмоний ва физиологик)эҳтиёжлардан бошлаб, то билиш ва маънавий ривожланиш билан боғлиқ мураккаб, кенг спектрдаги эҳтиёжларига жавоб бера олишга қодир. Хизматларнинг кўплаб шакл ва усуллари одамларнинг кунлик эҳтиёжлари: уларнинг яшашини таъминлашга, замонавий технологик талабларга жавоб берадиган, қулай, гигеник ва соғлом ҳаёт тарзига хос маиший шароитларини ташкил қилишга йўналтирилган. Одамларнинг кунлик ҳаёти билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш, кўп ҳолатларда буюм ва товарларнинг мавжудлигини тақозо этадики, уларни моддий хизматлар таркибига киртиш жоиз ҳисобланади. Моддий хизматлар кўрсатилиши жараёнида конкрет ҳаётий ресурслар – энергоресурслар, кундалик эҳтиёж моллари, техника, озиқ овқат маҳсулотлари ва ҳ.к. лар (емирилади, эскиради) ишлатилади.

Замонавий хизмат кўрсатиш ижтимоий-маданий эҳтиёжларнинг юмшоқ таркибини ўзига мақбул йўналишда ўзгаришига таъсир кўрсата оладиган мосланувчан ҳусусиятига эга. Шу туфайли баъзан айрим хизмат ва реклама технологиялари турли-туман хизмат қилиш ҳусусиятлари ҳақида эслатиб туради.

Умуман олганда, хизмат кўрсатиш фаолияти хўжалик доирасида соф тижорат ёки аралаш бошланмаларда ривожлана бориб, муҳим ижтимоий функцияни бажаради. Амалда у моддий ва маънавий бойликларни

ижтимоий амалиётнинг энг муҳим соҳа ва тармоқлари ўртасида қайта тақсимланишида воситачилик механизми ролини бажаради. Хизмат кўрсатиш фаолияти ва хизматлар соҳасининг жамиятдаги асосий ўрни кўп қиррали оммавий эҳтиёжлар ва турли индивидуал талабларни қаноатлантирилишига кўмаклашишида. Жамият талабларини амалга оширишда хизмат кўрсатиш фаолияти ижтимоий ҳафвсизликни мустаҳкамлайди, замонавий ишлаб чиқариш жамоларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшади, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилади. Индивидуал талабларни қондириш баробарида хизмат кўрсатиш ҳар бир кишининг меҳнати, маиший ҳаёти ва дам олишини ташкил этишни таъминлайди, унинг жамоат ва оилавий-дўстона алоқларини мустаққамлайди, инсоннинг қобилиятларини ривожлантириш ва амалга оширишга кўмаклашади.

**T.U.Barakayev –** TMI, MM-74 “IQ” guruh talabasi,
**O‘.Abdullayev** – TMI dotsenti, ilmiy rahbar

## INNOVATSION IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA XORIJ TAJRIBASI VA UNI O‘ZBEKISTONDA QO‘LLASH ISTIQBOLLARI

***“Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g‘oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi.”***[1]

Hozirgi kun dunyo iqtisodiyotini innovatsion yangiliklarsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Ayni paytda jamiyat hayotida innovatsion soha shu darajada jadal rivojlanmoqdaki, iqtisodiyotda innovatsiyalarning ulushi kundan kunga oshib bormoqda va buning natijasida innovatsiya xuddi foydali qazilmalar, ishlab chiqarish quvvatlari va inteluktual salohiyat kabi mamlakatning asosiy boyligiga aylanib bormoqda. Shunday ekan dunyo bozorida mustahkam o‘rin egallashni xohlaydigan har qanday mamlakat innovatsion faoliyatning rivojlanishiga e’tibor qaratishi lozim. Buni biz rivojlangan mamlakatlar tajribasida yaqqol ko‘rishimiz mumkin. Masalan Yaponiya, Amerika, Germaniya kabi mamlakatlar shular jumlasidandir. “Forbes jurnalining ma’lumotiga ko‘ra dunyodagi eng yuqori darajadagi innovatsion kompaniyalarning deyarli 10%i Yaponiyada joylashgan ekan. Dunyoni o‘zgartira olgan eng katta ixtirolarning ko‘pchiligi aynan Yaponiyada yaratilgan. Masalan cho‘ntak kalkulyatori(1970), android robotlar(2003), ekspres poyezdlari(1964) va boshqalar”.[2]

Endi Germaniyaga to‘xtaladigan bo‘lsak, «National Geographic» Germaniyani «Yevropaning eng kuchli iqtisodiy va industrial kuchi» deb

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 22.12.2017
[2] https://www.weforum.org

ta'riflaydi, chunki Germaniya tadqiqot, texnologiya va ilm-fanni rivojlantirishga juda ko‘p kuch va vaqt sarflaydi. Gete institutining malumotiga ko‘ra,”2016-yilda Germaniya hukumati tomonidan 80 milliard evro ilmiy tadqiqotni rivojlantirishga ajratilgan. Germaniya bu borada AQShdan keyin ikkinchi o‘rinda turadigan yirik global investordir. Germaniya tadqiqot va rivojlanishga katta miqdorda iqtisodiy chiqimlarni bag‘ishlaydigan eng yaxshi o‘n mamlakat ichida. Shuningdek, u yangi innovatsiyalarni yaratish bo‘yicha ham birinchi o‘ntalikda”.[1]

Fransiyada esa kichik biznesni rag‘batlantirishning ta'sirchan davlat tizimi yaratilgan. Yangi kichik korxonalar 2 yil davomida aktsiyadorlik jamiyatlari va mahalliy soliqlar bo‘yicha soliqdan ozod etiladi. Ular uchun daromad solig‘i va daromadning investitsiya qilingan qismi bo‘yicha soliq kamayadi. Frantsiyada, ayniqsa, tashqarida, avloddan avlodga o‘tib, uzoq tarixga ega kichik biznes mavjud. Frantsiyada kichik biznes yangi ish o‘rinlarining taxminan 50% ni tashkil qiladi. Bu iqtisodiyotning va davlatning ijtimoiy siyosatining bebaho hissasi. Haqiqatan ham, Frantsiyaning mehnatga layoqatli aholisining 15 foizigina ishsiz, bu davlatning asosiy muammolaridan biri.

Xitoy innovatsion mamlakatga aylanmoqda. An'anaviy sanoatni to‘liq qayta shakllantiradigan so‘nggi texnologiyalarni taklif etadi. Albatta, radikal o‘zgarishlarning birinchi "qurbonlari" Xitoyning o‘zi edi.

Mamlakatning nisbatan sekin o‘sishi Xitoy kompaniyalari dunyoning qolgan mamlakatlarining tajribasini yaxshiroq o‘rganib chiqdi. Xitoy rivojlanishning barcha bosqichlarida biznesni qo‘llab-quvvatlaydigan ko‘plab ijobiy mamlakatlarga ega bo‘lgan noyob mamlakatdir.

Bulardan shu narsa yaqqol ko‘rinadiki, rivojlangan mamlaktlarda kichik biznes mamlakat iqtisodiyotining taqdirini belgilaydigan asosiy omildir. Xorij amaliyotida innovatsion biznesni moliyalashning asosiy manbalari sifatida venchur fondlari, biznes-farishtalari va akseleratorlar muhim o‘rin tutadi. Ular innovatsion loyihalardan istiqbollilarini saralab, ularga investitsiya kiritadilar. Buning evaziga ular innovatsion firmalarning ma’lum ulushiga ega bo‘ladilar. Agar innovatsion loyiha muvaffaqiyatsizlikka uchrasa, investor sarflagan mablag‘iga kuyadi. Shuning uchun bunday kapital risk kapitali deb ham ataladi. Lekin kam sondagi muvaffaqiyat qozongan loyihalar o‘ta yuqori natijalarni qo‘lga kirita olganligi uchun investorlar ulardan ko‘rgan foydasidan muvaffaqiyatsiz chiqqan loyihalar tufayli yutqizgan mablag‘larini ortig‘i bilan qaytarib olishadi. Muvaffaqiyatli innovatsion kompaniyalarning qiymati yuz minglab marotaba o‘sgani kuzatilgan.

Rivojlanayotgan davlat sifatida O‘zbekistonda ham kichik biznes va tadbirkorlikning rivojlanishi uchun ulkan ishlar amalga oshirilmoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ishonchli himoya qilinishini ta`minlash, ularni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash va jadal rivojlantirish yo‘lidagi to‘siqlarni bartaraf etish borasida amalga oshirilayotgan kompleks chora-tadbirlar “2018-yil davomida 38,1 mingta yangi kichik korxona va mikrofirmalar tashkil qilindi.

[1]https://theculturetrip.com

2018 -yilning yanvar-sentyabrida kichik tadbirkorlik sub'yektlarining soni (har 1000aholiga, birlikda) 13,1 birlikni tashkil qildi.

Tadbirkorlar faoliyatining samaradorligini oshishida innovatsion yangiliklar yaratilishi hamda ularning amaliyotda qo'llanilishi juda ham muhim hisoblanadi. Bu borada ham yurtimizda qator ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, ilmiy-texnika dasturlari doirasida amalga oshirilayotgan ilmiy-texnika loyihalarini moliyalashtirishga yo'naltirilgan 92,4 milliard so'm, innovatsion loyihalarga 15,7 milliard so'm mablag'lar mamlakatimizning ilmiy, ilmiy-texnik salohiyatini yanada rivojlantirishda, iqtisodiyotni modernizatsiya qilish,kichik biznesnirivojlantirishda hamda ishlab chiqarishni texnik va texnologik qayta jihozlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Innovatsiya va innovatsion tadbirkorlikning rivoj topishi uchun moliyaviy jihat eng muhim faktor bo'lganligi sababli hukumatimiz bu narsaga alohida e'tibor qaratmoqda. Innovatsion rivojlanish vazirligi bu sohadagi yetakchi institut sifatida bir qator ishlarni amalga oshirdi va oshirmoqda.2018-yil 24-noyabr kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan "Tadbirkorlik va innovatsiyalar sohasidagi loyihalarni moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"[1] farmon imzolandi. Hujjat xorijiy va mahalliy potensial investorlarning faoliyat yurgizishi uchun qulay sharoit yaratish maqsadida qabul qilindi. Farmonda investitsiya kompaniyalari, venchur fondlari va ular faoliyatini shartnomaga muvofiq boshqarish bilan shug'ullanuvchi boshqaruv kompaniyalarining faoliyat ko'rsatish tartibi belgilab berilgan.

Venchur fondlari 2023-yil 1-yanvarga qadar yagona ijtimoiy to'lovdan tashqari barcha soliq va majburiy to'lovlardan ozod etilgan. Ushbu farmon investitsiya aktivlarini professional tarzda boshqaruv tizimini shakllantirishni, xorijiy investorlarning yurtimizda investitsion loyihalarni amalga oshirish to'g'risida qarorlar qabul qilishini rag'batlantirishni nazarda tutadi.[2]

Aynan ko'p mablag' talab etmaydigan va resurslarning o'sish tezligini kafolatlovchi innovatsion tadbirkorlik subyektlari, iqtisodiyotdagi qayta tuzilishlar bilan bog'liq bo'lgan muammolarni nisbatan tez va ortiqcha sarf-xarajatsiz yechishga, ichki bozorni moliyaviy resurslar chegaralangan sharoitda ham iste'moltovarlari bilan ta'minlashga, jamiyatda o'rta sinf mulkdorlar qatlamini shakllanishiga, nisbatan kam mablag' sarflab, yangi ish o'rinlarini qisqa vaqt ichida yaratishga, innovatsion texnologiyalarni yaratib, amaliyotga joriy etishga, bozorda sof raqobat muhitini shakllantirishga, iqtisodiyotning turli tarmoqlari o'rtasidagi o'zaro aloqani mustahkamlashga, eng asosiysi esa mamlakat yalpi ichki mahsulotining o'sishida rivojlangan mamlakatlar tajribasiga tayangan holda ta'kidlash lozimki, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik hamda unda innovatsion yangiliklarni qo'llash muhim va asosiy omildir.

[1] https://lex.uz
[2] https://soliq.uz

**Ш.А.Султонов** – СамИСИ, “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.н.,
**Б.Йўлдошов** – СамИСИ магистранти

# ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

Сўнгги йилларда тармоқларнинг комплексини бирлаштирадиган “хизматлар соҳаси” деб номланадиган соҳанинг ўсиб бораётган роли, унда содир бўлаётган ижтимоий – иқтисодий ўзгаришларнинг хилма хиллиги мамлакатимиз ва чет эл олимлари диққатини тортиб бормоқда ва улар уни ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

Бутун дунёда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўта муҳим қонуниятларидан бири бўлиб, миллий иқтисодиётдаги иқтисодий ўсиш ва хизматлар ролининг ошиши ўртасидаги ўзаро алоқа ҳисобланади. Бу ўз аксини хизматлар соҳасида фойдаланиладиган моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар хиссасининг ўсишида ўз аксини топмоқда.

Жамият ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши баробарида хизматлар соҳасида ҳам маълум даражада ривожланиш содир бўлади. Ушбу соҳада банд бўлганлар сони, меҳнатнинг техник таъминланганлигининг ошиши, замонавий технологияларнинг жорий этилиши кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида хизматлар соҳасининг роли жуда катта ва долзарб ҳисобланади. Бу авваламбор ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг кундалик ва якка тартибдаги талабдаги товарлар билан тўйиниши, фан-техника тараққиётининг тез ўсиши билан боғлиқ ва у жамият ҳаётидаги янгиланишларга олиб келади. Бунинг барчасини ахборот, молиявий, транспорт, савдо, суғурта ва бошқа хизматлар турларининг мавжудлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек хизматлар товарлар савдосининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Чунки товарни сотиш асосан сотиш вақтидаги ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича хизматлардан ташкил топган ривожланган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларнинг мавжудлигини тақоза этади.

Мамлакатимизда содир бўлаётган замонавий бозор муносабатларининг ривожланиши хизматлар соҳасида сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлаётганлигининг белгисидир. Сўнгги йилларда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ошиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг дунё иқтисодий маконига интеграллашуви даражасига қараб хизматлар импорти ва экспортининг ривожланиши содир бўлади.

Статистик маълумотларга кўра 40 % дан ортиқ чет эл инвестициялари хизматлар соҳасини ривожлантириш учун жалб қилинади ва бу ўз навбатида иқтисодиётнинг ушбу сектори долзарблиги, унга қизиқишини ва унинг ривожланиш истиқболларини тасдиқлайди.

Хизматлар соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий қисмини

ташкил этади. Сўнгги йиллар мобайнида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи айнан шу соҳага тўғри келмоқда. (2018 йил 1 январ холатига кўра ушбу ҳисса 47,3 % ни ташкил этди). Унинг таркибига аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминловчи зарурий шароитларни таъминловчи (моддий ва номоддий тавсифдаги) ва ишлаб чиқариш объектлари фаолиятларини таъминловчи тармоқлар ва корхоналар киради.

Ривожланган давлатларда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 60-70 % ни ташкил этади.[1] Ушбу соҳанинг ривожланиши даражаси, одатда, мамлакат ривожланиш даражасини, унинг иқтисодий салоҳиятини акс эттиради. Иқтисодиётнинг реал секторидаги меҳнат унумдорлигининг юқори даражаси миллий иқтисодиётнинг бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларига катта сонли меҳнат ва моддий ресурсларни ўтказиш имконини беради.

Иқтисодиёт реал секторидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, янги авлод, қийин, юқори технологик маҳсулотларининг яратилиши, хизматлар соҳасининг ўсишига, улар турлари ва хилма хиллигининг ошишига, ушбу соҳанинг техник такомиллашишини таъминлайди. Ўз навбатида хизматлар соҳаси миқёсининг кенгайиши, ҳаммабоблиги, иш сифатининг яхшиланиши, товарларга талабнинг кўпайишига имкон яратади ва шу тариқа ишлаб чиқариш миқёсининг ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг умумий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига эришилади.

Юқори иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлатлар учун иқтисодий ривожланишнинг ўсиши хизматлар соҳасининг кенгайишига замин яратади. Аксинча, камроқ иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мамлакатлар хизматлар соҳасига кўпроқ харажатлар қилишга қодир эмаслар. Бу ерда хизматлар ҳамма вақт оммабоб ва сифатли бўлмайди ва шу сабабли хизматлар соҳасининг кенгайиши ва унинг сифат тавсифларининг яхшиланиши маҳсулотга талабнинг ошиши, иқтисодиёт реал секторининг ривожланиши учун рағбат бўлиб ҳисобланади, яъни тескари алоқалар натижасидир.

Шу сабабли иқтисодий ўсишнинг омили сифатидаги хизматлар соҳасининг роли тўғрисидаги савол пайдо бўлади.

Ушбу савол бўйича ягона нуқтаи назар йўқ. Айрим иқтисодчилар хизматлар соҳасининг ривожланиши юқорида таъкидланган иқтисодиётнинг ривожланиши ва кўрилаётган соҳа ўртасидаги алоқаларга таянган ҳолда иқтисодий ўсишнинг зарурий омили деб ҳисоблашадилар.[2] Қолганлари (асосан ислоҳотлардан олдинги иқтисодий мактаб вакиллари – Кронрод Я.А., Скаржинеский М.И. ва бошқалар) хизматлар соҳасини қисқартириш ҳисобига моддий ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтиришнинг фойдалилиги тўғрисидаги таклифни қўллаб қувватлашадилар: моддий неъматларни ишлаб чиқаришда меҳнат ресурслари қанча кўп банд бўлса, жамият шунчалик кўп наф кўради.[31] Бундай нуқтаи назардпн хизматлар

[1] Дойль П. Маркетинг, орентированный стоимость (пер. с англ.) – СПб,: Питер,2001
[2] Котлер Ф Основы маркетинга. – М,: Прогресс, 1993
[3] Егорова Н.Е., Майн Е.Р. Малый бизнес в россии : экономический анализ и моделирование. – м, : ЦЭМИ

соҳасини қолдиқ тамойили бўйича молиялаштириш оқибатлари сифатида намоён бўлади.

Хизматлар соҳаси, ривожининг ортда қолиш кўпчилик даражада ҳам дастлабки назарий ёндошишлар (хизматлар соҳаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида бўйсуниш аҳамиятига эга бўлади деб ҳисобланган), шунингдек ноишлаб чиқариш фоалиятини ишлаб чиқаришга қараганда устувор бўлмаган фаолият турига кирувчи ўзбек минталитети сабаб бўлади деган фикрни айтсак муболаға бўлмайди.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида барча амалга оширилаётган ишлардан ташқари қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олиш мақсадга мувофиқ:

- Реал сектор корхоналари фаолиятлари натижалари маҳсулотни яратишда эмас, балки хизматларни тақдим этишда акс эттирилади.
- ушбу соҳада меҳнатни тадбиқ этиш объекти бўлиб, моддий субстанция эмас, балки бевосита инсон ҳисобланади.
- хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи иқтисодий структуралар фаолиятларининг натижалари фақат уларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида содир бўлади ва уни на ишлаб чиқаришдан, на истеъмолчидан ажратиш имкони бўлмайди.
- хизматлар соҳаси аҳолидан ёки реал сектордан ажралган ҳолда мавжуд бўлаолмайди. Тескариси, унинг самарадорлиги, бевосита унинг ижтимоий хаётнинг ишлаб чиқариш ижтимоий соҳалари билан интеграциялашуви жараёнлари билан боғлиқ бўлади.
- ушбу соҳада тақдим этилаётган маҳсулотлар (хизматлар) кўпчилик турларининг хусусиятлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: 1) комплекс тавсиф ( эҳтиёжларнинг навбатма навбат қондирилиши); 2) нисбатан кучсиз уларнинг ўзаро бир бирларини алмаштиришидаги ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро бир бирларини тўлдиришлари (хизматлар пакети).

Ўзининг мохиятига кўра хизматлар соҳаси – зарурий бозор инфратузилмасининг бир қисмидир усиз нормал ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш имкони бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, хизматлар соҳаси тушунчаси билан атамали фарқланиш боғлиқдир. Биринчидан, бир қатор атамалар мавжуд: хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатиш соҳаси, ноишлаб чиқариш соҳаси, номоддий ишлаб чиқариш соҳаси. Олимларнинг бир қисми, бу бир иқтисодий объектнинг турли номланиши (яъни синонимлар деб ҳисоблашадилар, бошқалари улар ўртасидаги фарқларни чиқаришадилар. Иккинчидан, ушбу соҳага қайсиларни киртиш мумкин, қайсиларни киритиш мумкин эмаслиги тўғрисида турли нуқтаи назарлар мавжуд.[2]

---

РАН, 1997

[1] Кронрод Я. А. Социалистическое воспроизводство. М., Госполитиздат, 1995

[2] Дремина Г.А., Лисовская Н.М. Сфера услуг в новых условиях налогооблажения.// Омский научный вестник. – Омск, 2001, вып. 12.

Масалан, иқтисодиётимизнинг комплекс ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига, моддий ва номоддий соҳаларга бўлиш мавжуд, қайрда ушбу соҳалар ўртасида чегара ўтади ва уни иқтисодий ҳақиқатларда қандай акс эттириш лозим – XX –асрнинг 60 – 80 йилларидаги олимлар ўртасидаги мунозараларнинг асосини ташкил этган. Илмий мушоҳадалар чоғида эътибор марказида транспорт ва алоқа каби тармоқлар бўлди ва улар бир ёки бошқа тавсифли гурухларга тушиб қолдилар ҳаттоки "бўлиндилар" (жумладан енгил транспорт хизматлар соҳасига, юк транспорти – ишлаб чиқариш соҳасига)[1].

Алоҳида иқтисодчилар гурухи жами реал сектор комплексини уч фаолият турига бўлишадилар:

- ишлаб чиқариш соҳаси;
- хизматлар соҳаси ( яъни номоддий ишлаб чиқариш);
- ноишлаб чиқариш соҳаси (қўриқлаш фаолияти, фан, бошқарув ва ҳоказолар)[2].

Бугунги кунда иқтисодий тизимнинг таркибий қисми сифатида хизматлар соҳаси – замонавий бозор муносабатларига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш тавсифига эга бўлиб бормоқда.

**N.Parpiyava** – TMI katta o‘qituvchisi, ilmiy rahbar.
**M.Qambarov** – TMI talabasi

## INNOVATSION IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRSH SHAROITIDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINING SAMARADORLIGINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI

Jahon iqtisodiyotining globallashuvi sharoitida O‘zbekistonning innovatsion faoliyati davlat tomonidan samarali va izchil amalga oshirilayotgan makroiqtisodiy va faol investitsiya siyosati, rivojlangan xorij tajribasi hamda investitsion muhitni yanada jozibadorligini oshirish mexanizmlariga bog‘liq bo‘lib, keng ko‘lamda o‘rganilishi zarur dolzarb ilmiy va amaliy muammolardan biri hisoblanadi.Ayni shunday muammolarga barham berish va O‘zbekistonning investitsion salohiyatini rivojlantirish maqsadida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2019- yil uchun "Faol investitsiyalar va innovatsion rivojlanish" yili deb nom berildi va bu yil uchun davlat dasturi ishlab chiqildi. Davlat dasturida rivojlangan horij tajribalarini O‘zbekiston sharoitiga qo‘llash shuningdek rivojlangan davlatlar bilan o‘zaro aloqalarni va hamkorlikni kuchaytirish masalalari mavjud hisoblanadi. Chunki jahon iqtisodiyotining globallashuvi va raqobat muhitini kuchayib borishi, jahon bozorida mahsulotlar

[1] Кулибанова В. В Маркетинг: сервисная деятельность. – СПб, : Питер 2000.
[2] Дибиргаджиев В. М., Даудова З.И., Мудунов А. С. Болбшие проблемы малых предприятий. Вопросы структуризации экономики, Дагистанский научный центр РАН., г Махачкала: №1 1999

hayotiylik davrini keskin qisqarishiga, bozor kon'yunkturasi va iste'molchilar ehtiyojlarini tez o'zgarishiga olib keldi. Natijada har bir xo'jalik yurituvchi sub'ektdan raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini ishlab chiqishni hayotiy zaruriyatga aylantirmoqda. Bu esa, mamlakatning innovatsion faoliyatini rivojlantirish va uni samarali boshqarishni talab etmoqda.

O'zbekiston Respublikasida faoliyat ko'rsatayotgan turli mulkchilik shaklidagi sub'ektlarning innovatsion faoliyati birinchidan, amaliyotga yangi, takomillashgan ishlab chiqarishni joriy etish, ikkinchidan, mahsulot ishlab chiqarish xarajatlarining barcha turlarini qisqartirish, uchinchidan, ekologik jihatdan barcha me'yorlarga to'la javob beradigan hamda ishlab chiqariladigan mahsulotlar narxlarini pasaytirishda ularning iste'mol va sifat xususiyatlarini doimiy ravishda oshirib borishni talab etadi.

XX asrning o'rtalarida keng ko'lamda rivoj topgan ilmiy-texnik inqilob mulkdorlar, tadbirkorlar hamda iqtisodchilar e'tiborini ishlab chiqarishda ro'y berayotgan turli texnologik o'zgarishlarga tortdi. Shunday o'zgarishlarni ilmiy sohada "innovatsiya" atamasi bilan atay boshlandi. Natijada hozirgi davrga kelib "innovatsiya" tushunchasi biron-bir turdagi faoliyatni tarkibiy jihatdan yangilash, tubdan o'zgartirish, xo'jalik faoliyati sub'ektlari tomonidan ilmiy-texnik, tashkiliy, boshqaruv va boshqa yangiliklarning yaratilishi, tarqatilishi hamda joriy etilishini ifoda etadi.

O'zbekistonda amalga oshirilayotgan iqtisodiyotni modernizatsiyalash borasidagi sa'y-harakatlarning yanada kuchaytirilishi ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohasida innovatsion jarayonlar uzluksizligini ta'minlash va ko'lamini oshirish bilan tavsiflanadi. Bu esa ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish korxonalari samaradorligi bevosita fan yutuqlariga asoslangan ishlanmalar, ixtiro hamda loyihalar, ilm-fan sig'imi yuqori bo'lgan mahsulotlar ishlab chiqarishni joriy qilish bilan belgilanadi.

Mamlakatimiz korxonalarida innovatsion jarayonlarni yanada rivojlantirishga taalluqli muammolarni o'rganish shuni ko'rsatmoqdaki, innovatsion faoliyatni samaradorligi birinchi navbatda mamlakatda innovatsion muhitni yaxshilashga qaratilgan qonunlar doirasida yagona huquqiy normalar tizimini shakllantiradigan institutsional asoslarni ishlab chiqish darajasiga bog'liq ekanligini ko'rsatmoqda. SHu bilan birga, mamlakatimiz innovatsion faoliyatni rivojlantirishda "Iqtisodiy hamkorlik va rivojlantirish tashkiloti" (IHRT) tomonidan ishlab chiqilgan innovatsiyalarni boshqarish bo'yicha xalqaro standartlar va uslubiy tavsiyalarni chuqur o'rganish zarur. Bularga 1995 yilda IHRT tomonidan qabul qilingan "Ilmiy va ilmiy-texnikaviy sohada band mehnat resurslarini aniqlash" (Manual On The Measurement Of Human Resources Devoted To S&T - Canberra Manual), 1997 yilda qabul qilingan "Milliy innovatsiya tizimi" (National Innovation System), 2002 yildagi "Ilmiy tadqiqot va ishlanmalar bo'yicha hisobot standartlari" (Proposed Standard Practice for Surveys of Research and Experimental Development), "Milliy innovatsiya tizimini o'zgarishi" (Dynamising National Innovation Systems), "Fraskati qo'llanmasi" (The

Frascati Manual) kabi xalqaro standartlar va uslubiy tavsiyalarni ta’kidlashimiz mumkin. Innovatsion jarayon quyidagilarni o‘z tarkibiga olishi lozim.

1.Yangi texnika, texnologik jarayonlar yoki ishlab chiqarishning yangicha bozor ta’minotidan foydalanish;

2. Yangi xususiyatlarga ega bo‘lgan mahsulot joriy qilish.

3.Yangi xomashyodan foydalanish.

4. Ishlab chiqarishni tashkil qilish va uning moddiy-texnikta’minotida o‘zgarishlar qilish.

5.Yangi sotuv bozorlarining paydo bo‘lishi.

Umuman olganda innovatsiya bu iste’mol tovarlarining yangi turlari, yangi ishlab chiqarish va transport vositalari, yangi bozorlar va sanoatda tashkilotlar shaklllarini joriy qilish va foydalanish maqsadida o‘zgarishlardir. Innovatsion iqtisodiyotni sakllantirishda uning asosiy tarmoqlarining samaradorligini oshirish uchun mamlakatimizda ko‘plab ishlar amalga oshirilishi lozim hisoblanadi. Jumladan tezkor pochta xizmatining faoliyatini kengaytirish va rivojlantirish bu borada ham innovatsion texnika va texnologiyalardan keng miqyisda foydalanish lozim. Bugungi kunda jahon miqyosida raqobat va iste’molchilar talabining kuchayishi, tarmoqlar ishlab chiqarishdagi diversifikatsiyalashuvva ixtisoslashuvning chuqurlashuvi jarayonlari tasiri ostida kichik biznesning iqtisodiy mohiyati va uning mamlakat iqtisodiyotidagi tutgan o‘rniga nisbatan kengroq yondashuv zarurligini talab etmoqda.

Jahon iqtisodiyoti rivojlanishining hozirgi bosqichi innovatsion jarayonlar uzluksizligini ta’minlash va ko‘lamini oshirish bilan xarakterlanadi. Bunday sharoitda kichik biznes samaradorligi o‘z faoliyatini fan yutuqlariga asoslangan ishlanmalar, sanoatda keng ko‘lamli ilm-fan sig‘imi yuqori bo‘lgan mahsulotlar ishlab chiqarishni joriy qilish shuningdek ilmiy ixtiro natijalarini tijoratlashtirishga yo‘naltirilgani bilan belgilanadi. Ushbu omillar iqtisodiyotda innovatsion tadbirkorlikning shakllanishiga asos bo‘ladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, jahon va mamlakat miqyosidagi raqobatning kuchayishi asosiy omillardan biri bo‘lib xizmat qiladi. Innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirshning tashkiliy iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish quyidagi yo‘nalishlarda amalga oshirilishi lozim. Birinchidan, innovatsion tadbirkorlikni qo‘llab quvvatlash.

-mamlakatda industrial–innovatsion yo‘naltirligan va moslashuvchan ishlab chiqarishga ixtisoslashgan xo‘jalik yuritishning yangi modelini shakllantirish;

- innovatsion tadbirkorlik vakillaridan tashkil topgan respublika va hududlarda uyushmalar, biznes markazlar, xalqaro tadbirkorlik uyushmalarini tashkil qilish;

-innovatsion menejment bo‘yicha maxsus kurslarni tashkil qilish va ushbu yo‘nalish bopyicha mutaxasislar malakasini doimiy oshirib borish, shuningdek o‘quv, ilmiy, uslubiy, ma’lumot adabiyotlarini kengaytirish va innovatsion faoliyatni boshqarish masalalari bo‘yicha dasturlar yaratish.

Ikkinchidan, kichik sanoat korxonalarni innovatsion klasterlar bilan hamkorligini rag‘batlantirish. Ushbu yo‘nalish innovatsion tadbirkorlikni ilmiy

tadqiqot tashkilotlari, yirik sanoat korxonalari, moliyaviy tizimlar va hukumat organlari bilan klaster bo‘g‘inlari doirasida kooperatsiya aloqalarini o‘rnatishi hisoblanadi.

Uchinchidan, innovatsion tadbirkorlik tashqi iqtisodiy faoliyati samaradorligini ta’minlash. Shu jumladan, raqobat barqarorligini ta’minlash, tashqi iqtisodiy tizimda kichik korxonalar manfaatlarini himoya qilish va qo‘llab quvvatlash, ularning eksport salohiyatini oshirish va mamlakat eksport hajmida innovatsion mahsulotlar ulushini oshirish maqsadida kichik korxonalar eksportini davlat tomonidan qo‘llab quvvatlash bo‘yicha kompleks chora tadbirlar ishlab chiqish lozim.

Yuqorida ko‘rsatilgan tartibda innovatsiyalarni milliy iqtisodiyotimizga joriy qilish orqali kelajakda iqtisodiyoti rivojlangan davlatlar qatoriga O‘zbekiston ham qo‘shilish imkonini beradi va istiqbolda haqiqiy innovatsion mega polisga aylana oladi.

**Қ.С.Рахманов –** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДБА “АКТ ва Электрон ҳукумат тизими асослари” кафедраси мудири, т.ф.н,
**Б.Қ.Махманов –** TATU Қарши филиали ассистенти

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда ахборот коммуникация технологияларисиз турмушимизни тасаввур этиш мушкул. Замон шиддат билан ривожланаётган бир вақтда замонавий ахборот коммуникация технологиялари турмушимизга тобора кенгроқ кириб келмоқда. Жумладан, аҳолининг давлат ташкилотларига мурожаатлари сони тобора ортиб бораётганини ҳамда уларни интерактив тарзда тез ҳал этиш, шунингдек, ҳар иккала томоннинг вақтини унумли тежаш мақсадидадавлат хизматларни соддалаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада тараққий топган хорижий давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматларини интерактив шаклда кўрсатишни йўлга қўйиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ягона дарча” марказларини ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3901-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5139-сонли фармонлари алоҳида

аҳамиятга эга ҳамдамиллий ахборот-коммуникация тизимини давлат бошқаруви тизимида “ягона ойна” принципини жорий этиш каби долзарб вазифаларни ўз ичига олган.

Бу тадқиқот ишининг мақсади давлат бошқарувида давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш ва мониторингини юритувчи моделлар, усуллар асосида алгоритмларини ишлаб чиқиш, маълумотларни қайта ишлаш натижасида қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи мониторинг дастурий воситалар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат.

Бу мониторинг тизими Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиаллари учун ишлаб чиқилган. Ушбу тизим фойдаланувчилар учун қулай ва дўстона интерфейсга эга ҳамда замонавий веб-технологиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, тармоқда фойдаланишга мўлжалланган бўлади (1-расм).




**1-расм. Мониторинг тизимининг асосий интерфейси**

Тизимни ишлаб чиқишда PHP YII2 Framework - технологиядан, маълумотлар базасини бошқариш тизими сифатида MySQL дан фойдаланилмоқда. Тизимда ДБА ва худудий филиаллари ўқув жараёни мониторингини юритиш асосий вазифаларидан бири ҳисобланса да, шу жумладан реал вақтдаги статистик очиқ маълумотлар ҳам тақдим этилиб борилади.

Бу тизимда реал вақтдаги ҳар бир худудий филиал хақида қуйидаги очиқ маълумотларни тақдим этади (2-расм):

- Филиал ташкил этилиши ва фаолияти ҳақида маълумотлар;




**2-расм. Ҳар бир худудий филиалнинг очиқ маълумотлар контингенти**

- Филиал манзил маълумотлари;
- Филиал маъмурияти;
- Филиал ташқилий тузилмаси;
- Филиалга тингловчиликка қабул қилиш режаси контенгенти;
- Филиалда мавжуд тингловчилар ҳақида турли кесимда статистик маълумотлар;
- Филиалда ўқув жараёни фаолияти мониторинги;
- Тингловчилар учун гуруҳ буйича реал вақтдаги ҳафталик дарс жадвали режаси.

Бу маълумотлар ҳар доим янгиланиб аниқ маълумотлар асосида шакллантирилади. Тизимда ҳар бир фойдаланувчи учун ўзининг шахсий профили мавжуд булиб, унга ўзининг махсус фойдаланувчи номи ва калит сўзи орқали тизимга ташриф қиладилар (3-расм).

Фойдаланувчилар тизимдан фойдаланиш вазифаларига қараб қуйидаги ролларга тақсимланади:

- Тизим администратори;
- Давлат бошқарув академияси ва худудий филиал маъмурияти;
- Давлат бошқарув академияси ва худудий филиал ўқув бўлими маъсули;
- Кафедра мудири;
- Ўқитувчи;
- Тингловчи.

Хар бир фойдаланувчи шахсий профиллари ўзининг функционал вазифасига қараб турлича қулай ва дўстона интерфейсда шаклланади.

Масалан Давлат бошқарув академияси ва худудий филиал ўқув бўлими маъсули шахсий профилини асосий хусусиятларини келтириб ўтамиз:




**3-расм. Тизимга кириш интерфейси**

- Профил маълумотларини кўриш ва ўзгартириш (масалан паролни ўзгартириш);
- тингловчиликка қабул қилиш режаси контингентини шакллантириш ва мониторингини юритиш;
- Ўқув гуруҳларини ўқув йили кесимида шакллантириш;
- Ўқитувчилар кантингентини кафедра кесимида шакллантириш;
- Тингловчилар контингнетини гуруҳ кесимида шакллантириш;
- Тингловчилар объективкасини шакллантириш;
- Ўқув режа асосида фан маълумотлари шакллантириш;
- Ҳафталик дарс жадвалини гуруҳ кесимида шакллантириш ва назоратини юритиш;
- Электрон журнал тизимини юритилишини назорат қилиш;
- Турли кесимда ҳисоботларни шакллантириш ва MS Office пакетига юклаш;
- Турли фойдаланувчилар ўртасида хабарлар алмашинувини таъминлаш.
- Таркибий тузилмасидаги тизим фойданувчиларни бошқариш.




**4-расм. Ҳудудий филиали шахсий профили интерфейси**

Дастурий таъминотда бажарадиган ишлари ва маълум бир фаолиятни амалга оширишда зарур ваколатларини амалга ошириш учун роллар аниқ қилиб ишлаб чиқилган бўлиб бу билан эса маълумотларнинг ахборот хавфсизлиги таъминлаган. Ахборот хавфсизлигида рол сиёсати бошқа қатъий ва расмий сиёсатлардан фарқли ўлароқ реал ҳаётга жуда яқин. Ҳақиқатан, тизимда ишловчи фойдаланувчилар шахсий исмидан ҳаракат қилмай, маълум хизмат вазифаларни амалга оширади, яъни ўзларининг шахси билан боғлиқ бўлмаган қандайдир ролларни бажаради.

**Хулоса.** Ушбу автоматлашган тизим АКТ дан самарали фойдаланган ҳолда мониторинг ишлари фаолиятини юритишга хизмат қилади.Бу тизим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари, унинг ҳудудий филиаллари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари фаолиятини мониторингини юритувчи тизим сифатида ҳизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Рахманов Қ.С., Махманов О.Қ., Махманов Б.Қ. Олийтаълиммуассасасига онлайн қабулинтерактивтизими. // Республиканской научно-технической конференции «Современное состояние и перспективы применения информационных технологий в управлении» , Ташкент, 7-8 сентября 2015 г., стр. 434-439.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3901-сон қарори. ҚҲММБ: 09/18/3901/1620-сон. 07.08.2018 й.



**Д.Д.Рустамов –** Слушатель Академии Государственного Управления при Президенте Республики Узбекистан


## РАЗВИТИЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Государственно-частное партнерство (ГЧП) как система особых отношений государства и бизнеса в реализации проектов по созданию общественных благ активно используется в рамках государственной политики по модернизации инфраструктуры и созданию новых источников экономического роста экономики.

ГЧП – это равноправное и взаимовыгодное сотрудничество государства и частного бизнеса. Государство увеличивает объемы производства товаров и услуг, экономит бюджетные средства, может выбрать наиболее эффективный способ обеспечения потребителей и реализует проекты, которые не смогло бы осилить без частных инвестиций[1].

[1] Ткаченко И.Н. Государственно-частное партнерство. – М.: Издательство Юрайт, 2018. С 11-20.

В результате синергетического эффекта возникают положительные экстерналии для экономики (сокращение нагрузки на государственный бюджет, повышение прозрачности государственных расходов на содержание объектов ГЧП, быстрое внедрение новых технологий, четкая ориентация услуг на нужды потребителей, стимулирование развития банковского сектора и фондового рынка, развитие малого и среднего бизнеса и др.), что актуализирует целесообразность поэтапного внедрения и использования данного механизма.

Мировой лидер по внедрению ГЧП — Великобритания, где за последние 20 лет реализовано более 600 крупных проектов. Активно ГЧП применяется в США, Австралии, Германии, Франции, Китае, Индии, Бразилии, Италии. На территории пространства СНГ система ГЧП тоже активно поддерживается государственными ведомствами, ведется системная работа по организации правового поля ГЧП в таких странах, как Россия и Казахстан.

Современная мировая практика выделяет три формы сотрудничества государства и бизнеса: традиционная (совместное использование ресурсов на основе партнерства), инвестиционная (совместное инвестирование в развитие инфраструктуры) и научно-образовательная (сотрудничество в области инноваций).

Несмотря на принимаемые в Узбекистане меры по либерализации экономики и проводимые институциональные реформы по улучшению инвестиционного климата, росту количества иностранных и отечественных инвесторов, механизм ГЧП в стране находится в начальном уровне развития. Постановлением Президента Республики Узбекистан «О первоочередных мерах по созданию правовой и институциональной базы развития государственно-частного партнерства», создано Агентство по развитию ГЧП при Министерстве финансов Республики Узбекистан и определены основные задачи Агентства. Но на сегодняшний день отсутствует комплексная правовая основа, определяющая принципы и сущность функционирования ГЧП. Во многих странах, в том числе в СНГ, ГЧП регулируется специальным законом. В Узбекистане проект закона «О государственно-частном партнерстве» пока разрабатывается. Нормативно-правовой базой для ГЧП в настоящий момент следует считать законодательство о концессиях, соглашениях о разделе продукции, приватизации, естественных монополиях, конкуренции и привлечении иностранных инвестиций.

Проведенный анализ текущей правовой базы ГЧП показывает, что она не отвечает общепринятым международным признакам и свойствам ГЧП. К примеру, в Законе «О концессиях», принятом в 1995 г., понятие «концессия» трактуется следующим образом: «Концессия представляет собой разрешение, выдаваемое от имени государства иностранному инвестору на осуществление определённого вида хозяйственной деятельности, связанной с предоставлением ему имущества, участков земли и недр на

основе заключения концессионного договора»[1]. В Законе объектами концессий определены отдельные виды хозяйственной деятельности, не запрещенные законодательством Республики Узбекистан, связанные с предоставлением иностранному инвестору имущества, участков земли и недр. Концессионный договор заключается на срок до 15 лет.

Следует отметить, что Закон «О концессиях» требует доработки по следующим причинам. Во-первых, круг концессионеров ограничен только иностранными инвестициями, что исключает национальный бизнес из участия в потенциальных проектах ГЧП. Как показывает опыт зарубежных стран, миф о том, что ГЧП реализуется исключительно крупным бизнесом, ошибочен. К примеру, исходя из опыта зарубежных стран, малый и средний бизнес активно вовлечен в проекты строительства детских садов, школ, поликлиник, котельных ТЦ и в крупные проекты в качестве основных субподрядчиков. Во-вторых, Закон ограничивает продолжительность концессионного соглашения сроком на 15 лет, тогда как на практике общепринятый срок до 50 лет, что сдерживает заключение соглашений по крупным объектам с продолжительным сроком окупаемости. В-третьих, Закон жестко связывает предмет концессии с материальными активами (имущество, земельные участки и недра), тогда как современный взгляд на концессию предполагает предоставление бизнесу со стороны государства иных прав на ведение хозяйственной деятельности. Также Закон не гармонизирован с другими законодательными актами и нормами по методу государственной поддержки, методов формирования тарифов на услуги концессионера и др.

Рассмотрим практику применения форм ГЧП в нашей стране и его достигнутый потенциал. Данный механизм уже внедрятся в сферах дошкольного и среднего образование, в здравоохранения. Например, принято постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему стимулированию и развитию системы дошкольного образования». Это первый нормативно-правовой акт, регулирующий отношения ГЧП в Узбекистане. Один факт: 2018 года 19 июня по республике было 6029 дошкольных образовательных учреждениях (ДОУ), к 21 июня их уже стало 6154. Это увеличение стало возможным за счет развития частного сектора.

Еще одной наиболее популярной формой ГЧП, широко применяемой в Узбекистане, является соглашение о разделе продукции (СРП) на базе Закона «О соглашениях о разделе продукции» от 7 декабря 2001 г. Данная форма ГЧП показала свою эффективность в привлечении иностранных инвестиций в разработку месторождений минеральных ресурсов страны. В настоящий момент СРП заключены с такими компаниями, как Лукойл и Газпром (Россия), PETRONAS (Малайзия), Kossor Operating Company (Вьетнам), CNPC (Китай), KNOC и KOGAS (Южная Корея) и др.

Если вышеописанные формы ГЧП были направлены на промышленный

[1] Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 52, ст. 513; 2017 г., № 37, ст. 978

сектор, то в инфраструктурной сфере преобладали такие формы, как совместное предприятие, участие в капитале Акционерного общества и государственные контракты с инвестиционными обязательствами частного сектора. По данным консультационного центра по государственно-частным инфраструктурным проектам Всемирного Банка (PPIAF), с 1990 по 2012 г. инициировано 11 инфраструктурных проектов на общую сумму 3,238 млрд долл. США [1]. Основная доля инвестиций приходится на телекоммуникационный сектор, где реализовано 7 проектов на сумму 3,213 млрд долл. США. Один проект реализован в сфере железнодорожной инфраструктуры, один — в сфере водоснабжения, другие два проекта были впоследствии остановлены. Отметим, что база данных PPIAF регистрирует только крупномасштабные проекты ГЧП. В Узбекистане достаточно много примеров привлечения частного сектора в инфраструктуру на микроуровне, преимущественно в сфере ЖКХ, и единичных случаях — в сфере электроэнергетики.

Приведенные примеры свидетельствуют о жизнеспособности идеи ГЧП в условиях Узбекистана, и, вместе с тем, о наличии серьезных препятствий полноценному использованию потенциала ГЧП. Текущие масштабы частных капиталовложений в проекты ГЧП несопоставимы с величиной «инвестиционного разрыва» в инфраструктуре, который достигает, по разным оценкам, нескольких процентов ВВП. К серьезным препятствиям полноценного использования потенциала ГЧП следует отнести следующие:

1. Слабая правовая база. ГЧП требует формирования специальной базы и ее гармонизации с другими нормативно-правовыми документами;

2. Отсутствие на государственном уровне программы по развитию ГЧП в Узбекистане. Для привлечения государственного интереса и активизации политической воли необходима активная научно-практическая работа в сфере ГЧП на уровне ведущих экспертных площадок Республики Узбекистан (Торгово-промышленная палата, Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, ведущие экономические вузы) в рамках продвижения системы ГЧП по модели «снизу-вверх»;

3. Наличие менее благоприятных условий институционального и экономического характера для развития ГЧП. Основными из них являются, высокий уровень транзакционных издержек внешнеэкономической деятельности (тарифные и нетарифные барьеры), ограниченная капитальная и ресурсная база отечественных банков, низкий уровень монетизации экономики и значительное государственное влияние на принятие решений хозяйствующими субъектами (фактор коррупции).

4. Не хватает квалифицированных специалистов в области ГЧП. Важно повышать квалификацию госслужащих в области ГЧП для эффективного функционирования данного механизма.

[1] Annual Report 2012, Public-Private Infrastructure Advisory Facility (PPIAF)

На наш взгляд, на данном этапе в целях преодоления указанных препятствий необходимо на государственном уровне принятие всесторонней программы развития ГЧП в Узбекистане, обратив особое внимание на:

- комплексное видение и стратегические задачи по развитию ГЧП в разрезе отраслей экономики и социальной сферы;
- подготовку специалистов по разработке, реализации и сопровождению проектов ГЧП;
- установление сотрудничества с международными финансовыми институтами, странами-донорами, компаниями и банками в целях привлечения иностранных инвестиций в развитие ГЧП.

## ЛИТЕРАТУРА


1. Закон «О концессиях». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 52, ст. 513; 2017 г., № 37, ст. 978
2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 20 октября 2018г. «О первоочередных мерах по созданию правовой и институциональной базы развития государственно-частного партнерства»;
3. Акобиров С.О. Теоретико-методологические основы механизма государственно-частного партнерства // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета. 2015. № 5 (95). С. 98-102.
4. Ткаченко И.Н. Государственно-частное партнерство. – М.: Издательство Юрайт, 2018. — 188 с
5. Annual Report 2012, Public-Private Infrastructure Advisory Facility (PPIAF);



**Ш.А.Султонов** – СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.н.,
**А.Рахматов** – СамИСИ магистранти,
**Ж.Хайдаров**– СамИСИ магистранти


## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модерниза-

ция қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди[1]. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаш-тиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда минтақада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш Харакат дастурининг энг аҳамиятли вазифалари қаторидан ўрин олган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакатда рақобатчиликнинг зарур муҳитини ҳосил қилиб, бозор шароитидаги кўпгина ўзгаришларга тезда мослаша олади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида янгидан-янги қўшимча иш ўринларини яратади ва мамлакатда ижтимоий муҳитни таъминлаш учун ўрта синфни шакллантириш манбаи ҳисобланади.

Биринчидан, у бозор иқтисодиётининг зарур шароитларига тезда мослашиб, чуқур ихтисослашув ва кооперациялашуви натижасида унинг юқори самарадорлигини таъминлайди. Иккинчидан, у бозордаги талаб ва таклиф мутаносиблигини ҳисобга олиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва хизматларни бозорга тезда етказа олиш имкониятлари юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. Учинчидан, рақобатчилик муҳитини яратиш орқали истеъмолчилар учун арзон ва сифатли товар ва хизматлар таклиф қилади. Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти усиз мавжуд бўлмайдиган тадбиркорлик муҳити ва руҳини яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кучли рақобатчилик муҳити шароитида улар доим ривожланишга мажбур бўлишади ва бозорнинг жорий шартларига мослашишларига тўғри келади, бошқа тадбиркорлик субъектларидан устун бўлишлари уларнинг фойда миқдорларининг ошиш манбаи ҳисобланади. Зеро, бозор иқтисодиёти инсонлар ўзлари истаганларидек ҳаёт кечириши учун барчани тинимсиз ҳаракатда бўлишини талаб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг келгуси ривожини муносиб таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони бутун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қамраб олганлиги билан бир қаторда биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тизимли, танқидий ва комплекс ёндашув зарур

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 февраль 2017 йил.

эканлигини кўрсатиб берди. Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишида келтирилган ҳар бир вазифанинг бажарилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ниҳоятда беқиёсдир. Жумладан, “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган учинчи устувор йўналишда мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қуйидагилар устувор вазифа деб белгиланган:

– миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

– фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, қайта тайёрланаётган, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, курилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чекланишларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалги ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш.

**1-жадвал**

**Қашқадарё вилоят ҳудудида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**

(2019 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

| Кўрсаткичлар | Жами | шу жумладан | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Саноат | Қиш. Хўж | Қурилиш | Савдо | Бошқалар |
| Вилоят бўйича | 21550 | 2560 | 2766 | 2662 | 4918 | 8644 |
| *Шундан:* | | | | | | |
| Кичик бизнес | 16752 | 2506 | 2723 | 2636 | 4890 | 3997 |

Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб тўрибдики, Қашқадарё вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида самарали ва салмоқли ишлар амалга оширилганлигини қуйидаги маълумотлар асосида кўришимиз мумкин. Қашқадарё вилоят ҳудудида жами рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 21550 тадан иборат бўлиб, шундан кичик бизнес 16752 тани ташкил қилган

бўлиб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 64,3 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги "Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПК-3635-сон қарорига ҳамда бошқа қарорларига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини янада ошириш, кредитлаш шартларини соддалаштириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш борасида қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини бажариш йўлида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни кучайтиришга, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар сонини чеклашга, қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликларини беришга, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш механизмларини соддалаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришга ҳамда давлат органлари фаолиятининг аниқлигини оширишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Булардан ташқари, субъектни рўйхатдан ўтказиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланишга лицензия бериш, қурилишга рухсатномалар олиш, электр таъминоти тармоқларига уланиш чоғида "Давлат хизматлар маркази" қоидаси кенг миқёсда жорий этилмоқда. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб эса барча юридик шахслар статистик ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этишмоқда.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида барча амалга оширилаётган ишлардан ташқари бизнинг фикримизча қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олиш мақсадга мувофиқ:

– тадбиркорларга берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш жараёнида сунъий тўсиқлар пайдо бўлмаслигини қаттиқ назоратга олиш;

– тадбиркорларнинг инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат ички кредит линиялари, балки ташқи кредит линияларидан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш;

– қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг тадбиркорлик билан шуғулланиш борасидаги фикрларини жонлантириш;

– тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредит олишни кафолат фондлари орқали кафолатлашни жорий қилиш;

– тижорат банкларининг бизнесни модернизациялаш учун ажратаётган кредит ставкаларини янада камайтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг равнақ топишидан нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти, балки унинг ҳар бир фуқароси манфаатдор экан, юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгроқ ривожланишига сабабчи бўлади.

**Ш.С.Жалилова** – СамДАҚИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси,
**С.Т.Ишмуродова** – СамДАҚИ, 301-Х.С гуруҳ талабаси

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Иқтисодиётимизнинг ажралмас бўғинларидан бири бу хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Иқтисодиётда инновацияларни айнан хизмат кўрсатиш соҳасида юксак натижаларни беради. Барчамизга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикамизнинг хозирги даврдаги бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёти ўз вақтида Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилди.

- Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;
- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари;
- Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари;
- Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;
- Хавфсизлик, миллатлар аро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш хамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат сохасидаги устувор йўналишлар.

Бундан ташқари давлатимиз раҳбари аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Янги ва айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган махсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширишни, шунингдек истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди. Иновацияларни хизмат кўрсатиш сохаларига қўлланилиши мамлакатларимизни жадал суратга ошишига сабаб бўлади.

Шундай экан, хизматлар соҳаси хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик йўли билан ривожланадиган соҳасидир. Унинг аҳамияти

энг аввало янги иш ўринларини очиш эвазига халқ фаровонлигини оширишга хизмат турларини кўпайтириш орқали мамлакат хизмат бозорини тўлдиришга катта даромад олиш эвазига унинг бир қисмини солиқ тариқасида тўлаш йўли билан давлат бюджетини даромадини кўпайтиришга олиб келиши билан белгиланади. Бундай муҳим чора тадбирларни амалга ошириш учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва бу соҳани узлуксиз такомиллаштириш лозим бўлади.

Умуман олганда, жорий йил бошидан мамлакатимизда ижтимоий- иқтисодий соҳаларнинг ривожланишида асосий ўринда хизмат кўрсатишни алоҳида такидлаш лозим бўлади. Соҳани ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан кенг миқёсда фойдаланиш соҳосида ўсиш самарадорлигини ва барқарор ривожланишини таъминлайди. Бу соҳани янада тараққий топишида ва ривожланишида замин яратиб берган дебочани эслатиб ўтишимиз керак бўлади. Биринчи Призидентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий юқори технологик бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониниятларини кенгайтириш, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишни таъминлаш мақсадида” 2013-2016 йилларда “Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан кўпгина чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1997 сонли қарорини қабул қилиниши соҳанинг кейинги истиқболига замин яратиб берди. Соҳани ривожлантириш истиқболда янада кенгайтириш мақсадида хозирги мамлакат Призидентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ҳам бир қатор қарор ва фармонлар “2017-2021 йилларда ичимлик суви ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда моденизация қилиш дастуритўғрисидаги” ПК-2910,18 сонли Қарори:

-уй-жой комунал хизмат кўрсатиш тизимни бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ПФ-5017. 16 сонли .18.04.2017й .

-Ўзбекистон Республикаси уй-жой комунал хизмат кўсатиш Вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ПК-2900.17 сонли .18.04.2017 йил соҳани жадал ривожлантиришга янада улкан имкониятлар очиб беради.

2017-2018 йилда маиший хизмат кўрсатиш хажми 25.6 фоизга ўсди уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 56 фоиздан 77.8 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоизидан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Бу борада хизмат кўрсатиш соҳаси таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганлигини таъкидлаш жоиз.

Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги

йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан жадал ривожланаётганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Ушбу хизматлар ҳажми 2 йил ичида 33,2 баробар , ўтган йилларга нисбатан 38.5 фоизга ўсди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017-2018 йилларда мамлакатни "Харакатлар стратегияси" дастуриниг энг мухим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар махкамасининг мажлисидаги маърузасида бу соҳа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Бугунги кунда мамлакатимизга хорижий инвестицияларни кириб келиши хизматлар соҳасининг мамлакат миқёсидаги ривожига катта хисса қўшиши кутилмоқда. Хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш таркибий янгиланишдаги асосий эътиборни талаб қилинадиган муҳим масала сифатида эътироф этилар экан ушбу йўналишнинг жорий йилда кескин ўсиши, аввало, қурилиш, транспорт, молия-банк, ахборот-комуникация соҳасида, аҳолига тиббий ёрдам, комунал-маиший хизмат кўрсатиш бу соҳа тараққиётининг янада ўсишини англаш қийин эмас.

**М.А.Машарипова –** Урганч давлат университети таянч докторанти

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш,кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамияти ошиб бормоқда.

Бугунги кунда республикамизда "хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш"[1]долзарб масала ҳисобланади.

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган дастурлар ва чора-тадбирлар натижасида ЯИМдаги улуши сезиларли даражада ошди. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 37,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил 47,3 фоизни ташкил этган.[2]

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида энг муҳим шартлардан бири ҳисобла-

[1] "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони, 1-илова, 3.2-банд.
[2] www.stat.uz

нади. Ушбу соҳани улуши ва аҳамияти қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши истеъмол ва инвестицион товарларга бўлган талабнинг ортишига, миллий даромаднинг узлуксиз равишда кўпайишига ва бошқа бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ортиб боришига олиб келади;

– иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ишсизлик ва аҳоли бандлиги, янги иш ўринларини яратиш муаммосини ижобий ҳал этиш учун имкон яратади.

- учинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлиги адолатли равишда аҳоли турмуш сифатини кўтарувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳон тажрибасидан аёнки хизматларнинг етишмаслиги ва сифатининг пастлиги инсон ҳаёт фаолиятига салбий таъсир этиши ва хавфли талафотлар келтириб чиқариши, инсонлар умрининг қисқаришига сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Юқори сифатли турли-туман хизматларнинг мавжудлиги аҳолининг соғлигига ва инсонлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, ишчиларнинг иш унумини, истеъмол харажатларини оширади, бўш вақтни кўпайишига ва аҳолининг кўнгилли дам олишига имконият беради. “.... Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа” [1] ҳисобланади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланишида кичик бизнеснинг ҳиссаси ортиши ҳам сервис ва хизматлар соҳаси тармоқлари ривожида муҳим омиллардан бирига айланди. Бу соҳада кичик корхоналар ва микрофирмалар учун кредитлаш ва имтиёзли солиққа тортиш бизнесни ривожлантириш ва хизматларни кенгайтириш учун рағбат бўлди. Ялпи ички маҳсулот таркибида тадбиркорликнинг ижобий ва юқори бўлиши аввало, тадбиркорлик фаолияти орқали товар ва хизматлар бозорининг янада фаоллашаётганлиги, унинг талаб ва таклиф асосида тартибда солиниши ҳамда бозор механизмининг яхши тузилганлигидадир.

Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг етакчи ўринни эгаллашининг асосий сабаби касаначилик алоқаларининг яхши ривожланиб бораётганлиги, фермер ва деҳқон хўжаликларининг барқарор ривожланаётганлиги кабилардан иборат. Ялпи ички маҳсулот таркибида тадбиркорликнинг улуши қанчалик юқори бўлса, товар ва хизматлар бозори фаолиятининг ривожланишига шунчалик ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда тадбиркорлик шакллари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар товар ва хизматлар бозорида ўзига хос ўринни эгаллаб, чакана савдо айланиш ҳажмидаги ҳиссаси юқори салмоққа эгалиги билан ажралиб туради.

[1] М.М.Муҳаммедов. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала”. Servis jur. №1, 2009.- 47-56 б.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи, республика иқтисодиётининг юқори ижтимоий аҳамиятга эга муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, унинг йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. ҳамда хизматлар соҳасида кичик бизнеснинг улуши 2017 йилда 58,4 фоизни ташкил этди.[1]

Нафақат республикамизда балки вилоятларда ҳам иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш,бандлик муаммосини ҳал этиш , аҳолининг даромадлари ва фаравонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган хизматлар сохасини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш,уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида ҳам ушбу соҳаларни ижобий суръатлар билан ривожланаётганини ижобий баҳолаш мумкин.Жумладан, давлатимиз раҳбари 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразмга ташрифи чоғида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, ижтимоий объектлар барпо этиш ва инфратузилмани яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Шунга мувофиқ, ўтган даврда ҳудудда кўплаб янги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Саноат корхоналари, уй-жойлар, таълим муассасалари, ижтимоий-маданий объектлар қурилди. Яна қатор лойиҳалар бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотларга асосланиб қуйидаги таклифларни кбериш мумкин деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб берилганидек, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартиришга эришиш;

иккинчидан,хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини кучайтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

учинчидан, аҳоли ўртасида талаб юқори бўлган янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;

тўртинчидан, ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасининг улуши ошиб боришига эришиш мақсадида шарт-шароитлар яратиш;

бешинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини кенг ривожлантириш мақсадида мазкур соҳада ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

[1] www.stat.uz

**Б. М.Тореев** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси 2-босқич тингловчиси

# ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЯЛАШУВ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга йўллаган мурожаатномасида бугунги кунда мамлакатимизнинг урбанизация даражаси 35,5% ташкил этишини ва ушбу кўрсаткични 2030 йилга қадар 60% етказиш кераклигини таъкидлаб ўтган эди.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев ўз мурожаатномасида қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш дастурларидан босқичма-босқич шаҳар ва посёлкаларга кўп қаватли уйлар қуришга ўтиш лозимлигини ҳамда ҳудудларда жойлашган шаҳар ва посёлкаларни комплекс ривожлантириш эътибор марказида туриши кераклигини айтган эдилар.[1]

Бундан келиб чиқадики бундан буён Ўзбекистонда фаол урбанизациялашув жараёни кузатилади.

Урбанизация бу жамиятнинг ривожланишида шаҳарларнинг ўрнини, маъданиятини ошириш жараёни, шаҳар аҳолиси сонини қишлоқ жойлардагига нисбатан ошириш ва шаҳарларда шаклланган маъданият намуналарини шаҳарлар ташқарисига ёйишдир.[2]

Урбанизация қишлоқ жойларининг шаҳарларга айлантирилиши, кенг шаҳар атрофи майдонларининг шаклланиши, қишлоқ жойлардан шаҳарларга миграция жараёни орқали юзага келади.

Урбанизация жараёни бутун дунёда жадаллик билан юз бермоқда. 1800 йилда дунё аҳолисининг 3% шаҳарларда яшаган бўлса, бу кўрсаткич XX асрнинг охирига келиб 47% ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси урбанизациялашган сари энг кўп ривожланадиган соҳадир. Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳудудлар кесимида тақсимланишига қарайдиган бўлсак умумий хизматларнинг 32,1% Тошкент шаҳрида кўрсатилганлиги, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бу кўрсаткич 8% ошмаслиги бунинг исботидир. [3]

Шаҳарларда коммунал хизматлар, молиявий хизматлар, таълим хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, меъморчилик ва муҳандислик изланишлари хизматлари, медицина хизматлари, майший хизматлар, яшаш ва овқатланиш хизматлари, транспорт хизматлари, ижара хизматлари, савдо хизматлари ривожланади.

Урбанизациялашув шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида бугинги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга йўллаган мурожаатномаси.
[2] https://ru.wikipedia.org
[3] https://stat.uz/uploads/docs/Xizmatlar-uz-12-2017.pdf

кунда Ўзбекистонда бир қанча муаммолар мавжуд ва тегишли ечимларни талаб қилади. Масалан, шаҳарларда коммунал ҳўжалик соҳаси энг долзарб масалалардан биридир ва Ўзбекистонда бу соҳа кўплаб эътирозларга сабаб бўлиб келган. Шунинг учун 2019 йилдан бошлаб тармоқда давлат-хусусий шериклик бўйича инвесторлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борилади.[1]

Бундан ташқари, шаҳарларда таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларига талабнинг юқорилиги ва урбанизациялашув жараёни бу касб эгаларига бўлган талабнинг янада ортиб кетишига олиб келади ва кадрлар етишмочилигини келтириб чиқариши мумкин. Ўзбекистонда сўнгги йилларда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан ўқитувчиларни ва медицина соҳасидаги кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилаётгани ва уларнинг иш ҳақларининг оширилиши бу соҳа мутахассисларига бўлган талабнинг қондирилишига туртки бўлади.

Шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасининг муаммоларидан яна бири бу кўрсатилаётган хизматларнинг нисбатан қимматлигидадир. Бу эса албатта аҳолининг молиявий имкониятларини чеклаб қўяди. Шаҳарларда сотилаётган истеъмол маҳсулотларининг қимматлилиги маҳсулотларни ташишдаги транспорт ҳаражатларининг катталигига, истеъмолчилар сонининг савдо хизматлари нуқталарининг сонига нисбатан кўплигида, яъни маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилигида ва одамларнинг ҳаридларни яшаш жойига яқин нуқталарда қилишга мойиллигидадир.

Масалан, 2019 йилнинг январь ойи ҳолатига Республикада энг арзон мол гўшти 28 минг сўм билан Нукусда бўлган бўлса, бу кўрсаткич Тошкентнинг Миробод деҳқон бозорида 55 минг сўмни ташкил қилган, сабзи Андижон вилоятида 1 минг сўм бўлган бўлса Тошкентда 4 минг сўмни ташкил қилган.[2]

Бу муаммонинг ечими сифатида шаҳарларда самарали савдо хизматлари нуқталарининг сонини кўпайтириш, чакана савдо қилиш учун имтиёзли кредит линияларини очиш, маҳаллий ҳокимият томонидан ер ажратиш масалаларини ортиқча оворагарчиликсиз ҳал қилиб бериш, солиқ имтиёзларини қўллаш орқали бу соҳада рақобатни ривожлантириш орқали шаҳарларда истеъмол маҳсулотларининг нархларини нисбатан тушириш мумкин.

Шаҳарларда хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг ривожланганлиги, одамлар сонининг (ишчи кучи ва истеъмолчи) кўплиги уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширади. Масалан, 2017 йилда Тошкент шаҳрида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг улуши Республика кўрсаткичининг 19,8 % ташкил қилди.

Шунингдек, 2017 йилда Тошкент шаҳрида молиявий хизматларнинг 146,9% ўсиши, урбанизация жараёнининг шаҳарларнинг инвестицион

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга йўллаган мурожаатномаси.
[2] https://stat.uz/uz/statinfo/narxlar/statistik-jadvallar-narxlar.

жозибадорлигини оширишининг яна бир исботидир.[1] Бу эса юртимизда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсатига ижобий таъсир кўрсатади.

Шаҳарларда хизматлар соҳасининг ривожланиши у ерда яшайдиган инсонларнинг ҳаёт даражасининг ошишига, бўш иш ўринларининг яратилишига, дам олиш жойларининг яратилишига, аҳолининг илмий салоҳиятининг ошишига шароит яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга йўллаган мурожаатномаси;
2. https://ru.wikipedia.org;
3. https://stat.uz.



**Н.Т.Парпиева** – ТМИ, катта ўқитувчиси, илмий раҳбар,
**С.Х. Шамшиева –** ТМИ, ММ-74 ИҚ талабаси


## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, шу билан бирга, миллий иқтисодиётни модернизатсиялаш ва ҳар томонлама ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни беқиёсдир. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйишмоқда. Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, иқтисодиётни диверсификатсиялаш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, мамлакат аҳолисининг бандлигини, даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда мазкур соҳа муҳим ўринни эгалламоқда.[2] Бугунги кунда мамлакатнинг иқтисодий мақомини баҳолашда хизмат кўрсатиш соҳасининг таркиби, миқёси ва ривожланиш даражаси алоҳида ўрин тутади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, хизматлар соҳасининг

[1] https://stat.uz/uploads/docs/Xizmatlar-uz-12-2017.pdf.
[2] http://toshvilstat.uz/index.php/uz/2-uncategorised/4109-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi

ўсиши, замонавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатларда хизматларининг улуши ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нинг 2/3 дан 3/4 гачани ташкил қилади. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор ўсиши аҳоли бандлиги даражасига кескин таъсир кўрсатмоқда. 2017 йилда Ўзбекистон Республикасида ЯИМ да хизматларнинг улуши 46,2 % ни ташкил этди. Уларнинг энг катта улуши бошқа турдаги хизматлар - 24,9 %; ташиш ва сақлаш, ахборотлаштириш ва алоқа - 11,2 %; савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари -10,1 % эгаллайди [1]

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар барча соҳаларда изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламда амалга оширмоқдалар.[2]

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ўрганиш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан ҳар йили уй хўжаликларида танлама усулда кузатувлар ўтказилади. Ўз навбатида, уй хўжаликларида кузатув ўтказиш услубиёти Жаҳон Банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссиясининг тавсияларига асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўтказилади. Бир йил давомида республика бўйича 10 000 дан ортиқ уй хўжаликларида, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 588 та, Андижон 780 та, Бухоро - 648 та, Жиззах - 492 та, Қашқадарё - 828 та, Навоий - 516 та, Наманган - 756 та, Самарқанд - 936 та, Сурхондарё - 720 та, Сирдарё - 432 та, Тошкент - 840 та, Фарғона - 936 та, Хоразм - 624 та ва Тошкент шаҳрида 912 та уй хўжаликларида кузатув ўтказилади. 2017 йилда ўтказилган уй хўжаликлари танлама кузатувларида 53 мингдан ортиқ аҳоли қамраб олинган бўлиб, ўртача бир уй хўжалигига 5,1 кишидан тўғри келганини кўрсатди. Жами кузатилган аҳолидан 50,4 % ни эркаклар ва 49,6 % ни аёллар ташкил этди. Шунингдек, 16 ёшгача бўлган болаларнинг улуши 29,9 % ни, 16 ёш ва ундан катталарнинг улуши 70,1 % ни ташкил этиб, республика бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши жами аҳолига нисбатан 59,7 % ни ташкил этди.[3]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018-йил 5-январ куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб, Зангиота туманидаги “Highway Logistics” логистика марказига ташриф

[1] https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/3847-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi1
[2] https://www.mf.uz/uz/novosti-uzbekistana/item/1150-aholi-turmush-farovonligini-yanada-yuksaltirish-yo-lida.html
[3] https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/3854-aholi-turmush-darajasi1

буюрди. Кўп тармоқли хизмат турларини ўзида жамлаган, замонавий қулайликлар яратилган марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франсия, Россия, Қозоғистон, Грузия каби давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси ўрганилди.

Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёд ва ҳудуди 14,2 гектар бўлган марказда 350 иш ўрни яратилган. Унинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг тоннага тенг. Бу каби логистика марказларини ҳар бир вилоятда ташкил қилиш керак, деди Шавкат Мирзиёев. Шу ернинг ўзида Тошкент вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш, 2018-2019-йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорвачилик, иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, чарм-поябзал соҳасини ривожлантириш дастурлари тақдимоти бўлиб ўтди. [1]

Бугунги кунда республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизатсиялаш жараёнлари хизмат кўрсатиш соҳасининг янада ривожланишини таъминлашга қаратилган. Ушбу соҳанинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, янги иш ўринларини яратиш, мамлакатимиз ички бозорини истеъмол моллари билан тўлдиришда кескин ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этишига қаратилган юридик-меъйёрий асос яратилган. Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш ва тўлақонли бозор муносабатларига ўтилиши шароитида корхоналар ўзининг имкониятлари ва ресурсларидан мақсадли фойдаланиш тамойилига амал қилиб, ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлашдан иборат. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш сохасини янада ривожлантириш, ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб килиш бўйича хорижий тажрибалардан самарали фойдаланишга каратилган куйидаги таклифларни берамиз:

• хизмат кўрсатиш сохасини ривожланган мамлакатларнинг инвестиция мухити ва таркибини доимий равишда урганиб бориш;

•халкаро хизмат кўрсатиш сохасини ривожланган мамлакатларига тажриба орттириш максадида мутахассисларнинг хизмат сафарларини купрок ташкил этиш;

• хизмат кўрсатиш сохасига инвестицияларни кенг жалб килиш буйича хорижий тажрибани миллий хизмат кўрсатиш сохасига жорий этиш;

• хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантиришга каратилган халхаро илмий ва илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш максадга мувофикдир.

[1] https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-uzbekistana/3184-islohotlardan-ko-zlangan-asosiy-maqsad-aholi-turmush-farovonligini-yuksaltirishdir

**С.Б.Назаров –** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси тингловчиси

# “НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ”ДА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ТАШИШДА ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИДА ЛОКОМОТИВЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ КЎТАРИШ УСУЛЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг дастлабки натижалари аҳолининг ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, одамларнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устуров йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, ҳудудларнинг табиий-хом ашё, ер-сув, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва шунинг асосида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш бугунги кунни асосий вазифаларидан бўлиб келмоқда. Бугунги кунда тан олиб айтишимиз керакки иқтисодиётда баъзи бир тизимларни эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг сустлиги иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Шу нуқтаи назардан Навоий кон-металлургия комбинатида ҳам изланишлар, янгиланиш ва модернизация ишлари олиб борилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2017-2026 йилларда комбинатда 27 лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бу борада темир йўл тизимида ҳам муаян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бугунги кунда технологик жараённи такомиллаштириш эскириб қолган технологиялардан воз кечиш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва модернизация қилиш, темир йўл транспорти техникалардан унумли фойдаланган ҳолда иқтисодий самарадорликни кўтариш масалалари комбинат таркибидаги темир йўл тизимида кенг таҳлил этиб келинмоқда. Бу масалалардан бири сифатида фойдали қазилмаларни ташишда локомотивлардан унумли фойдаланиш йуллари ўрганилиб чиқилди. Бунинг учун тўрт турдаги локомотивларни яъне ТЭ10М(У), ТЭ116(УМ), ТЭМ2(18) тепловозлари ва НП1 электровозини иқтисодий кўрсатгичлари солиштирилиб чиқилди.

Солиштириш жараёнида қуйдаги асосий вазифалар амалга оширилди:

- Фойдали қазилмаларни ташиши учун мўжалланган темир йўл чизмалари ва профиллари таҳлили
- Темир йўл тизимидаги ҳаракатдаги таркиб массасини аниқлаш ва қабул қилишни таҳлили
- Ҳаракатдаги таркиб ҳаракатланиш вақтлари ва интенсивлиги таҳлили
- Темир йўл тизимида ҳаракатдаги таркибни тузилмаси таҳлили
- Комбинат темир йўл тизимида локомотивларни электр энергияси ва дизель ёқилғисини сарфи таҳлили
- Фойдали қазилмаларни ташишда локомотивларни иқтисодий кўрсатгичлари таҳлили амалга оширилган

Таҳлиллар натижасида қуйдаги хулосалар шаклланди:

-ҳаракатдаги таркиб тўлиқ айланиш вақтлари ҳисобланиб унга кўра таркибда энг кам вагон сонига эга бўлган ТЭМ2(18) тепловози қисқа вақт ичида ҳар бир йўналиш бўйича тўлиқ айланишни амалга оширади. Энг кўп вақт НП1 электровози билан шакллантирилган таркибга сарфланади, таҳлил шуни кўрсатадики тўлиқ айланиш учун энг кўп вақт сарфи юклаш ва тушириш жараёнларида кузатилади.

- ҳаракатдаги таркиб қатнов интенсивлиги ҳисобланиб унга кўра ТЭМ18 тепловози билан фойдали қазилма ташилганда қатнов интенсивлиги 5,82 дақиқани ташкил этиши керак, ҳаракатдаги таркиб эса энг узун участкада 14,15 дақиқа ҳаракатланади. Бу эса йиллик режани бу локомотив тури билан бажариб бўлмаслигини билдиради.

- Темир йўл тизимида ҳаракатдаги таркибни тузилмаси таҳлили амалга оширилиб кўрилаётган локомотив тури бўйича уларни сони шунингдек ҳаракатдаги таркибни тузиш учун керакли бўлган вагонлар сони аниқланди.

- Комбинат темир йўл тизимида локомотивларни электр энергияси ва дизель ёқилғи сарфи таҳлили амалга оширилиб, умумий электровоз билан фойдали қазилмалар ташилганда электр энергия сарфи 103354553 кВтс ни унга сарфланадиган пул маблағи эса 19 689 млн сўмни ташкил этди. ТЭ10М(У) тепловозидан фойдаланганда 17 259 342,1 литр дизель ёқилғиси ва унга сарфланадиган пул маблағи эса 109 428, 9 млн сўмни, ТЭ116(УМ) тепловозидан фойдаланганда 16 345 532,9 литр дизель ёқилғиси ва унга сарфланадиган пул маблағи эса 103 635 млн сўмни ташкил этди

- Локомотивларни бир йилда таъмирлаш турлари бўйича харажатлари аниқланиб унга кўра электровозни бир йилда таъмирлаш суммаси 2 491 млн сўмни, 2ТЭ116(УМ) тепловози 7 335 млн сўмни ва ТЭ10М(У) тепловози 9 233 млн сўмни ташкил этади.

- Мавжуд темир йўл тизимида фойдали қазилмаларни ташишда локомотивларни иқтисодий кўрсатгичлари таҳлил амалга оширилиб унга кўра электровозларни эксплуатация қилиш учун 433 759 млн сўм бошланғич маблағ керак ва шунда йиллик доимий ҳаражатлар 22 181 млн сўмни ташкил этади. Тепловозларни эксплуатацияси учун эса 221 954

млн. сўм бошланғич маблағ ва йиллик доимий ҳаражатлар 2ТЭ10М(У) тепловози учун 128 327 млн сўм, 2ТЭ116(УМ) тепловози учун 120 124 млн сўмни ташкил этади. Бунда агар 2021 йилда Марказий кон бошқармаси темир йўллари электрификация қилиниб эксплуатацияга берилса 2023 йилда келиб электровозларда қилинадиган харажатлар тепловозларга қилинадиган харажатлардан кам бўлади ва 2045 йилга келиб электровларга қилинадиган харажатлар инфлияцияни инобатга олмаган (бугунги кун нархларида) ҳолда 988 284 млн сўмни ташкил этса ТЭ10М(У) тепловозига қилинадиган харажатлар 3 430 129 млн сўмни ва ТЭ116(УМ) тепловозларига қилинадиган харажатлар 3 225 054 129 млн сўмни ташкил этди.

**2045 йилгача локомотивларни эксплуатациясига сарфланадиган ўсиб борувчи харажатлар графиги**




Тадқиқот мавзуси доирасида амалга оширилган хулосаларга асосланган ҳолда қуйдаги таклифлар берилди:

- Комбинатни ривожланиш босқичида темир йўл тизимида амалга ошириладиган схематик ўзгаришларни бажариш жараёнида йўл профилларни минимал қиялик ва тикликлар билан лойҳалаштириш керак бўлади бу йирик ер ишлари бўйича маблағ талаб этсада, кейинги экплуатация жараёнида харажатларни камайишига сабаб бўлади.
- Мавжуд темир йўл тизимларида ҳаракатдаги таркиб массаси ТЭ10М(У), ТЭ116(УМ) тепловозлари учун 1452 тоннани, ТЭМ2(18) тепловози учун 528 тоннани ва НП1 электровози учун 2244 тоннани этиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Комбинатни ривожланиш босқичларида ўзгариши мумкин бўлган темир йўлларда ТЭ10М(У), ТЭ116(УМ) тепловозлари учун ҳаракатдаги таркиб массаси 2112 тонна, ТЭМ2(18) тепловози учун 792 тонна ва НП1 электровози учун 3168 тонна қилиб белгиланиши тавсия этилади.
- Мавжуд темир йўл тизимларида фойдали қазилмаларни ташиш жараё-

нида ТЭМ2(18) тепловозидан фойдаланиш тавсия этилмайди чунки унинг участка бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги паст бўлиб йиллик фойдали қазилмаларни ташишда белгиланган режани амалга оширолмайди.

- Фойдали қазилмаларни ташиш жараёнида тепловозлардан фойдаланганда, магистрал ва маневр тепловозларидан ўзаро унумли фойданиш иқтисодий самара беради, яъне ташиш жараёнини асосий вақти юклаш ва юк тушириш учун хизмат қилади, ТЭМ2(18) тепловозини бу жараёнда ёқилғи сарфи камлиги туфайли айнан шу тепловозлардан фойдаланиш маъқул, бевосита перегонда ташиш вақтини камайтириш учун 2ТЭ10М(У) ва 2ТЭ116(УМ) тепловозларидан фойдаланиш тавсия этилади.
- Фойдали қазилмаларни ташишда умумий кўрилган локомотив турлари бўйича электровозлардан фойдаланиш тавсия этилади. Электровозларни эксплуатация қилиш жараёнида бошланғич маблағ сарфи тепловозларга нисбаттан катта бўлсада, кейинги электр энергияси ва таъмирлаш ишларида сарфланадиган маблағ тепловозларга нисбаттан анча кам. Шунингдек тепловозларга сарфланадиган дизель ёқилғисини Ўзбекистон Республикасида танқислигини инобатга олган ҳолда ва электр энергетикасига катта эътибор берилаётган вақтда темир йўл линияларини электрификациялаш нафақат НКМК нинг иқтисодий самарадорлиги оширишга балки республика учун нефть маҳсулотлари импорт қилишни камайтиришга ўз ҳиссасини қўшади. Шунингдек электровозларни эксплуатациясини йўлга қойилиши муносабати билан бугунги кунда эксплуатация қилинаётган тепловозлар эксплуатациядан бўшайди ва уларни бошқа НКМК объектларида ишлатиш имконияти пайдо бўлади, бунда айниқса бугунги кунда юртбошимиз томонидан очиб берилган Амантау Аминзау даги кондан ГМ35 металургия заводида фойдали қазилма ташилиши учун лойҳалаштирилаётган темир йўл линияси шунингдек НКМК таркибидаги Шимолий Кон Бошқармаси темир йўлларида тепловозларни эксплуатация қилиш имконияти яратилади бу эса янги тепловозларни сотиб олишга сарфланадиган маблағларни тежашга олиб келади.

**И.Х.Шукуров –** СамИСИ, “Хизматлар кўрсатиш, сервис ва уни ташкил этиш” кафедраси мудири
**Ш.Ниёзова** ва **Ў. Муқимова –** СамИСИ магистрантлари

## ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Бизга маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг фаровонлиги, аввало, аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий ривожланганлиги ва мавжуд бой тарихини бугунги кун авлодларига бекаму-кўст, асраб-авайлаган ҳолда

етказиб бераётганлиги билан ўлчанади. Агар мана шу омилларга эътиборсизлик қилинса, иқтисодиётдаги ислоҳотлар, ҳукуматнинг сарфлаётган қанчадан-қанча маблағлари кутилган самарани бермайди. Ана шунинг учун мамлакат иқтисодиётининг гуллаб яшнаши ҳамда аҳоли фаровонлигининг кафолатланиши учун зарур соҳалар ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади. Бундай соҳаларнинг ривожланиши мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг самарали таъсирини юзага келтиради, лекин мазкур натижалар фаолиятда тезда ўз аксини топиши учун барча дахлдор фуқаролардан инновацион ёндошиш масъулиятини талаб қилади. Хизматлар соҳаси ҳам ана шундай инновацион ёндошувларнинг, аниқроқ қилиб айтганда, инновацион муносабатларнинг тезкор самарали таъсирга эга бўлган, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга, кундалик эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этадиган иқтисодий фаолликдир. Энг аҳамиятлиси, бугунги кунга келиб, мазкур соҳа аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш учун доимий янгиланиш ва ранг-баранг йўналишларни ҳам қамраб олмоқда, шу сабабли юриспруденция, консалтинг, меҳмонхона, интернет хизматлари, суғурта, молия-банк соҳасидаги янги ва замонавий хизмат турлари, ахборот-консалтинг, брокерлик ҳамда дилерлик, бухгалтерлик ҳисоби, аудиторлик каби замонавий хизмат турлари соҳанинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Шуниси муҳимки, соҳада рақобат муҳити доимий шаклланиб, мамлакат иқтисодиёти ҳамда аҳолининг арзон ва сифатли хизмат турларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги ҳам сўнгги йилларда соҳани аҳоли фаровонлигини таъминлашда таъсирини оширишда ташланган катта қадамлардан бири бўлди десак янглишмаган бўламиз. Чунки, биргина аҳолининг ижтимоий ривожланиши учун қуйидаги муҳим вазифаларнинг бажарилиши ҳукуматимизнинг бу борадаги барча ташаббусларни доимий қўллаб-қувватланишини исботлаб беради:

– таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб қилишга кўмаклашиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш;

– соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан касалликларни бар-вақт аниқлаш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илғор техноло-гияларни, «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббиёт ахборот маркази» концеп-цияларини жорий этиш орқали жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳо-лининг узоқ умр кўриши учун қўшимча шароитлар яратишга кўмаклашиш;

– «Хавфсиз шаҳар», «Ақлли шаҳар» концепцияларини жорий

этишни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни таъминлайдиган маданий, спорт ва бошқа объектларни ташкил қилишни ҳам назарда тутувчи илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шаҳарсозликнинг фақат бош режалар, режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ изчил ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш.

Агар диққат билан эътибор қилинса, юқоридаги вазифалар бир томондан аҳолининг бу борадаги ўзаро ташаббускорлигини рағбатлантирса, иккинчи томондан инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали аҳолининг илмий салоҳиятини оширишда муҳим туртки, ричаг вазифасини бажариб беради.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади. Республикамизда иқтисодиётни диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, мамлакат аҳолиси бандлигини, даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ҳамда сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хизматлар соҳасида бажарилаётган ишлар ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб боришини таъминламоқда.

Ҳозирги вақтда хизматлар соҳаси ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ўзбекистонда баъзан учламчи сектор деб аталувчи хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. 2019 йил 1 январ ҳолатига, 323,5 минг фаолият кўрсатаётган ташкилот ва корхоналардан 213 мингга яқини хизматлар соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар умумий сонида 153 мингдан ортиғи кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. 2019 йил 1 январ ҳолатига уларнинг улуши 72,2% ни ташкил этди. Дастлабки маълумотларга кўра 2018 йил январ-декабр ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 146 836,3 млрд. сўмга тенг бўлди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,4% ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматлари таркибида транспорт хизматлари (29,5%), савдо хизматлари (26,9%), молиявий хизматлар (14,4%) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улуши (6,6%) устунликка эга. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг деярли учдан бир қисмини транспорт хизматлари ташкил этади. 2018 йил январ-декабр ойларида унинг улуши 29,5% ни ташкил этди. Шу билан бирга, энг юқори улушларни савдо хизматлари (26,9%), молиявий хизматлар (14,4%), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,6 %) эгаллайди (расм)[1].

Иқтисодиётида хизматлар соҳасининг аҳамияти тобора ортиб бораётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада

[1] **Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

*Расм*




фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари жамият тараққиётининг барча жабҳаларида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан бирига айланиб бормоқда. Мазкур соҳа ривожланиши мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигида, иқтисодиёт юксалишида, истеъмол бозори тўйинишида, давлат бюджети тушумлари кўпайишида, ишсизлик камайишида сезиларли таъсирга эга. Бу, айниқса, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини фаол қўллаб-қувватланишида яққол кўзга ташланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган юксак эътибор туфайли ташкил этилаётган маҳаллий ва халқаро инновацион ярмаркаларда ҳам турли хилдаги кичик бизнес субъектлари учун мўлжалланган арзон, сифатли, тежамкор ва албатта самарали хизмат кўрсатадиган янгидан янги технологиялар тақдим этилмоқда. Биз биламизки иқтисодиётда тайёр хом ашёни сотишдан кўра уни қайта ишлаб чиқариш маълум бир товар шаклида сотиладиган бўлса бу катта миқдордаги даромад олишга асос бўла олади. Бу эса миллий

иқтисодиётимизни янада жадалроқ ривожлантириш учун зарур амал сифатида ҳар томонлама ўрганилган ва чуқур таҳлил қилинган ҳолда амалга оширилади. Ушбу янгиликларни инновацион иқтисодиёт тарзида татбиқ этиш бугунги куннинг энг долзарб мавзусидир.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган мисоллардан, инновацион иқтисодиётнинг давлат миқёсидаги аҳамияти қанчалик юқорилиги ва ёшларимизнинг ушбу соҳадаги ўрни муҳимлигини билиб олишимиз мумкин. Ушбу соҳага қаратилаётган юксак эътибор туфайли мамлакатимиз ёшлари эришиб бораётган ютуқлари кундан-кунга ортиб бормоқда ва улар бундан буён ҳам юқори марралар сари ҳаракат қилиб юксак чўққиларни забт этишлари шубҳасиздир. Бунинг учун ёшларимиз тинимсиз изланишлар қилган ҳолда юртимиз шарафини кўкларга кўтаришлари ва унинг истиқболи учун ҳаракат қилишлари зарурдир.

Инновацион иқтисодиётни хизматлар соҳасига доимий татбиқ қилишдан асосий мақсад – аҳоли турмуш даражасини муттасил ошириш, шунингдек, асосий ишлаб чиқариш кучи ҳисобланган инсон капиталини шакллантиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас, албатта. Зеро, ижтимоий соҳанинг ривожланиши ва унинг юқори суръатларда ўсиши инсон фаолиятининг барча соҳаларида тараққиётнинг зарурий шарти ҳисобланади.

**Н.Э.Эрназаров –** СамИСИ ассистенти,
**С.Адҳамов** – СамИСИ талабаси

## МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобини ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини оширишда ишлаб чиқаришни кенг жорий этилиши амалга оширилиши белгиланган аҳолининг турмуш даражасини оширишдаги стратегик йуналишлари белгилаб берилган. Шу билан бирга мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда 2017-2021 йилларга мулжаланган “Харакатлар

стратегияси”нинг асосий йўналишларидан бири хам ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишидир. Иқтисодий ислоҳотлар дастуридаги устивор йўналишга ислоҳотларнинг ҳамма босқичларида устивор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсатдир. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг асосий манбаи давлат бюджети, ижтимоий суғурта жамғармаси, корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағлардан ташкил топади. Ижтимоий ҳимоя қилишда хизмат кўрсатиш корхоналарининг молиявий хамда технологик жихатдан ривожлантириш инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш роли катта, ҳамда иқтисодиётни ўсиши ва структуравий силжишларини белгилаб берувчи молиявий институтлар ҳам айнан шунинг мазмун-моҳияти бўлиб қолди. Шу ўринда айтиш лозимки, инновацион ривожланиш - бу бизнинг назаримизда, давлат суверинетига даҳл қилмайдиган технологик ва хизматлар стандарларининг аста-секин ўзаро кириб келиши, миллий чегаралар гўё ярим шаффоф тўсиқларга айланади. Инновацион ривожланишнинг кўламли, узоқ муддатли, кенг қамровли жараёнларни бирлаштирмалари ҳисобланади. Шуни қайд этиш лозимки модернизация инновацион хизматларнинг инновацион ривожланишини ҳисобга олганда янги қиёфага эга бўла бошлади. Бу хизмат кўрсатиш субъектлари олдига инновация учун хизмат кўрсатишнинг умуман янги ёндашувларини қуйди, ҳамда тадбиркорларга инновацион хизматларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат химат кўрсатиш корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ва ҳисобини ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқариш корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий химояни таъминлашда давлат ва нодавлат яъни тижорат асосида хизматлар орқали қўллаб-қувватлаш йўналишларини курсатиб ўтиш лозим. Инсон манфаатларининг ижтимоий ахамияти бевосита хизмат кўрсатиш соҳасидан олган даромадлари билан боғлиқ ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишида аҳоли даромадлари мухим ахамият эгалайди.

Ҳозириги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги олиб борилаётган ислоҳотларнинг замирида энг аввало инсон ва унинг манфаатлари ётади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммоларни давлат миқёсида ижобий қўллаб-қувватлаш хусусан аҳоли учун хизматлар кўрсатиш билан аҳолининг даромадларини ошириб бориш мумкин бўлади. Шубҳасиз, бунда муҳими шундаки, аҳолининг моддий ва молиявий эҳтиёжларни қондириш аҳолининг турмуш даражасини оширишда хизмат

кўрсатиш сохаси  мухим урин эгалайди. Негаки кўрсатилган хизмат – бу товарнинг у ёки бу истеъмол қийматини фойдали ҳолатидир. Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли даромадларини кўпайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларининг сифатини ошириш, уй-жой билан таъминлаш тадбирлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирларнинг натижаси бугунги кунда одамларнинг ҳаёт даражаси ижобий томонга ўзгариши орқали намоён бўлмоқда. Шунга қарамай, бу борада мамлакатимиздаги имкониятлар бунданда кўпроқ, мазкур имкониятлардан самарали фойдаланиш учун аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ масалаларни назарий ва услубий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва бу бўйича илмий асосланган таклифларни бериш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш тармоқларида таркибий ўзгаришлар қуйидаги йўналишларни босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали чинакам мулкдорлар синфини янада кўпайтириш;

- кичик ва ўрта корхоналар улушини ошириш орқали мажмуада рақобат муҳитини шакллантириш, мавжуд монопол корхоналарни тугатиш;

- мавжуд хомашё етказиб беришга ихтисослашган тармоқлар ўрнида тайёр маҳсулот тайёрловчи қувватларни барпо этиш;

- моддий (ер, капитал) ва шахсий инсоний (меҳнат, тадбиркорлик) ресурслардан самарали фойдаланиш, шу орқали ишлаб чиқаришни инновацион йўл билан ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш тармоқларини мустақил фаолият юритиши учун давлат томонидан ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий кафолат бериш;

- жаҳон бозорига махаллий маҳсулотларнии кириб бориши учун замонавий хорижий фирмалар тажрибаси ва техника-технологияларини махаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига жорий этиш, бунинг учун қулай инвестицион муҳит яратиш;

- мавжуд ишлаб чиқариш тажрибалари, малакали кадрлар салоҳияти ва барча интеллектуал мулкни босқичма-босқич ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари томонидан имтиёзлар яратиш, молиявий маблағларни мақсадли йўналишларга жалб этиш.

Ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, уларнинг истеъмоли ва эҳтиёжлари қондирилганлиги даражаси тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлик даражаси молиявий хизматлар орқали таъминланиши:

-тор маънода аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари қондирилганлиги, истеъмолнинг даромад ва харажатлар билан таъминланишини;

-кенг маънода ахолини демографик купайиши ва уларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилашни англатади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоқларининг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш янги иш ўринларини яратиш жараёнида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- ишлаб чиқаришга инновацион ғояларини тадбиқ этиш орқали аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида маҳаллий саноат тармоқларини ривожлантириш, шунингдек мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда бу соҳанинг аҳамиятини янада ошириш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

- ишлаб чиқариш соҳасини ривожланишини таҳлил қилиш асосида иқтисодий ўсиш кўрсаткичини ҳудудларда мамлакатнинг ўртача кўрсаткичлари даражасига етишини таъминлашга эришиш орқали ҳудудлар ривожланишини мувофиқлаштиришга интилиш;

-инновацион ғоялар асосида хизмат кўрсатишни ташкил этишда молиявий маблағларини талаб этишини, уларнинг бозор конюнктураси талабларига тез мослаша олишига имкон беришини инобатга олиш.

Келгусида мамлакатимизда ижтимоий химояни таъминлашда ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш учун қуйдагиларни таклиф қиламиз:

-инновацион технологиялардан оқилона ва самарали фойдаланиш, замонавий ва рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади;

- ишлаб чиқариш соҳасидаги хўжалик юритувчи сўбектлар хужатлар расмийлаштиришни соддалаштириш;

-инновацион технологияларни жалб қилишга кредит олиш механезимини соддалаштириш;

-мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш тармоқларининг товарлар ва махсулотларни экспорт қилиш механезимини янада такомилаштириш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ахоли ижтимоий сиёсати учун инновацион хизматлар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади; интернет-технологияларни қўллаган ҳолда нақд пулни нақд пулни тез йиғиб олиш ва жўнатиш бўйича электрон хизматлар, чипли карточкалар бўйича хизматлар, жисмоний шахсларнинг пул маблағларини республика ва хорижга электрон тармоқларни қўллаган ҳолда тезкор жўнатиш, халқаро электрон системалар бўйича пул ўтказиш хизматлари, интернет-банкинг, телебанкинг, форвард хизматлар ва фьючер хизматлари, савдо молиялаштириш, лойиҳа-кредитлаш (молиялаштириш), корпоратив молиялаштириш, хизматлар, булар фақатгина даромад олиб келибгина қолмасдан, балки улар инновацион хизматнинг қисқа ҳаёт циклига эгадир, шунингдек қўйилган маблағлар учун юқори таваккалчилик (хавф) билан ажралиб туради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2.Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. www.uza.uz.
3.Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Молия, 2016. – 208 б.
4.Гафуров У.В. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари миқдорий чегарасининг такомиллашув босқичлари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2011. – №5, 84-89-б.
5.Гафуров У.В. Инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштирокини фаоллаштириш // Иқтисод ва молия. – Тошкент, 2012. – №2, 17-23-б.

**Sh.S.Jalilova** – SamDAQI, "Ijtimoiy fanlar" kafedrasi katta o‘qituvchisi,
**S.G`.Sulaymonova** – SamDAQI, MKQ fakulteti 301-X.S guruh talabasi

## XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MUAMMOLARI

Bugungi kunda xizmatlar ko‘rsatish sohasini iqtisodiyotimizning barqaror rivojlanishining eng muhim manbai va omili hisoblanadi. Ushbu sohaning hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitida innovatsion faoliyatning barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalarida izchil va barqaror rivojlantirishda mamlakatning munosib kelajagini barpo etishning muhim omili bo‘lib qolmoqda.

2017-yilda iqtisodiyot sohasida zamon talablariga javob beradigan samarali innovatsion islohotlarni amalga oshirish yo‘lida dastlabki qadamlarni qo‘ydik. Xizmatlar ko‘rsatish sohasini mutlaqo yangi asosda tashkil etish va yanada erkinlashtirish uning huquqiy asoslarini takomillashtirish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish va diversifikatsiya qilish bo‘yicha qator qonunlar, farmonlar va qarorlar, puxta o‘ylangan dasturlar qabul qilindi va ular izchil amalga oshirilmoqda.

Buning yaqqol dalili sifatida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2018-yilda mamalakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2019-yilgi iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor vazifalariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma`ruzasida bu haqda alohida to‘xtalib o‘tdi. Ma`ruzada xizmatlar sohasining jadal rivojlanishini ta`minlash tarkibiy yangilanishdagi asosiy e`tiborni talab qiladigan muhim masala sifatida e`tirof etilar ekan, ushbu yo‘nalishning joriy yilda keskin o‘sishi, avvalo, qurilash, transport, moliya-bank va axborot-kommunikatsiya sohalarida, alohida tibbiy va kommunal-maishiy xizmatlar ko‘rsatish, ayniqsa, qishloq joylarda uni yanada kengaytirish uchun hali-beri foydalanilmayotgan katta imkoniyatlar mavjudligini ko‘rsatganligi ta`kidlandi.

Eng muhimi, mamlakatimiz iqtisodiy siyosatida noreal raqamlar ortidan quvish, amalga oshmaydigan homhayollarni haqiqat sifatida taqdim etishdek nomaqul ish uslubi tanqidiy, inson manfaati va yana bir bor inson manfaati islohotlarining bosh maqsadi etib belgilandi. Ayni shu asosda amalga oshirilgan innovatsoin chora-tadbirlar natijasida 2017-yilda barqaror iqtisodiy o‘sish sur`atlari 5.5%ni tashkil etdi, eksport hajmi qariyb 15%ga ko‘payadi, tashqi savdo aylanmasining ijobiy savdosi $854 mln ga yetdi.

Bugun biz xizmatlar ko‘rsatish sohasini davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarni tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tmoqdamiz.Bu bejiz emas. Chunki yangi fikr, yangi g‘oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yanada rivojlanmoqda. Innovatsiya - bu kelajak degani. Biz buyuk kelajagimizni aynan innovatsion g‘oyalar va innovatsion yondashuvlar asosida boshlashimiz kerak.

2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha "Harakatlar strategiyasi" davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlarini belgilab bergan eng muhim dasturiy hujjat hisoblanadi. Boshqacha qilib aytganda, ushbu "Harakatlar strategiyasi" orqali biz O‘zbekistonni ishlab chiqarishda innovatsiya va intellektual hissaning yuqori ulushi bo‘lgan barqaror bozor iqtisodiyotiga, zamonaviy global bozorda raqobat bardosh sanoatga, shuningdek qulay investetsiyaviy va ishonchlilik muhitiga ega jadal rivojlanayotgan mamlakatga aylantirishimiz lozim.

Qo‘yilgan maqsadlarga xizmatlar ko‘rsatish sohasini innovatsion modelga to‘liq o‘tkazmasdan turib erishish mumkin emas. Biroq mamalkatga innovatsiyalarni joriy etish ishlari tizimli asosda yo‘lga qo‘yilmagan. Bunga quyidagi tizimli muommolar mavjudligi sabab bo‘lgan:

-davlatning rivojlanish dasturlarini ishlab chiqishda zamonaviy fan va innovatsion texnologiyalarning yutuqlari va rivojlanish tendensiyalari lozim darajada kompleks tahlil qilinmasdan va o‘rganilmasdan kelingan;

-innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni strategik pragnoz qilish faoliyatini ta'minlaydigan yagona organ mavjud emas. Innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni amalga oshirishda davlat xususiy sheriklik imkoniyatlarini tadbiq etishga yetarlicha e`tibor qaratilmayapti;

-yuqori texnologiyalar, zamonaviy ishlanmalarni joriy etishni talab qiluvchi ustuvor soha va tarmoqlarni aniqlash bo‘yicha tizimli va maqsadga yo‘naltirilgan faoliyat yo‘lga qo‘yilmagan;

-innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalar sohasida yuqori salohiyatga ega bo‘lgan xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik yaxshi yo‘lga qo‘yilmagan.

Xizmatlar ko‘rsatish sohasini rivojlantirishdagi mavjud muommolarni "nol" qilish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan "O‘zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish Vazirligi"ni tashkil etish to‘grisidagi farmon qabul qilindi.

Farmon bilan strategik rejalashtirish tizimini yaratish, davlat boshqaruvini innovatsion shakllarini amalga kiritish, fan va innovatsiya faoliyatini

rivojlantirishning zamonaviy infratuzilmasini shakllantirish, investetsiyalarni keng jalb qilish, huquqiy bazani takomillashtirish, ilmiy tadqiqot va innovatsiya faoliyatini qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish, ijtimoiy va iqtisodiy hayotning dolzarb sohalariga ilg‘or texnologiyalarni faol joriy etish kabi mamlakat innovatsion rivojlanishining asosiy yo‘nalishlari belgilandi.

Bundan kelib chiqib, innovatsion rivojlanish Vazirligi O‘zbekiston Respublikasini innovatsion ilmiy-texnik va xizmatlar ko‘rsatish sohasini yanada rivojlantirishga qaratilgan yagona davlat siyosatini amalga oshiruvchi organ etib belgilandi va shartli ravishda "kelajak Vazirliklari" deb e`tirof etish lozim.

Xizmatlar ko‘rsatish sohasini tubdan takomillashtirish innovatsion ishlanmalar va texnologiyalarni joriy etish hisobiga ularning sifatini va yalpi ichki mahsulotni shakllantirishdagi rolini oshirish. Pirovard natijada O‘zbekistonni rivojlantirishning innovatsion yo‘li iqtisodiy o‘sishning harakatlantiruvchi kuchi, mamlakat barqarorligi va aholi farovanligini ta`minlashning omili bo‘lishi lozim.

**Sh.Sh.Toshpo‘latova –** Toshkent moliya instituti talabasi

## MAMLAKATIMIZDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSIYALARNING O‘RNI VA ULARNI MOLIYALASHTIRISHDA TIJORAT BANKLARI KREDITLARINING AHAMIYATI

Innovatsiyalar mamlakatning iqtisodiy rivojlanishidagi barcha bosqichlar uchun muhim omillardan biri sanaladi. Hususan, barcha rivojlangan davlatlarning iqtisodiyotining Yalpi Ichki mahsulotiga qarar ekanmiz unda xizmat ko‘rsatish sohasining ulushi yuqori darajada ekanligiga guvoh bo‘lamiz. Shu sababli ham, iqtisodiyotga yangi texnika va texnologiyalarni joriy qilish, ularni iqtisodiyotning turli tarmoqlariga tadbiq etish orqali iqtisodiy o‘sishga va farovonlikka erishish ayni haqiqatdir. Xizmat ko‘rsatish sohasidagi innovatsiyalar deganda barcha xizmatlarda yaratilayotgan yangiliklar tushuniladi. Bular, xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotlar tomonidan mijozlarga yaratilayotgan qulayliklar, xizmat ko‘rsatish jarayonida vaqtni tejash uchun yaratilgan yangi texnikalarni o‘z ichiga oladi. Servis ko‘rsatishni rivojlantirish mamlakat xizmat bozorini xizmatlar bilan to‘ldiradi va jamiyatning xizmatlarga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirish imkoniyatini yaratadi, mamlakatning Yalpi Ichki mahsulotining ko‘payishini ta’minlaydi. Bundan tashqari har bir xizmat ko‘rsatuvchi yuridik shaxslar va jismoniy shaxslar ya’ni tadbirkorlar xizmat ko‘ratish faoliyatidan tushgan daromadlaridan davlatga soliq to‘laydilar va bu albatta, davlat byudjetiga ham o‘zining foydasini ko‘rsatmay qolmaydi. Xizmat ko‘rsatish sohasi yuqori investitsion multiplikatorga egadir, ya’ni unga kiritilgan sarmoya boshqa sohalarga qaraganda ko‘proq daromad keltiradi.

Davlatimiz rahbari tomonidan 2018 yilga yurtimizda ‘’Faol tadbirkorlik,

innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili’’ deb e’lon qilinganligi ham albatta, innovatsiyalarning mamalakat iqtisodiyoti uchun qanchalik muhim ahamiyatga ega ekanligidan dalolat beradi. Aholiga ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatining yanada ortishi, ularning turmush darajasining ham yuksalishiga olib keladi. Xizmat ko‘rsatish sohasi o‘z ichiga turli tarmoqlarni qamrab olganligi sababli ham uning iqtisodiyotdagi o‘rni beqiyosdir. U aholining bandlik darajasini oshirishda ham o‘zining salmoqli hissasiga ega. Jumladan, 2017 yilda texnologik, marketing va tashkiliy innovatsiyalarga xarajatlarning 71,0 foizi (2956,0 mlrd. so‘m) tashkilotning o‘z mablag‘lari, 19,2 foizi (799,1 mlrd. so‘m) xorijiy kapital, 2,1 foizi (88,4 mlrd. so‘m) tijorat banklari kreditlari, 7,7 foizi (318,8 mlrd. so‘m) boshqa mablag‘lar hisobidan moliyalashtirilgan. [1] Bundan ko‘rinib turibdiki, innovatsiyalarni moliyalashtirishda tashkilotlarning o‘z mablag‘lari asosiy o‘rinni egallar ekan. Lekin har qanday faoliyatni boshlash uchun insondan capital talab etiladi, bu capital shaxsda mavjud bo‘lishi yoki bo‘lmasligi ham mumkin, shu sababli ham servis sohasini yanada rivojlantirishda, ularda turli xil innovatsiyalarni qo‘llashda bank kreditlarining salmog‘ini yana ham oshirmoq darkordir.




2018 yil natijalariga ko‘ra ‘’Mikrokreditbank’’ aksiyadorlik-tijorat banki tomonidan respublikamiz aholisini yashash sharoitini yanada yaxshilash maqsadida xizmat ko‘rsatish va servis sohasini rivojlantirish uchun 812,5 mlrd. so‘m kredit ajratilib, ushbu yo‘nalishda 23 mingdan ortiq ishchi o‘rni yaratildi, uzoq muddat foydalanishga mo‘ljallangan mahalliy uy-ro‘zg‘or buyumlariga bo‘lgan talabni qondirish uchun esa 509,3 mlrd. so‘mlik iste’mol kreditlari ajratildi. [2]

Servis tizimini takomillashtirsh nafaqat iqtisodiyot uchun foydali balki, mijozlarning korxona yaratayotgan xizmatlardan qoniqishining yanada ortishi, mamlakatga tashrif buyuruvchi chet elliklarning mamlakatimizda ko‘rsatilayotgan xizmat turlaridan mamnun bo‘lishi va bularning barchasi shu xizmatni yaratayotgan korxona va tashkilotlarga katta daromad olib kelishi bilan

[1] www.stat.uz ‘’Korxona va tashkilotlarning innovatsion faoliyati 2017’’
[2] https://mikrokreditbank.uz/obras/

ham juda muhimdir. Xizmat koʻrsatish sohasi oʻz ichiga ta’lim, sogʻliqni saqlash, savdo, moliyaviy xizmatlar va oʻyin-kulgini olganligi tufayli ham unda innovatsiyalarni joriy qilish har bir fuqaro uchun katta foyda keltirishi tabiiydir. Xizmat koʻrsatish sohasining oʻziga xos xususiyatlari quyidagilardir:

- Iste’mol bozorini zamonaviy xizmat turlari bilan toʻldirish;
- Jamoatchilikning ortib borayotgan ehtiyojlarini qondirish;
- Qishloq joylarda taqdim etilayotgan xizmat koʻrsatish darajasini oshirish;
- Qishloq joylarda ish oʻrinlarin yaratish orqali, aholi bandligini ta’minlash.

Xulosa qilib shuni ta’kidlash lozimki, mamlakatimizda har bir sohani rivojlantirishga qaratilayotgan islohotlar albatta, oʻzning samarasini bermoqda. Lekin, hali ham qishloq va shahrlar oʻrtasidagi tafovut butunlay bartaraf etilmagan. Eng muhimi shundaki, xizmat koʻrsatish tarmogʻini rivojlantirishda kadrlarning malakasini oshirishning amaldagi tizimini takomillashtirish tashkil etish, shu jumladan, rivojlangan davlatlardan malakali mutaxassislarni jalb etish, shu sohaga ixtisoslashga oʻquv-yurtlarida talabalarning bilimlarini oshirish uchun yuqori texnologiyalarga asoslangan ilmiy-eksperimental labaratoriyalarni ham tashkil etish juda muhimdir.

Shu tufayli ham, xizmat koʻrsatish sohasini yanada ta’komillashtirsh uchun quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

- Qishloq joylardagi infrastrukturani ta’komillashtirishda davlatning moliyaviy jihatdan qoʻllab-quvvatlashini yanada oshirish;
- Xorijiy investitsiyalarni koʻproq jalb qilish orqali ishlab chiqarish va servis tarmoqlarida innovatsiyalarni joriy etish;
- Qishloq joylarda axborot va bank-moliya xizmatlarini yanada rivojlantirish;
- Marketing tizimini ta’komillashtirish;
- Zamonaviy texnika va texnologiyalarni joriy qilish;
- Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda innovatsiyalarning roʻlini yanada oshirish kabilardir.

**Boyxonova A.J. –** TATU Fargʻona filiali, 631-17 guruh talabasi,
**Umarov H.F.** – TATU Fargʻona filiali, 650-16 guruh talabasi

## INNOVATSION FAOLIYATNING IJTIMOIY HAYOTDAGI AHAMIYATI

Bugungi kunda innavatsion iqtisodiyotni shakllantirish eng dolzarb masalalar qatoridan joy oldi. Zamon odimiga hamohang jad’al rivojlanish sur’atlariga ega bu tarmoq nafaqat bugun, balki, kelgusi rivojlanish odimiga ham bevosita daxldordir.

Iqtisodiyot – keng doirali tushuncha hisoblanadi. Unda bugunning shiddati va harorati namoyon boʻladi. U kishilar mehnati vositasida inson uchun zaruriy boʻlgan moddiy ne’matlar, hayot sharoitlari va vositalarini

yaratish orqali tirikchilikni ta’minlash, shuningdek, hayotiy ehtiyojlarni qondirishda foydalaniladigan vositalar, ob’ektlar, jarayonlar majmuyidir. Iqtisodiyot umumiy tarzda ishlab chiqarish, ayirboshlash, taqsimot, iste’mol sohasidagi munosabatlarni qamrab oladi. Shuning bilan u ijtimoiy hayotda muhim ahamiyat kasb etadi.

Bizga ma’lumki, muayyan mamlakatning milliy xalq xo‘jaligi yoki uning tarmog‘i milliy iqtisodiyotni namoyon qilish usul va vositalarini ko‘rsatib beradi. Buning natijasida, xo‘jalikning muayyan tarmog‘ini, shuningdek mintaqa xo‘jaligini, ishlab chiqarishni tashkil etishning usul va shakllarini, uni boshqarishni o‘rganadigan fanlar yo‘nalishlari, jumladan, sanoat iqtisodiyoti, savdo iqtisodiyoti kabi soxalarni vujudga keltirmoqda.

Mamlakatimiz iqtisodiyotining bugungi ahvoli bevosita milliy iqtisodiyotimizning zamonaviy ahamiyat kasb etishi bilan ahamiyatlidir. Buni amaliyotda keng isloh qilish masalalari O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2016-yil 5-oktabrdagi “Tadbirkorlik faoliyatining jadal rivojlanishini ta’minlashga, xususiy mulkni har tomonlama himoya qilishga va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi va 2016-yil 26-oktabrdagi “Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini faollashtirish va kengaytirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmonlarida o‘z tasdig‘ini topmoqda. Unga ko‘ra xususiy mulkchilikni rivojlantirish, faol investitsion loyihalarni aniqlash va tadbiqini ta’minlash bu borada, huquqiy himoya tizimini kuchaytirib, kichik biznes hamda xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qulay sharoitlar yaratishni ko‘zda tutiladi. Investitsion salohiyatni yanada ko‘tarish bo‘yicha olib borilayotgan ishlar natijasida yurtimizning investitsiyaviy jozibadorligini yanada oshirish borasidagi faoliyatlar uzviyligini va natijaviyligini ta’minlash, ko‘zlangan maqsad sari muhim omil bo‘lib hizmat qiladi. Bu esa, mavjud chora-tadbirlarni aniq belgilab olish uchun muhim hisoblanadi. Jamiyat hayotini faollashtirish, uning ilg‘or texnologiyalardan foydalanib og‘irini yengil qilish, shuningdek, jahon hamjamiyatidagi o‘rnini munosib belgilashga qaratilgan bu strategik harakatlar aholining farovon hayotini ta’minlaydi desak aslo mubolag‘a bo‘laydi.

Hozirda innivatsion faoliyatni qo‘llab quvvatalash maqsadida asosiy qonun hujjatlari joriy etilishi kutilmoqda. Unda rivojlanishning eng nozik masalalari ko‘zda tutiladi. Bunda ilmlilikga asoslangan, puxta va yutuk kadrlarning yuqori salohiyatidan foydalanish ko‘zda tutladi. Shu bilan birga, innovatsion iqtisodiyotning asosi bo‘lgan bilimlar iqtisodiyotning informatsion iqtisodiyotga aylanish jarayonlari bilan bog‘liq bo‘lgan asosiy tushinchalar, amaliyot uchun zarur bo‘lgan bilimlarni yaratish bilan bog‘liq bo‘ladi. Zamonaviy nazariyaga ko‘ra, innovatsion bozorda amalga oshirilgan, amaliyot-ga joriy etiladigan yangi yoki mukammashtiriladigan texnologik jarayon natijasida amalga oshiriladigan innovatsion faoliyatning yangi va takomillash-gan mahsuloti sifatida oxirgi natijasi olib chiqiladi. Binobarin, amalga joriy etiladigan innovatsiyalarda iqtisodiy, ishlab chiqrish – texnologik, ekologik va

tashkiliy - boshqaruv turidagi innovatsiylar, siyosiy, huquqiy va ma'naviy muhitdagi innovatsiyalar kabi soxalardagi o‘z rivojini ta'min etishi nazarda tutiladi.

Texnologik jihatdan o‘ta rivojlangan mamlakatlarda iqtisodiy o‘sishning asosi korporatsiyalar bo‘lib, ularda eng asosiy o‘rinni ijodiy tashkilotlar egallaydi. Ular davlatning siosiy, iqtisodiy, ilmiy, ijtimoiy va madaniy talablarini qondirish uchun kerakli bo‘lgan qimmatli bilimlar va informatsiyalar zahirasini hosil qiladi. Yangi ishlab chiqarish yo‘lga qo‘yilishida ilmiy ma'umotlardan keng miqiyosda foydalanish uning asosiy funksiyasi bo‘lib, ishlab chiqarishga ilmiy asos bag‘ishlaydi. Yangi information texnologiyalarning rivojlanishi xo‘jalik faoliyatini dunyo miqiyosidagi korxonalar bilan hamkorlikda olib borish imkonini yaratadi. Shu nuqtayi nazardan, bugungi kunda zamonaviy innovatsion loyihalarni qo‘llab quvvatlash hamda bunday amaliyotda o‘z tasdig‘ini topishini kutayotgan masalalarni izlab topish va ijobiy hal etishga bag‘ishlangan dasturlarni mavjudligi muhim hisoblanadi. Bu yashashning oliy tendensi, faol hayot nazariyasini targ‘ibotidir. Aytish joizki, barcha innovatsion g‘oyalarning tub mohiyati aholi turmush tarzini yaxshilash uni islox qilish nuqtayi nazaridan ahamiyatli. Olib borlayotgan ishlar rivojlanishning asosiy usuvor yo‘li va vazifasini aniqlab beruvchi yo‘l hisoblanadi. Qilingan ishlar va qilinishi lozim bo‘lgan ishlar sarhisobida biz bugun aytishimiz mumkinki, yaqin kelajakda rivojlanishning odimi misli ko‘rilmagan tezlikni kasb etadi. Endilikda biz innovatsion rivojlanishni faqatgina xom-ashyo manbayi bo‘lishda emas, balki, butun bir rivojlanishning ustuvor sohalarida kasb etamiz. Sanoat va qishloq xo‘jalik mahsulotlarining raqobatbardoshligini ta'minlash, yoshlarni zamonaviy ilmliligini oshirish va ishlab chiqarish soxalaridagi rivojlanish kabi masalarini tashkil etishda erishilayotgan ijobiy natijalar fikrimizga dalil bo‘la oladi.

Bugun biz tushinishimiz shart bo‘lgan innovatsion iqtisodiyotining ahamiyati rivojlanishning muhim yo‘lidir. Yangilik kirituvchi bo‘lish, mavjud fan turkumidagi axborotlarni o‘rganish va samaradorligini oshirish, iqtisodiyotda o‘z mavqeyiga hos o‘rin tutish bizning pirovard maqsadimiz bo‘lishi shart. Shu o‘rinda aytishim mumkinki, o‘z innovatsion g‘oyasi bilan faoliyat boshlayotgan novator qaysi soxada ish boshlayotganidan qat'iy nazar avvalo, o‘zi bu soxa innovatsiyalari bilan tanishadi so‘ngra uni faoliyatidan foydalanuvchilarga ulashshni boshlaydi. Manashu jarayon biz kutgan faollashuvning debochasidir. Texnologiyalar va shu bilan birga intelektual mulkka egalik qilish huquqi - barcha ishlab chiqarish tashkilotlar uchun investitsion jarayonning asosi bo‘lib hizmat qiladi. Investitsion faoliyatni yuritish biz va atrofimizdagilar uchun foydali tanlov bo‘ladi. Shu nuqtayi nazardan, zamonaviy rivojlanish yo‘lini tanlash va odimida rost bo‘lish bizning maqsadimiz bo‘lishi shart va zarurdir.

**M.V.Xasanboyeva –** Toshkent moliya instituti talabasi

# XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINING HAYOTIMIZDAGI O‘RNI VA INNOVATSION XIZMAT KO‘RSATISHNING IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDAGI AHAMIYATI

Xizmat ko‘rsatish sohasi har bir iqtisodiyotning ajralmas bo‘lagiga aylanib ulgurgan. Yangi ish o‘rinlarini yaratish, eksport uchun yangi imkoniyatlar, insonlar hayoti farovonligini oshirish bilan birga davlat yalpi ichki mahsulotiga bevosita va sezilarli ta’sir ko‘rsatuvchi bu soha mamlakat iqtisodiyotining yuksalishida va investitsiya muhitini yaxshilanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Iqtisodiyot rivojlangani sari undagi servis sektorining ulushi ham o‘sib boradi. Aslida, servis sektori ulushining ko‘payishi iqtisodiyotning rivojlanayotganini ko‘rsatuvchi indikatorlardan biri hisoblanadi. Tarixdan ma’lumki, xalqlar qishloq xo‘jaligiga ixtisoslashuvdan keyin bosqichma-bosqich sanoatlashishgan, vaqt o‘tib esa iqtisodiyot sanoatdan xizmat ko‘rsatish sohasiga o‘tgan. Hozirda dunyodagi yetakchi mamlakatlar post-industrial davlatlardir. Amerika Qo‘shma Shtatlari, Buyuk Britaniya, Yaponiya, Fransiya, Germaniya, Rossiya kabi rivojlangan davlatlar YaIMda xizmat ko‘rsatish sohasining ulushi kattaligi ham bu sohaning ahamiyati yuqoriligidan dalolat beradi. (1- rasm).

1-rasm.

**Xizmat ko‘rsatish sohasining YaIMdagi ulushi(% da)[1].**




Jahon bankining ma’lumotlaridan ham ko‘rinib turibdiki, rivojlangan mamlakatlar YaIMda servis sektorining ulushi ancha salmoqli (AQSH-77%, B.Britaniya -70,1%,Fransiya-70,2%, Yaponiya-68,8%, Germaniya-61,9%, Rossiya-56,2%). Bundan tashqari Amerika Qo‘shma Shtatlarining Central Intelligence Agency kompaniyasining 2018–yil bo‘yichastatistik ma’lumotlariga ko‘ra butun dunyo boyligining ulkan qismi servis sohasida yaratilar ekan (xizmat ko‘rsatish-63%, sanoat- 30%, qishloq xo‘jaligi-6,4%). Jahondagi tadqiq doirasiga kirgan 226 mamlakatlar orasidan 201 mamlakatda servis eng yetakchi

[1] Jahon banki ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan. World Development Indicators. http://wdi.worldbank.org/table/4.2

iqtisodiyot sektori va 30 dan ortiq mamlakat YaIMning 80 foizdan ortig‘ini aynan shu sohadan oladi. Xizmat ko‘rsatish sohasiga ixtisoslashgan mamlakatlardan eng birinchisi AQSH (15,53 trillion AQSH dollari) ekanligi yuqoridagi fikralimizga yaqqol misol bo‘ladi[1].

Kundan kunga insonlar hayotini yengillashtiruvchi, oldin bo‘lgan yoki kelajakda bo‘lishi mumkin bo‘lgan hali o‘zimiz ham bilmaydigan xohish-istaklarini qondiruvchi xizmat turlari oshib bormoqda. 50 yillar chamasi oldin birinchi elektron fayllar endi jo‘natilishni boshlagan paytda odamlar hali onlayn bank,raqamli tizim, oldindan bron qilish, emaillarni o‘ylab ko‘rishmagan hamki bugun biz ularsiz yashay olmaymiz.

Xizmatlar diversifikatsiyalashar ekan, sohada innovatsiyaning ro‘li ortmoqda.Servisdagi innovatsiya bu yangi yoki qayta ishlangan xizmat ko‘rsatish yoxud buning mahsuli bo‘lmish tovarlar.Servisda innovatsiya bu yanada ko‘proq qulaylik va xizmat ko‘rsatilayotgan mijozni yanada ko‘proq mamnun qilish orqali o‘z kompaniya yohud biznesi foydasini ko‘paytirishdir. Servisda innovatsiya bu mijozlarning turmushini yaxshilashni anglatadi. Masalan so‘gliqni saqlashdagi o‘zgarishlar insonlar salomatligini yaxshilaydi,ta’limdagi xizmatlar orqali bilim ko‘nikmalar ortadi, moliyaviy ishlar bo‘yicha maslahat kelajakdagi ko‘ngilsiz voqealar oldini oladi, turism va ko‘ngil ochar xizmatlar esa bo‘sh vaqtni maroqli va mazmunli o‘tkazish ehtimolligini oshiradi. Albatta, texnologiya asrida yashar ekanmiz boshqa sohalardagidek servisda ham innovatsiyani yangi texnologiyalarsiz tasavvur etib bo‘lmaydi. Masalan Visa o‘z mijozlari uchun xavfsiz chiplarni visa kartalariga o‘rnatishni yangilik sifatida kiritgan edi. Bu chip kredit kartasini duplikatlashtirishdan va mijoz shaxsiy informatsiyani hakerlar tomonidan o‘g‘irlanishinining oldini oladi. Visadagi bu kabi yangilik joriy qilinishi mijozning shaxsiy identifikatsiyasini yanada ko‘proq himoya qilinishiga va marketing strategiyasining mukammalashuviga olib keladi. Xizmatlar turining ko‘payishi va sifatining oshishi ko‘plab yangi ish o‘rinlarining yaratilishiga va xizmatlar sohasining rivojlanishiga zamin yaratadi.

Hozirgi vaqtda O‘zbekistonda ham xizmatlar sohasining rivojlanishi moddiy ishlab chiqarish o‘sishidan ilgarilab ketmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Statistika Qo‘mitasining ma’lumotlariga qaraganda, 2017 yil yanvar-dekabr oylarida yalpi ichki mahsulot (YaIM) tarkibida xizmatlarning ulushi 47,3 foizni va ishlab chiqarish hajmi 116795,7 mlrd.so‘mni tashkil etdi hamda 8,9 foizga oshdi (2-rasm). Xizmatlar hajmining oshishi bir qator omillarning ta'siri bilan izohlanadi, jumladan: bozorda yangi turdagi xizmatlarning paydo bo‘lishi, masalan, kredit kartalari orqali to‘lovlar, Internet-savdo, yangi savdo markazlari, ovqatlanish korxonalari, mehmonxonalarning tashkil etilishi, ta'lim xizmatlarini kengaytirish, dam olish sohasidagi tanlovning kengayishi shular jumlasidandir.

[1] The CIA World Factbook (sector composition). CENTRAL INTELLIGENCE AGENCY. 20 Nov 2018. USA

2-rasm.

**O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohasining YaIMdagi ulushi(% da)**[1]




Respublikamizda 2010-2017 yillarda sohaga qaratilayotgan e’tibor natijasida moliyaviy xizmatlar - 4,9 martaga, sog‘liqni saqlash sohasidagi xizmatlar - 4,8 martaga, aloqa va axborotlashtirish xizmatlari - 4,3 marta, yashash va ovqatlanish - 3,2 martaga, ko‘chmas mulk bilan bog‘liq xizmatlar – 3,1 martaga, me'morchilik, muhandislik izlanishlari, texnik sinovlar va tahlil sohasidagi xizmatlar - 3,0 martaga o‘sishi kuzatilmoqda.

Biroq xizmatlar ko‘rsatish sohasining yanada rivojlanishiga bir qator to‘siqlar hali ham mavjud. Bu kabi muammolarga xizmat ko‘rsatish sohasida malakali kadrlar yetishmayotganligi va mavjud kadrlarning o‘z ustida mustaqil izlanmayotganliklari misol bo‘la oladi. Shu sababli ham xizmat ko‘rsatish sohasida innovatsiyalar kam. Kerakli va malakali kadrlar sonini oshirish, ularni o‘z sohalarida innovatsiyalar yaratishlari uchun rag‘batlantirish hamda eng so‘nggi texnologiyalardan foydalanish bu kabi muammolarga samarali yechim bo‘la oladi.

Xulosa qilib aytganda, xizmatlar sohasini keng qamrovli rivojlanishi, aholi turmush darajasini oshirish va samarali ish bilan iqtisodiyotning barqaror rivojlanishini ta'minlash dolzarb masalalar hisoblanadi. Keyinchalik yangi ish o‘rinlarini yaratish orqali iqtisodiyotni barqaror o‘sishini ta'minlash, investitsiya, soliq, pul-kredit siyosatini, fan va texnik siyosatini takomillashtirish va yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash orqali kichik biznesni rivojlantirish bozor xizmatlarining tarmoqlar tarkibida, sifatli tarkibiy o‘zgarishlarga olib keladi. Bu O‘zbekistonda xizmatlarni ishlab chiqarish va iste'mol qilishning oqilona tarkibini shakllantirish, aholi turmush darajasi va sifatini yanada oshirish imkonini beradi.

[1] O‘zbekiston Respublikasi Statistika Qo‘mitasi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan. www.stat.uz

# II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

**И.С. Тухлиев –** СамИСИ профессори, и.ф.д.,
**Б.А. Қўзибоев –** СамИСИ магистранти

## ҲУДУДЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Республикамизда ҳудудларининг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, муҳандислик- коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига энг самарали технологияларни кенг татбиқ қилишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни муҳимдир.

Шу боисдан ҳам юртимизда маҳаллий хом ашё ҳамда ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиш, эркин иқтисодий зоналарда рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналардаги корхоналар томонидан ташқи бозорда талаб юқори бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этиш, бунинг учун ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш мақсадида хорижлик инвесторларга янги имтиёз ҳамда преференциялар берилаётганлигини ҳам алоҳида қайд жоиздир. Жумладан, эркин иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатадиган корхоналарга киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йилгача муддатга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилишидан ташқари, у ердаги корхоналар учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб вазифалар белгиланган.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил

этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда қуидаги эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин- фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз топшириғига асосан эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияси очилган. Кичик саноат зоналарида дирекциялар ташкил этилган. Кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат банки бириктирилган. Бозор талаблари ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган. Кичик саноат зонасида ишлайдиган субъектлар 2 йил барча солиқлардан озод этилган. Бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларидан самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида ушбу бинолар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги кичик саноат зоналари 96 тага етди. Бугунги кунгача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган104 . 103 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти  лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.[1]

Шунинг билан биргаликда эркин иқтисодий зоналар салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётганлигининг оқибатида унинг иштирокчилари томонидан рақобатдош, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳамон паст, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, ички бозорни истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар билан таъминлаш, республикада экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва валюта тушумлари миқдорини кўпайтиришдаги улуши паст даражада қолмоқда. Шунингдек, айрим инвестиция лойиҳалари

[1] stat.uz

портфелининг сифати талабга жавоб бермайди, эркин иқтисодий зона ҳудудида етакчи хорижий компаниялар иштирокида, аввало, маҳаллий минерал-хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, шунингдек, жаҳонга машҳур брендлар остида экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли маҳаллийлаштирилган замонавий корхоналар ташкил этиш ишлари суст амалга оширилмоқда, эркин иқтисодий зона ҳудудида ташкил қилинган хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари етарли даражада эмас, зарур логистика тизими мавжуд эмас. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарда маҳаллий минерал-хомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида ривожлантириш қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: - эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида жойлашган корхоналарни барча зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва инфратузилма билан ўз вақтида таъминлаш; - кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш; - эркин иқтисодий зона ҳудудида жойлашган саноат корхоналари ва инфратузилма объектларида ишлаб чиқариш амалиёти ўташини назарда тутган ҳолда, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш; - эркин иқтисодий зона иштирокчиларини рўйхатга олиш, уларга ер участкалари ажратиш, инвестиция лойиҳаларини маъқуллаш, корхоналарни ташқи муҳандислик инфратузилмасига улаш, тадбиркорларга ишлаб чиқараётган маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш жараёнлари муддатининг асоссиз чўзилишининг олдини олиш. Демак, эркин иқтисодий зоналар мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун маҳаллий ва чет эл капиталини, илғор технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи аниқ белгиланган махсус ажратилган ҳудуд саналади.

Ҳозирги вақтда мамлакатлар ривожланиб бораётган эркин иқтисодий зоналарни яратиш ва бу орқали импорт маҳсулотларини нархини камайтиришга уриниш, янги иш ўринларини шакллантириш орқали мамлакатни инқироздан чиқаришнинг ягона йўли сифатида қарашмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган бўлиб, улар 140 га яқин мамлакатда жойлашган. Бугунги кунда дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500

млрд. доллардан зиёддир. Ўзбекистоннинг аҳолисининг 60 % ёшлар (30 ёшгача) ташкил қилишини ҳисобга олсак, бу ҳолатнинг нақадар долзарб эканлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, билан биргаликда иқтисодиётнинг энг сердаромат сохаларидан бири бўлган туризмда ҳам эркин туристик зоналар ташкил этилмоқда.

Туризм бугун барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири. Ушбу соҳа аҳолининг турмуш даражасини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш имконини беради. Шу боис мамлакатимизда мазкур тармоқ салоҳиятидан янада самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланиб, ҳаётга татбиқ этилаяпти.

Президентимизнинг мазкур йўналишда қабул қилинган қатор ҳужжатларида ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ҳамда уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш борасида қатор вазифалар ўз ифодасини топган.

Мухтассар айтиб ўтганда хукуматимиз томонидан эркин туристик зоналарни ташкил қилиш учун бир нечта шартлар белгилаб қўйилган Инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш мезонлари ва уларнинг ташаббускорлари бизнес-режаларига доир талаблар тасдиқланди. Улар Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2018 йилдаги 365-сон қарори[1]да кўрсатилган.

Эркин туристик зона (ЭТЗ) иштирокчисига айланиш ва у ерда ўз лойиҳасини амалга ошириш учун 11 та мажбурий мезонга жавоб бериш керак. Шу ўринда талабларнинг бир қисми ижтимоий томонга йўналтирилганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, янги иш ўринлари ташкил қилиш зарур. Бунда уларнинг сони маъмурий кенгаш томонидан белгиланади, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши рўйхатлари бўйича эҳтиёжмандлар учун 10% квотаси белгиланган. Шунингдек лойиҳа ташаббускори ўз бизнес лойиҳаси мазмунига эътибор қаратиши зарур. ЭТЗда лойиҳани жойлаштириш масаласини ҳал этиш пайтида, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, қуйидагилар аҳамиятга эга:

Инвестицияларни муассисларнинг ўз маблағлари ва улар томонидан Ўзбекистоннинг давлат кафолати тақдим этилмасдан жалб қилинган кредитлар ҳисобидан амалга ошириш. Инвесторнинг молиявий лаёқатлилиги, техник ва технологик базанинг мавжудлиги. Инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги (инвестиция лойиҳасини қулай жойлаштириш, ташкил этиладиган иш ўринлари сони, ҳудуд ва умуман, соҳадаги инфратузилма ўзгаришларига таъсир кўрсатиш, ишлаб турган қувватлардан фойдаланиш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги). Инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мос бўлган менежмент тизимининг мавжудлиги. Асбоб-ускуналар ва технологик линиялар рўйхати кўрсатилган ҳолда, энергия тежайдиган замонавий тизимлар ва техноло-

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2018 йилдаги 365-сон қарори

гиялар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш назарда тутилган, жаҳондаги етакчи меҳмонхона тармоқлари ва умумий овқатланиш тармоқлари брендларининг мезонларига мос бўлган, шунингдек ходим сифатида юртдошларимизни жалб этишни кўзда тутадиган лойиҳаларга устунлик берилади.

ЭТЗ иштирокчилари бўлган тадбиркорлик субъектлари эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялардан фойдаланадилар. Бугунги кунда мамлакатимизда қуйидаги Эркин туристик зоналар, ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017—2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти сайёҳлик имкониятларини жадаллик билан ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Бухорода ҳудуди 10 гектардан кам бўлмаган «Боқий Бухоро» номли эркин туристик зона яратилилиш кўзда тутилган.[1]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 — 2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарорига биноан Самарқанд вилояти Самарқанд шахрида «Samarkand city» туризм зонасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган [2] . Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 5 декабрьдаги «Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-5273-сон фармони асосида хам рспубликадаги 3-туристик зона хам ташкил қилинди.[3]

Эркин туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар қуриш, шунингдек замонавий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этилади.

Қуйидагилар эркин туристик зонанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланади:

Эркин туристик зонада замонавий туризм инфратузилмаси объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини жалб қилиш; Худуднинг экомуҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш;

Транспорт воситаларининг арзонлигини таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (поезд, электропоезд, автобус), шу жумладан, муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорти йўналишларини кенгайтириш, унинг тўхтовсиз ҳарака-

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2017 йилдаги 825-сон қарори
[2] Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарори
[3] Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 5 декабрьдаги пф-5273-сон фармони

тини ташкил этиш,тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

Туристлар хавфсизлигининг қушимча шароитларини, шу жумладан туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, огоҳлантириш тизимларини ташкил этиш, минтақа ҳудудига келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш йўли билан яратиш;

Эркин туристик зона ҳудудида лойиҳаларни амалга ошираётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторлар (шу жумладан, хорижий инвесторлар) учун белгиланган алоҳида божхона ва солиқ режимларини таъминлаш;

Энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини кўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.

Эркин туристик зона эркин иқтисодий зона ҳисобланади;

Эркин туристик зона ва эркин туристик зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва улар иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялар татбиқ этилади; эркин туристик зонанинг фаолият кўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади.

**A.A.Xudoyorov** – O‘zbekiston Xalqaro islom akademiyasi professori,
**I.M.Gulmuratov** – O‘zbekiston Xalqaro islom akademiyasi magistranti

## TURIZM RIVOJLANISHINING IQTISODIY VA IJTIMOIY AHAMIYATI

Hozirda Turizm eng tez rivojlanayotgan tarmoqlardan biri hisoblanadi. Bu soha katta investisiyani talab qilmasdan yuqori daromad olish mumkin bo‘lgan sohadir. Soha mutaxassislarning fikriga ko‘ra, turizm XXI asrning eng daromadli sohasiga aylanadi. Hozir u dunyo bo‘yicha avtomobilsozlik va neftni qayta ishlash sohasidan keyin uchinchi o‘rinni egallab turibdi. Turizmning rivojlanishi katta ilmiy tadqiqot xarajatlarini hamda yuqori qiymatli texnologiyalarni talab qilmaydi. Aksincha, turizm transport, oziq-ovqat, mehmonxona, savdo-sotiq, hunarmandchilik, qurilish va boshqa ko‘plab xizmat turlarini ham rivojlanishiga olib keladi. Bundan tashqari, mamlakat tashqi qiyofasini zamonaviylashtirishga, mehmonxona va restoran industriyasini rivojlantirishga hamda transport-kommunikatsiya tizimlari kabi ko‘plab tarmoq-lar o‘rtasidagi aloqalarni shakillantirishga xizmat qiladi.

Turizmning global rivojlanishi dunyo mamlakatlarini yaqinlashtirib, ularning o‘zaro munosabatlarini faollashtirishda eng ishonchli va eng mustahkam tizimdir. Turizm rivojlanishi deyarli barcha sohalarga ijobiy ta’sir

ko‘rsatib mamlakat iqtisodiyotining dinamik tarzda o‘sishiga olib keladi. Shuningdek, sohaga kiritilayotgan sarmoya qisqa fursatda o‘zini oqlashi, turistik kompaniyalar imkoniyatlari kengayishi hamda yuqori foyda olish mumkinligi sohaga jalb qilinayotgan investitsiyalar hajmini oshirmoqda. Shuning uchun, ko‘pgina davlatlar va tadbirkorlar turizmning rivojlanishi uchun katta e’tibor bermoqdalar. Bugungi globallashuv jarayonida qariyb barcha mamlakatlar iqtisodiy faoliyatida turizm sektori yuqori daromad manbai sifatida alohida ahamiyatga ega. Turizmning mamlakat iqtisodiy-ijtimoiy hayotiga ta‘siri valyuta tushumi, ish o‘rni yaratish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, madaniyat va qadryatlarni saqlashda ko‘rinadi.

Dunyoda ko‘pgina mamlakatlar turistik xizmatlar eksport qilish orqali katta iqtisodiy o‘sish imkoniyatiga ega bo‘lishmoqda. Butunjahon turistik tashkilotining ma’lumotlariga ko‘ra, dunyo bo‘yicha 2017 yilda sayohat va turizm 7,9 trillion AQSH dollari, ya‘ni umumiy YaIMning 10.4 %i, 1,5 trillion AQSH dollari, ya’ni umumiy eksportning 6.5 %i (bu umumiy xizmatlar eksportining 28.8%i demakdir) va 298 million ish o‘rni (har 10 dan 1 kishi turizm sohasida ishlaydi) ga teng bo‘ldi. 2017 yilda xalqaro turistlar tashrifi 1,29 mlrdga teng bo‘ldi va bu ko‘rsatkich 2027 yilga kelib 2 mlr kishidan ortiq bo‘lishi kutulmoqda. Hozirda turizm dunyo miqyosida avtomobil sanoati, moliyaviy xizmatlar va sog‘liqni saqlashga qaraganda tez sur’atlar bilan o‘sib bormoqda. 2017 yilda global iqtisodiy o‘sish 3% bo‘lgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich turizm sohasida 4.6 % ni tashkil etdi.[1]

O‘zbekiston turizm sanoatida katta imkoniyatga ega davlatlardan biri hisoblanadi. Hozirda O‘zbekistonda 7 ming 300 dan ortiq madaniy meros obyekti mavjud bo‘lib, ularning aksariyati YUNESKO ro‘yxatiga kiritilgan. Bundan tashqari, Respublika bo‘yicha jami 550 ta sayyohlik kompaniyasi va turoperatorlar faoliyat yuritmoqda. Mintaqadagi tarixiy ob’yektlar, arxitektura va shaharsozlik obidalarining aksariyatini qamrab olgan 110 ta xalqaro sayyohlik yo‘nalishi bo‘yicha xizmat ko‘rsatilmoqda.WTTC ma’lumotlariga ko‘ra O‘zbekiston iqtisodiyotida turizm ulushi quyidagicha (1-jadval).

1-jadval

**O‘zbekiston iqtisodiyotida turizm ulushi [1]**

| Turizmning ulushi | 2017 yil | 2018 yil | 2028 yil (prognoz) |
|---|---|---|---|
| **YaIMdagi to‘g‘ridan to‘g‘ri ulushi** | UZS2,220.0mlrd (YaIMning 0,9 %i) | UZS2,319.9mlrd (4,5%ga o‘sish) | UZS4,155.4mlrd (o‘rtacha 6%dan o‘sish) |
| **YaIMdagi umumiy ulushi** | UZS6,703.4mlrd (YaIMning 2,8 %i) | UZS6,911.2mlrd (3,1%ga o‘sish) | UZS12,407.8mlrd (o‘rtacha 6%dan o‘sish) |
| **Ishchi kuchi to‘g‘ridan to‘g‘ri ulush** | 98500 ish o‘rni (umumiy ishchi kuchining 0,8 %i) | 98500 ish o‘rni (o‘zgarmagan) | 111000 ish o‘rni (o‘rtacha 1,2% dan o‘sish) |
| **Ishchi kuchining umumiy ulushi** | 305000 ish o‘rni (umumiy ishchi kuchining 2,4 %i) | 300500 ish o‘rni (1,4%ga pasayish) | 337000 ish o‘rni (o‘rtacha 1,1% dan o‘sish) |
| **Sayyohlik eksportida** | UZS 753.2 mlrd (umumiy eksportning 1.5 %i) | UZS 787.1 mlrd (4,5%ga o‘sish) | UZS 1,532.8 mlrd (o‘rtacha 6,9% dan o‘sish) |
| **Investitsiya** | UZS 1,168.8 mlrd (umumiy investitsiyaning 2.1 %i) | UZS 1,179.1 mlrd (0,9%ga o‘sish) | UZS 1,843.8 mlrd (o‘rtacha 4,6% dan o‘sish) |

Yuqoridagi raqamlar shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekiston iqtisodiy hayotida turizm sanoatining ahamiyati tobora ortib bormoqda. Bu Respublikaning xalqaro turizm bozorida o‘z o‘rnini egallayotganligidan dalolatdir.

Biroq, turizm sohasida ulkan imkoniyatlar mavjud bo‘lsada, O‘zbekistonning turizm infratuzilmasi, turizm xizmatlari sifati va uning darajasi keskin raqobat sharoitida zamonaviy talablarga mos kelmaydi. 2017 yilda jami o‘zlashtirilgan investitsiyalarning 2,1%igina turizmni rivojlantirishga yo‘naltirilgan. Mehmonxonalar soni yetarli darajada emas, 2017 yilda ularning soni 676 tani tashkil qildi. Bundan tashqari, turizmning mamlakat iqtisodiyotiga qo‘shayotgan hissasi juda ham kam miqdorda, ya’ni 2017 yilda YaIM ning 2.8%ni tashkil qildi.[1]

Bu kabi muammolarni bartaraf etish, hamda iqtisodiyotining strategik tarmog‘i sifatida turizmni jadal rivojlantirish uchun qulay iqtisodiy va tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlar yaratish, hududlarning ulkan turizm salohiyatidan yanada to‘liq va samarali foydalanish, milliy turizm mahsulotlarini yaratish va ularni jahon bozorlarida raqobatbardoshligini oshirish, turizm sohasida O‘zbekistonning ijobiy qiyofasini shakllantirishga yo‘naltirilgan tizimli ishlar amalga oshirilishi kerak. Chunki, arzon hamda sifatli turistik xizmatlarni yaratish mamlakatga tashrif buyuruvchilar sonining ortishiga olib keladi.

Shu o‘rinda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2019 yil 5 yanvardagi PF–5611-son Farmoni olib borilayotgan islohotlarni yanada jonlantirdi. Farmonda turizm sohasini tubdan isloh qilish bo‘yicha muhim chora-tadbirlar nazarda tutilib, qator maqsadli vazifalar va ustuvor yo‘nalishlar belgilandi. Bundan tashqari, qabul qilingan 2019–2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish Konsepsiyasi sohada yangi taraqiyot yo‘lini belgilab berdi. Jumladan:

- turizmning yangi salohiyatli turlari – ziyorat qilish, ekologik, ma’rifiy, etnografik, gastronomik, sport, davolash-sog‘lomlashtirish, qishloq, sanoat, ishbilarmonlik, bolalar, yoshlar va oilaviy turizmni jadal rivojlantirish;

- turizm sohasida xalqaro va milliy tashkilotlar, yirik xorijiy brendlar va kompaniyalar bilan hamkorlikni kengaytirish, turizm xizmati ko‘rsatishning ilg‘or jahon sifat standartlarini joriy etish;

- respublika mintaqalarida turizm infratuzilmasining zamonaviy ob’yektlari, eng avvalo mehmonxonalar, transport-logistika tuzilmalari, muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasini jadal rivojlantirish, ushbu maqsadlar uchun xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish;

- raqobatbardosh turizm mahsulotlarini ishlab chiqish, mintaqalarda yangi turizm yo‘nalishlarini yaratish, ularni jahon turizm bozorlariga olib chiqish va boshqalar.[2]

Umuman olganda, turizm sohasida qo‘lga kiritilgan yutuqlar talaygina bo‘lsada, O‘zbekistonning betakror tabiati, go‘zal dam olish maskanlari imkoniyatlaridan foydalanib, yangi turistik yo‘nalishlar ochish mumkin. Bu sohaga jahon brendlari va investorlarni faol jalb etgan holda, biz ziyorat turizmi,

ekologik, ma’rifiy, etnografik, gastronomik turizm va bu sohaning boshqa tarmoqlarini rivojlantirish mumkin. Bundan tashqari sohani yanada rivojlantirish uchun avvalo turistik infrastrukturani shakllantirishga e’tibor qaratish, yangi mehmonxonalar qurish hamda nufuzli mehmonxona brendlarini jalb qilish, turistlar uchun qulay bo‘lgan zamonaviy transport turlarini ko‘paytirish, hududlarda turistlar uchun shart-sharoitlarni yaxshilash kabi yo‘nalishlarga invistitsiyalarni yo‘naltirish zarur.

Respublikda sayyohlik infratuzilmasini mustahkamlash, malakali kadrlar tayyorlash hamda turizm sohasida ilg‘or marketing hamda menejment yutuqlaridan foydalanish turizmning rivojlanishiga katta imkoniyat yaratadi. Shuningdek, me’moriy obidalarni ta’mirlash va obodonlashtirish, ekoturizmni ommaviylashtirish, kadrlar salohiyatini oshirish turistik xizmatlar hajmiga hamda iqtisodiyotdagi ulushining o‘sishiga sezilarli darajada ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

[1] Travel & Tourism Economic Impact 2018 Uzbekistan//World Travel & Tourism Council 2018 march.

[2] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasi sayyohlik sohasini rivojlantirishni tezlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi farmoni. –T:.2.12.2016y.

**А.Н.Холиқулов** – СамИСИ, Менежмент ва статистика кафедраси мудири, и.ф.н., илмий раҳбар
**П.А.Муртазакулова** – СамИСИ магистранти

## ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Корхонанинг молиявий ҳолатининг муҳим тавсифларидан бири – бу узоқ муддатли истиқболли фаолиятининг барқарорлигидир. У биринчи навбатда корхонанинг умумий молиявий таркиби, унинг кредиторлари ва инвесторларига тобелигига боғлиқ. Шунинг учун кўпгина тадбиркорлар ўз маблағларини кам ишлатиб, қарзга олинган маблағлар ҳисобига молиялаштиришни ҳуш кўришади. Аммо, агарда “ўз маблағлар – қарз маблағлар” структураси қарзлар тарафига оғиб кетса, “ноқулай” вақтда бир қанча кредиторлар қарзларини талаб қилиб қолганда корхона таназзулга учраши ҳам мумкин.

Туристик ташкилотнинг молиясини мукаммаллаштириш муҳим аҳамиятга эга, яъни улар самарадорлигини ошириш, шу туфайли ташкилот молиявий мустаҳкамлиги таъминланади. Ўзининг амалий фаолиятида туристик ташкилот ҳар қандай фаолиятининг босқичларида якуний натижага деб белгиланган рентабелликка эришиши муҳим ҳисобланади.

Молиявий хўжалик фаолияти асосида эса узоқ муддатли молиявий режалаштириш ётиши лозим.

Туристик ташкилот молиясини бошқариш деганда, молиявий механизм тузиш жараёни, бошқа субъектлар билан молиявий муносабатларни ташкил қилиш тушунилади. Туристик ташкилот молиясини бошқариш молиявий режалаштириш, оператив бошқарув, молиявий назорат, ҳисоб ва таҳлил каби элементларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, молиявий режалаштириш, корхона молиявий режаларини ишлаб чиқишда капиталнинг самарали қўйилмалар йўналишларини аниқлаш, хўжалик ички заҳираларини аниқлаш, контрагент, давлат ва бошқа иқтисодий субъектлар билан молиявий муносабатларни оптималлаштиришни тақозо этади.

1 жадвал

**Туристик фирмаларнинг молиясини бошқариш алоқалари**[1]

| **Молиявий бошқариш** | **Молиявий муносабатлар** |
|---|---|
| Молиявий муносабатларни бошқариш | Бошқа корхона ва ташкилотлар, молия – кредит тизимидаги бирлашмалар таркибидаги корхоналар |
| Пул фондларини бошқариш . | Ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар, қарз маблағлар, тезкор фондлар ва бошқ. |
| Пул оқимларини бошқариш | Асосий фаолият, инвестицион фаолият, молиявий фаолият |

Молиявий режалар ва башоратлар тузишда тезкор усул (келажакдаги солиқ мажбуриятлари ва амортизация ажратмалари ҳажмини баҳолаш), дисконтлаш усули (қўйилмаларнинг келажакдаги даромадлилиги ва уларга инфляция факторларининг таъсири), экстрополяция усули, иқтисодий математик моделлаштириш усули (молиявий ресурлар ўсишига таъсир қилувчи турли хил факторларни баҳолаш), бюджетлаштириш қўлланилади.

Бюджетлаштириш, бошқарув ҳисоби ривожи асосида молиявий режалар ва башоратларни ишлаб чиқиш жараёни сифатида, молиявий ҳамда бошқа режаларни, шунингдек ташкилот масъулияти маркази даражасида, ўзаро боғлаш имкониятини беради.

Туристик корхонанинг асосий молиявий режаси бўлиб харажатлар ва даромадлар баланси ҳисобланади, у одатда тўртта бўлимдан иборат бўлади:

- даромад;
- харажат;
- бюджет тизими билан ўзаро муносабатлар;
- кредит ташкилотлари билан ҳисоб – китоблар.

[1] http://www.tourism.uz. Туристические компании: актуальные вопросы и сегодняшние реалии.

Молия соҳасидаги узоқ муддатли йўналиши корхонанинг молиявий стратегияси асосида бўлиши керак. Даромадлар ва харажатлар, шунингдек, пул оқимлари башоратлар, туристик корхонанинг бизнес режасида кўрсатилиши мумкин. Шунингдек, бизнес – режа корхонанинг молиявий – хўжалик стратегиясини акс эттириши мумкин. У асосида кредиторлар ва инвесторлар маблағ бериш қарорларини қабул қилишади. Бизнес – режанинг молиявий қисми ўз ичига қуйидаги ҳисобларни олади:

- молиявий натижалар истиқболи;
- молиялаштириш манбаларини шакллантириш ва қўшимча инвестицияларга эҳтиёжнинг ҳисоби;
- пул маблағларини дисконтлаш модели;
- рентабеллик ҳисоби (зарарсизлик нуқтаси).

Бундан ташқари, молия бозори ҳолати, шартномалар бўйича контрагентлар молиявий ҳолати, туристик хизматлар бозори конъюнктураси ва хоказолар тўғрисида маълумот олиш талаб қилинади. Йирик ташкилотларда бундай маълумотларни олиш учун махсус аналитик марказлар яратилади. Шу билан бирга маслаҳат хусусиятига эга хизматлар ишлатилади.

Корхонада тезкор молиявий режалаштириш молиявий хизмат томонидан тўлов тақвими, касса режаси, талабнома ҳисобини тузишни назарда тутади. Туристик ташкилотнинг тўлов тақвими башоратли режа хужжатини ўзида акс эттиради, уни тузишдан асосий мақсади бўлиб, пул оқимларини жорий баланслаштиришга эришиш ҳисобланади.

Туристик ташкилотда бу режаларни тузиш бевосита инсонлар, махсус ташкилий тизим фаолияти билан боғлиқ. Шундай қилиб, туристик ташкилот молияси бошқарувининг мустақил элементи сифатида ташкилот молиявий бошқарувнинг қуйи тизимидаги ташкилий тузилмаси ҳисобланади. Молиявий бошқарувнинг ташкилий тузилмаси шунингдек унинг кадрлар таркиби ташкилот ҳажмига, унинг фаолият кўламига ва яна бир қатор омилларга боғлиқ. Кичик корхоналарда бундай бошқарув рахбар ёки бош бухгалтер томонидан амалга оширилади. Йирик корхоналарда молиявий хизмат (молия департаменти, молия дирекцияси) яратилади, унда алоҳида 40 бўлинмалар ажратилади: режа – аналитик ҳамда ҳисоб – назорат бўлимлари. Режа – аналитик бўлинма истиқбол, режалаштириш ва молиявий оқимларни ташкил қилиш масалалари учун жавоб беради, ҳисоб – назорат бўлими эса ҳисоб, молиявий назорат, бошқа бўлимларнинг ахборот таъминотини ташкил қилади.

Молиявий бошқарувда ички хўжалик ва аудитор назорати муҳим ўринни эгаллайди. Давлат молиявий назорати фақатгина солиқ мажбуриятларини бажарилишини, шунингдек корхона бюджет маблағларини оладиган бўлса, уни ишлатилишини назорати билан чекланган ички хўжалик назорати, корхонада ташкил қилинган махсус бўлимлар орқали амалга оширилиши мумкин ва улар хужжатларни текшириш ва таҳлил қилиш билан шуғулланадилар. Ундан ташқари рахбар аудиторлик

текширувини ташкил қилиши мумкин. Кўп ҳолларда корхона молиявий ҳисоботлари ишончлилиги тўғрисида мажбурий аудиторлик хулосасини олиш талаб қилинади[1].

Молияларни ишлатишнинг самарадорлигини оширишда асосий маблағлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, улар маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини ошириш, таннархни пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, мулк солиғини пасайтириш, ялпи даромадни ошириш ҳисобига корхона молиявий натижаларида акс эттирилади. Корхонада асосий маблағлардан фойдаланишни яхшилашга қуйидаги йўллар билан эришиш мумкин:

- корхонанинг ортиқча асбоб – ускуналардан, машиналар ва бошқа асосий маблағлардан озод қилиш ёки уларни ижарага бериш;
- режали – эҳтиёж ва капитал таъмирлашни ўз вақтида сифатли ўтказиш; - юқори сифатли асосий маблағларни сотиб олиш;
- хизмат кўрсатувчи персонал малакавий даражасини ошириш;
- ҳаддан ташқари маънавий ва жисмоний эскиришнинг олдини олиш мақсадида асосий маблағларни ўз вақтида яхшилаш;
- иқтисодий самара берадиган бўлса, корхонанинг иш алмашинуви коэффициентини кўтариш.

**H.F.Ochilova** –TDIU, Turizm va servis kafedrasi dotsenti,
**S.H.Sa'dullayeva** –TDIU, "Xalqaro turizm" fakulteti talabasi

## TURIZM SOHASIDA INNOVATSIYALARNI SAMARALI TATBIQ ETISH

Hozirgi kunda turizm sohasi dunyo iqtisodiyotining jadal rivojlanayotgan sohalaridan biridir. Shu jumladan, O'zbekiston Respublikasida ham turizm iqtisodiyotning eng faol jabhalaridan biriga aylanib bormoqda. Dunyo tajribasi shuni ko'rsatmoqdaki, turizmning keng qamrovli taraqqiyoti mamlakatning asosiy daromad manbalaridan biriga aylanib ulgurgan. Mamlakatimizda turizm sohasining huquqiy asoslari yaratilgan. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni[2], "Turizm tarmog'ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida"gi Qarori[3] va boshqalar buning yorqin misolidir.

BMTning Jahon sayyohlik tashkiloti ma'lumotida 2015 yilda dunyo bo'yicha 1 milliard 184 million sayyoh qayd etilgan bo'lsa, 2016 yil yakuni bo'yicha bu ko'rsatkich 1 milliard 235 millionga ya'ni, 3.9 foizga oshgan. Sayohatchilarga ko'rsatilgan eksport xizmatlari qiymati 2015 yilda qariyb 1,5

[1] Тухлиев И.С., Амриддинова Р.С. Организация экскурсионного обслуживания. Учеб.пособие. Самарканд, 2010 г.
[2] www.lex.uz sayti//O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni
[3] "Turizm tarmog'ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida"gi Qarori//Xalq so'zi 2018-yil 8-yanvar

trillion AQSh dollarini tashkil qilgan. 2016–2017 yillarda ham bu raqamlarda katta tafovutni koʻrish mumkin. Bundan koʻrinib turibdiki, sayyohlik sohasi bugungi kunning eng muhim iqtisodiy sohalaridan biriga aylandi. Shu bois dunyoning koʻplab davlatlari ushbu sohani yanada rivojlantirish, bu borada tegishli infrastrukturani jahon standartlari darajasida yaratish va sayyohlar oqimini oshirish boʻyicha barcha chora-tadbirlarni amalga oshirmoqda.

Respublikamizda xizmat koʻrsatish sohasi bozor munosabatlarining shakllanishi va chuqurlashib borishi bilan yanada rivojlantirish, unda raqobat muhitini vujudga keltirish, turizm sohasida xizmat koʻrsatishning oʻta yuqori darajadagi koʻrsatkichlariga erishishda innovatsiyalar ustida izlanish, soha innovatsiyalarini amalda tadbiq etish hozirgi globallashuv sharoitda kun tartibiga turli yangi va oʻta muhim masalalarni qoʻymoqda. Bular safida turizm sohasidagi mehmonxonalar servisining sifati va samaradorligini oshirish masalasi oʻta muhim oʻrin tutadi.Bozor iqtisodiyoti sharoitida xizmatlar koʻrsatish jarayonida mehmondoʻstlik industriyasi korxonalarning tavakkalchiligi sezilarli darajada ortadi va oʻz - oʻzidan chetdan mablagʻlar jalb qilinishiga olib keladi. Masalan, mehmonxona qurish oʻnlab, yuzlab, mln dollar bilan oʻlchanadigan moliyaviy tavakkalchilik hisoblanadi. Uni pasaytirish va ayni vaqtda kapitalni oʻsishini taʻminlash nisbatan uzoq kelajakda mehmonxonani rivojlantirish manzarasini oldindan koʻra bilishni taqozo qiladi. Iqtisodiy strategiyani ishlab chiqish mazkur manzarani yaratishga koʻmaklashadi. Aniq belgilangan samarali iqtisodiy strategiya mehmondoʻstlik xizmatlari bozorida mehmonxonani moliyaviy jihatdan kuchli va barqaror boʻlishini taʻminlaydi.Yuqori sifatli mehmonxonalarda innovatsiyalarni qoʻllagan holda servis xizmatni tashkil etish har doim mehmonxona maʻmuriyatining diqqat markazida turishi kerak. Xizmatlar koʻrsatish sohasida yuqori sifatga erishish tadbirkorlik faoliyatidagi muvaffaqiyatning muhim kalitidir. Mehmondoʻstlik sohasidagi faoliyat xizmatchilar va mijoz oʻrtasida aloqalarni yuksak yoʻlga qoʻyishni nazarda tutadi. Bu borada ayniqsa, koʻp bajariladigan harakatlar mehmonxona faoliyatidagi xizmatlarning texnik sifatini (nomerlar fondining holati, issiq suv, sochiqlar soni, ovqat tayyorlash sharoitlari va hakozolar) yaxshilashga qaratiladi. Ammo ekspertlarning bahosiga koʻra, Oʻzbekistonning turistik resurslari yiliga oʻrtacha 4 mln kishini qabul qilishga imkon beradi. Bunga erishish turistik resurslardan oqilona, toʻliq foydalanish, mehmonxona xoʻjaligida xizmat koʻrsatish sifatini yaxshilash yoʻllarini tadqiq qilishni, innovatsiyalarni joriy etishni taqozo qiladi. Oʻzbekistonning turistik salohiyati dunyo mamlakatlari orasida oʻrtacha koʻrsatkichdan baland hisoblanadi. Demak, mamlakat eksportida va YAIMda turizmning ulushi yuqori boʻlishi lozim. Lekin hozirgi kunda Oʻzbekiston YAIMda turistik xizmatlarning ulushi ancha kam. Bundan koʻrinib turibdiki, respublikada mavjud turistik resurslardan yetarlicha samarali foydalanilmayapti. Bunga asosiy sabablardan biri mehmonxonalarda servis sifatining talab darajasida emasligi va samaradorligining pastligi hamdir. Turistlarning tashrif buyurish davomiyligining tahlili shuni koʻrsatdiki, mehmonxonalarga joylashgan mijozlarning asosiy qismi 1-3 (87,7%) va 4-7

kunni (9,64%) tashkil qiladi va mehmonxona xizmatlaridan foydalanadi. Mazkur holat qisqa muddatli safar davomida turistlarga ko‘rsatiladigan xizmatlar sifatining yuqori bo‘lishini talab qiladi. Bu xizmatlarning tezkorligini, xizmat ko‘rsatuvchi personalning madaniyatli va xushmuomalaligini, xizmatlarning bekami-ko‘stligini, xilma-xilligini ta‘minlashni talab qiladi.

Туристик ташкилотларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсат-кичлардан яна бири, уларга жорий даврда қилинган харажатлар рентабеллигидир. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўрганилаётган даврда меҳмонхона хўжалигининг бир сўм қилинган харажатларга қанча тушум-нинг тўғри келганлигини кўрсатади. «ЗАМИН ТРАВЕЛ» МЧЖ кўрсаткич-нинг миқдори бир сўм қилинган харажат ўрта ҳисобда ўтган йили 1,335 жорий йилда 1,222 сўмлик тушум келтиришга эришганини кўрсатмоқда.

«ЗАМИН ТРАВЕЛ» МЧЖнинг 2016-2017 йиллардаги иқтисодий самарадорлигига умумий хулоса берадиган бўлсак, меҳмонхонага бир қанча ижобий хулосаларни беришимиз ҳамда буларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- корхона 2016 ва 2017 йилларда умумий 997519 минг сўм соф фойдага эришган;
- Узоқ муддатли активлар, яъни асосий воситалар янгиланиши 52,6 фоизга етказилган;
- Сотилган маҳсулот 2016 йилга нисбатан 143189 минг сўмга, яъни 6,4 фоизга кўпайган.

Шу сабабли, кўпгина хорижий корхоналарда бошқарувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган махсус маркетинг ахборот тизимларини ишлаб чиқишдир.

Маркетинг ахборотлари тизими ўз ичига фойдали ахборотларни йиғиш, туркумлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва уларни маркетинг қарорларини қабул қилувчиларга етказиш учун ишлатиладиган ускуналар, жараёнлар ва мутахассисларни олади. Маркетинг ахборот тизими бошқарувчилардан бошланади. Маркетинг ахборотлари тизими дастлаб маркетинг бошқарувчилардан иш бошлайди: уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларни аниқлайди. Сўнг иш бошқарувчиларга керакли бўлган ахборотларни йиғади ва қайта ишлайди ҳамда қайта ишланган ахборотлар бошқарувларга қарор қабул қилиш учун асос бўлиши учун етказиб берилади.

**О.Ахунова –** ФДУ, Иқтисодиёт ва сервис кафедраси катта ўқитувчиси,
**Ж.Мамажонов** – ФДУ талабаси

# ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Туризм бошқа соҳаларга нисбатан тез тараққий этадиган тармоқдир, чунки бу соҳа мамлакатимиз учун унчалик катта инвестицияни талаб қилмасдан ривожланиши мумкин бўлган соҳадир. Бошқа соҳалар, жумладан ҳаво, темирйул, автомобил транспорти, овқатланиш ва савдо шаҳобчалари, меҳмонхоналар ривож топса ўша жойда туристик объектлар мавжуд бўлса бемалол туризмни ривожлантириш мумкин.

Туризм соҳасидаги мутахассисларнинг фикрича, у XXI асрда дунё миқёсида энг устувор фонд келтирувчи соҳага айланади. Ҳозир у дунё бўйича автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш соҳасидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу соҳа дунё саноати ва қишлоқ, хўжалигидан ўзиб кетди.

Туризмнинг тез ривожланишига яна бир сабаб, у юқори даражадаги катта илмий тадқиқот харажатини (наукоёмкий) ва қувватни кўп сарф қиладиган (энергоёмкий) технологияни талаб қилмайди. Бироқ, туризм бошқа соҳаларни ривожлантиришни тақозо қилади. Шу туфайли ушбу соҳа билан кўпгина хизмат кўрсатувчи ва сервисни ташкил этиш соҳалари бир-бири билан узвий боғлиқ, равишда ривож топмоғи лозим.

Туризмнинг юқори даромад келтирувчи соҳа бўлганлиги туфайли кўпгина давлатлар ва тадбиркорлар унинг ривожланиши учун катта эътибор бермоқдалар. Улар янги-янги меҳмонхоналарни қурмоқда, эскиларини реконструкция қилиб таъмирламоқда, мавжуд меҳмонхоналарни жаҳон стандартлари талабларига мослаштирмоқда. Бунга биргина Самарқанд, Бухоро, Хоразм шаҳарларида қурилган ўнлаб шахсий меҳмонхоналарни мисол келтириш мумкин. Улар ҳеч кимнинг тазйиқи ёки кўрсатмасисиз ўз ташаббуслари билан қурилган объектлардир. Бу эса ўз навбатида, туризмни ривожлантириш учун энг муҳим омиллардан биридир.

Туристларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида дунё тамаддуни ва тарихий обидалар намуналарини қайта тиклаш ва асл ҳолига келтиришга катта эътибор берилмоқда. Масалан, Самарқандда «Бибихоним» мажмуасининг қайта тикланиши, Имом Ал-Бухорий, Мотрудий каби алломаларимиз мажмуаларининг қайтадан барпо қилиниши кабилар буларга мисол бўла олади.

Туризмни ривожлантиришнинг яна бир муҳим омиллардан бири бу соҳада рекламани йўлга қўйишдир. Аммо мамлакатимизда бу соҳа ҳам жуда оқсоқ ҳолатда. Бир томондан бу реклама маълум маблағни талаб қилади. Маблағ эса, туристик ташкилотлар ҳали ривожланиб улгурмаганлиги туфайли, камлик қилмоқда. Оқибатда бу соҳа, айниқса диққатга сазовор янги-янги туристик объектлар аҳолининг, туристларнинг диққат эътиборига тушмасдан қолиб кетмоқда. Ўзимизда мавжуд бўлган кўпгина туристик объектларни нафақат хорижий, ҳатто ўзларимиз ҳам тўлиқ билмаймиз.

Шунга асосан туризм хизматлари бозорида хорижий туристларга хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш орқали мамлакатимизга уларни оқими кўпайишига сабаб бўлади. Бу эса туризм хизматлари бозорида туристик корхоналар томонидан хизматлар таклифи ортиб боради ҳамда ҳудудларда аҳолини иш билан таъминланиш даражасига таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ва бозор муносабатлари ривожланиши натижасида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграцияланиши мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Республикамизда халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан қўшни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик ўрни нихоятда қулай, ажойиб табиий иқлим шароитига эгалигидан ташқари, у инсоният маданий тараққиётида ҳам катта ўрин тутади. Ўзбекистон нодир тарихий архитектура ёдгорликларига, ширин-шакар мевалар, хилма-хил таомлар, ажойиб миллий анъана, урф-одатга эга бўлган меҳмондўст халқига эга. Буларнинг барчаси хорижий туристлар эътиборини ўзига тортади ва кишиларни лол қолдиради. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ажойиб иншоотлар, маданий дам олиш масканлари, зиёратгоҳлар вужудга келди. Сўнгги йилларда республикамизда бокс, ўзбек миллий кураши, теннис бўйича жаҳон миқёсида улкан чемпионатлар ўтказилмокда, бу тадбирлар эса кўпгина хорижий мамлакатлардан туристлар келишига олиб келмоқда. Тез-тез ўтказиб туриладиган Универсиада, Умид ниҳоллари ва миллий ўйинларимиз фестивали каби тадбирлар, айниқса, қизиқарли ўтади. Халқаро туризмни ривожлантиришда бу йўналишларни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим.

**С.Соипов –** ТУИТ Фарғона филиали тадқиқотчиси

## РЕКРЕАЦИОН-ТУРИЗМ КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ТУРИЗМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатларда ривожлантириш зарурати тобора ортиб бормоқда. Туризм хизмат кўрсатиш соҳаси ва умуман иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у яхлит тизим сифатида мамлакат ҳамда умумжаҳон хўжалигининг маълум унсурлари билан узвий

алоқада. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда туризм индустрияси ҳамда туристик хизматлар соҳаси умуммамлакат миқёсида олиб борилган хусусийлаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш жараёни талабларига мос ҳолда қайта ислоҳ қилинди, бироқ Ўзбекистон шароитида туризм хизматлар бозори умумжаҳон тенденцияларини сақлаб қолиш билан бирга ўзига хос хусусиятларига ҳам эгадир.

Туризм, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳа бўлиб, унинг асосий хизмати истеъмолчига истеъмол жараёнида кўрсатилади. Бу моддий ва номоддий неъматлардан иборат бўлиб, туристларнинг дам олишини ва соғлигини муҳофаза қилишни таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, туризм аҳолининг умумий маълумотини, саводхонлиги ва маданий-маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини жадал ривожлантириш борасида ҳукумат доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Минтақаларда туризмнинг салоҳиятини янада ошириш борасида ҳудудларнинг минтақавий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда шу дастурларни амалга ошириш орқали ушбу соҳанинг ҳудудлардаги ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг ўсиш суръатига эришилмоқда.

2017-2021 йилларда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- соҳадаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- туристлар учун виза ва рўйхатга олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш;
- янги туристик машрутларни яратиш;
- туризм инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш;
- соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- туризмни ривожлантириш бўйича махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш.

2017-2021 йилларда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича дастур сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштириш ва сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлайди.

Бугунги кунда туризм мамлакатлар хазинасига юқори даромад келтирувчи тармоқ сифатида шаклланмоқда. Агар 1950 йилларда дунё бўйича туризм соҳасидан келган умумий даромад 2,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1970 йилларда эса унинг ҳажми 17,9 млрд. долларга ва 2000 йилда 176,1 млрд. долларга етди. Туризм саноати хизмат кўрсатиш тизимининг муҳим тармоқларидан бири, унинг аҳамияти бугунги кунда кун сайин ортиб бормоқда. Туризмнинг ривожланиши мамлакат иқтисодий инфраструктурасининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади ва валюта тушумларини келтиради.

Туризм хизматлар бозорини, айниқса, туризмни инновацион ривожланти-

ришда ҳал қилувчи рол ўйнайдиган туристик-рекреацион ресурслар ҳисобланади. Бундай ресурслар қаторига: туристик намойиш учун табиий, тарихий, ижтимоий-маданий ва бошқа объектлар киради. Минтақада мавжуд бўлган туристик ресурслар асосида туристик маҳсулотлар шакллантирилади ҳамда бутун минтақа миқёсида туризмни ривожлантириш кўрсаткичлари башорат қилинади[3].

Туристик-рекреацион объектларни ривожлантиришда давлат бошқарувининг функциялари соҳада бозор механизмларининг самарали ишлаши учун керакли бўлган шароитларни яратиш, устувор аҳамиятга молик ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқишда намоён бўлади. Бунда туристик фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсад ва вазифаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- туризмнинг аҳолини тарбиялаш, таълим олиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятини рағбатлантириш;
- туристларнинг дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминланиши учун керакли шарт-шароитларни яратиш;
- туристик намойиш объектлари, маданий ва табиий салоҳиятдан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- туризм соҳасидаги барча корхоналар учун бир хил бўлган иқтисодий шарт-шароитларни яратиш.

Ўзбекистон минтақаларида туристик кластерларнинг шакллантирилиши туристик-рекреацион ресурслардан тўлиқ фойдаланиш замирида янги туристик фирмалар очилишига ва мавжудларининг ишини янада фаоллаштиришга туртки беради ҳамда янги турдаги туристик маҳсулотларнинг яратилишига асос бўлади.

Туристик-рекреацион кластер жараён туристик маҳсулотнинг хизматлар бозоридаги ривожланиш фаолиятига таъсир этувчи зарурий омил ҳисобланиши ҳамда бугунги кунда ҳар қандай туристик фирманинг асосий мақсади рақобат шароитида истеъмолчини ўз хизмат турларига жалб қилишни тақоза қилади.

Мамлакатимизнинг барча туристик ҳудудларида туристик-рекреация кластерларини шакллантириш ва туристик мажмуаларни барпо этиш ҳамда уларни жаҳон талаблари даражасида баҳоланишига кириб боришини таъминлаш, албатта мамлакатимизга ички ва хорижий турстларнинг сонини кўпайишига ҳисса қўшади. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимизда ушбу йўналишда иш ўринларини кўпайишига, ҳудудларда инфратузилманинг янада яхшиланишига, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишига ва бу орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига кўмак бўлади.

**Г.Ш.Хонкелдиева** – Фарғона давлат университети доценти, и.ф.д.,
**Н.И. Жабборова** – Фарғона давлат университети талабаси

# ЎЗБЕКИСТОНДА РЕКРЕАЦИОН ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Мамлакатимиз ҳудудларида миллий туристик корхоналар туристик хизматлар бозорида катта тажриба ва салоҳиятга эга бўлган кучли рақобатчилар билан биргаликда фаолият олиб бормоқда. Шу сабабли, туризм тармоғини ривожлантиришга қаратилган стратегия, мамлакатда туристик ҳудудлар рақобатбардошлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожида янги қадам бўлди[1]. Мазкур ҳужжат мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, ҳудуднинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, мазкур тармоқни бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларидан бири сифатида рекреацион туризм йўналишини янада ривожлантириш ва ушбу хизматлар бозорида харидоргирликни таъминлаш ва рекреацион туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Албатта, рекреация туризмнинг муҳим асосини ташкил этиб, инсоннинг жисмоний, психологик интелектуал кучи ва қувватини қайта ишлаб чиқариш жараёнидир.

Рекреацион туризм фаолиятини ривожлантириш, рекреантларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, рекреацион туризм тизимига кенг қамровли туристларни жалб этиш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-5273-сонли Фармонини бугунги кунда рекреацион туризм соҳасида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг намунаси сифатида кўришимиз мумкин. Бу борада эркин туристик зона ҳудудида

замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар қуриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш таклифлари берилган.

Фикримизча, ҳудудларда туристик-рекреацион хизматларни такомиллаштириш ҳамда туристик рекреацион кластерни яратиш бугунги кунда туризм соҳасидаги самарадорлик жиҳатидан юқори натижалар кутилаётган фаолият туридир. Бу борада, ҳудудларда туристик рекреация объектларидан фойдаланиш даражасини такомиллаштириш ва уларга таъсир этувчи омиллар таҳлилидан келиб чиқиб, минтақаларда рекреацион туризм объектларидан мувозанатли фойдаланишнинг режа ва дастурларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Мамлакатда рекреацион туризмнинг тизимли фаолият кўрсатиши, маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиш ва туристларнинг ушбу йўналишдаги эҳтиёжларини қондириш мақсадида рекреацион объектлар, санаториялар, дам олиш муассасалари, пансионатлар ва бошқа дам олиш муассасаларининг сонини ва уларнинг фаолият кўрсатиши сифатини кўтариш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Туристик хизматлар бозоридаги, хусусан рекреацион туризм хизматлари бозоридаги иқтисодий фаоллик даражасининг тез суръатлар билан ортиб бориши, биринчи навбатда, иқтисодий омиллар таъсирида юз бераётганлиги таъкидланадиган бўлса, асосий омил сифатида иқтисодий омиллар реализацияси учун таъсир этувчи сиёсий барқарорлик омилининг мавжудлиги билан ҳам тушунтирилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш туристик-рекреацион хизматларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир:

- табиий шароит ва ўзига хос иқлим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рекреация ва дам олиш ва соғломлаштириш масканларини карталаштириш ва турист қабул қилиш юкини географик ва экологик баҳолаш;

- рекреацион туризм ҳудудларида туризм кластерларини барпо этиш (Ўзбекистоннинг барча минтақа ва ҳудудларида мавжуд санаториялар, пансионатлар ва дам олиш масканларида қўшимча равишда туризмни барча йўналишларини қамраб оладиган туристик объектлар мажмуини қуриш ва бу орқали ҳудудга ички ва халқаро туристларни жалб этиш); - туризм кластерлари кенг ривожланган минтақаларда “эркин туристик зоналар” ташкил этиш;

- соғломлаштириш ва дам олиш, курортлар тизимига хорижий сайёҳларни жалб қилиш орқали рекреация туризмига эътиборни кучайтириш.

Мамлакатимиз туризм соҳасини ривожлантиришда туристик-рекреацион хизматларни такомиллаштириш, туристик ҳудудларида туристик-рекреация кластерларини шакллантириш ва туристик мажмуаларни барпо этиш ҳамда уларни жаҳон талаблари даражасида

баҳоланишига кириб боришини таъминлаш, албатта мамлакатимизга ички ва хорижий турстларнинг сонини кўпайишига ҳисса қўшади. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимизда ушбу йўналишда иш ўринларини кўпайишига, ҳудудларда инфратузилманинг янада яхшиланишига, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишига ва бу орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига кўмак бўлади.

**Ильёс Аюбов** – ассистент СамГУ

## ТУРИСТСКИЙ РЫНОК – МЕХАНИЗМ ДЛЯ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ

Рост объемов производства в туризме передается другим отраслям экономики, где разворачивается инвестиционная деятельность, создаются новые рабочие места, расширяется торговый оборот и, следовательно, увеличивается прибыль. Часть полученных доходов поступает государству в виде налогов. Собранные таким образом средства могут быть направлены на дальнейшее финансирование инфраструктуры туризма, оказание материальной помощи социально незащищенным группам населения, на развитие системы подготовки персонала для сферы туристских услуг.

Туризм должен рассматриваться как экономическая категория, выражающая совокупность взаимосвязанных отраслей и производств национальной экономики, единой функциональной задачей которых является деятельность, направленная на удовлетворение разнообразных и постоянно растущих потребностей людей в различных видах отдыха и путешествий в свободное время при рациональном использовании всех имеющихся туристских ресурсов.

Переход к рыночной экономике в Узбекистане сопровождался возникновением целого ряда новых экономических процессов и появлением в теории и практике хозяйствования категорий, которые ранее не имели широкого распространения. Туристский рынок стал рассматриваться как экономическая категория, выражающая совокупность социально-экономических процессов и отношений в сфере маркетинговых исследований, производства, обмена и распределения между производителями и потребителями туристских услуг. В этих условиях объективно возникла необходимость анализа современных тенденций формирования и развития туристских рынков Узбекистана, выявления проблем их функционирования.

В данной статье исследовании мы рассматриваем совершенствование экономического механизма привлечения инвестиций на рынке туристских услуг Узбекистана**.** Прежде чем перейти к анализу инвестиционной деятельности предприятий сфере туризма и факторов, ее определяющих, дадим основные определения.

Туристский рынок — это институт или механизм, который сводит вместе покупателей (предъявителей спроса) и продавцов (поставщиков)

туристских услуг. В отличие от обычных товарных рынков туристский рынок не несет в себе движения товаров от продавцов к покупателям. Напротив, сами покупатели перемещаются к месту назначения, чтобы получить зарезервированные услуги.

Рынок — это сфера обмена. Предметом обмена на туристском рынке являются туристские услуги, которые представляют собой деятельность различных предприятий туристской индустрии (гостиниц, ресторанов, перевозчиков, предприятий досуга, организаторов путешествий и др.) по удовлетворению путешественников вразличного рода услугах. Анализируя рынок туристских услуг, мы сознательно ограничиваем сферу нашего исследования системой экономических отношений лишь в одном, но очень важном сегменте туристской индустрии — деятельности туристических фирм. По определению туристические фирмы как организаторы путешествий и обслуживания туристов представляют собой стержневое звено в системе рыночных экономических отношений в туристской индустрии. Следует также отметить, что, несмотря на свою очевидную значимость, именно эта сфера рыночных отношений в индустрии туризма до настоящего времени остается недостаточно освещенной.

Другими словами туристский рынок - это сфера проявления экономических отношений между производителями и потребителями туристского продукта. Каждый производитель и потребитель туристского продукта имеют свои экономические интересы, которые могут и не совпадать, но если же они совпадают, то происходит акт купли-продажи туристского продукта. Поэтому рынок - своеобразный инструмент согласования интересов производства и потребления, который для данного туристского хозяйствующего субъекта (туроператора, турагента) представляет собой совокупность потребителей, заинтересованных в туристском продукте этого хозяйствующего субъекта и имеют денежные средства купить его сегодня или завтра. Сущность туристского рынка выражается в его функциях, в качестве основополагающих функций туристского рынка можновыделить следующие:

1) реализация стоимости и потребительской стоимости, заключенных в туристском продукте;
2) организация процесса доведения туристского продукта до потребителя;
3) экономическое обоснование материальных стимулов к труду.

В процессе выполнения туристским рынком первой функции происходит движение стоимости, которое отражается посредством обмена денег на туристский продукт.

Для целей данной работы важными являются понятия инвестиций и стратегий инвестирования. Согласно Закону (РУз): “Об инвестиционной деятельности в Республики Узбекистан” [1]. Определение инвестиций в Законе является слишком широким, так как согласно данному определению к инвестициям можно отнести покупку акций компаний,

[1] lex.uz

вложения в ценные бумаги (финансовые инвестиции).

В современной экономической литературе инвестиции принято делить на три типа: 1) Инвестиции в материальные активы, 2) Финансовые инвестиции, 3) Интеллектуальные инвестиции.

При этом под инвестициями в финансовые активы обычно понимают вложения в доли компаний на рынке, позволяющие реализовать стратегию внешнего роста фирмы через интеграционное или конгломе-ратное поглощение, а также вложения в финансовые инструменты (акции, облигации и т.д.) с целью получения прибыли; в то время как под интеллектуальными инвестициями понимаются вложения в интел-лектуальную собственность (патенты, изобретения, товарные знаки и т.д.).

Инвестиции же в материальные активы трактуются более широко и включают следующие составные элементы: а) инвестиции в прирост запасов и резервов материальных оборотных фондов; б) инвестиции в основной капитал, включая затраты на капитальный ремонт; в) инвестиции в жилищное строительство (инвестиции в прирост жилищного фонда) В дальнейшем, в соответствии с целями нашей работы, мы ограничим рассмотрение инвестициями в основной капитал, исключив из рассмотрения остальные виды инвестиций.

Мы будем использовать следующее определение инвестиций***. В более широкой трактовке инвестиции представляют собой вложения капитала с целью последующего его увеличения.*** При этом прирост капитала должен быть достаточным для того, чтобы скомпенсировать инвестору отказ от использования имеющихся средств на потребление в текущем периоде, вознаградить его за риск, возместить потери от инфляции в предстоящем периоде.

В условиях рыночной экономики осуществление инвестиций нельзя рассматривать как "произвольную" форму деятельности фирмы в том смысле, что фирма может осуществлять или не осуществлять подобного рода опе-рации. Неосуществление инвестиций неминуемо приводит к потерям конку-рентных позиций. Поэтому все возможные инвестиции можно разбить на две группы:

- пассивные инвестиции, т.е. такие, которые обеспечивают в лучшем случае не ухудшения показателей прибыльности вложений в операции дан-ной фирмы за счет замены устаревшего оборудования, подготовки нового персонала взамен уволившихся сотрудников и т.д.

- активные инвестиции, т. е. такие, которые обеспечивают повышение конкурентоспособности фирмы и ее прибыльности по сравнению с ранее достигнутыми за счет внедрения новой технологии, организации выпуска пользующихся спросом товаров, захвата новых рынков, или поглощения конкурирующих фирм.

Таким образом, активная государственная политика, сегодня уже показывает свои положительные сдвиги в социально-экономическом положении регионов, а также в повышении инвестиционной привлекательности территории, и, как следствие, в повышении жизненного уровня местного населения.

**Ж.Э.Рустамов** – СамИСИ ўқитувчиси

# ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЭКОТУРИЗМНИНГ МОҲИЯТИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг барқарор суръатларини ошириш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан юртимизда туризмни ривожлантириш орқали иқтисодиётни тараққий топтириш ва халқ фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 2016 йил 2 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Дунё миқёсида туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилиб, мамлакатимизда ҳам ушбу соҳа стратегик сектор даражасида қаралаётган бир пайтда унинг бошқа йўналишларини ҳам ривожлантиришга мавжуд табиий ресурслардан келиб чиқиб катта эътибор берилмоқда.

Грузия иқтисодиётини таҳлил қилар эканмиз, бу давлатда айнан минерал ва термал булоқлар ҳисобига 50га яқин халқаро даражадаги экотуристик сиҳатгоҳ барпо этилган бўлиб, улар Грузия иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди.

Биргина Қирғизистоннинг гўзал тоғ манзаралари кўриниб турадиган чегарадош туман Учқўрғон шаҳри ҳудудида 160 метр чуқурликдан чиқувчи, калий, кальцийга бой маъданли суви ўт пуфаги, жигар хасталикларига жуда фойдали. Йилига 500 тонна шифобахш, маъданли сувни қадоқлаб, туман иқтисодиётини юксалтиришда салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Республикамиз ҳудудларида ҳам ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, туризм хизматини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда жумладан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида қишлоқ туризмини ривожлантириш мақсадида "Қоратепа" ҚФЙда туристлар дам олиши учун савдо ва маиший хизматлар инфратузилма объектларни ўз ичига олган дам олиш маскани, "Минг арча" дам олиш масканини реконструкция қилиш, "Омон-қўтон" қишлоғида туристлар учун дам олиш котежлари ва лагер ташкил этиш, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида меҳмонхона ва Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани ҳудудида миллий автомагистрал бўйида туристлар учун кемпинг ташкил этиш белгиланган.

Наманган вилояти ҳудудида айни кунда 86 та булоқ қайд этилган бўлиб, уларнинг 46 таси Фарғона тоғ оралиғи ботиғида жойлашган. 40 таси эса Чотқол ва Қурама гидрогеологик бассейнига мансубдир. Уларнинг ичида вилоятда энг каттаси “Имом ота” булоғи ҳисобланади. Ушбу булоқ

ҳудудини зиёрат қилишда ички маҳаллий туризм мамлакатимиз миқёсида етарли даражада шаклланган. Келажакда бундай масканларни кенгайтириб, мамлакатимизда экотуризмни халқаро даражада шакллантириш имкони мавжуд. Айни кунда ушбу ҳудудга дам олишга республикамизнинг турли жойларидан зиёратчилар келишади, бундан ташқари тоғ ёнбағрида жойлашганлиги, сўлим ва тоза ҳавоси учун ички экотуристлар сони етарли даражада йил сайин ортиб бормоқда.

Инсон табиат манзараларидан таъсирланиб, киши организмида ўзига хос ижобий ўзгаришлар ҳосил бўлади. Шунинг учун Афлотун, Арасту, Абу Али ибн Сино ва бошқа файласуф олимлар бирмунча касалликларни табиат манзараларида, соф табиат қўйнида даволашни афзал кўрганлар. Шу жумладан, ҳар бир сайёҳдан ўтказилган сўров натижаларига кўра, дам олишга келганларнинг 91%и саломатликларини тиклаш мақсадида тоза ва соф ҳавоси учун келганликларини айтишади. Бундан келиб чиқадики, экотуризмда бош масала саломатликни тиклашга қаратилган бўлади.

Миллий иқтисодиётда минтақа ёки ҳудудларнинг иқтисодиёти муҳим роль ўйнайди.

Мана шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиз минтақаларида экотуризмни ривожлантириш ва унинг объектларини янада кўпроқ барпо этиш, мамлакатимиз иқтисодиёти даромадлар манбаини шакллантиришнинг ва аҳоли яратувчанлигини оширишнинг ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ватанга муҳаббат билан улғайишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда экотуристик ҳудуд танлашда шундай жой ёки инфратузилмани танлаб олишимиз керакки, у ерда кенг қамровли экосайёҳлик мажмуаси мавжуд бўлсин.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш мақсадида тоғолди ҳудудларида давлатимизнинг оила меҳмонхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги махсус қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган оила меҳмонхоналарининг умумий сони тобора ортиб бормоқда. Ушбу тоғолди ҳудудларига туризмни янада ривожлантириш мақсадида инвестициялар жалб этиб, оила меҳмонхоналарини тоғли минтақаларда ташкиллаштириб, ташқи сайёҳлар оқимини жалб этиш орқали, ҳудудни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мумкин. Умуман олганда, истиқболда республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш орқали тармоқларни индивидуал ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга қуйидаги имкониятларни яратиб беради:

– янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса, сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

– янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш

билан таъминлаш, шу билан бирга хорижий илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

– жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни эскпорт қилиш эвазига мамлакатга хорижий валюталар кириб келишининг жадаллашуви таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон транспорт тармоғининг ривожланганлиги, табиий ресурсларнинг кўплиги, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилманинг юқори даражада тараққий этганлиги, малакали кадрларнинг мавжудлиги ва бошқа шу каби омиллар инвесторларга мамлакатимиз келажагига ишонч билан қараш имконини бермоқда. Шу жумладан Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан қулай ерда жойлашганлиги сабаб, айни кунда мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳларга сервис хизматларини кўрсатаётган шаҳарлар: Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз қаторида туризм соҳасининг экотуристик йўналишини Фарғона водийсида ривожланишини давр тақозо этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5041-сонли фармони.
2. Наманган вилоят статистика қўмитасининг якуний маълумотлари. 2016 йил.
3. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари. 2017 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган ПФ-4861-сон фармони.
5. Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. – Тошкент, 2014.
6. Тўхлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик.-Тошкент, «Иқтисодиёт-молия» нашриёти. 2010.-254 бет.
7. www.xorazm.uz сайти.
8. www.wikipedia.org сайти.



**М.Дж.Ашрапов** – студент Международный Университет туризма «Шёлковый путь»


## СОБЫТИЙНЫЕ МЕРОПРИЯТИЯ В ТУРИЗМЕ КАК ИНСТРУМЕНТ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СТРАНЫ

Обретя независимость, Узбекистан шагнул в новую эпоху развития, выбранная им самим, в основе которой лежат социально-ориентированные рыночные отношения. Одним из важнейших на данный момент аспектов развития экономики становится сфера услуг.

Принимая во внимание опыт экономически развитых стран и изучив их стратегии комплексного развития, можно выделить туризм как значи-

мый сегмент экономики государства. В современном мире туризм рассматривается как один из факторов социально-экономического развития страны в целом и одним из существенных факторов развития ее регионов. Развитие туристской отрасли позволит диверсифицировать источники доходов регионального бюджета, что в совокупности с другими его источниками может стать фактором синергетического эффекта социально-экономического развития отдельной территории. Экономическое развитие туризма способствует через налоги пополнению доходной части бюджета, что стимулирует через реализацию социальных программ повышение уровня и качества жизни и платежеспособного спроса населения. Одновременно с этим увеличиваются инвестиционные ресурсы отрасли и «туризм развивает туризм». На очередном обороте средств объем доходов от туризма возрастает совокупно за счет возросшего туристского потока по нелинейной прогрессивной модели (фактор роста платёжеспособного населения) и за счет воздействия инвестиционного фактора.

При этом вместе с экономической функцией должна реализовываться в аналогичной пропорции социальная функция туризма, направленная на физическое и духовное оздоровление нации, в том числе повышение качества человеческих ресурсов. Это, в свою очередь, трансформируется через повышение производительности труда и увеличение доходной части бюджета в экономическую составляющую. Посредством экономического развития туризма решается еще ряд важных социальных задач. Туристская сфера становится крупнейшим работодателем, создавая новые рабочие места, как в собственной инфраструктуре, так и в других отраслях национальной экономики через мультипликативный фактор. В связи с этим одним из востребованных на сегодняшний день видов туризма становится  событийный туризм ( ивент-туризм) Ивент (от англ. event - событие) - развлекательное или рекламное представление, осуществляемое на театральной сцене, кино- или телеэкране, на спортивной или цирковой арене с использованием разного рода сюжетных ходов, изобразительных приемов, световой техники, компьютерной графики и т.п. Запланированные события или ивенты - это пространственно-временной феномен, каждый из них уникален вследствие взаимодействия окружающей обстановки, публики, систем управления, включая разработку отдельных элементов и программ. Событие – важнейший мотивирующий фактор в туризме. Ивенты  заметно влияют на развитие и маркетинговые планы большинства туристских дестинаций. Роль и влияние заранее спланированных событий в сфере туризма подтверждены документально, особо сильное воздействие ивенты оказывают на конкурентоспособность туристской дестинации.

Событийный туризм как отрасль упрочился в научном сообществе и индустрии туризма два десятилетия назад, что повлекло последующий впечатляющий рост данного сектора. Блок событийного туризма включает

в себя ряд мероприятий культурного, спортивного, этнографического, выставочного (делового) видов туризма. Событийный туризм является уникальным видом туризма, так как он неисчерпаем по содержанию. Ряд иностранных экспертов полагает, что в недалеком будущем число участников событийных туров превысит число участников экскурсионных туров.

Международные эксперты отмечают что наибольшей эффективности ивент-мероприятий можно достичь следующими мерами:

1)Привлечение большего числа туристов в регион с целью посещения ивента;

2) Привлечение грантов, спонсорских и других внешних финансовых источников для организации проведения ивента;

3) Формировать «событийный турпакет» включая туристские услуги местных поставщиков и продавцов, препятствуя таким образом утечке денежных средств;

4) Растягивание программы ивента на несколько дней, стимулируя тем самым туристов дополнительно воспользоваться услугами размещения и питания в месте проведения ивента. Программа должна быть привлекательной и интересной. Обеспечить туристов информацией и доступными местами для размещения в средствах разной категории звездности;

5) Привлечь местных жителей к популяризации ивента: жители могут приглашать своих знакомых и друзей из других городов приехать погостить и посетить ивент;

6) Обеспечить должный уровень мерчандайзинга, тем самым стимулировать повышение туристских трат на ивенте;

7) При организации и поведении ивента в большинстве своем должны быть задействованы местные жители;

8) Преимущество в организации и предоставлении сопутствующих ивенту услуг должно быть отдано местным организациям и фирмам;

9) Создать в регионе целый ивент-комплекс – систему ивент-мероприятий которые будут привлекать туристов в регион;

10) Предусмотреть абсолютно все потребности туриста на ивенте (размещение, питание, развлечения, сувенирная продукция, топливо и пр.);

11) Провести необходимые исследования рынка для определения мест утечки денежных средств при проведении ивента.

Таким образом, экономическое воздействие событийного мероприятия – это изменение экономической активности региона, вызванное туристами, посетившими регион в целях посещения событийного мероприятия. Данный показатель выражается в количестве туристов, посетивших регион в целях участия в событийном мероприятии; экономическом воздействии – количестве денежных средств которые потратили туристы в связи с участием в событийном мероприятии; количестве вновь созданных рабочих мест, количестве налоговых

отчислений. Событийное мероприятие является наиболее значимым инструментом повышения доходов государства, чем можно было бы подумать. Основываясь на вышесказанном, можно с большой уверенностью отметить, что качественное внедрение и систематизация использования, атакже соблюдение некоторых особенностей практики ивент- мероприятий может положительно отразиться на экономике государства.

**Летературы:**

1) D.Getz, «Event management and event tourism», New York, Cognizant,2005
2)D. Getz, Event tourism: Definition, evolution, and research // Tourism Management. 2008 №29
3)U. Holzbaur, « Event management» , Springer, 2005

**Ў.Я.Остонов –** СамИСИ катта ўқитувчиси

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Самарқанд вилояти ҳудудий жиҳатдан мамлакатимизнинг марказида жойлашган бўлиб, 1938 йил 15 январда ташкил топган. Вилоятнинг умумий майдони 16,8 минг кв.кмни, аҳолиси эса 2,9 млн. кишини ташкил қилади. Вилоятнинг табиий шароити, ер усти тузилиши, яьни унинг жануб ва шимол ҳамда шимолий-шарқий тоғликлардан иборатлиги рекреация ресурсларинг ривожланишига сабаб бўлган. Унинг текислик қисмида дарё соҳиллари, дашт ва чўлларнинг мавжудлиги ҳам туризм соҳасида ўзига хос мазмун касб этади. Ундан ташқари, Самарқанднинг қадимдан «Буюк Ипак йўли»нинг марказида жойлашганлиги унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига замин яратганлиги ҳам маьлум. Самарқанд замини турли туристик ресурсларга бой ҳисобланади (5-илова). Шунинг учун мавжуд ресурсларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу ресурсларни уч йирик **табиий, маданий-тарихий** ва **ижтимоий-иқтисодий** туристик ресурслар гуруҳига бўлдик. Туризмни ташкил этиш, туристик маршрутлар, экскурсиялар уюштириш, аввало, қулай табиий шароит мавжудлиги билан боғлиқ. Ўзига хос рельеф, иқлим ва турли-туман экзотик ландшафт манзараларининг мавжудлиги туризмни ташкил этишга асос бўлади.

Ўз навбатида, қишлоқ туризмини ташкил этиш ва унинг ресурсларини жойланиши ва хусусиятларига кўра қуйидаги хилларга бўлдик:

- қишлоқдаги сувли жойлар;
- қишлоқдан узоқроқ ҳудуддаги ғорлар;

- қишлоқ жойлардаги ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ресурслари.

*Қишлоқдаги сувли жойлар* вилоятнинг ер ости ва ер усти гидрологик сув ресурслари тоғ, тоғ олди этаклари ҳамда тоғ оралиғи сойларида табиий равишда ҳосил бўлган ландшафтлар (табиий манзаралар), шифобахш булоқлар (Қайнарбулоқ, Роҳатбулоқ) ажойиб кўллар (Музбулоқ, Алвасти кўллари), гўзал шаршаралар (Ғуссой, Комангарон) гидрологик ресурслар ҳисобланиб, минтақанинг туризм имкониятларини оширади. Вилоятнинг асосий йирик Зарафшон дарёси минтақа аҳолисини, ҳамда барча халқ хўжалиги тармоқларини сув билан таъминлайди. Дарёдан ҳамда шифобахш булоқ, чашма сувлари ва балчиқлардан аҳолининг саломатлигини тиклаш, соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бу эса рекреация туризмини ривожлантиришга имконият яратади. Бу ресурс турлари Ургут, Нуробод, Қўшрабод туманлари ҳудудида кўплаб жойлашган.

Вилоятнинг Ургут туманида жойлашган Чақилкалон тоғлари гидрогеолик ёдгорликларга бой ҳисобланади. Бу ерда шифобахш булоқлар, шаршаралар, ғор сувлари мавжуд. Ургут шаҳрида Юқори Чинор тагидаги булоқ ҳам ўзига хос хислатларга эга. Унинг атрофида минг йиллик чинорлар жойлашган бўлиб, туристик қизиқишни орттиради. Ундан ташқари Килси ва Лев ғорларидаги карст булоқ сувлари, Қайнар булоқ, Рохат булоқ, Музбулоқ ва Алвасти кўллари, Ғус-Сой, Комангарон сойларидаги шаршараларни туризм нуқтаи назаридан ўрганиш, маршрутлар яратиш катта аҳамиятга эга. Яна Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги қадимий Равотхўжа сув айирғичи, Дарғом канали, Эски Туятортар каналларидан ҳам туризм мақсадида фойдаланиш мумкин.

Кўриниб турибдики, вилоятда туризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Биргина гидрологик ресурслардан фойдаланиш учун ҳам бир қанча қизиқарли туристик маршрутларни тузиш мумкин.

*Қишлоқдан узоқроқ ҳудуддаги ғорлар.* Ҳозирги кунда ғорларга саёҳат қилиш ривожланиб бормокда. *Қишлоқдан узоқроқ ҳудуддаги ғ*орлар ер ости саёҳатини ривожлантиришга асос ҳисобланади. Минтақанинг Зарафшон, Нурота тоғ тизмаларида кўплаб ғорлар мавжуд. Чақилкалон тоғларида машҳур - Лев ва Килси ғорлари мавжуд. Лев ғори Омонқўтоннинг Булбулзор сойида жойлашган бўлиб, бу ғорда бундан 40-50 минг йил аввал тош асрида одамлар яшаган. Килси шахта ғори Киевлик олимлар томонидан 1980 йилда топилган. Бу ғорнинг чуқурлиги 800 метрдан ошади. У вертикал чуқурлиги бўйича дунёда 3-ўринда туради[1].

*Қишлоқ жойлардаги ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ресурслари.*

[1]Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. – Самарқанд, СамДУ, – 2005. -58 б.

Вилоятимиз ўзининг гўзал табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан ҳам мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан алоҳида ажралиб туради. Вилоятимизга ташриф буюрадиган сайёҳларни қизиқтирадиган тарихий архитектура-қурилиш иншоотлари, қадимий обидалардан ташқари, минг йиллик тарихга эга бўлган чинорлар ва бошқа ўсимлик ва ҳайвонлар беқиёс кўпдир.

Вилоятнинг бир қатор туманларида ва қишлоқларида минг йиллик даврга тенг қадимий ноёб дарахтлар (арчалар, чинорлар) ҳанузгача сақланиб қолган. Улар қаторига Ургут шаҳридаги юқори Чор Чинор (1020 йиллик), Каттақўрғон тумани Қорадарё қишлоғидаги чинор (565 йиллик), Нуробод тумани Тим қишлоғидаги арча (1000 йиллик), Жомбой тумани Холвойи қишлоғидаги минг йиллик арчаларни мисол келтириш мумкин. Айниқса, Жомбой туманида жойлашган Зарафшон дарёси қайирида жойлашган Зарафшон қўриқхонаси бетакрор ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради ва мавсумий ҳамда қисқа муддатли сайёҳликни ташкил қилиш учун қулай имкониятлар яратади.

Вилоятнинг маркази Самарқанд шаҳрига келсак, унинг атрофини республикамизнинг бошқа шаҳарларидан фарқли ўлароқ, қадимдан кўркам боғу роғлар ташкил қилгани, улар сайёҳларни ҳайратга солиб, лол қолдиргани тарихий манбалардан маълумдир. Шаҳар атрофидаги Амир Темур боғлари эса бутун дунёга машҳурлиги билан тавсифланади. Ҳозирги пайтда шаҳар ҳудудида, университет хиёбони ҳамда шаҳарнинг эски қисмидаги маҳаллаларда, чойхоналар ҳудудида юзлаб турли хил қадимий чинорлар, қайрағочлар ва тут дарахтлари кабилар ўсимлик дунёсига қизиқувчи сайёҳларни жалб этиб келмоқда.

Самарқанднинг кўп асрлик тарихи давомида маданият, санъат, фан, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривож топди. Шу сабабли Самарқандда кўплаб бинолар, иншоотлар қурилди. Айниқса, буюк соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқанд шаҳри янада гўзаллашди. Ҳозирги кунда ҳам вилоят *Қишлоқ жойлардаги* маданий-тарихий туристик ресурсларга бой ҳисобланади. *Қишлоқ жойлардаги* Маданий – тарихий ресурсларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб уларни қўйидаги гуруҳларга ажратдик:

- *Қишлоқлардаги қадимий архитектура ёдгорликлари;*
- *Қишлоқ жойлардаги археологик қазилма ёдгорликлари;*
- *Қишлоқ жойлардаги зиёратчилик ва диний марказлар;*
- *Қишлоқ жойлардаги этнографик ресурслар.*

*Қишлоқлардаги қадимий архитектура ёдгорликлари.* Самарқанднинг меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида жаҳон мероси рўйхатига киритилган бўлиб, ҳозирги кунда Самарқандда 73 та йирик тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд. Вилоят маркази ҳисобланган Самарқанд шаҳри қадимий архитектура ёдгорликларига бой ҳисобланади. Улуғбек мадрасаси (XV аср), Расадхона, Ишратхона, Регистон майдони (Улуғбек мадрасаси 1417-

1420 й, Шердор 1619-1636 й, Тилла кори 1647-1660 йиллар), Рухобод (XIV аср), Абди Дарун мақбараси (IX аср), Ҳазрати Ҳизр масжиди (XVI аср), Шоҳи Зинда мажмуаси, Бибихоним масжиди (XIV аср), Гўри Амир мақбараси (XV аср) каби архитектура ёдгорликлари хорижий сайёҳларни ҳайратга солиши аниқ.

*Қишлоқ жойлардаги археологик қазилма ёдгорликлари.* 1966 йилдан 1972 йилгача бўлган Сазағон қишлоғи ҳудудидаги (Самарқанддан жанубий-ғарбга 27 км.) археологик текширувларнинг натижасида Самарқанд вилоятининг археологик харитасига 4 неолитик пунктлар киритилди. Бу ҳамма турар жойлар Сазағон сойнинг тепасидаги Зарафшон чўққиларининг ўрмонсимон айвонларида жойлашган. Йиғилган топилмаларнинг кўпчилиги тошдан қилинган буюмлар: турли шаклдаги нуклеуслар, пластинкадаги кесгичлар, узоққа отадиган қуроллар, ғалла тегирмони, текисланган кўринишдаги болталар.

*Қишлоқ жойлардаги зиёратчилик ва диний марказлар.* Самарқандни азиз, муқаддас авлиёлар ва буюк инсонлар абадий қўним топган жой тарзида эъзозлашади. Халқимиз дин уламолари, буюк кишилар, авлиёлар қабристонларини зиёрат этиш, ўтганлар руҳини шод этиш мақсадида Самарқанд шаҳри ва унинг туманларидаги зиёратгоҳларга ташриф буюришади. Самарқандда диний туризмни ривожлантириш ресурслари, яъни Шоҳи-зинда, Хазрати Ҳизир, Рухобод, Имом Бухорий, Мотурудий, Ҳазрати Довуд, Чорчинор ва бошқа кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд (4 – илова).

Мутахассислар изланиши шуни кўрсатадики, Самарқанддаги қабристонларнинг 28 таси ҳақида маълумотлар тўла ўрганилган[1]. Самарқанд ҳудудидаги IX-XI асрларга оид Шоҳи-Зинда, Ҳазрати Ҳизир, Чокардиза, XIV-XV асрга таалуқли Хўжа Ғулом, Абди-Дарун, Хўжа Абду-Берун, Султон Хавондбека (Ишратхона), Хўжа Ахрор Вали, Хўжа Мухамммад Сангирасон, Кутби Чоҳардаҳум каби қабристонлари мавжуд.

*Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси* - Самарқанд вилояти Хартанг қишлоғидаги Имом Бухорий зиёратгоҳига 70-йиллар бошида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси томонидан қабр тоши қўйилган бўлиб, 70-йиллар ўрталарида қабр устига гумбазли айвон қурилган. 1998 йилда Имом Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий ҳисобда 1225 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишига мувофиқ муҳташам ёдгорлик-мажмуа бунёд этилди.

*Имом ал-Мотурудий мақбараси* - Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мақбара 2000 йилда Самарқанднинг Чокардиза қабристонида бунёд этилган. Буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотурудий илмий-диний меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. У Ислом оламида «Имом ал-ҳуда» (Ҳидоятга бошловчи имом) ва «Имом ал-мутакаллимин» (Калом олимларининг имоми) деган шарафли унвонлар билан машҳур бўлган.

[1] Хошимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. - Алматы. САГА, 2001. -236-237 с.

Вилоятда диний туризм салоҳиятининг юқорилигини эътиборга олган ҳолда мавжуд зиёратгоҳларнинг маршрутларга киритиш лозим. Шунинг учун уларни туризм нуқтаи назаридан ўрганиш, маълумотлар базасини яратиш ҳамда хариталаштириш долзарб масала ҳисобланади.

*Қишлоқ жойлардаги этнографик ресурслар*. Маълумки, инсонлар ўзга юртда яшаётган аҳолининг турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарига қизиқишади. Бу эса, ўз навбатида, этнографик туризмнинг шаклланишига олиб келади. Ўзбекистон бой маънавий тарихга, ўзига хос миллий урф-одатларга ва маданиятга эга. Айниқса, аҳолининг қадимдан сақланиб келаётган анъаналари, удумлари, тўй-томошалари бошқа халқларни қизиқтириши шубҳасиздир.

Вилоятнинг ҳар бир тумани ўзига хос миллий анъаналарга эга эканлиги бу ресурс турининг салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини оширади. Масалан, Қўшробод, Нуробод туманлари қишлоқ аҳолисининг урф-одатлари, миллий таомларни тайёрлаш, уларнинг кийиниши, кўпкари, ҳар хил миллий спорт турлари ҳамда қўл билан гилам, кашталарни тўқиши, тўй маросимлари сайёҳларда катта таассурот қолдириши мумкин.

**П.Ш.Усмонов –** СамИСИ ассистенти,
**М.С.Ҳамроев –** СамИСИ ассистенти,
**Д.А.Содиқова –** СамИСИ талабаси,
**Ҳ.А.Одинақулова –** СамИСИ талабаси

## ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Туризм йўналишидаги моддий ва номоддий ресурслар ҳақидаги маълумотларни шакллантириш учун уларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тузиш талаб этилади. Бу жараёндаги дастлабки вазифалардан бири - бу туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатининг зарурати ва уни шакллантиришдан иборатдир. Бугунги кунда туризм соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ҳисоб сиёсати тушунчаси, унинг зарурати, моҳияти ва аҳамияти ҳамда қандай қилиб шакллантириш мумкинлиги ҳақида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки амалий тавсияларни етарли даражада деб бўлмайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқ-даки, республикада фаолият юритаётган туристик корхоналарнинг деярли ҳаммасида турли даражадаги ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган. Лекин уларни мукаммал деб ҳисоблаб бўлмайди, ҳамда уларни тўлиқ равишда халқаро стандарт (МҲХС) талабларига мувофиқлаштирилган дея олмаймиз. Бугунги кунда ҳисоб сиёсатини шакллантириш борасида ягона ҳужжат бу “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” деб номланган стандарт ҳисобланади.[1]

[1] БҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2012 йил 1 январь.

Хорижий иқтисодий меъёрий ҳужжатларда, хусусан АҚШнинг бухгалтерия ҳисобига доир стандартида қуйидагилар баён этилган: «Ҳисоб сиёсатибошқарувда қўлланадиган шундай усулларки, бунда муайян ҳолатларга кўра корхона молиявий аҳволини махфийлигини таъминлайди, унда юз берган хўжалик фаолият натижаларидаги ўзгаришлар мувофиқлигидир».[1]

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 8-сон «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар»нинг 5-бандида ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: «Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир».[2]

Тадқиқот иш жараёнида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари –эксперимантал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Юқорида келтирилган таърифларни ўрганиб, таҳлил қилиб шуни хулоса қилиш мумкинки, барчасида ҳисоб сиёсатини шакллантириш, юритиш борасидаги мавжуд жиҳатлари фикрларда тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Қуйида биз ҳисоб сиёсатини шакллантиришда таққослама маълумотларни келтириб ўтамиз. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, корхонанинг ҳисоб сиёсати тушунчасини қуйидагича таърифлар билан тўлдириш мумкин: «Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг муқобил тамойиллари ва қоидаларига асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушунилади». Демак, ҳисоб сиёсатини шакллантириш мажбурияти ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун жавобгарлик айнан корхона раҳбарига юклатилади. Шунинг учун замонавий раҳбар бу масалаларни яхши англаши, бош бухгалтер эса тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатгина муайян муомалани тўғри акс эттириш ҳуқуқини беришини тушуниши шарт деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча туризм фаолияти билан шуғулланаётган туристик корхоналарда, хусусан, тадқиқот объекти “ENJOY TRAVEL” MCHJ да ҳисоб сиёсати қуйидаги уч қисмга ажратган ҳолда шакллантирилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб объектларни тан олиш, ўлчаш ва ҳисоб рақамларида акс эттиришнинг танлаб олинган усулариниь ифодаловчи ҳолатларни кўрсатишни, методологик жиҳатларни баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларини ҳар бир элементи бўйича ифодалаш;

[1] https://www.readyratios.com/usgaap/AccountingPolicies/US Generally Accepted Accounting Principles, Other Comprehensive Basis of Accounting, IFRS.
[2] IAS 8 - Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors. 2005. 01.01. www.iasplus.com/en/standards/ias/ias8

иккинчидан, бухгалтерия ҳисобини юритиш техникаси, бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ишчи счётлар режасини, ҳисоб регстрларини счётларга бириктирилишини, ҳужжатлар шаклларининг альбомини, инвентаризацияни ўтказиш муддатлари ва тартибини, замонавий компьютерлар ва бошқа ташкилий техникаси воситаларни, уларни қўллаш учун зарур бўлган классификатор ва кодификаторларни киритиш;

учинчидан, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бухгалтерия ишини танлаб олинган ташкилий шаклини, ҳисоб ходимлари меҳнатини ташкил қилиш усулини, функционал мажбуриятларни бухгалтерлар ўртасида тақсимлашни танланган вариантини, ҳужжатлар айланишининг ташкил қилинишини, бош бухгалтерни тайинланиши, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кўрсатиш. Туризм корхоналарининг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда эътибор асосан унинг услубий жиҳатларига қаратилиши керак бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалда туризм корхоналарида ҳисоб сиёсати таркиби кўпроқ бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўйича 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” деб номланган миллий стандартни тўлиқ кўчириб қўйиш билангина чегараланмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз томонимиздан туризм корхоналари учун ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим бўлган умумий жиҳатлари таклиф этилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

Биринчидан, Халқаро стандартларда (БҲХС 1-сон) бухгалтерия баланси номи бугунги кунда кенгроқ атама билан яъни “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” номи билан аталиб келмоқда.

Фикримизча туристик корхоналардаги бухгалтерия баланси номини ҳам юқоридаги атама билан қайта номлаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса туристик корхоналар учун ташқи инвестицияларни жалб этишда, корхоналарга бўлган ишончни янада ошишига замин яратади ва БҲХСларига янада яқинлашиш имкониятини беради. Бунда “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” (Бухгалтерия баланси) асосан қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим бўлади:

-туристик корхоналарининг соф активлари ҳолати;

-мос даврга нисбатан туристик корхона фойдасининг ҳажми;

-туристик корхоналар томонидан тўланадиган солиқ мажбурияти;

-туристик корхоналарининг бизнес ҳолати ва унинг келажаги.

Учинчидан, Молиявий натижалар бир-бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизими бўлиб улар туристик корхоналарда даромад ва харажатларни таққослаш асосида аниқланади. Молиявий натижани корхона фаолиятини амалга ошириш натижасида юзага келадиган даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлар сифатида талқин қилиш, уни ҳисобга олишда ва таҳлил қилишда маълум бир кетма-кетликка асосланиши кераклигини кўрсатади. Ушбу кетма-кетлик молиявий натижаларни аниқлашда қайси мақсадлардан ва ким томонидан

белгиланган тартиб-қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб–китоб қилинаётганига боғлиқ бўлади. Туристик корхоналарининг молиявий натижасини аниқлашнинг анъанавий шакли қуйидаги формула бўйича аниқланади: Фойда (зарар) = даромад – харажат

Фикримизча ушбу формула бўйича якуний молиявий натижани ҳисобкитоб қилиш компания бошқарувчилари, таъсисчилари, молиявий бошқарув, таҳлил билан шуғулланувчи шахслар ва бошқа манфаатдор шахслар учун етарлича бўлган маълумотларни бермайди. Туристик корхоналар бугунги кунда молиявий натижаларини асосан солиқ қонунчилигидан ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартларидан фойдаланган ҳолда ҳисобламоқдалар.

**N.A.Turdiyeva –** assistant of Samarkand Institute of Economics and Service,
**M.I.Akhmadov –** student of TFT-316 group, SamIES

## THE DEVELOPING OF THE ANCIENT AND CULTURAL TOURISM IN UZBEKISTAN

**Annotatsiya:** Ushbu maqola O‘zbekiston mehmondo‘stligi va xalqaro standartlarga asoslangan turistik modelni kompleks rivojlantirishga, davlat sektorini tartibga solish va biznesni qo‘llab-quvvatlash uchun qulay usulni tanlashga bag‘ishlangan.

**Kalit so‘zlar:** Qurilish, iqtisod, tanishlar, shedevr, arxitektura yodgorliklari, uy-joylar, mozorlar, masjidlar, madrasa, afzallik, etnografiya, arxeologiya, folklor, infratuzilma, ichki turizm.

Uzbekistan, after achieving independence, has defined as its main goal the construction of a society based on a market economy. In achieving this goal, tourism is considered one of the leading industries. Tourism is not only a study of the past, acquaintance with various nations, enjoying the masterpieces of their cultural heritage, but also big business.

President of our country I.Karimov stated: “Uzbekistan has great opportunities for the development of tourism. Such Uzbek cities as Samarkand, Bukhara, Khiva are known to the whole world. There are more than four thousand architectural monuments on the territory of the republic. The conditions of the natural climate allow tourists to be received both in summer and in winter ”.

From this it follows that Uzbekistan is among the countries that have a relative advantage in ensuring the development of international tourism and high competitiveness.

Uzbekistan, like other countries of the world, has its own rather ancient, unique and rich history. Even in the distant past, on the basis of written and archaeological sources, our Homeland, which was called Turon, occupied its well-deserved place along with such ancient and great countries as: China, India, Iran, Egypt and Italy. It is no secret that our Motherland attracts tourists with a rich cultural and spiritual heritage, architectural and visual arts. Ancient

historical monuments of Tashkent, Samarkand, Bukhara, Shakhrisabz, Khiva, Urgench and other territories of the republic are the main foundation of tourism in our country. Our Motherland can be proud of such famous, great ancestors as: Muhammad Muso al-Khorezmi, Abu Nasr Forobi, Ahmad al-Fargoni, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Biruni, Ahmad Yassavi, Muhammad ibn Ismail al-Bukhori, Mirzo Ulugbek, Bahouddin Naqshband, Amir Timur, Alisher Navoi, Bobur and many others. The term "cultural tourism" refers to tourism activities carried out by tourists interested in culture, history, ethnography, archeology, folklore and the lifestyle of other peoples.

During cultural tourism, more attention is paid to local theaters, places of demonstration of national art and folk art, in order to get an in-depth familiarization with the culture of different peoples. Some tourists do not refuse the hospitality of the local population and enjoy visiting their homes. The concept of "historical tourism" implies a tourist activity, which is expressed by the interest of tourists in the tools that have come down to us: tools, work ware, shadows, military armor, images. As well as housing, dwellings, citadels, tombs, mosques, madrasas and other historical and material sources.

The President of our country I.Karimov especially noted that the development of the tourism industry and the effective use of its capabilities is one of the important tasks: "Tourism, simply put, is to understand the world, to get to know the world and, at the same time, to enter the world stage. Tashkent, Samarkand, Bukhara, Margilan, Shakhrisabz and Khiva have their 2500–3000-year history. This is a huge spiritual wealth, and through the development of tourism, it can be turned into material wealth. Tourist centers and territories not only earn on tourism, but also allocate huge amounts of money for the sustainable development of the tourism industry, facilitating the movement of the tourist product in the domestic and foreign markets.

Funds allocated for the development of tourism, at first glance, may seem astronomical, but practice shows that these costs will pay off and will bring revenue to the state in large amounts ".

The development of tourism will directly affect not only the increase in gross output, but also the provision of employment and the increase in their incomes. Currently, in the tourism industry, more than 195 million people are employed, in other words, 8% of the total employed population in the world.

This shows that in the field of job creation with stable and high pay, tourism has quite large opportunities. Tourism is becoming an important source of employment and, at the same time, the development of the economic field. Today, the hotel industry is booming in our country. There are more than 500 hotels and accommodation facilities of various forms of ownership.

In the last 6 years, more than 200 medium and small private hotels have started their operations. Now in the republic there are 865 tourist organizations, about 520 travel companies, intended to attract foreign tourists and their service.

These figures once again show that through tourism it is possible to improve the level of employment and the well-being of the population.

Tourism is one of the fastest growing industries in the global economy. This industry is one of the big three, bringing great income, after oil production and engineering. Today, tourism is mediocre, and directly serving its industries account for 60% of the world workforce.

In 2020, received from international tourism, income could reach 2 trillion. US dollars. In addition, an analysis of forecasts shows that by 2020–2025, China will become the most visited country, and also Hong Kong and Russia have a good growth trend. According to forecasts, in these years, the number of tourists entering Russia will increase by 1.3% than those leaving Russia.

In the near future, among the countries of Europe, the Czech Republic has a good tendency of growth of these indicators. During this period, China and Hong Kong accounted for 12.3% of the tourist flow.

In our country, 11 cities are recognized as tourist cities on a global scale. There are more than 2,600 objects of historical and cultural attractions, today, only 150 of them accept tourists. Also, Uzbekistan is attractive for tourists due to the fact that it contains all forms of nature relief (mountains, plains, steppes, hills and deserts). In such territories as: Fergana Valley, Bustonlik, Zomin, Urgut, Baysun, there are all conditions for the development of mountain sports, ecotourism, and recreation. Of the more than 300 medicinal, underground mineral waters of recreational importance available in the republic, only 121 are used in restoring public health. More than 40% of the tourists entering our country visit Samarkand, Bukhara, Khorezm, and 17% of the Fergana valley, the remaining parts fall into other tourist areas. Samarkand and Bukhara provinces are leading in a fairly high volume of service, numerous tourist reception, and low rates are in Andijan, Djizzak and Tashkent regions. The main part of international tourists come to the city of Tashkent. The reason for this is that 36% of the tourist infrastructure falls on the capital - the city of Tashkent, and the Tashkent region. And also, there are enough conditions for making guests. Fergana Valley owns 19% of the tourist infrastructure. But the volume and extent of the tourist infrastructure does not satisfy the needs of foreign tourists.

These monuments in 2001 are included in the UNESCO list. Rich tourist opportunities are effectively used in providing employment and strengthening the economy of the city. Currently, there are about two hundred travel companies and hotels. In order to popularize the national cultural heritage of Uzbekistan abroad, in order to attract tourists to our country and develop domestic tourism, work is underway to ensure the participation of our tourism organizations in tourism exhibitions that take place in Madrid, Riga, Berlin, Paris, Tokyo and London.

***Bibliography:***

*1. Ata-Mirzaev O., Gentshke V., Murtazaeva R., Saliev L. "Historical and demographic essays on the urbanization of Uzbekistan". T .: University, 2002. - 323 p.*

*2. Mirzaev, MA, Aliyeva, M. T .: Tutorial on the basics of tourism T .: Science, 2007. - 314 p.*

*3. Turaev Z.N., Ruziev Z.N., Avliyakulov A.A., Berdiev S.R. "International tourism and its development: a textbook for university students." Termez, 2009. - 426 p.*

# III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

**A.A. Xudoyorov** – O‘zbekiston Xalqaro islom akademiyasi professori,
**B.B. Suvonov** – O‘zbekiston Xalqaro islom akademiyasi talabasi

## XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA MOLIYAVIY MUNOSABATLARNI TAKOMILLASHTIRISH

Bugungi kunda, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarni yanada chuqurlashtirish va aholining bandlik masalasini hal qilishning muhim tadbirlaridan biri xizmat ko‘rsatish va servis sohasidir. Prezident Shavkat Mirziyoyev “Xizmat ko‘rsatish sohasini jadal rivojlantirish, yalpi ichki mahsulotni shakllantirishda xizmatlarning o‘rni va ulushini oshirish, ko‘rsatilayotgan xizmatlar tarkibini, eng avvalo, ularning zamonaviy yuqori texnologik turlari hisobiga tubdan o‘zgartirish zarur”[1] – deb belgilagan edi. Zamonaviy xizmat ko‘rsatish turlarining kengayishi va rivojlanishi yangi daromadli faoliyat turlarining yuzaga kelishiga, aholi bandligini ortishishiga zamin yaratadi. Yangi daromad turlarining yaratilishi moiyaviy munosabatlarni takomillashtirish masalalariga alohida urg‘u berishni talab etadi.

Bugungi kunda mamlakatning iqtisodiy maqomini baholashda xizmat ko‘rsatish sohasining tarkibi, miqyosi va rivojlanish darajasi alohida o‘rin tutadi.

Dunyo tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, xizmat ko‘rsatish sohasining o‘sishi, zamonaviy iqtisodiyotni rivojlantirishning muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Ta'kidlash joizki, rivojlangan davlatlarda xizmatlarining ulushi yalpi ichki mahsulot (YAIM) ning 2/3 dan 3/4 gachani tashkil qiladi.

2017 yilda O‘zbekiston Respublikasida YAIM da xizmatlarning ulushi 46,2 % ni tashkil etdi. 2017 yil yanvar-dekabr oylarida xizmatlar ishlab chiqarish hajmi 116795,7 mlrd.so‘mni tashkil etdi va 8,9 foizga oshdi.[2]

Xizmatlar hajmining oshishi bir qator omillarning ta'siri bilan izohlanadi, jumladan: bozorda yangi turdagi xizmatlarning paydo bo‘lishi, masalan, kredit kartalari orqali to‘lovlar, Internetsavdo, yangi savdo markazlari, ovqatlanish korxonalari, mehmonxonalarning tashkil etilishi, ta'lim xizmatlarini kengaytirish, dam olish sohasidagi tanlovning kengayishi shular jumlasidandir. Xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini oshirishda moliyaviy munosabatlarni takomillashtirish eng muhim masalalardan biri hisoblanadi.

[1] 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha HARAKATLAR STRATEGIYASI
[2] O‘zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo‘mitasi tahliliy ma’lumotlari

Xizmat koʻrsatish sohasini rivojlantirishda toʻsiq boʻlayotgan muammolardan biri faoliyatni kredit munosabatlari asosida moliyalash masalalarida yuzaga kelayotgan muammolar tashkil etmoqda. Bu muammolar nimalardan iborat ekanligini aniqlashda kredit samaradorligining mazmun-mohiyati jihatidan jamiyatning ayni paytdagi va kelajakdagi ehtiyojini qondiruvchi umuminsiniy faoliyat uzviyligini taʼminlab, iqtisodiy oʻsishga zamin yaratuvchi vosita sifatida vaqtincha oʻz egalari qoʻlida boʻsh turgan pul mablagʻlarini boshqalar tomonidan maʼlum muddatga haq toʻlash sharti bilan qarzga olish va qaytarib berish sharti bilan qaytarib berish yuzasidan kelib chiqqan munosabat obyektining ishtirokchilar faoliyatida unumli foydalanilib, jamiyat taraqqiyoti uchun qoʻshimcha qiymat yaratib, pirovard natijada muvaffaqiyatli yakunlanishidir. Umuminsoniy faoliyat va uning shaxsiy insoniy omiliga xizmat koʻrsatish sohasi faoliyatini rivojlantirishda kreditlarning rolini oshirish va ular samaradorligini taʼminlashga qaratilgan ilmiy asoslangan mukammal amaliy takliflarni ishlab chiqish, kreditlash jarayonida yuzaga kelayotgan muammolarning tub mohiyatini oʻrganib chiqish talab qilinadi. Xususiy uy-joy mulkdorlari shirkati moliyaviy faoliyatini samarali tashkil etish boʻyicha aniq maʼlumotlarga asoslangan hamda moliyaviy faoliyatini samarali tashkil etilishiga taʼsir qiluvchi omillar tahlili yuzasidan iqtisodiy-matematik modelini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi.

Inovatsion iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida xizmat koʻrsatish sohasi samaradorligini oshirishda moliyaviy munosabatlarni takomillashtirishda yuzaga kelayotgan muammolarga quyidagicha yechimlar taklif etishimiz mumkin.

Rivojlangan mamlakatlardagi xizmat koʻrsatish sohasi samaradorligini oshirishda moliyaviy munosabatlarni takomillashtirishda biz uchun muhim boʻlgan barcha texnologik yangiliklarni oʻrganish, yigʻish, keng aholi ommasiga bildirish va ularni oʻzlashtirib, respublika iqtisodiyoti tarmoqlariga tezkorlik bilan tadbiq qilish;

Oʻzbekistonning innovatsion faoliyat yoʻliga tezkorlik bilan oʻtishining iqtisodiy, huquqiy va tashkiliy shart-sharoitlarini taʼminlab beradigan samarali milliy inniovatsion tizimni yaratish. Xizmat koʻrsatish sohasi samaradorligini oshirishda moliyaviy munosabatlarni takomillashtirishga oid jahon miqyosidagi innovatsiyalar sohasidagi ilmiy va amaliy yangiliklar boʻlgan adabiyotlarni davlat tiliga tarjima qilib, ularni ilmiy-texnik xodimlar tomonidan tanqidiy ravishda oʻrganish hamda tezkorlik bilan amaliyotga tadbiq qilish jarayonini tashkil qilish;

Xizmat koʻrsatish sohasiga investitsiyalar oqimini yanada koʻpaytirish uchun mamlakatda yirik islom banklarining filiallarini tashkil qilish yoki banklarda ularning boʻlimlarini tuzish maqsadga muvofiqdir, chunki xozirgi davrda islom banklari halqaro bank-kredit tizimidagi noanʼanaviy hodisa sifatidan, asta-sekin odatiy gʻarbona bank-kredit tizimining salobatli raqobatchisiga aylanib borayapti va bunday banklar halqaro bozorlarda tobora mustahkam oʻrnashib olayaptilar;

Oʻzbekistonda bilimlarga asoslangan innovatsion texnologiyalarni iqtiso-

diyotga tadbiq qilish bo‘yicha oxirgi xulosa va samarali tadbir sifatida yoshlarning bu jarayonga bo‘lgan kuchli qiziqishini uyg‘otish hamda intilishini orttirishni aytish mumkin. Misol sifatida xozirgi paytda respublikamizda sport va san’at taxsinga loyiq ravishda rivojlanib, har bir yoshning sportchi yoki san’atkor bo‘lishga intilishi tasodifiy holat emas, balki davlat va jamoaning bunga bo‘lgan alohida diqqat-e’tibori, sportchilar va san’atkorlarning pul topsihga imkoniyatlari juda ko‘pligi, havas qiladigan darajada badavlat hayot kechirshi, ko‘pchilik insonlarning dabdabalarga o‘chligi bilan izohlanadi. Xuddi shu, sport va san’atga bo‘lgan qo‘llab-quvvatlash siyosatini innovatsion iqtisodiyotning rivojlanishiga ham qaratilsa, olamshumul natijalarga erishish mumkin bo‘lar edi. Masalan, har bir tadbirkor o‘z faoliyatini boshlashdan avval, biznes rejasining innovatsion qismi ilmiy xodimlar tomonidan ekspertiza qilinib, tasdiqlanishi va ilmiy xodimlarga bu ish uchun firma hisobidan alohida haq to‘lanishi (yoki bunday to‘lovning keyinchalik firma foydasidan ulush sifatida ko‘zda tutilishi), har bir tashkilotda ilmiy-texnik xodimlar jalb qilingan innovatsion bo‘limlar (yoki innovatsiyalar bo‘yicha mas’ul shaxs) bo‘lishi talab qilinishi, innovatsiyalar yaratgan yoki yangiliklarni chet ellardan o‘zlashtirib, mamlakatimizga tadbiq etganlar, ilmiy ishlari amaliyotga tadbiq etilgan olimlar va injener-texnik xodimlarning ishlari san’atkorlar va sportchilarnikidan kam bo‘lmagan darajada ommaviy axborot vositalarida ijobiy ravishda keng yoritilib, moddiy va ma’naviy taqdirlanishi ilmiy-texnik xodimlarning jamiyatdagi mavqeyini yuqori ko‘tarar edi va har bir intiluvchan, iqtidorli va layoqatli bo‘lgan yoshlar innovatsiyalar yaratish sohasida ishlashni orzu qilib, chuqur va har tomonlama bilim olishga intila boshlar edilar. Bu esa jamiyatimizda o‘ziga hos ilmiy-texnologik inqilob yaratar edi va pirovard natijada mamlakat tez sur’atlarda innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tib, rivojlangan mamlakatlar qatoridan munosub o‘rin egallay olishi tezlashardi.

Xizmat ko‘rsatish korxonlari moliyaviy holatini tahlil qiladigan bo‘lsak, xususiy mulkdorlar shirkatlari faoliaytini yanada samarali tashkil qilish borasida yuqoridagi keltirilgan bir necha muammolar to‘sqinlik qilmoqda.

**Э.Х.Ботиров** – ТДАУ доценти, иқтисод фанлар номзоди

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Сўнгги йилларда республикамизда ҳар бир соҳада инновация ва изланиш, янги ютуқларга эришиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда кенг имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигида замонавий усуллардан оқилона фойдаланиш ижобий самаралар бермоқда.

Қишлоқ хўжалигида кластер усулининг жорий этилиши ерни шудгорлашдан ҳосилни етиштиришгача, хом ашёдан тайёр маҳсулотгача

бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс ёндашув тизими яратилмоқда.

Айниқса, енгил саноат корхоналарининг хом ашё етиштириш манбаи саналган деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда кластер усули яхши натижалар бермоқда.

Кейинги ўн йилликда бутун дунёда иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишнинг кенг тарқалган усулларидан бири-кластер усулидан кенг фойдаланилмоқда. Кластер стратегияси Европа иттифоқи томонидан бутунжаҳонда кенг тарғиб қилинмоқда.

Айни пайтда Россия Федерациясида 25 та кластер мавжуд бўлиб, мамлакат жанубида аграр соҳада кластерлар фаолият кўрсатмоқда.

Хитой Халқ Республикасида автомобилсозлик, кимё, фармацевтика, электроника, маиший техникалар, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик каби кўплаб соҳаларда кластер усулида ишлар ташкил этилиб, яхши натижалар бериб келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу биринчидан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий «занжирини» кўзда тутган ҳолда, иккинчидан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Глобаллашиш асосида логистика ва товарлар ҳамда хизматлар сифатини ҳам стандартлаштиришни таъминловчи умумжаҳон коммуникация тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Қолаверса, аҳоли сони, шу жумладан, меҳнат ресурсларининг доимий ўсиб бориши, аҳолини самарали тармоқларда иш билан бандлигини таъминлаш, уларга қулай фаолият олиб боришлари учун барча шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг ўрни ва аҳамияти жуда ҳам юқори.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш ҳамда унинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳамияти бўйича маълум тажриба тўпланган.

Европа мамлакатлари ва АҚШда бу стратегия кенг қўлланилмоқда. Кластерлар Буюк Британия, Голландия, Германия, АҚШ, Дания, Франция, Италия, Финландия, Ҳиндистонда яхши ривожланган. Дания, Финландия, Швеция саноатини кластерлар тўла эгаллаган. Кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой ва Туркия давлатлари енгил саноатида, Германияда кимё ва машинасозлик, Францияда озиқ-овқат ва косметика саноатларида муваффақиятли ишламоқда. Кластерларни шакллантириш жараёни жанубий-шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда.

Хитой Халқ Республикасида автомобилсозлик, кимё, фармацевтика, электроника, маиший техникалар, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик каби

кўплаб соҳаларда кластер усулида ишлар олиб борилмоқда. Италия саноатидаги кластерларда 43 % аҳоли иш билан банд бўлиб, экспорт қилинадиган миллий маҳсулот ҳажмини 30% кластерлар улушига тўғри келади. АҚШда 380 та кластер мавжуд бўлиб, ЯИМда кластерларнинг улуши 61,4%ни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳам кластер усулида фаолият юритадиган корхона–ташкилотлар қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз республика вилоятларида қилган ташрифларида сўзлаган нутқларида, Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қаралаётган амалда қўлланган – пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Хусусан, бу истиқболли тажрибани кенг ёйиш мақсадида мамлакатимиздаги ўттиздан зиёд енгил саноат корхонасига тўрт юз минг гектардан кўпроқ пахта майдонлари бириктириб берилиши қайд этиб ўтилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республикамиздаги агросаноат ва енгил саноат корхоналарининг кластер усулидан кенг фойдаланиши ҳудудларда етиштирилаётган пахта хом ашёсини шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишлашга, тайёр трикотаж маҳсулотларини экспортга йўналтириш ва жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига, қолаверса, маҳаллий ёшларни самарали тармоқларда иш билан бандлигини тўлиқ шакллантириб, минтақаларда ишсизлик даражасини пасайишига ҳамда замон талабларига мос хизмат кўрсатиш соҳасини шаклланишига хизмат қилади.

**Ш.Ж.Маматкулова –** СамИСИ доценти, и.ф.н.,
**Р.С.Исакова –** СамИСИ магистранти

## ИННОВАЦИОН ШАРОИТДА КОРХОНАДА МАРКЕТИНГ КОМПЛЕКСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.[1] Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

[1] Қосимов Р.С. ва бошқалар. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси. Илмий-Услубий Рисола. Тошкент-2017

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради. Миллий иқтисодиётини шакллантириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва белгиланган устувор йўналишларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида амалга оширилмоқда.

Маркетингни энг асосий вазифаларидан бири, кафолатланган юқори сифатли ва харидор талабига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ва сотишни ташкил қилиш ва йўлга қўйишдир. Маркетингли ёндашишда товар юқори сифатли саналиши учун у сифат бўйича халқаро стандартларга жавоб бериши билан бирга маълум бозор сегментининг эҳтиёжига ҳам жавоб бериши керак. Шунинг учун маркетинг хизматининг вазифаларидан бири товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифатли бошқариши саналади. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш Ҳаракат дастурининг энг муҳим вазифалари қаторидан ўрин олган.

Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларнинг ривожланиши кўплаб корхоналарнинг фаолият юритишига сабаб бўлади. Уларнинг сони ҳам, ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳам кун сайин ошиб бормоқда. Шу сабабли корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, ички бозорни тўйинтиришда замонавий бозор механизмларини қўллаш ҳозирги даврнинг долзарб масаласига айланмоқда. Инновация жараёнлари товарлар, хизмат-сервис ва ахборотлар бозорларини илғор тажрибалар ва стандартлар асосида ташкил этилиши, ўз навбатида тадбиркор, бизнесмен ва менежерлар тўла эркинлик билан фаолият юритишларига замин тайёрлади. Бунинг натижасида эса ҳозирги бозорда кучли рақобат муҳити юзага келди. Бундай кучли рақобат шароитида фаолиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун маркетинг тамойилларидан фойдаланиш керак бўлади. Маркетинг тамойилларининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тобора кенгроқ қўлланиши корхоналар томонидан олиб борилаётган ҳаракатларда намоён бўлмоқда. Замонавий корхоналар олдинги даврдаги корхоналардан нафақат шакли бўйича балки ички мазмуни бўйича ҳам тубдан фарқ қилади. Бозор иқтисодиётидаги рақобат кураши шароитида, корхона иши сифати бўйича ўз рақобатчиларга нисбатан, истеъмолчиларни муҳтожлигини қондиришга йўналтирилган фаолиятда, доимо устунликка эришишни тақозо этади. Маркетинг комплекси бозорда вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш услубларини, товарларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш муаммоларини яхлит, тизимли ечиш услубларини, бозорда вужудга келадиган ўзгаришларга тезда мослашиш, истеъмолчиларга табақали

ёндашиш, конъюнктурани ўрганиш ва башорат қилиш ҳамда таъсирчан рекламани ривожлантириш масалаларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгандир. Маркетинг тизими энг мувофиқ нархдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариб, харидорларга таъсир этиш йўли билан юқори даражада фойда олишни режалаштиради ва шу сабабли ҳам, мамлакатимиздаги деярли барча корхоналарнинг унга катта аҳамият билан қараётганлиги ва иқтисодий фаолиятида кенг қўлланаётганлиги шундадир. Корхона ўз маҳсулотини қандай шаклда, қанча миқдорда ишлаб чиқаришни, қайси мижозларга сотишни олдиндан белгилаши ва бунинг натижасида керакли фойда олиш учун маркетинг қонун – қоидаларига қатъий амал қилиши лозим.Ҳозирги кунда маркетинг энг самарали ва зарур иқтисодий фаолият тури бўлиб, барча бозор жараёнлари у орқали амалга оширилади, у ҳам ишлаб чиқарувчиларга, ҳам истеъмолчиларга катта имкониятлар яратади. Унинг ёрдамида маҳсулотлар нархи, уларнинг жойлашуви, миқдори, талаб ва таклиф ва бошқа бир қанча омиллар ҳақида жуда кўп маълумотлар олиш мумкин бўлади. Маркетинг йўли билан ёндошиб қилинадиган комплекс таҳлилнинг энг муҳим хусусияти умуман бозорда рўй бераётган жараёнларни эмас, балки бутун бозор тизими бўғинлари: ишлаб чиқарувчи корхоналар, товарларни етказиб беришда ўртада турадиган воситачилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари, шунингдек булар билан алоқада бўлган бошқа кўпгина корхоналарнинг аниқ функцияларини шу бугунги кунга ва узоқ муддатга мўлжаллаб ўзгартиришни талаб қиладиган нарсаларни ҳисобга олиб боришдир.

Саноат корхоналари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири, эркин иқтисодий рақобат шароитида кам сарф-харажатлар билан бозор талабларига мос товарлар ишлаб чиқариш ва унинг турларини кўпайтириб боришдан иборатдир. Бундай вазифани амалга ошириш янги товарлар ишлаб чиқариш асосида иш юритишни талаб этади. Янги товар ишлаб чиқариш ғоясини қидириб топиш ҳаммадан ҳам қийинроқ бўлади. Бундай ғоялар ўз–ўзидан эмас, балки доимий изланиш натижасида вужудга келади. Ишлаб чиқариш имкониятларини қидириш натижасида тадбиркорлар керакли маълумотларни потенциал харидорлардан, савдо воситачиларидан оладилар. Янги товар ишлаб чиқариш ғояси пайдо бўлгандан сўнг, унинг истиқболли эканлигини чуқур таҳлил қилиш ҳаракатлари ва кутилаётган натижаларини баҳолаш жуда муҳимдир. Янги товар ишлаб чиқаришга асосланган ҳар қандай ривожланиш стратегиясининг марказида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, диверсификация ва инновация мақсадлари ётади.

Маркетинг комплексининг энг муҳим ва ажралмас таркибий қисми – маҳсулотни сотиш ва тақсимлаш ҳисобланади. Бу жараёнда ташкилий нуқтаи назардан энг мураккаб вазифа – ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчига етказишдир, товарларни тақсимот каналлари орқали бевосита харидорларга етказиб беришдир. Сотиш фаолияти бу энг аввало товар ҳаракати каналларини ташкил қилишдир. Унинг вазифаси эса ишлаб

чиқариладиган маҳсулотни самарали сотиш тармоғини ташкил қилиш, шу жумладан, чакана ва улгуржи дўконлар тармоғи, оралиқ сақлаш омборлари, техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ва кўргазма залларини яратиш, товар ҳаракати йўналишларини аниқлаш, ташиш, юклаш ва тушириш ишлари, таъминот тизимини ташкил қилишдан иборат. Маркетинг йўли билан ёндошиб қилинадиган комплекс таҳлилнинг энг муҳим хусусияти умуман бозорда рўй бераётган жараёнларни эмас, балки бутун бозор тизими бўғинлари: ишлаб чиқарувчи корхоналар, товарларни етказиб беришда ўртада турадиган воситачилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари, шунингдек булар билан алоқада бўлган бошқа кўпгина корхоналарнинг конкрет функцияларини шу бугунги кунга ва узоқ муддатга мўлжаллаб ўзгартиришни талаб қиладиган нарсаларни ҳисобга олиб бориш саналади. Сотиш жараёнини оқилона ташкил қилиш ишлаб чиқарувчи корхона даромадлилигини ва бозорда ўз ўрнига эга бўлишини белгилаб беради. Маркетинг комплексининг силжитиш элементи – бу товарлар сотилишини фаоллаштириш ва бозорда ижобий тасаввур шакллантириш мақсадида ахборот олиш, ишонтириш ва ўз фаолияти ҳақида эслатиш учун корхонанинг бозор билан доимий алоқаларини яратиш ва сақлаб туришдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маркетинг комплекси усул-амалларидан фойдаланиш корхоналарнинг манфаатлари ва мақсадларини жамият манфаатлари ва мақсадлари билан пайваста қилиб бирга қўшишга, иқтисодиётни ривожлантиришга бўлган микро ва макроиқтисодий ёндошувларнинг бирлигини таъминлашга имкон беради.

**Б. Хонтўраев –** Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантирувчи энг муҳим устувор йўналишлардан бири бу – хизматлар соҳаси бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизни янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари 3.1.- бўлими Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, 9-бандида хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш,

кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш [1] назарда тутилганлиги хизматлар соҳасида бошқарув ҳисобини тўғри ва аниқ ташкил этишни тақозо этади.

Замонавий хизматлар бозори учун нафақат ўсиш тенденцияси, балки моддий ишлаб чиқариш маҳсулотига нисбатан илдам ривожланиб бораётган ҳамда хизматлар диверсификациясини тобора кенгайиб бораётганлиги билан аҳамиятлидир. Сўнгги ўн йилликда компьютер ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳасида ўнлаб янги хизматлар вужудга келди. Умуман олганда хизматлар бозорида махсус иқтисодий, техник, муҳандислик ва бошқа шу каби билимлар воситасида илмий асосланган хизматлар салмоқли улушга эга бўлиб бормоқда.

Ҳозирги кунда технологиялар боис бизнес муҳитида юз бераётган жадал ўзгаришлар, мижозлар ва рақобатчиларнинг глобаллашуви, тартибга солиш ва савдонинг янада мураккаблашуви, малакали иқтидорларга глобал даражада кураш каби тенденциялари юз бермоқда. Бунга жавобан компаниялар бошқарувида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлмоқда ва умуман менежмент билан муносабатлари қайта кўриб чиқилмоқда. Ҳозирда хизматлар соҳаси самарадорлигини оширишда инновацион менежмент стратегияларини такомиллаштириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Менежмент XX аср ихтироларидан бири бўлиб, бошқарув ҳақидаги фандир. Менежмент ва менежер бошқарувнинг янги, юқори самарали босқичи ҳисобланади. Менежмент – бу бозор иқтисодиёти ривожланиши талабларига тўлиқ жавоб берадиган бошқаришнинг бир туридир. Инсонлар фаолиятини бошқариш профессионал-менежердан юксак санъатни, у томонидан қўлланиладиган усул ва услубларнинг кенг тўпламини, бошқариш ва тадбиркорлик малакаларини талаб этади.

Менежмент иқтисодий нуқтаи-назаридан - бу, аввало, хамма иқтисодий муаммоларни бошқариш тизими, инсонларни бошқариш. Ғарб мутахассислари баҳолашича, корхонанинг 90 % муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги менежмент самарадорлигига боғликдир. Менежментда қуйидаги тамойиллар устиворлик қилади:

“Ишлаб чиқариш муносабатларини инсонийлаштириш”, “Ҳар бир ходимнинг ишчининг ички имкониятларини максимал ҳисобга олиш”, “ҳамкорлик” – “фирма тараққиёти учун турли маслакдаги ходимларни ягона мақсадга бирлаштириш”, ўз вақтида қабул қилинадиган қарорлар ва ҳ.к. Менежмент корхонадаги ишлаб чиқаришнинг бир технологик бўғини эмас, балки бозор иқтисодиётининг муҳим қатлами, деб ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш фаолияти ва уни самарали бошқаришни ўрганиш қуйидагилар учун муҳим[2]:

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

[2] Маркетинг: Учебник А.Н. Романов, Ю.Ю.Кормогов и др.; под ред. А.Н.Романова . М.: Банки и биржи. 1996 с.344

- жорий ишлар таҳлили;
- корхонанинг ўзгарувчан бозор конъюктураси шароитида ҳатти ҳаракатининг башорати;
- оптимал қарорлар қабул қилиш мақсадида тавсияномалар ишлаб чиқиш;
- фирмаларнинг чекланган ресурслардан фойдаланишнинг энг мақбул воситаларини аниқлаш.

Хизматлар секторини ривожланиш кўлами ва динамикаси, уни жамият ижтимоий ҳаёти ва хўжалигида тутган ўрни илмий омма томонидан хизматлар соҳасида иқтисодий тадқиқотлар объектида устувор аҳамият касб этмоқда. Моддий ва хизматлар соҳасидаги товар айланмаси кўплаб минг йиллик тарихга эга. Бироқ, сўнгги ўн йилликда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар хусусиятларини тадқиқ этишга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги бошқарув тизими иши натижаларига қараб баҳоланиши мумкин ва шартдир. Бу эса ташкилотнинг такомиллашувини ва бошқарув тежамкорлигини таъминлайди. Хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув аппарати ишлари сифатининг улар қабул қиладиган қарорлар натижавийлигига боғлиқдир.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш фаолиятида Фан-техника тараққиётини қўллаш ва жорий қилиш самардорлиги ҳам менежмент самардорлигини кўрсатиб беради. Илмий техник-тараққиёт борасидаги иқтисодий самарадорлик ва иш маҳсулдорлигини баҳолаш фан ва техника ривожланишига, ташкилий техник ва хўжалик тадбирларини олиб боришга ўз ҳиссасини қўшади. Бунда тармоқ даражасида асосан қуйидагилар муҳим саналади:

- лойиҳаларнинг янгилиги ва истиқболлиги;
- ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва техник иқтисодий кўрсаткичларини оширишда қўшилган амалий улуши;
- иш сифатини туширмаган ҳолда ўз муддатида бажариш;
- илмий техник лойиҳаларни амалга оширишдан олинадиган иқтисодий самарадорлик;
- янгиликларнинг мазкур соҳада мавжуд ўзимизнинг ва чет эл ютуқларидан фарқи.

Ҳозирги вақтда хизматлар соҳасида инновацион менежмент стратегияларини ишлаб чиқишда рақамли иқтисодиётни татбиқ этиш ҳам ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий консепциясини ишлаб чиқиш ҳамда «Рақамли Ўзбекистон-2030» дастури ҳаётга татбиқ этилиши мунособати билан, ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, корруцияни кескин камайтириш имконини беради.

Рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида,

ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. «Рақамли» атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади.

Ҳозирги вақтда хизматлар соҳасида инновацион менежмент стратегияларини ишлаб чиқишда рақамли иқтисодиётни татбиқ этиш борасидаги муаммолар бўйича назарий ишланмалар ва амалий тавсиялар етарли даражада татбиқ этилмаган. Бунда хизматлар соҳаси фаолияти бошқа соҳалар ва хўжалик тармоқларидан кескин фарқ қилувчи бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, улар ўз навбатида мазкур соҳа корхона ва ташкилотларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштиришга ўз таъсирини кўрсатади.

Умуман олганда, таъкидлаб ўтилган тавсияларни эътиборга олган ҳолда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш ўсиб бораётган республикамиз аҳолисини арзон ва сифатли маҳсулот ва хизматларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда ва тармоқ рентабеллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Д.Ҳ.Холмаматов –** СамИСИ мустақил изланувчиси

## УЛГУРЖИ САВДО МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА ТОВАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон иқтисодиётини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ва либераллаштиришнингустувор йўналишлари сифатида улгуржи савдо қайта ишлаш соҳасида хом-ашё, яримтайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарига етказиб бериш, истеъмол бозори конъюнктурасини тартибга соладиган замонавий иш услубига эга фаолиятга айланиши назарда тутилган. Улгуржи савдонинг ривожланиши, кейинчалик қайта ишлаш учун яримтайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини, “бизнес учун-бизнес” (B2B) тамойили бўйича бошқа товарларни етказиб бериш тизими даражасининг пастлиги хўжалик юритувчи субъектлар транзакция харажатларининг ошишига ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги пасайишига олиб келмоқда[1].

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида улгуржи савдо товарлар ҳаракатининг етакчи ташкилотчиси, тармоқлараро, ҳудудлараро ва минтақавий иқтисодий алоқаларни шакллантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, истеъмол товарлари сифати ва хавфсизлигини назорат қилишни таъминлаш, товар ҳаракатини ташкил этиш учун муқобил молиявий манбаларни шакллантириш ва харидорларга хизмат кўрсатиш тизимини яратиши керак. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5564-сонли Фармони

учун бутунлай янги ташкилий тузилма ва турли функционал йўналишдаги улгуржи ташкилот ва корхоналарга эҳтиёж бор.

Савдо фаолияти ривожланишининг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, улгуржи савдо истеъмол бозорининг муҳим бўғини бўлиб қолмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда улгуржи савдони ривожлантиришнинг аниқ механизми мавжуд бўлиб, уларнинг фаолиятида ўхшаш тенденциялар, тизимли ва ташкилий қарорлар иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичига хосдир. Ҳозирги кунда хорижий давлатлар савдосида улгуржи савдони ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб концентрация ва диверсификация ҳисобланмоқда. Мустақил улгуржи корхоналарни бирлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари таркибий тузилмасида улгуржи ва чакана савдони ташкил этилиши, йирик савдо воситачилари тармоғини кенгайтириш, улгуржи савдо тузилмаларини бирлаштириш кузатилмоқда. Шу билан бирга кичик улгуржи тузилмалар мавқеи заифлашмайди.

Мамлакатимизда улгуржи савдони ривожлантиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш, ҳозирги иқтисодий тараққиёт талабидир. Тўлиқ савдо операцияларини компьютерлаштириш, омбор хўжалиги ишларини автоматлаштириш, логистика ва маркетинг хизматини такомиллаштириш асосида чакана товар таъминотини бир текисда амалга оширадиган, харидорларга комплекс хизматларни таклиф этадиган улгуржи савдо корхоналари фаолияти йўлга қўйилади.

Улгуржи савдо фаолиятида асосий ўринни харидорларга (ишлаб чиқарувчи, чакана сотувчилар, пировард истеъмолчилар) сервис хизмат кўрсатиш даражаси эгаллайди. Хизмат кўрсатиш даражаси иккита асосий кўрсаткич: хизмат кўрсатиш сифати ва харидорлар эҳтиёжини қондирилиш даражаси билан баҳоланади.

Улгуржи савдо фаолиятида кўрсатиладиган хизматлар бозорнинг бошқа субъектлари билан интеграциялашган ҳолда тақдим этилади. Жумладан, транспорт ташкилотлари билан ишлаб чиқарувчи корхоналарга, чакана савдо корхоналари, истеъмолчиларга товарлар етказиб бериш, омбор хўжалигида сақлаш, қадоқлаш, маркалаш, суғурта компаниялари билан хавф-хатарларни олдини олиш учун суғурталаш, маркетинг агентликлари билан бозорни таҳлил қилиш, ассортиментни шакллантириш каби хизматларни ҳамкорликда ташкил этади.

Тадқиқот натижасидан келиб чиқиб улгуржи савдо хизматлари таркибини қуйидагича тақсимладик (“1-расмга қаранг”).

Улгуржи савдо айланмасида мавжуд бўлган сотиладиган товарлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда хизматлар таркиби ҳам ҳар хил бўлади. Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар билан истеъмол товарларини сотиш давомида бир-биридан фарқ қиладиган сервис хизматлар кўрсатилади. Жумладан, техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар билан айрим истеъмол товарлари сотувидан кейин ҳам сервис хизматлар кўрсатилади. Шунинг учун улгуржи савдода




**1-расм. Улгуржи савдо хизматлари таркибининг тақсимланиши[1].**

харидорларга хизмат кўрсатишни ташкил этишда сотилаётган товарнинг турини, унинг ҳаётий даври давомида товарга хизмат кўрсатишни ташкил этиш хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Демак, улгуржи сотилаётган айрим товарлар фақат сотиш билан чекланмаслиги, балки уларнинг бутун ҳаётий даври давомида сервис хизмат кўрсатилиши мумкин. Бундай товарларга сотувдан кейин ҳам хизмат кўрсатилади.

Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, машинасозлик маҳсулотлари, механик асбоб-ускуналар, машиналар ва дастгоҳлар, ер усти транспорт воситаларини харидорларга етказиб беришни ташкил этишдан то бутун эксплуатация даврида сервис хизмат кўрсатишни ташкил этиш лозим. Умуман техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарларнинг харидорлари товар харид қилишда қайси мезонлардан фойдаланишини билиш ва шундан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Сервис хизматларни бошқариш (Field Service Manager) ассоциацияси ўз тадқиқотларида ишлаб чиқариш корхоналари янги асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни харид қилишда бир қатор омилларга эътибор қаратишини тадқиқ қилишган (“2-жадвалга қаранг”).

Ушбу тадқиқот натижасидан шундай хулосага келиш мумкинки, харидорлар эҳтиёжини қондириш омилларининг нисбатини ва бу омил-ларнинг истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларига таъсирини аниқлашдан иборат. Демак, техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар ис-

уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш лозим бўлиб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шаклланти-ришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада оширишилмоқда.

Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди.[1] Юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топиб келмоқда.

Биргина сўнгги беш йилда янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, маҳаллалар ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятига оид 20 га яқин низом қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Амалга оширилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшаши бўлмаган тузилмага айланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Маҳалла кенгашлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллар ўзларининг молиявий маблағларини самарали фойдаланган ҳолда кўпайтиришлари лозим бўлиб ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўз маблағлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек бошқа маблағлар ҳисобидан ташкил топган маблағларни молия институтлари томонидан тўғри фойдаланишни таъминлаш муҳим (1-жадвалга қаралсин).

**Сурхондарё вилояти Бойсун тумани, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг 2018 йилда ўз маблағлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, юридик ва жисмоний шахслар ҳомийлик хайриялари, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлар ҳисобидан жамғарилган ва сарфланган маблағларини ва молиявий кўрсаткичларни рақамлар мисолида қуйидаги жадвал орқали таҳлил (млрд.сўм)[1]**

| **Кўшимча даромад олиш манбаалари** | | **Тижорат банкига депозитга жойлаштириш фоизда** | **Махсус жамғарма фонд фоизда** |
|---|---|---|---|
| **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маблағлари** | 1,20 | 12-14 | 8-10 |
| **Тушган тушумнинг 10% “Нуроний жамғармасига”, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг ойлик иш ҳақлари учун, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга бериладиган моддий ёрдам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-танхик базасини мустаҳкамлашга ва бошқа ҳаражатлардан қолган маблағ** | 0,24 | | |
| **Олиниши куталадиган қўшимча даромад** | | 0,03 | 0,02 |

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, агарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ўз маблағи, маҳаллий бюджет маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлар ҳисобидан ташкил топаган маблағларининг зарурий сарф ҳаражатлари (Тушган тушумнинг 10% “Нуроний жамғармасига”, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг ойлик иш ҳақлари учун, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга бериладиган моддий ёрдам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий- танхик базасини мустаҳкамлашга ва бошқа ҳаражатлардан) дан ортган қисмини тижорат банк депозитга жойлаштирилса 0,03 млрд. сўм ёки махсус жамғарма фондларги жойлаштирилса қўшимча даромадга эга бўлиши ва ушбу қўшимча даромаддар самарали фойдаланган ҳолда ўзини ўзи бошқариш органининг янада ривожлантириш ва шу орқали ёшларни иш билан бандлигини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишларини амалга оширишга эришилган бўлар эди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**С.С.Алиева –** старший преподаватель СамИЭС, к.э.н.

# ФИНАНСОВЫЕ УСЛУГИ В СОВРЕМЕННЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ

На сегодняшний день не только рынок услуг в целом, но и в частности, рынок финансовых услуг играет одну из главных ролей в движении денежного капитала, обслуживающего экономическое развитие, операции, обусловленные финансовыми отношениями в целом. Направления реформ в финансовой области, процессы реформирования на финансовом рынке не движутся в одной директории, и это делает тему актуальной и показывает необходимость проведения дальнейших исследований, и выявления сущности и тенденций развития рынка финансовых услуг, а также его современное состояние.

В условиях нынешнего развития экономики рынок финансовых услуг, являясь частью финансовой категории, выполняет важнейшую функцию перераспределения финансовых ресурсов между областями и сферами социально-экономической системы.

В соответствии с принятой ВТО классификацией к финансовым услугам относятся: услуги страхования (включая перестрахование); банковские услуги; финансовый лизинг; гарантии и обязательства; все виды торговли драгоценными металлами и финансовыми инструментами; выпуск и обращение всех видов ценных бумаг; управление финансовыми активами; предоставление и передача финансовой информации и её обработка, включая соответствующее программное обеспечение, и др.[1]

Финансовая услуга – это социально-экономическая категория, связанная с трансформацией денежных средств в денежный капитал юридических и физических лиц на банковском, страховом и инвестиционном рынках, а также иные услуги финансового характера[2]. Содержание рынка финансовых услуг, представляет собой определенные формы и методы упорядоченного движения финансовых ресурсов через финансово-кредитный механизм между предпринимательскими субъектами и субъектами хозяйствования, при этом не имеет материальной формы, так как основой на рынке финансовых услуг являются правоотношения на основе собственности. Проще говоря, рынок финансовых услуг – представляет совокупность отношений клиент-покупатель, реализуемых через финансовую услугу как сферу предпринимательской деятельности, где финансовые услуги реализуются для реализации.

Комплекс (система) финансовых услуг – важнейшая часть сферы

[1] Галкин А.И. Современные информационные технологии на рынке финансовых услуг. Финансовые исследования. № 8. 2004. – С. 85.

[2] Анисимов А. А. Макроэкономика: учебное пособие /А. А. Анисимов, Н. В. Артемьев, О. Б. Тихонова. — М.: Юнити-Дана, 2011. — 598 с.

услуг, обслуживающая денежные отношения хозяйственных субъектов по распределению и перераспределению совокупного общественного продукта с целью организации расчетов, хранения сбережений, их превращения в инвестиции, перелива средств в наиболее эффективные производства (отрасли) и региональные точки роста, подготовки, сопровождения и обеспечения окупаемости инвестиционных проектов[1]. Финансовая система выступает с одной стороны как совокупность учреждений и рынков, предоставляющих свои услуги фирмам, гражданам и правительству[2], а с другой – как совокупность финансовых отношений, в процессе которых образуются и используются денежные фонды.

Современные реформы предполагают ускоренное развитие довольно большого ряда услуг: социальных, культурных, бытовых, коммерческих, интеллектуальных и др. И, конечно же, дальнейшее успешное развитие страны подразумевает углубленное развитие сферы услуг, в частности сектора, влияющего на структурные части финансового рынка. При этом специальную роль в развитии финансового сектора и экономики в целом, повышении эффективности производства и других отраслей, играет возможность рынка аккумулировать большие суммы капитала и управлять ими. Другими словами, можно использовать различные схемы финансирования и инвестирования, а также дифференцированные финансовые услуги инвесторам профессиональными участниками рынка финансовых услуг. Взаимодействие между субъектами рынка финансовых услуг может осуществляться непосредственно либо опосредованно. В первом случае удовлетворение взаимного интереса осуществляется с помощью прямого финансирования, во втором – финансированием через посредников, т. е. в виде опосредованного финансирования[3].

В современных условиях ускоренного развития цифровой экономики обозначилась тенденция всеобщей интеграции финансовых и информационно-технических услуг с целью увеличения видов финансовых услуг и предоставления их в новых сферах и на новых территориях. Именно поэтому, довольно быстро усиливается зависимость деятельности финансовых институтов от информационных технологий. Однако, необходимо заметить, что, рынок финансовых услуг в нашей экономике дискретен. А некоторые его сегменты, к сожалению, не связаны друг с другом. Некоторые финансовые институты еще проходят стадию создания и развития, а некоторые еще формируются. Довольно высокого уровня развития достигли институты, оказывающие посреднические услуги при реализации коммерческих услуг с реальными товарами и предоставляющие обязательные услуги расчетно-кассового обслуживания, обязательного пенсионного страхования. Кроме того, широкое развитие получили

[1] Шакуров И.Г. Финансово-кредитная система. Бюджетное, валютное и кредитное регулирование экономики, инвестиционные ресурсы. Проблемы современной экономики, N 2 (22), 2007

[2] Финансы, денежное обращение и кредит. / под ред. Т.Б. Поляка. – М., 2001. – С. 73

[3] Финансы*:* учеб. / под ред. В. В. Ковалева. - М.: ТК Велби, Изд-во «Проспект», 2006. – С. 61

финансовые институты, оказывающие услуги, в частности, по добровольному страхованию, финансированию инвестиционных проектов и др.

В современных условиях происходит реорганизация финансовых институтов, их преображение в соответствии с потребностями финансового рынка и закладывается фундамент внедрения современных информационных технологий, обслуживающих этот рынок. Дальнейшее развитие рыночных механизмов требует первостепенного развития рыночной инфраструктуры, обслуживаемой в основном банковской системой.

Энергичное участие кредитных организаций в развитии новых методов осуществления предпринимательской деятельности, привело к их преобразованию в банки с большим разнообразием банковских продуктов, объемом предоставляемых услуг и ускоряющимся ростом числа потребностей клиентов.

Дальнейшее развитие рынка финансовых услуг подразумевает совершение конкретных определенных шагов:

- обеспечение макроэкономической стабильности и финансовой устойчивости;
- создание механизма налогового стимулирования оказания качественных финансовых услуг;
- развитие, совершенствование и стабилизация законодательно-нормативной базы;
- обеспечение финансовой грамотности населения;
- ликвидация административных барьеров для бизнеса финансовых услуг;
- обеспечение правовой защиты производителей и потребителей финансовых услуг, в том числе с использованием информационных технологий.

В нашей республике особое значение при реализации практики оказания финансовых услуг играет банковская система, и, как следствие, программы по реформированию денежно-кредитной системы имеют первостепенное значение, а в них особое место уделяется обеспечению устойчивости банковской системы, постоянному совершенствованию деятельности банковских учреждений, соответствие их показателей международным стандартам, привлечению дополнительных инвестиций, внедрению новых видов услуг с использованием информационно-коммуникационных технологий, оказываемых банковскими и страховыми организациями и дальнейшему расширению объема оказываемых финансовых услуг.

В результате, за 9 месяцев 2018 года объем оказанных финансовых услуг составил 14726,1 млрд. сум, то есть возрос на 25,4%.[1] При этом, в общем объеме финансовых услуг, услуги страхования занимают 7,3 % от общего объема финансовых услуг, доля вспомогательной финансовой

[1] По данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. www.stat.uz. Дата обращения 25.01.2019 г.

деятельности незначительна и составляет 4,0 % от общего объема финансовых услуг, преобладает доля финансовых услуг, за исключением услуг по страхованию и пенсионному обеспечению – 88,7 %.




**Рис. 1. Структура финансовых услуг в Республике Узбекистан за 9 месяцев 2018 г.**[1]

Данные за 2018 год, однако, показывают, что удельный вес в целом сферы услуг в отраслевой структуре ВВП составил 35,6% и, по сравнению с 2017 годом снизился на 2,5 п.п.

Именно поэтому дальнейшее развитие рынка услуг, в том числе финансовых, требует реализации таких мер, как:

– обеспечение макрофинансовой устойчивости;

– реализация мер налогового и иного стимулирования;

– совершенствование законодательной и нормативной базы;

– внедрение МСФО в развитие рынка финансовых услуг;

– обеспечение финансовой грамотности населения страны на регулярной основе;

– ведение работы по устранению административных барьеров для бизнеса;

– обеспечение мер по соблюдению ответственности за нарушение финансовых обязательств;

– создание условий для необходимого сервиса и инфраструктуры, в то числе социальной;

– повышение уровня и качества информационных коммуникаций.

Реализация данных мер поможет выйти организациям по оказанию финансовых услуг на международный уровень рынка финансовых услуг, стать полноправным партнером международных финансовых институтов, оказывающих финансовые услуги, укрепить свои позиции.

Мировая тенденция развития рынка финансовых услуг состоит в интеграции финансовых институтов на основе единого рынка телекоммуникационных услуг и взаимного обмена свободными финансовыми ресурсами. Все это проявляется в финансовой услуге как особом виде экономического продукта, потребление которой позволяет реализовать правоимущественные отношения в ускоренном темпе при помощи современных информационных технологий [2] . На базе

[1] По данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. www.stat.uz. Дата обращения 25.01.2019 г.

[2] Желтоносов В.М., Колотов Ю.О. Интеграция финансовых и информационных услуг на базе

информационных технологий развивается система электронных денег, клиринговые расчеты, Интернет-банкинг, посредством чего клиенты могут с комфортом обслуживаться, экономится время и расходы на получение и оказание услуг. Межбанковское сообщение передается теперь через телекоммуникации, отображается на дисплеях компьютеров, электронное авизо пришло на смену почтовому и телеграфному авизо. Самыми распространенными средствами дистанционной работы с банковским счетом являются банк-клиент, интернет-банк, телебан[1].

Все большее внедрение электронных технологий в банковский сектор обусловливает модификацию традиционной взаимосвязи между увеличением концентрации капитала и ослаблением конкуренции, причем воздействие их крайне разнообразно.

Развитие систем электронного обслуживания с использованием глобальной сети приносит существенные выгоды в первую очередь крупным банкам, поскольку именно они имеют финансовые ресурсы в объемах, необходимых для комплексного внедрения новейших информационных технологий, причем расходы их быстрее окупаются, благодаря широкому ряду клиентов, за счет чего повышение тарифов окажется незначительным. При этом, однако, это не означает получения больших преимуществ в уровне эффективности обслуживания.

Электронные технологии клиентского дистанционного обслуживания, такие как системы банк-клиент или интернет-банк, сначала доказали право на существование в западных странах. Хотя возможности дистанционного обслуживания через Интернет полностью стирают национальные границы[2].

Таким образом, финансовые услуги в будущем видятся, во взаимодействии с новыми информационными технологиями, с финансовыми инновациями, и процессом развития новых продуктов, инфраструктурным единством финансовых институтов.

**У.М.Набиев** – Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси магистранти

## БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида Марказий банкка юклатилган банк хизматларининг оммабоплигини ошириишни таъминлаш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасидан келиб чиқиб, 2018 йил

---

телекоммуникационной инфраструктуры // Финансы и кредит. 2003. №9 (123). – С. 66

[1] Ануреев С.В. Перспективы электронного обмена платежными документами // Финансы и кредит. 2003. №14 (128). – С.33

[2] Грачева М.В. Электронные банковские услуги: особенности управления рисками // Банковские технологии. 2002. №6. – С. 16

давомида Марказий банк ва тижорат банклари томонидан банк тизимида тизимли камчиликлар ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишларини олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгаймоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик ошиб бормоқда.

Аҳоли учун валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишни енгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилди, чет эл валютасини сотиб олиш учун имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, 2018 йилда иқтисодиётдаги тўлов ва ҳисоб-китобларнинг асосий қисмига, яъни нақдсиз шаклда амалга ошириладиган операцияларга хизмат қилувчи электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган тўлов хизматлари ва маҳсулотларини кенг жорий қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тўловларни амалга ошириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ишлар давом эттирилди. Бугунги кунда республикамизда халқаро андозаларга жавоб берувчи самарали электрон тўловлар тизими яратилди.

Жисмоний шахслар ва улардан тўловларни қабул қилиб олувчи субъектлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг, шу жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уй-жой коммунал, мобиль алоқа, рақамли телевидение, нотариал ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни дам олиш кунларисиз кечаю-кундуз (24/7) реал вақт режимида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими яратилган бўлиб, бугунги кунда мазкур тизим орқали икки йўналишда тўловлар клиринги амалга оширилмоқда. Биринчи йўналиш доирасида Марказий банкда банк пластик карточкалари амалга оширилган тўловлар бўйича банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш механизми яратилди ва Ягона умумреспублика Процессинг маркази билан ўзаро фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда барча банк пластик карталари орқали амалга оширилаётган тўловлар бўйича якуний молиявий ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг клиринг тизими орқали ўтказилмоқда. 2018 йил давомида аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва

такомиллаштириш ҳамда банк пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

- аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга тўлов терминалларини ижарага бериш механизми қайта кўриб чиқилиб, ижара ҳақи 50 фоизга қисқартирилди ва миллий валютада белгиланди *(якка тартибдаги тадбиркорларга – 15 минг сўм,юридик шахсларга – 25 минг сўм)*;

- тўлов терминаллари инфратузилмасини янада кенгайтириш мақсадида тижорат банкларига 2017-2018 йиллар мобайнида Процессинг марказларининг техник тавсифномаларига мувофиқ, ҳисоб-китоб тўлов терминаллари, инфокиосклар, банкоматлар ва бошқа тегишли ускуналарни харид қилишда тендер савдоларини ўтказмасдан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди;

- янги банк хизмати турини жорий этиш мақсадида банк пластик карточкалари орқали аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари учун муддатли (овердрафт) кредитлар бериш тартиби жорий қилинди.

Иккинчи йўналиш бўйича, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлигига қарашли Ягона дарча маркази, Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ахборот тизимлари, шунингдек, «Ўзбекэнерго» акциядорлик компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Сувсоз» давлат унитар корхонаси ҳамда бошқа коммунал ва бир қатор хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизимлари интеграция қилинган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, электр энергия ва газ истеъмоли, жами 20 дан ортиқ хизматлар бўйича тўловлар Марказий банкнинг ҳисобкитоблар клиринг тизими орқали реал вақт режимида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Тўлов тизимларини ривожлантириш борасидаги илғор хорижий тажриба таҳлили ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматлари кўрсатишнинг кенгайтирилиши аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш даражасининг ошишига, тўловларни ўтказиш билан боғлиқ банк хизматларининг шаффофлиги ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Бу борада мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкинг, мобиль-банкинг, sms-банкинг ва бошқалар)ни республика миқёсида кенг жорий қилишни жадаллаштириш бўйича ҳар йиллик мақсадли кўрсаткичлар режаси ишлаб чиқилиб, мазкур тизимлар босқичмабосқич ривожлантириб борилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини кенг жорий қилишда айниқса мобиль телефонлар

орқали тўловларни амалга ошириш тизимлари жадал ривожланмоқда. Ушбу тизимлар орқали, асосан, мобиль операторлар, интернет провайдерлар хизматлари учун тўловлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, табиий газ, электр энергия ва бошқа коммунал тўловлар амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, банк хизматлари кўламини кенгайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**С.С. Тогаев** – СамИСИ ассистенти,
**Д.М. Маликова** – СамИСИ ассистенти,
**Б. Бахрамов –** СамИСИ талабаси

## КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ – КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИКНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кредитга лаёқатлилик бу мижознинг молиявий фаолиятига ҳар томонлама берилган баҳо бўлиб, у қарз олувчининг сўралаётган кредитни ўз вақтида қайтариш ва бошқа қарз мажбуриятларини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи кредит беришда эътибор қилинадиган асосий кўрсаткичлардан биридир. Чунки тижорат банки ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади ҳамда кредит учун фоиз унинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш тижорат банкига кредит бериш имкониятлари, унинг миқдори, фоиз ставкаси даражасини белгилаш ва кредитни ўз вақтида қайтариш эҳтимолини башоратлаш имконини беради, энг муҳими, банк хатарини камайтиришга хизмат қилади[1].

АҚШ банклари амалиётида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда “беш СИ” қоидасига амал қилинади, хусусан, Character – қарз олувчининг характери: кредитнинг мақсади, мижознинг кредит тарихи, мижознинг тажрибаси ва ҳ.к.; Capacity – қарз олувчининг молиявий имкониятлари; Capital – капитал, мол-мулк: фойда, дивидендлар, маҳсулот сотиш ҳажми, режалаштирилган пул оқимининг етарлилиги, ликвидли заҳираларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.; Collateral – кредитнинг таъминоти; Conditions – умумий иқтисодий шароитлар[2]. Яъни АҚШ банклари томонидан мижознинг кредитга лаёқатлилигини ўрганишда анъанавий таҳлил усулларидан ташқари потенциал қарз олувчининг

[1] http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/33435-korxonalarni-banklar-tomonidan-krditlash
[2] Щербакова, Г.Н. Анализ и оценка банковской деятельности / Г.Н. Щербакова. – М.: Вершина, 2010. – 464 с.

инсонийлик фазилатлари, шахсий хислатлари ҳам эътиборга олинади.

Баъзи Европа банклари кредит операцияларини амалга оширишда CAMPARY ёки COPF услубидан фойдаланишади. Бунда, CAMPARY услуби қўйидаги сўзларнинг бош ҳарфларидан ташкил топган: C – character (мижознинг обрўси); A – ability (ссудани қайтариш қобилияти); M – marge (маржа, кредит операциясининг даромадлилиги); P – purpose (ссуданинг мақсади); A – amount (ссуданинг миқдори); R – repayment (кредитни сўндириш шартлари); I – insurance (кредитнинг таъминоти). COPF услубини кўриб чиқадиган бўлсак, C – competition (тармоқдаги рақобат); O – organization (фаолиятнинг ташкиллаштирилиши); P – personnel (ходимлар, кадрлар); F – finance (маблағлар, даромадлар) ни таҳлил қилишдан иборат[1]. Европа айрим давлатларининг банкларида ҳам мижознинг кредитга лаёқатлилиги даражаси баҳоланганда, мижознинг обрўси, шахсий хислатлари ўрганилади.

Кўпгина давлатларда бугунги кунда потенциал қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда кредит скорингидан фойдаланилади. Кредит скоринги бу потенциал қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини тижорат банклари томонидан статистик усулларга асосланган ҳолда баҳолаш тизимини ўзида мужассам этади. Мазкур усул сўнгги йилларда тижорат банклари мижозларининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда энг самарали усуллардан бирига айланмоқда. Бошқача айтганда, кредит скоринги – банкнинг кредит таваккалчилиги (риски) даражасини баҳолаш деганидир. Скоринг инглизча “score” сўзидан олинган бўлиб, балл маъносини англатади. Скоринг таҳлил компьютер дастури орқали амалга оширилади, бунда потенциал қарз олувчининг маълумотлари мазкур дастурга киритилади ва кредит бериш ёки кредит бермаслик тўғрисида жавоб шаклланади.

Амалиётда кредит скорингининг асосий тўртта турлари кенг қўлланилади:

- application-scoring (ариза, мурожаатнинг скоринги) кредит ажратишда қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш. Унинг замирида қарз олувчи тўғрисида сўровнома (анкета) маълумотларини тўплаш, компьютер воситасида уларни таҳлил қилиш ва кредит бериш ёки кредит беришни рад этиш тўғрисидаги хулосани чиқариш жойлашган;
- collection-scoring – қайтарилмаган кредитлар билан ишлаш босқичида қўлланиладиган скоринг тизими. Мазкур скоринг муддати ўтган кредитларни қайтаришда банк ходимларининг асосий хатти-ҳаракатларини белгилаб беради;
- behavioral-scoring – (ахлоқий скоринг) – қарз олувчининг молия-вий ҳаракатларини баҳолайди. Бу тизим қарз олувчининг тўловга лаёқат-лилигидаги ўзгаришларни башорат қилиш имкониятини яратиб беради;
- fraud-scoring – потенциал қарз олувчи томонидан фирибгарлик

[1] http://edoc.bseu.by:8080/bitstream/edoc/8449/2/Kabushkin%20S.%20Kreditnyy%20risk_oblast%27%20opredeleniya.pdf

хатти-ҳаракатларининг амалга оширилишини статистик баҳолайди.

Ўзбекистонда ҳам мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда скоринг моделларидан фойдаланишни ташкил этилиши талаби амалдаги қонунчилик ҳужжатларида қайд этилган. Жумладан, “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низом (2229-сон, 2011 йил 25 май) билан мижозларни скоринг таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қўлланилишини таъминлаш белгилаб берилган.

Потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш бўйича скоринг моделини тавсифловчи маълумот (анкета саволлари, уларнинг баллаш тартиби, ишлатиладиган коэффициентлар ва математик моделлар) мавжуд бўлгандагина кредит бюроси давлат рўйхатидан ўтказилади ва унга фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилади[1].

Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кредит скорингининг ўзига хос бўлган афзалликлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам мавжуд. Хусусан, скоринг тизими реал инсонни эмас, балки у томонидан тақдим этилган қарз олувчининг ўзи тўғрисидаги ахборотни баҳолайди, бу эса мижоз томонидан ҳаққоний бўлмаган маълумотларни берган ҳолатда кредит олиш бўйича ижобий хулосани қўлга киритиш имконини яратиб беради. Масалан, скоринг таҳлилни ўтказишда ҳар бир саволга жавоб учун маълум баллар тақдим этилади, хусусан, потенциал қарз олувчининг меҳнат фаолияти, эгалигида мол-мулкнинг (уй-жой, автотранспорт воситаси, омонатлар) мавжудлиги ва уларнинг сони, охирги рўйхатдан ўтган жойда истиқомат қилиш муддати ва ўша турар жойда рўйхатда турувчилар сони, мижознинг лавозими каби сўровларга ҳаққоний бўлмаган маълумотларни тақдим этган ҳолда нисбатан юқори баллни қўлга киритиши мумкин.

Скоринг тизимининг яна бир камчилиги – скоринг таҳлил ҳар бир мижоз учун индивидуал моделни талаб этади, бу эса скоринг тизимлари доимий равишда қайта ишланишини ва янгиланишини тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширила-ётган ислоҳотларни, электрон маълумот базаларининг шакллантирила-ётганлигини, рақамли иқтисодиётга ўтиб борилаётганлигини эътиборга олган ҳолда, потенциал қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда ҳар бир кредит муассасаси томонидан скоринг моделларининг яратилиши, такомиллаштирилиши ва амалиётга тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, кредит скорингини қўлланилиши кредит бериш ёки кредит беришни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишида тезкорлик ва самарадорликни оширади, шунингдек кредитни қайтмаслик таваккалчилиги (риск) даражасини пасайтиради.

[1] “Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида” ги Низом (3042-сон, 2018 йил 25 июл)

**Ш.Набиев** – СамИСИ, МК-117 гуруҳ талабаси,
**М.С.Хамроев** – СамИСИ ассистенти,
**П.Ш.Усмонов** – СамИСИ ассистенти

# СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГНИНГ РОЛИ

Суғурта компаниялари томонидан суғурта хизматларини сотишни кенгайтириш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Албатта сотишни кенгайтириш билан бир қаторда зарар келтирмайдиган мижозларни қамраб олиш айни муддао. Ушбу йўналишдаги тадбирларни самарали амалга оширишда суғурта компаниялари фаолиятида суғурта маркетинги етакчи ўринни эгаллайди.

Суғурта маркетингини ривожлантиришдаги замонавий йўналишлардан бирини рискли маркетинг деб номлаш мумкин. Унинг моҳияти компания мижозларининг турли гуруҳлари ва суғурта маҳсулотининг потенциал истеъмолчилари учун суғурта ҳодисасини содир бўлиш эҳтимолини чуқурроқ ҳамда динамик таҳлилини ўтказишдан иборатдир. Мазкур йўналишни бундан ташқари, бозорни техник сегментлаш деб ҳам номланади.

Ҳозирги вақтда мижозларни олдиндан саралаб олиш, мураккаб математик ва статистик аппаратга эга бўлган яхлит фанга айланди. У суғурта маҳсулотини сотиш босқичида хоҳиш-истаги мавжуд бўлмаган суғурталанувчиларни ажратиб танлашга имкон берувчи белгиларни аниқлашга хизмат қилади. Рискли маркетингни бошқа белгиси мижозларнинг турли сегментлари бўйича уларнинг риск даражасига боғлиқ равишда суғурта тарифларининг турли ставкаларининг жорий қилинишидир. Рискли маркетинг ўз олдига шундай вазиятга эришишни мақсад қилиб қўядики, унда мижоз томонидан тўланадиган суғурта мукофоти рўй бериши мумкин бўлган суғурта ҳодисасидаги риск даражасини максимал акс эттирсин. Маълумки, суғуртанинг моҳияти суғурта мукофоти риски учун суғурталовчига маълум тўловларни узлуксиз ўтказувчи маълум жамоа аъзолари ўртасида келадиган зарарни макон ва замон бўйича тақсимлашдан иборат. Унга айирбошлаш мақсадида суғурталовчи ўз зиммасига суғурта ҳодисаси юз берганда келтирилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

Рискли маркетинг ўз олдига мақсад қилиб, конкрет суғурталанувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мукофотларга мослаштириш билан индивидуал риск даражасини максимал тарзда аниқ баҳолашни қўяди. Суғурталовчилар шу нарсани яхши тушунадиларки, тарифларни чуқур дифференциаллаш, янада арзон таклифларни излашга мойил бўлган мижозларнинг бир қисмини узоқлаштириши мумкин. Қолган мижозлар эса зарар эмас, балки албатта фойда келтиради.

Замонавий жамиятни ахборотлаштириш суғурта компаниясининг мижозлари тўғрисида ҳамда барча аҳоли тўғрисида улкан маълумотлар базасини ташкил этишга имкон яратади. Мазкур маълумотлар базаси компаниянинг суғурта портфелини ўрганишда ҳамда янги мижозларни излаш ва уларни жалб қилишда муҳим рол ўйнайди.Уларнинг роли кун сайин ортиб боради, чунки, маркетингнинг асосий мазмуни бўлиб, суғурталовчи фаолиятини суғурталанувчининг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш ҳисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда замонавий суғурта маркетингида асосий диққат-эътибор суғурта бозорини чуқуррок сегментлашга, суғурта статистикасини йиғиш ва ишлов бериш тизимини автоматлаштиришга, потенциал мижозларга тегишли бўлган янада ўлкан маълумотлар базасини шакллантиришга қаратилади. Суғурталовчининг муҳим вазифаларидан бири энг камида мижозларни олдиндан саралаб олиш бўлиб ҳисобланса, потенциал суғурталанувчи ва суғурта ҳодисалари тўғрисида маълумотлар базасини қайта баҳолаш жуда қийин ҳисобланади. Гап шундаки, янги мижозларни излаб топишда барча аҳолига ёки конкрет шахсларга мурожаат қилиши мумкин. Табиийки, биринчи усул иккинчи усулга қараганда анча арзон бўлиб, кам самаралидир. Шунинг учун, суғурта маркетинги замирида компаниянинг суғурта портфели ва потенциал мижозлар бўйича универсал маълумотлар базаси ётади.

Суғурта маҳсулотларини сотиш тармоғини ривожлантиришга исталган миқдорда маблағ сарфлаш мумкин, бироқ, мазкур ҳудудда суғуртанинг маълум туридаги мижозларни қамраб олиш ўзининг маълум чегарасига эга. Суғурта хизматларининг сифати тўғрисида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. Суғурта маҳсулотларини чекланмаган тарзда такомиллаштириш ва уни мижоз талабларига мослаштириш мумкин, лекин бу вазиятда навбатдаги ҳатти-ҳаракатлар фойдасиз ва ҳатто зиён келтириши ҳам мумкин. Шунинг учун замонавий шароитларда суғурталовчиларнинг маркетинг тадбирларини оптималлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади, яъни суғурта хизматлари миқдори ва сифатини унинг рентабеллигидан келиб чиқиб ўлчаш талаб этилади. Ҳозирги шароитларда маркетинг динамикаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади, чунки, маркетинг воситаларининг сезгирлиги оширилганда, маркетинг тадбири режалаштирилаётган вазият билан, уни амалга ошириш ундан маълум фойда олиш даврлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олиш зарур.

Суғурта маркетинги келажакда янада мураккаб иқтисодий муҳитни ҳисобга олиши зарур. Ривожланган давлатларда суғурта маркетингининг янги вазифалари суғурта бозорларини ривожлантириш билан белгиланади: жумладан, уларни байналминаллашуви, мижоз ва суғурталовчиларда коммуникациянинг янги техник воситаларини пайдо бўлиши (масалан, компъютер тармоқлари), суғурта маҳсулотларини сотишнинг янги тизимини ривожлантириш (интернет-банкинг, уяли алоқа воситалари орқали сотиш кабилар) ва ҳ.к.

Бозорларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш маркетингга янги талабларни илгари суриб, бир вақтнинг ўзида унинг учун янги истиқболларни очиб беради. Ўз навбатида, бундай ёндашув суғурта маҳсулотларини сотишнинг барча тизимини қайта қуришни талаб этади, чунки, рисклар рўйхати ва улар бўйича жавобгарлик миқдори ҳар бир мижоз учун индивидуал тарзда аниқланиши зарур. Табиийки, индивидуал ёндашув суғурталовчилар мослашувчанлигини оширади, бироқ, бир вақтнинг ўзида, рискларни башорат қилиш ва таҳлил қилиш бўйича статистик маълумотлар базаси билан янада чуқурроқ ишлашни талаб этади.

Замонавий суғурта маркетинги, айниқса, суғурта бозорида юқори рақобат мавжуд бўлган давлатларда фавқулодда катта инвестицияларни талаб этади. Бошқа томондан эса, сотиш механизмини такомиллаштиришда, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда бундай инвестициялар рақобатчилар томонидан нусха кўчириб бўлмайдиган ноёб суғурта дастурларини яратишга имкон беради.

Ривожланган давлатларда суғурта маркетингининг ўзига хос хусусияти бўлиб, мижозлар учун суғурта операцияларининг кенг очиқлигидир. Қатор давлатларда мижозлар учун суғурталовчиларнинг очиқлиги қонун билан мустаҳкамланган меъёрдир, бошқа ҳолатларда суғурта операцияларининг шаффофлиги аниқ ҳисоб-китобларни талаб этади. Гап шундаки, қатор ҳолатларда мижозларга суғурта маҳсулотларини сотиш суғурталовчиларнинг ёпиқлиги ва суғурталанувчиларнинг мазкур ҳимоя мазмунини етарли даражада тушунмаслиги сабабли қийинлашади.

Кишилар мўлжалланиши ва амал қилиши улар учун тушунарсиз бўлган маҳсулотни харид қилишдан сақланадилар. Шунинг учун суғурта тарифлари қандай шакллантирилиши, компания томонидан олинган маблағлар қандай тақсимланиши, юзага келиши мумкин бўлган зарарларни тартибга солиниши тўғрисида мижозларга тушунтириш, сотишни фаоллаштиришга имкон беради.

Шу маънода суғурта хизматлари сифатини ошириш дастури амал қилади. Асосий устуворлиги суғурталанувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш ҳисобланган суғурта компаниялари, якуний натижада рақобат курашида ғолиб бўладилар. Суғурта хизматларининг паст сифати потенциал суғурталанувчиларни компаниядан узоқлаштиради. Агар мижоз ўз дўстларидан ёки таниш-билишларидан, оммавий ахборот воситалари орқали шартномани тузиш босқичида мазкур компания суғурта хизматлари сифатини етарли даражада таъминламаганлигини билиб олса, унда ҳеч қандай реклама уни мазкур суғурталовчи билан шартномани имзолашга мажбур қила олмайди. Аксинча, юқори сифатли хизматлар компанияга қўшимча суғурталанувчиларни жалб қилади. Шунинг учун суғурта бозорларидаги рақобат шароитида компания мижозларга сифатли суғурта хизматларини тақдим этишга диққат-эътиборни қаратадилар.

Замонавий суғурта маркетинги ўзининг ривожланишида бошланғич босқичидан анча узоқлашмокда. Ҳозирги вақтда бу бизнеснинг яхлит

фалсафаси ҳисобланиб, ўзининг очиқлиги, ўзгаришларга интилиш, суғурта фаолиятини оптималлаштириш истаги ҳамда унинг фойдалилигини ошириш билан ажралиб туради.

Суғурта маркетингининг самарадорлиги суғурталовчи ва суғурталанувчининг ўзаро алоқалари учун аҳамиятли ҳисобланган барча омиллар мажмуини ўзида қай даражада интеграциялашувига боғлиқдир. Шу сабабли қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- рекламани, агентлар ва уларнинг мижозлари билан ўзаро алоқалари ҳамда бошқа коммуникацияларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида ахборотлар айирбошлаш тизимини такомиллаштириш;
- суғурталовчининг ички ахборот манбалари (ички коммуникациялари)ни излаб топиш;
- сифатли суғурта хизматларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш;
- суғурта хизматларини сотиш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- маҳсулот нархини белгилаш методикасини қайта кўриб чиқиш;
- суғурта маҳсулотлари ҳаётий циклининг барча босқичларида, жумладан, суғуртавий ҳолатларни текшириш ва тартибга солишда ҳам хизмат кўрсатиш;
- суғурта бозоридаги ҳолатни, рақобатни мунтазам таҳлил қилиб бориш.

Замонавий суғурта маркетинги - бу суғурталанувчи эҳтиёжини максимал қондириш ва унинг даромадини ошириш мақсадида компания ҳатти-ҳаракатларини концентрациялашга қаратилган ўзига хос фикрлаш усулидир.

**Ш.Латипова** – СамИСИ ўқитувчиси,
**Л.Номозова** – СамИСИ, МК-316 гуруҳ талабаси

## ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Миллий иқтисодиётда кузатиладиган нобарқарорлик ҳолатлари лизинг компаниялари олдида лизинг шартномаси бўйича юзага келадиган барча рискларни қоплаш мажбуриятини юзага келтиради. Лизинг компаниялари аниқ бир шартнома иштирокчилари билан боғлиқ рискларни ўз вақтида ва объектив равишда белгилаб олса, бундай ҳолатда лизинг лойиҳасидан қўлга киритиладиган фойда даражасини ҳам тўғри аниқлаш имконини беради. Бу эса лизинг компанияси кредит портфелининг сифатини янада оширади, шартнома қийматини пасайтиради ҳамда лизингга олувчилар томонидан лизингдан кенг фойдаланиш ва бу соҳанинг кенг ривожланишига олиб келади. Бунинг учун эса лизинг компаниялари томонидан молиявий рискларни тўғри баҳолаш ва уларни оқилона бошқа-

риш талаб этилади.

Лизинг компанияларининг ўз фаолиятлари давомида дуч келадиган рискларни 2 та йирик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Умумий рисклар - бу барча корхоналар дуч келадиган рисклардир.

2. Махсус рисклар - фақатгина лизинг фаолияти билан боғлик рисклар.

Умумий рисклар мамлакатдаги сиёсий, макроиқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳолат билан бевосита боғлиқ бўлган риск турлари ҳисобланса, махсус рисклар юқорида таъкидланганидек, фақатгина лизинг операцияларини амалга ошириш жараёнида кузатилади. Бундай рисклар жумласига лойиҳа рискини, шунингдек лизинг объекти билан боғлик бўлган рисклар, молиявий ҳамда лизинг тўловларининг тўланмаслиги билан боғлиқ бўлган рискларни киритамиз (1-чизма).




**1-чизма. Лизинг фаолиятида учрайдиган умумий ва молиявий риск турлари**

Шартнома риски лизингга олувчининг молиявий ва харажатлар стратегияси нуқтаи назаридан олиб қаралган лизинг шартномасининг ҳолати билан боғлик. Бу турдаги рискни пасайтириш учун лизингга берувчи томонидан лизингга олувчининг бизнес-режаси ёки инвестицион лойиҳасининг самарадорлигини ҳамда унинг келгуси пул оқимларини, нарх стратегияси ва ҳ.к. чуқур таҳлил қилишни талаб этади.

Лизинг операциялари бўйича барча шартномаларда лизинг объектининг қайтарилмаслик риски учраб туради. Лизинг объекти гарчи лизингга берувчининг мулки бўлсада, амалдаги қонунчиликка мувофиқ уни лизингга олувчидан мутлақо тортиб олиш мумкин эмас. Рискнинг ушбу турини камайтириш учун лизингга олувчининг қанчалик инсофли эканлигини, унинг ҳуқуқий жиҳатларини тўлиқ ўрганиб чиқиш ва лизинг таъминотининг самарали схемасини ишлаб чиқиш лозим.

Лизинг объектининг йўқотилиши билан боғлик риск асосан лизинг объектининг ўғирланиши, талон-тарож қилиниши натижасида юзага келади. Ушбу риск турини камайтириш мақсадида лизинг объектини суғурталаш ва

бу орқали рискнинг маълум қисмини суғурталовчига ўтказиш талаб этилади.

Лизинг объектини иккиламчи бозорда реализация қила олмаслик рискини камайтириш учун лизингга берувчи ва мол етказиб берувчи ўртасида мулкни қайтадан харид қилиш ёки такроран реализация қилиш бўйича шартнома тузиш лозим.

Лизинг компаниялари фаолиятида учрайдиган молиявий рисклар молия бозоридаги мавжуд ҳолатга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бу рисклардан қочиб бўлмайди. Шу сабабли ушбу риск турларини доимо ўрганиб, таҳлил қилиш ва уларга қарши чоралар ишлаб чиқиш лозим. Лизинг компанияларида учрайдиган молиявий рисклар турига қуйидагилар киради:

1. Портфель риски – бу лизинг шартномалари портфелининг лизингга олувчилар ўртасида нотекис тақсимланиши билан боғлиқ бўлган рискдир.

2. Фоиз риски – лизинг шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкасидан ташқари лизинг компанияси томонидан тижорат банкларидан кредит ресурсларини жалб қилганлиги учун тўлайдиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгариши (ошиши) натижасида юзага келадиган йўқотиш рискидир.

3. Валюта риски – лизинги битими хорижий валютада тузилганида юзага келадиган ва валюта курси тебраниб туриши натижасида салбий таъсирларнинг юзага келиши билан тавсифланадиган риск туридир.

Портфель рискини камайтириш учун лизинг лойиҳалари портфелини шакллантириш бўйича яратилган стратегияни реализация қилиш талаб этилади. Ушбу портфелни шакллантиришда тармоқ бўйича, “мулк тури” бўйича, ҳудудий, корхона шакли бўйича, молиялаштириш ҳажми бўйича йўналишлар қўлланилади.

Ҳар хил ҳудудларда турли шаклдаги мулк билан турли хил саноат тармоқларида лизинг фаолиятини олиб борувчи универсал компаниялар кам ҳолатларда портфель рискига дуч келади. Ушбу риск турини минималлаштиришда энг қўл келадиган механизм – бу портфель диверсификацияси бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, бир нафар лизингга берувчига бериладиган лизинг объектлари сонининг максимал чегарасини белгилаш ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

Фоиз рискининг салбий тасирини пасайтириш мақсадида лизинг шартномасида банк фоиз ставкасининг ўзгариши туфайли лизинг тўловлари миқдорини қайта кўриб чиқиши ҳақида келишиб олиниши таклиф этилади. Бунда шу нарсани унутмаслик керакки, лизинг тўловларининг миқдори кўпи билан 3 ойда 1 мартагача ўзгариши мумкин.

Валюта рискини камайтиришнинг бир усули бўлиб кредитлашда фойдаланилган валюта билан лизинг тўловларини ҳисоблашда қўлланилган валютанинг ўзаро мослигини таъминлаш ҳисобланади. Имкон қадар молиявий лизинг операцияларини хорижий валюталарда амалга оширишдан қочиш, фақатгина тезкор лизингда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Лизинг компанияси ўз фаолияти давомида дуч келадиган энг жиддий риск турларидан бири лизинг тўловларининг тўланмаслик рискидир. Ушбу риск турини пасайтиришнинг энг самарали усули бўлиб уни суғурталаш (ёки қайта суғурталаш) ҳисобланади. Шунингдек, лизингга олувчининг кредит

қобилиятини комплекс равишда таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, лизинг фаолиятида учрайдиган риск турларини пасайтиришнинг энг самарали усули бўлиб лизинг шартномаларининг қўшимча таъминланлаш бўлиб ҳисобланади. Лизинг шартномасида гарчи лизинг объекти асосий таъминот сифатида эътироф этилсада, у ягона таъминот эмас. Лизинг шартномасининг қўшимча таъминоти сифатида лизингга олувчи томонидан амалга оширилган бўнак тўловларини, юридик ва жисмоний шахслар кафиллигини ҳамда гаров сифатида мулкни эътироф этиш мумкин. Бундан ташқари, лизинг фаолиятида рискларни пасайтириш ва лизинг объектларидан ғоятда самарали фойдаланиш учун сублизингдан фойдаланишади. Масалан, агар лизинг олувчи лизинг объектидан тўлиқ фойдаланиши учун етарли ресурсларга эга бўлмаса, у объектни учинчи тарафга - бундай ресурслари бўлган сублизинг олувчига бериш мумкин. Лизингга берувчи мол-мулкни лизинг олувчига беришни баъзи кўрсаткичлар (мониторингнинг мураккаблиги, тақдим этиладиган баъзи бир талабларга мувофиқлиги ва ҳ.к.) бўйича ўзи учун ҳаддан ташқари рискли деб ҳисоблайдиган вазият ҳам юзага келиши мумкин. Бу рискларни пасайтириш учун тарафлар лизингга берувчи сифатида ана шу мақсадлар учун кўпрок тўғри келадиган, лекин ўзи лизинг субъектидан фойдаланмайдиган, балки ўз зиммасига лизингга олувчининг барча рискларини оладиган пировард олувчига сублизингга берадиган компанияни танлашлари лозим.

**З.О. Ахроров –** СамИСИ ассистенти,
**П.Ш.Усмонов –** СамИСИ ассистенти,
**С.Адхамов –** СамИСИ талабаси

## СОЛИҚЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Солиқларнинг юзага келинишини қадимий манбалардан ҳам кузатиш мумкин. Аммо солиқлардан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлат улардан қурол сифатида фойдаланганлигини фақат юзага келган солиқ турлари орқали билиш мумкин.

Агарда ижтимоий-иқтисодий босқичларга бир назар ташласак, унда давлат солиқларидан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда мунтазам фойдаланганлигидан хулоса чиқариб олишимиз мумкин бўлади. Ҳатто давлатчиликнинг шаклланишида ҳам солиқлар етакчилик қилишган. Чунки давлатнинг пайдо бўлиши мукаммал барқарорлашмаган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таянган. Шунинг учун ҳам давлатнинг пайдо бўлишининг дастлабки босқичида молиявий ва иқтисодий ишларни жонлантиришда давлат хукумдорлари ҳар хил солиқ тўловларидан фойдаланишга ва ўз олдиларида турган муаммоларни ечишга ҳаракат қилишган. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўрта асрнинг барча молия

фанининг намоёндалари давлат ўз вазифаларини бажаришда солиқлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш муҳимдир деб фикр билдиришган. Бундай фикр ҳатто ҳозирги тараққиёт босқичимизда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, солиқларни моҳиятини очишда, улардан давлат олдида турган вазифаларни бажаришда ўзига хос тушунчаларда номаён бўладиган «курол» ёки «восита»[1] сўзларига таянилиши солиқ муносабатларини чекланишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо «қурол» ва «восита» сўзлари солиқ муносабатлари доирасида давлатнинг ролини ифодалантириш билан чекланади ва солиқларни конкрет ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтиришдаги моҳияти ва аҳамиятини ифодалаб бера олмайди. Бунинг сабаби солиқларни солиқ олувчи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги объектив пул муносабатларини эмас, балки янги қийматни юзага келтиришда намаён бўладиган пул муносабатларида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам уларни мажбурий тўловлар сифатида юзага келишида даромад, фойда, мол-мулк, қиймат тақсимоти муҳим манба ва солиқ объектлари рол ўйнайдилар. Бу борада шуни ҳам изохлаб ўтиш керакки, солиқларни мажбурийлиги ҳам уларнинг моҳиятини эмас, балки уларга хос бўлган демократик хусусиятни акс этиради, холос. Буни солиқларга хос мажбурийлик хусусиятлари ҳуқуқий меъёрларга асосланади. Бундай ҳуқуқий меъёрлар давлатларнинг парламентлари томонидан ўрганилади ва жамият манфаатларига молик даражада етказдирилиши орқали қабул қилиниши мумкин.

Шундай қилиб солиқлар ўз моҳиятидан келиб чиқиб янги қийматни юзага келтириши билан боғлиқ пул муносабатларини ифодалайди.

Демак, солиқлар моҳиятида янги қийматни юзага келтириши билан боғлиқ пул муносабатлари ётади. Шунингдек улар молиянинг таркибий қисми бўлиб, узоқ муддатларни мўлжалланган ҳуқуқий меъёрлар билан мустаҳкамланган. Лекин қонунлар билан мустаҳкамланган солиқлар турли омиллар таъсирида кўзда тутилган натижаларни кўлга киритишига хизмат қилмаслиги ҳам мумкин. Шу боис ҳам солиқлар самарали натижаларни қўлга киритилишини таъминлаши ва узоқ муддатларга хизмат қилиши учун солиқ муносабатларини тўлиқ ифодалайдиган, илмий асосланган солиқ сиёсатига ва Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томанидан белгилаб берилган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари[2]га бевосита асосланиши шарт.

Солиқлар янги қийматни юзага келтириши билан боғлиқ пул муносабатларини ифода этганлигини эътиборга олган хрлда уларнинг моҳиятини тўлиқ ёритилиши солиқ муносабатларини ифодаловчи бир томондан давлат ва иккинчи томондан уларни тўловчилари, яъни ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасидаги юзага келадиган мажбурий тўловлар,

[1] Гатаулин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. -Т.: Ўзб.Р.ДСҚ, 1996. – 4 б.

[2] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

шунингдек солиқларни функциялари билан боғликдир. Шунинг учун ҳам солиқлар моҳиятини солиқ тўловлари билан боғлиқ муносабатлар ва солиқ функциялари орқали ифодалаб бориш зарурдир.

Солиқлар объектив тақсимлаш муносабатлари орқали кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида иштирок этади ва ишлаб чиқариш муносабатларида ўз аксини топди. Солиқлар жамият иқтисодий базасини ифодалаши туфайли ишлаб чиқаришни қизиқтиришда, товар ишлаб чиқариш орқали истеъмолни тартибга солиш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини юзага келтириш улардан ижтимоий ҳимоя ва бошқа ижтимоий зарурий мақсадлар йўлида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Юқоридагидан келиб чиққан қолда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, амалий жиҳатдан солиқларнинг қонуний ҳаракатлари орқали, уларнинг моҳиятини ифодалаш мумкин:

Биринчидан, солиқ тўловчи пулнинг у ёки бу суммасини давлатга тўлар зкан, бунинг эвазига товар ёки хизмат олмайди. Солиқ миқдори билан у истеъмол қилган ижтимоий неъмат ўртасида боғлиқлик юзага келмайди. Шу хусусиятга кўра солиқ тўловчи кўрсатган фойдасини ёки манфаатини тўлаган солиқлар билан солиштирса, унда бундай ҳолат даромадларни емирилишига, солиқ тўлашдан бош тортишга сабаб бўлиши мумкин. Давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни самарали ва ошкора тарзда ишлатса, ҳамда фуқароларнинг аксарият қисми давлатнинг иқтисодий ижтимоий ва бошқа дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан оқилона ва ихтиёрий равишда таъминлашга рози бўлган тақдирдагина давлат миқёсида юксак солиқ ахлоқ тамойиллари юзага келтирилиши учун замин яратилади.

Иккинчидан, солиқлар тўла ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги солиқ тўловчилар зиммасига юкланган экан, у ихтиёрий эмас, балки мажбурий хусусиятга эга бўлиши ва муқаррарлиги.

Учунчидан, давлат фойдасига амалда юзага келтирилтан даромаднинг аввалдан қонун доирасида белгилаб кўйилган кдсмини ундириб олиниши билан.

Солиқлар иқтисодий фаолликни тартибга солиш орқали такрор ишлаб чиқариш жарёнига таъсир кўрсатишади. Давлат фойдага солинадиган солиқлардан фойдаланиб, сармояни жамғариш жараёняарига таъсир кўрсатишади. (Мисол учун жадаллаштирилган амортизация ажратмалари орқали). Жадаллаштирилган амортизация усули иқтисодиётининг корпоратив секторида капитал кўйилмаларни кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади, чунки уни қўллаш орқали фан-техник тараққиётини юксалтириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш, ривожлантириш имкониятлари яратилиши мумкин.

Солиқлар орқали тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатини, албатта эътиборга олиш зарур. Солиқ тўловчилар даромадини давлат истаганича

ололмайди, солиқларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Шу билан бирга, солиқ тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолияти ҳисобига олиниб, солиқ белгиланади.

Солиқларнинг ижтимоий муҳитни яхшилашдаги роли ҳам тобора ошиб бормоқда. Солиқлар орқали аҳоли даромадларини тартибга солиш иқтисодий ўсиш омили бўлиб ҳам ҳисобланади.

Айтиш жоизки, солиқларнинг ижтимоийлигини таъминлаш борасида тараққий этган 20 мамлакат тажрибаси алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Улар солиқлар орқали ижтимоий муҳитни яхшилаш борасидаги илк қадамлари ўтган асрнинг 70-80 йилларида алоҳида аҳамият касб келмоқда. Мисол учун, иқтисодий бирлашган мамлакатлар (Буюк Британия, Швеция, Норвегия, АҚШ, Австралия ва бошқалар) алоҳида давлат даражасида махсус комиссия тузилиб, улар бу борада амалий ҳаракатлари бошлашган эди. Буюк Британияда аҳоли даромадида ундириладиган максимал солиққа тортиш ҳажми 98%дан 60%га туширилди. Италияда ҳам солиққа тортиладиган категориялар 39%дан 9%га пасайтирилди. Бундай солиқ ислоҳотлари Германияда ҳам амалга оширилди.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларда АҚШда ўтказилган солиқ ислоҳотлари катта имтиёзларни қўлланиши билан алоҳида ажралиб келди. Якка даромад солиғи 50%дан 28%га пасайтирилди. Йирик даромад ўшанда 70%ни ташкил этарди. Солиқ ислоҳотлари солиқ солиш базасини кенгайтириш ва айрим солиқ ставкаларини ва корпорациялар учун қўлланилган имтиёзларни бекор қилиниши билан ҳам кузатилди. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида инвестиция солиқ чегирмаси капитал қўйилмаларидан 10%ни ташкил этди. Бу эса фойда солиғини 20%га пасайтирилишига олиб келди. Бундай чегирмаларни бекор қилиниши бюджетга қўшимча тушумларга олиб келди. Бу эса охир-оқибатда бюджетдан аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоясини кучайтириш имконини яратиб берди.

Солиқ ислоҳотлари икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқич 1987 йилда ўтказилиб, унда 11%дан 38,5%гача бўлган якка даромад солиғи бешталик ставкасини ўз ичига олган вақтинчалик ёки оралиқ солиқ тизими жорий этилди. Корпорациялар фойда солиғи 1987 йилда 40%гача пасайтирилди. 1988 йилда икки ставкадан иборат бўлган якка даромадларни солиққа тортиш тўлиқ тизими жорий этилди ва корпорациялар фойда солиғи охирги марта пасайтирилди. 1988 йил апрел ойида америкаликлар 1987 йилда олинган даромадлари бўйича солиқ декларацияларини тўлдиришни бошлаганларида яққол ислоҳотлар кўзга ташланди.

АҚШ солиқ ислоҳотлар ушбу даврда бошқа ривожланган мамлакатлар солиқ тизими таркибига таъсир эта олмаган бўлсада, халқаро таъсирга эга эди. АҚШда даромад солиғини максимал даражаси 28%ни ташкил этиб, у бошқа саноати ривожланган мамлакатлар ичида энг кичик ставкани ташкил этди. Таққослаш учун ушбу ставкалар Японияда 70%ни, Буюк Британияда 60%ни, Австралияда 58%ни, Германияда 56%ни ташкил этган эди.

Шунинг учун ҳам, Давлат солиқлардан макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун етарли молиявий ресурслар тўплаш учун кенг фойдаланиши зарурдир.

Ҳозирда солиқларнинг умумий белгиларини чуқурроқ ўрганиш талаб этилмоқда. Шу ўринда солиқларнинг умумий белгиларини тўлиқроқ ва аниқроқ, батафсил ёритиши мумкин бўлган ҳар қандай иқтисодий вазиятларда ўзгармайдиган ва доимий мавжуд, аҳамиятли оптимал умумий белгиларини яратиш муаммоси ҳал этилиши лозимдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Мандрощенко О., Пинская М. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: Дашков и К, 2010. –344 с.
2. Махмудов Н., Адизов М. Солиқларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш. – Т.: 2014.



**С.С.Тогаев –** СамИСИ ассистенти, мустақил изланувчи,
**К.Ғ.Муҳаммадиев –** СамИСИ ассистенти, мустақил изланувчи,
**Х.Ж.Казаков –** СамИСИ ассистенти, мустақил изланувчи,
**А.К.Туйчиев** – СамИСИ, БИ-317 гуруҳ талабаси


## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МАКРОПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Тижорат банкларининг капиталлашув ва ликвидлилик даражасини ошириш, банк таваккалчиликларини баҳолаш ва бошқариш тизимини ривожлантириш йўналишларидан бири халқаро Базель комитети талаблари доирасида банк таваккалчиликларини бошқариш тизимини ривожлантириш, тижорат банклари ликвидлилик позициясини стресс-тестдан ўтказишнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш йўли билан банк тизимини институционал ривожлантириш ва банк таваккалчиликларини баҳолаш ва бошқариш тизимларини шакллантириш вазифаси белгилаб берилган[1].

Банк назорати бўйича Базел – 3 келишуви меъёрларининг қўлланилиши банк фаолиятини назорат қилишда катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда Базел – 3 мезонларининг банк фаолиятига жорий қилиниши барча турдаги таваккалчиликларнинг бартараф қилишни таъминлаб бериш эҳтимолини максимал даражага чиқишига ҳалақит қилади.

Жумладан:

1. Банк фаолиятида юзага келаётган таваккалчиликлар мониторинги учун мамлакат ичидаги ва хорижий молия бозорлари ва кредит ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги аниқ маълумотлар талаб қилинади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3270 сонли Қарори

Маълумотларни олишда эса айрим муаммолар юзага келмоқда:

- назорат қилиш ва таҳлил қилиш учун зарурий маълумотларнинг қонунчилик нормалари билан чекланиши;
- баъзи бозорлар/молиявий махсулотлар (хусусан, комплекс характердаги хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни очиш борасидаги чекловлар;
- нобанк кредит ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш борасидаги қийинчиликлар;
- фаолият якунлари бўйича ҳисоботларни чоп этиш муддатларига риоя қилинмаслиги (ёки кечикиш).

2. Капиталнинг максимал даражаси ҳамма вақт ҳам банкларни банкротликдан қутқара олмайди. Тан олиш зарурки, инвесторлар «кайфияти» ва келажакка бўлган прогнозлар ўзгарган пайтда (айниқса, ривожланган мамлакатларда), юқори даражада капиталлашган банклар ҳам уларнинг назарида капиталлашув даражаси паст ва тўловга қобил бўлмаган банк сифатида чиқиши мумкин.

3. Капиталнинг етарлилик даражасини баҳолашда таваккалчиликларга тортилган активлар кўрсаткичи қўлланилади. Базел келишуви талаблари доирасида аниқланган таваккалчиликларга тортилган активлар бўйича таваккалчилик даражаси рецессия даврида бирор аҳамият касб этмади. Бунинг бош сабаби инвесторлар ёки назорат қилиш органларининг камчиликларида эмас, балки юзага келиши эҳтимоли бўлган таваккалчиликларни аниқ баҳолаш имкониятининг йўқлигида деб ҳисоблашимиз мумкин;

И.В.Носованинг «Россия Банкининг назорат қилиш ва назорат функцияси банк секторини тартибли тарзда консолидациялаш омили сифатида» номли диссертация ишида: «банк тизимининг молиявий барқарорлиги макродаражада назорат қилиш ва назоратни амалга ошириш орқали таъминланиши мумкин. Бунда макропруденциал назорат моҳияти молия бозорининг алоҳида иштирокчилари таваккалчиликларини умумлаштириш эмас, балки секторнинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари тизими орқали баҳолашдан иборат»[1] деб қайд этилган.

Россия марказий банки макропруденциал назорат тизимининг янги механизмларини жорий этиш йўналишида 2018 йил 31 августда 4892-У сонли «Активлар турлари, таваккалчилик коэффициентларига қўшимча ўрнатиладиган активлар турларининг хусусиятлари ва кўрсатилган активлар турларига капитал етарлилиги нормативларини ҳисоблаш учун қўшимчаларни қўллаш услубиёти» тўғрисидаги Кўрсатмасини қабул қилган. Шунингдек, банк учун қарз юкламаси кўрсаткичи бўйича талаблар амалиётга киритилган[2].

Юқоридаги фикрлардан ҳам англаш мумкинки, банк фаолиятини макропруденциал назорат тизими муҳим аҳамият касб этади.

[1] https://www.ranepa.ru/docs/dissertation/nosova-i-v-dissertation.pdf «Регулирование и надзор Банка России как фактор упорядоченной консолидации банковского сектора» 15 стр

[2] https://www.cbr.ru/hd_base/

Бизнингча, И.В.Носованинг макропруденциал назорат тизимига берган таърифини “банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаб берувчи, унинг услубий базасини шакллантирувчи, информацион таъминотни амалга оширувчи ҳамда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан чоралар мажмуасини шакллантирувчи тизим” сифатида тавсифлаш мақсадга мувофиқ.

Макропруденциал назорат тизими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

1. Макропруденциал назорат тизимини шакллантиришда асосий эътибор миллий ва трансмиллий статистик органлари орасида ўзаро ҳисоботлар алмашуви тизимини ишлаб чиқиш, бошқарув талабларига мос келувчи статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни ташкил қилиш ҳамда турли статистик органлар ўртасида ваколатларнинг тақсимлашга йўналтириш.

2. Банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш банк балансларини «кенг қамровли баҳолаш» ва уларни ўзгартириш дастурини амалга ошириш ҳамда давлатларнинг энг аҳамиятли банклари учун ягона тикланиш механизми йўналишларини инобатга олиш.

3. Банк тизимининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаш банк фаолиятининг кўлами ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир нечта асосий йўналишда олиб борилиши:

а) макропруденциал назорат тизимини амалга оширувчи назорат органлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиши;

б) глобал тизимни ташкил қилувчи банклар фаолиятини назорат қилиши;

в) минтақавий аҳамиятга молик йирик банклар тизимини назорат қилиш.

4. Макропруденциал назорат тизими органлари орқали банк стратегиясини шакллантиришнинг услубий базасини жорий этиш жараёни ўз таркибига келгуси тадбирлар мажмуасини қамраб олиши лозим:

а) банк назорати бўйича халқаро Базель келишуви талабларининг моҳияти ва уларни банк фаолиятига тадбиқ қилиш услубиёти борасидан меъёрий талаблар акс эттирилган ҳужжатлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва банклар эътиборига тақдим этишни;

б) банк назорати соҳасини такомиллаштириш стратегиясининг асосий мақсадлари ва унга эришиш услубларини аниқ белгилаб олишни;

в) миллий банк тизимининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга ҳолда талабларни ва жорий қилиш муддатларини қайта кўриб чиқишни;

г) талабларнинг банк тизимига жорий қилиниши ҳолатини назорат қилиш учун махсус тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

Ушбу мақола якуни бўйича бир нечта хулосаларни шаллантирилишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- ✓ макропруденциал назорат тизими зиммасига аниқ функцияларнинг қўйилиши ва уларга мос бўлган ваколатларнинг берилиши банк назорати

самарадорлигини аниқлаб берувчи факторлар ҳисобга олиниши зарур;

- ✓ макропруденциал назорат тизими фақат назорат вазифаларини билан чегараланиб қолмасдан, шунингдек, банк тизимининг меъёрлари ва мезонларини ишлаб чиқишни ўз таркибига олиши зарур;
- ✓ макропруденциал назорат тизими таркибий тузилмасида статистик маълумотларни йиғиш тизимининг ташкил этилиши банк фаолиятини назорат қилиш жараёнида жуда катта аҳамият касб қилиши лозим.

**М.С.Хамроев** – СамИСИ ассистенти,
**Б.Жамолов** – Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси,
**Ф.Б.Муродуллоев** – СамИСИ, МК-117 гуруҳ талабаси

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Суғурта хизматлари – бу таваккалчиликка асосланган фаолият тури ҳисобланади. Унда томонлар ўртасидаги мулкий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, содир бўлиши мумкин бўлган риск таъсирини қоплаб бериш назарда тутилади. Бундай фаолиятнинг кенгайиши иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиши, мулкчилик муносабатлари ва унга бўлган ҳуқуқнинг тараққий этиши, янгидан яратилаётган қийматнинг ўсиб боришига бевосита боғлиқ бўлади. Суғурта хизматлари кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнининг тақсимот босқичида вужудга келади ва шу билан бирга ушбу жараённинг узлуксиз давом этишига кўмаклашади.

Суғурта хизматларининг ривожлантириб борилиши мамлакат ЯИМнинг ўсишига хизмат қилади. Чунки ушбу хизмат турлари орқали юридик ва жисмоний шахслар фаолиятларидаги турли кутилмаган йўқотишларнинг молиявий таъминоти яратилади. Шу орқали суғурта хизматлари юридик ва жисмоний шахсларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнидаги қиймат яратиш муносабатларининг бардавомлигини молиявий қўллаб-қувватлашга бевосита хизмат қилади.

Суғурта хизматларини ривожлантириш орқали иқтисодиётга қуйидаги йўналишлар бўйича ижобий натижалар содир бўлишини кузатишимиз мумкин:

- муайян рискларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича суғурта хизматлари орқали суғурта ҳимоясининг яратилиши;
- иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг яратилиши ва уларни иқтисодиётни инвестициялаш мақсадида сарфланиши.

Суғурта хизматлари бозорининг ўзига хос товари бўлмиш “суғурта ҳимояси”, асосан, мамлакат иқтисодиёти ривожини таъминлайдиган барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги вақтда

ривожланган мамлакатларда суғурта билан ҳимояланмаган моддий мулкий иншоотлар ёки мулкий манфаатлар деярли қолмаган.

Суғурта хизматлари товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулкий манфаатлари билан боғлиқ бўлган ва бошқа ҳавф-хатар оқибатлари жавобгарлигини ўз зиммасига олиб, ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилади ва меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, ишлаб чиқариш воситаларини турли тасодифий ҳодиса зарарларидан ҳимоя қилинганига амин тадбиркоргина ўз эътиборини бозор ва рақобат муаммоларига қаратиш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиёт бозор муносабатларига ўтишига қадар суғурта қилиниши мумкин бўлган моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги давлат мулки, касбий жавобгарлик, кредит, тадбиркорлик риски суғурта ҳимоясидан четда қолган эди. Бундан ташқари, суғурта соҳасида якка ҳоким бўлган давлат суғурта ташкилотлари бўш суғурта заҳираларини инвестиция қилиш билан боғлиқ операцияларни ўтказиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Уларнинг маблағларидан асосан бюджет камомадини тўлдириш учун фойдаланиларди.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан бу муаммолар бартараф этила бошланди. Суғурталовчиларнинг инвестиция фаолияти билан шуғулланиши махсус ваколатли давлат органи белгилаган шартларда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунида расман мустаҳкамлаб қўйилган. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда суғурта компанияларининг фаолияти салмоқли тарзда ривожланган. Тўпланган заҳиралар уларга йирик инвесторларга айланиш имконини беради. Ғарбдаги суғурта компаниялари ўз суғурта сармояларини жамлаб, илғор техника ва технологияларни жорий қилиш, йирик иншоотлар қуриш соҳасидаги энг кўп сармоя талаб қиладиган дастурларни маблағ билан таъминлашда қатнашмоқдалар.

Суғурта мукофотлари тушган пайт билан суғурта қопламасини тўлаш ўртасида муайян вақт бўлиши мумкин. Бунинг натижасида вақтинча бўш ресурслар вужудга келади ва улар суғурта капиталига айланади. Заҳира ҳажми ва маблағлар жойлаштириладиган муддатлар туфайли суғурта компаниялари ғоят қудратли молия-кредит муассасаларига айланади. Шу сабабли, саноати ривожланган мамлакатларда суғурта хизматлари бозори иқтисодиётга барқарор таъсир кўрсатувчи омил сифатида тан олинган.

Айниқса ҳаётни суғурталаш тармоғида хизмат қилувчи компаниялар ўз хизматларини сотишдан йирик маблағларга эга бўлиб, вақтинча бўш ресурсларни инвестиция қилиш йўли билан ишлаб чиқариш муносабатларини молиявий рағбатлантирадилар, давлат заёмлари ва облигацияларини харид қилиш орқали эса инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳукумат харажатлари ўрнини қоплашда қатнашадилар. Бу эса ўз навбатида иш билан бандлик даражасини оширишга, ички истеъмол ҳажмининг ва умуман ялпи ички маҳсулот

ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта хизматлари амалга оширувчилар мамлакат иқтисодий аҳволига ижобий таъсир қилувчи энг йирик инвесторлардан бири сифатида фаолият кўрсатади. Шуни ҳам айтиш керакки, фонд биржалари, қимматли қоғозлар бозори сингари бозор инфратузилмалари яхши ишлаб турган ҳолдагина инвестиция фаолиятидан юқори самара олиши мумкин. Шубҳа йўққи, қимматли қоғозлар ва сармоялар бозори ривожланиб борган сари Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори ҳам республика иқтисодиётини ривожлантиришда муносиб ўрин эгаллаб бораверади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг “ўзбек модели” ишлаб чиқилганлиги ва ижтимоий- иқтисодий ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб қабул қилинган Харакатлар стратегиясида келтирилган устувор вазифалар белгилаб олинганлиги давлат бош ислоҳотчи эканлиги шак-шубҳасиз тан олинди. Шундай экан иқтисодиётнинг барча йўналишларидаги ривожланишларга давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, ривожланишнинг тезкор амалга ошишига мададкор бўлади.

Мустақиллик йилларида суғурта хизматларининг ривожланиши давлат кўмагига муҳтож эди. Шу муносабат билан суғурта хизматларини тараққий эттириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Мисол учун, айнан суғурта хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг дастлабки ҳуқуқий асоси “Суғурта тўғрисида”ги Қонуннинг 1993 йилнинг 6 майида қабул қилиниши ҳам фикримизнинг яққол далили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислоҳотлар учун “йўл харитаси”га айланди. Суғурта хизматлари миллий иқтисодиёт ривожланишига кўмаклашувчи, аҳолининг кенг қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи муҳим молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Суғурта турли кўринишдаги ҳавф-хатарларнинг юзага келтирган зарарланишларини қоплаб беришга кўмаклашувчи хизмат туридир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида суғурта хизматларининг ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланилишига эҳтиёж сезади. Суғурта хизматлари бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг кенг тарқалган қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- қонунчилик базасини такомиллаштириб бориш;
- давлат мулки иштирокидаги суғурта компанияларини ташкил этиш;
- мажбурий суғурта турларини жорий этиш;
- солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш;
- малакали кадрларни етказиб бериш ва қайта тайёрлаш;
- ахборот тизими орқали қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Суғурта хизматлари бозорини тараққий этиши албатта давлат

томонидан олиб борилаётган давлат суғурта сиёсатига боғлиқ. Бу борада қонунчилик базасини такомиллаштириб борилишига алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса иқтисодий юксалиш шароитида турли кўринишдаги рискларнинг мавжудлиги суғурталовчиларнинг суғурта фаолиятини янада такомиллаштиришни, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини оширишни, уларнинг тармоқларини кенгайтириш ва инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантиришни, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни талаб этади.

Ҳозирда давлат мулки иштирокидаги суғурта компанияларининг суғурта хизматлари бозоридаги ўрни юқорилигича сақланиб қолмоқда. Бу давлат олдидаги юқори риск мажбуриятларини ўз компаниялари орқали суғурталанишини англатади. Зеро давлат ўз мулки иштирок этган суғурта компанияларининг кафолатини ўз зиммасига олади.

Суғурта хизматлари бозорининг ривожланишида мажбурий суғурта хизматларининг жорий этилиши ҳам алоҳида эътиборга молик. Мажбурий суғурта хизматларини кўрсатилиши орқали давлат бюджети олдидаги ижтимоий харажатларга тушадиган оғирлик камаяди.

Суғурта хизматлари ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яна бир йўналиши бу солиқ концепсиясига таянган ҳолда соддалаштирилган солиққа тортиш механизмининг қўлланилишидир. Ҳозирда суғурта хизматларини солиққа тортиш юзасидан бир қатор имтиёзлар амал қилиб келмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби суғурта хизматлари соҳасида ҳам мавжуд. Соҳада малакали кадрлар фаолияти суғурта хизматларининг кенгайишига ва суғурталовчи билан суғурталанувчилар ўртасидаги тушунмовчиликларнинг камайишига таъсир кўрсатади.

Кенг омма ихтиёрига кириб бориши ва ундан фойдаланувчилар сонининг ортишига ахборот хизматларининг ўрни беқиёс. Суғурта хизматлари борасидаги ишончли маълумотларни ўз вақтида кенг жамоатчиликка ахборот узатиш воситалари орқали етказилиб борилиши уларнинг суғурта хизматларидан фойдаланиш истакларини ошириб боришга хизмат қилади.

Айтиш лозимки, суғурта хизматларини ривожлантиришда давлатнинг ролини юқори баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро ушбу соҳанинг ривожланиши орқали давлатнинг ижтимоий харажатларига тушадиган оғирликни енгиллаштириш имкониятлари рўёбга чиқиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М.Олий Мажлис депутатлари олдидаги Мурожаатномаси.2018 йил 28 декабр

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг” Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – Тошкент.: Адолат , 2017 йил 15-16 бет

3.Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2017 52-б.

# V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

**К.Б. Уразов –** СамИСИ профессори, и.ф.д.,
**М.Х.Хусанов –** СамИСИ магистранти

## МАХСУС САВОЛНИ ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан биридир. Бу бевосита аудиторлик хизматларига ҳам даҳлдордир.

Республикамизда мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврда аудиторлик хизматларини йўлга қўйилиши, ушбу хизматлар бозорини шаклланиши ва ривожланиши, аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш борасида кўплаб ютуқларга эришилди. Чунончи, уларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

**Биринчидан,** шу йиллар ичида республикамизда аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун (1992 йил, 2000 йил), 20 дан ортиқ аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) қабул қилинди ҳамда амалиётга жорий этилди;

**Иккинчидан,** 2007 йилда махсус аудиторлик ташкилотлари тўғрисида низом тасдиқланди ва у асосида фаолият юритиб келган аудиторлик ташкилотлари қайта давлат рўйхатидан ўтказилди, бугунги кунда аудиторлик ташкилотлари сони 100 тани ташкил этади[1].

**Учинчидан,** ўтган чорак асрда республикамизда сертификатли аудиторлар синфи вужудга келди, улар сони ҳозирги кунда 600 кишидан ортиқдир[2].

**Тўртинчидан**, Республикамиз Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 2015 йил 28 июлдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-4720-сон Фармони, ушбу фармон ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб-сайти
[2] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб-сайти

мезонларини жорий этиш тўғрисида» 207-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида НИЗОМ»га мувофиқ 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларини тни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиш ҳамда уларни нашр этиш тартиби белгиланди.

**Бешинчидан**, Республикамиз Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 3946-сон қарори билан республикамизда аудиторлик хизматлари бозори барқарор амал қилиши ва унинг натижаларига талаб даражасининг ошишини таъминлайдиган аудиторлик фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Чунончи, ушбу қарорда аудиторлик фаолиятини лицензиялаш жараёнини соддалаштириш, халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда аудиторларни сертификатлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, аудиторлик ташкилотлари ишининг ташқи сифат назорати бўйича замонавий ва самарали мониторинг тизимини ривожлантириш, аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш, 2020 йилдан бошлаб молиявий ҳисоботларни фақат аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудит кўригидан ўтказиш ва бошқа чора-тадбирлар белгиланди.

Республикамизда амалга ошириб келинаётган аудиторлик текширувлари қамровига кўра комплекс аудит ва тематик аудитга бўлинади. Ушбу турдаги аудит текширувлари бир-биридан мазмун ва моҳияти, ўтказилиш ва расмийлаштириш тартиблари ва бошқа жиҳатлари бўйича фарқланади. Комплекс аудит, одатда, корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини акс эттирувчи барча кўрсаткичларни, яъни молиявий ҳисоботнинг барча элементларини қамраб олади. Комплекс аудитнинг мазмун ва моҳияти хорижий мамлакатлар ва республикамизда чоп этилган адабиётларда атрофлича очиб берилган. Ушбу манбаларда келтирилган маълумотларга кўра комплекс аудитнинг якуний натижаси бўлиб хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботига аудиторлик хулосасини бериш ҳисобланади. Шу билан бирга даврий адабиётларда тематик аудитнинг мазмун ва моҳияти, ўтказилиш ва расмийлаштириш тартиблари, унинг комплекс аудитдан фарқли жиҳатлари етарлича очиб берилмаган. Шу боис, қуйида ушбу саволларга тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

**Тематик аудит** тушунчаси, ўзининг номланишидан кўриниб турибдики, қамрови маълум бир мавзу билан чегараланган аудит текширувига даҳлдордир. Айнан у ёки бу мавзуга доир бўлганлиги боис, ушбу аудиторлик текширувларини, бошқачасига, тематик аудит ёки махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувлари ҳам деб атайдилар.

Хўш, тематик аудит ёки махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувлари нима? Ушбу аудиторлик текширувининг характерли жиҳатлари ниималарда ёрқин намоён бўлади?

Тематик аудит ёки махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувлари тушунчаларига аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунда, шунингдек бошқа қонун ости ҳужжатларда махсус таъриф берилмаган. Шу билан бирга республикамизнинг 80-сон АФМС "Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи"да [1] махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувини қуйидагилар бўйича ўтказилиши белгиланган:

а) молиявий ҳисоботнинг айрим ҳисобварақлари ёки бўлимлари уларнинг тўғрилигини баҳолаш мақсадида;

б) унумдорликни ва самарадорликни баҳолаш мақсадида хўжалик тизимининг айрим қисмлари;

в) шартнома шартларига риоя қилиш;

г) хўжалик юритувчи субъект хўжалик тизимининг айрим қисмлари (элементлари) қонун ҳужжатларига, шунингдек хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан белгиланган меъёр ва қоидаларга мос келиши;

д) консолидацияланган молиявий ҳисоботнинг айрим ҳисобварақлари ёки бўлимлари;

е) бошқа молиявий ахборот.

Стандартда белгиланган тартибга кўра махсус саволни текшириш буюртмачиси молиявий ахбороти текшириладиган хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, иштирокчи ва акциядорлари, мазкур хўжалик юритувчи субъектда махсус саволни текширишни ўтказиш ташаббускори бўлган назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлиши мумкин.

«Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида НИЗОМ»га [2] мувофиқ акциядорлик жамиятлари самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғма кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг йил якунлари бўйича бажариш ҳисоби аудиторлик ташкилоти томонидан, йил якунлари бўйича аудит ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг алоҳида қўшимча предмети доирасида, профессионал консалтинг хизматлари кўрсатиш йўли билан текширилади. Аудиторлик ташкилотининг СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг профессионал консалтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги ҳисоботи ташкилотнинг ҳисобот йилидаги фаолияти натижалари билан бирга (акциядорлари (қатнашчилари)нинг ёки давлат корхоналари муассисларининг йиллик умумий йиғилишида) кўриб чиқилади.

Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органлари қарорига асосан

[1] Молия вазирининг 27.01.2003 й. 13-сон буйруғи билан тасдиқланган . АВ томонидан 19.02.2003 й. 1220-сон билан рўйхатга олинган

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида» 207-сон қарори билан тасдиқланган

аудиторлик ташкилоти СМК, СЙК ва уларнинг I чорак, ярим йиллик ёки 9 ойлик якунлари бўйича бажарилиши ҳисобини текшириши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувларининг юқори келтирилган турлари амалиётда анада ҳам аниқроқ ифодаланади. Мисол учун, инвестицияларни киритиш бўйича бўйича инвестицион мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш, мақсадли тушумлар бўйича смета бажарилишини текшириш, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари реаллигини текшириш, корхона ялпи тушуми ва уни ягона солиққа тортилиши реаллигини текшириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар реаллигини текшириш, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш ва улар реаллигини текшиш ва бошқалар.

Махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувини тўғри ва сифатли ўтказилишининг муҳим омиллари бўлиб унинг режаси ва дастурини мижоз ва аудиторлик ташкилоти томонидан аниқ келишилганлиги ҳамда уларга тўлиқ амал қилинганлик ҳисобланади.

**Махсус савол тарзидаги аудиторлик текшируви режаси –** бу шартнома асосида белгиланган текширув саволига оид аудиторлик муолажаларини ким томонидан ва қачон ўтказилиши ўзида ифода этган мижоз ва аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган иш ҳужжати.

**Махсус савол тарзидаги аудиторлик текшируви дастури –** бу шартнома асосида белгиланган текширув мавзу доирасида текширилиши лозим бўлган саволлар, аудиторлик муолажалари, бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари, текширув натижасида тузиладиган аудитор иш ҳужжатларини ўзида ифода этган мижоз ва аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган иш ҳужжати.

Махсус савол тарзидаги аудиторлик текшируви натижаси бўлиб аудиторлар томонидан тузиладиган аудиторлик ҳисоботи ҳисобланади. 80-сон АФМС "Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи"га мувофиқ махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи қуйидаги элементларни ўз ичига олиши лозим:

а) ҳисоботнинг номи (текширилаётган саволни кўрсатган ҳолда, масалан, "XXX" корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи");

б) адресат;

в) кириш қисми;

аудиторлик ташкилотининг номи, почта манзили ва бошқа реквизитлари (аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия рақами ва берилган санаси, аудиторлик ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномаси рақами, ҳисоб-китоб варағининг рақами, телефонлар); текширувда иштирок этган аудитор (аудиторлар), шунингдек аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми-шарифи;

аудиторлик текширувига олинган махсус саволнинг тавсифи (баёни);

хўжалик юритувчи субъект аудиторлик ташкилотига тақдим этаётган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлиши, аудиторлик ташкилоти эса махсус саволни текшириш натижалари бўйича ўз ҳисоботи учун жавобгарлигига оид кўрсатма;

г) таҳлилий қисм: махсус саволни текшириш чоғида аудитор томонидан бажарилган таомиллар рўйхати; текширув чоғида қўлланилган стандартларга ҳавола; аниқланган қоидабузарликлар (аниқ далиллар);

д) якуний қисм: махсус саволни текшириш натижалари ҳақида аудиторлик ташкилотининг фикри;

е) махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи топширилган сана;

ж) аудитор (аудиторлар) ва аудиторлик ташкилотининг раҳбари имзолари, шунингдек аудиторлик ташкилотининг муҳри (муҳр бўлган тақдирда).

Махсус саволни текшириш бўйича аудитор ҳисоботининг ҳар бир саҳифаси махсус савол текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланиши керак. Зарурат бўлганда аудитор ҳисоботда текширув чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибга кўра ўтказиладиган, текширув объектининг унумдорлиги ва самарадорлиги такомиллашишига ва ошишига олиб келадиган тавсиялар ва таклифлар бериши лозим.

Аудиторлик ташкилоти махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи шаклининг бир хилда бўлишига риоя қилиши лозим.

Махсус саволни текширишнинг комплекс аудитдан фарқли жиҳатларидан бири бўлиб у бўйича аудиторлик хлосасининг махсус берилмаслиги ҳисобланади. Махсус саволни текшириш бўйича аудиторлик хулосаси у бўйича тузиладиган аудитор ҳисоботининг якуний қисмида келтирилади. Агар аудитор текширув объекти бўйича бир хилда фикр билдира олмаса, у якуний қисмдан олдин мазкур қарорининг муҳим асослари тушунтириладиган қўшимча қисмни киритиши лозим. Аудитор якуний қисмдаги фикрни шакллантиришда қўшимча қисмда баён қилинган асослардан фойдаланиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти махсус саволни текшириш натижалари бўйича атайлаб ёлғон ёки нотўғри ҳисобот тузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувларига бўлган талаблар борган сари ошиб бормоқда. Табиий равишда, бу аудиторлик ташкилотларида аудитнинг мазкур турини келажакда янада ривожлантириш имконининг борлигидан дарак беради. Булар, ўз навбатида, махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувларининг назарий, ташкилий ва услубий асосларини янада такомиллаштиришни объектив зарарат қилиб қўяди.

**А.Бектемиров –** СамИСИ доценти, и.ф.н.

# ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ТЕХНИК АҲВОЛИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ВАРИАНТЛАРИ
## (Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари мисолида)

Республика шаҳарларида марказлашган иссиқлик таъминоти тизими 30-40-чи йиллардаги техник ғоялар базасида XX асрнинг 50-70-чи йилларида шаклланган бўлиб, иситиш тизимларини ишга тушириш юқори самарали материалларнинг етишмаслиги билин белгиланар эди. Очиқ сув олиш ва иссиқлик тармоқларида уйларнинг иситиш тизимлари боғланган ҳолда уланган, иссиқ сув эса иссиқлик манбаларида кимёвий тозаланган схемалар асосида қабул қилинган. Монтаж қилиниши арзон, лекин эксплуататцияси қиммат турадиган бундай схемалар тармоқ сувларининг циркуляцияси ва таъминланиш нормативдан ортиқ харажатлар, иссиқлик истеъмоли тизимлари ва иссиқлик таминоти қувур ўтказгичларнинг ишлаш муддати камлиги, иссиқлик энергиясиниг ишлаб чиқариш, транспорти-ровка қилиш ва истеъмол қилишда юқори эксплуататция чиқимлари билан тавсифланади. Тажриба шуни кўрсатадики, агар биноларни иситиш тизимларини янгилаш циклига риоя этилмаса, унда ишлатишда қолдирилган ва ўз ресурсларини батамом ишлатиб бўлган иситиш тизимлари нормалланган тақсимловчи торайтирилган қурилмалар ва биноларнинг иситиш тизимидан тармоқ сувларини оқизишни ташкил этиш ҳисобида фаолият кўрсатади.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларнинг тақсимловчи ва магистрал иссиқлик тармоқлари диаметри 50 ммдан 1000 ммгача бўлган пўлат қувурлардан тайёрланган,асосан очиб бўлмайдиган йиғма темир бетон каналларидан ўтказилган. Тармоқларнинг иссиқлик изоляция конструкциялари минерал маҳсулотларга асосланган бўлиб, уларнинг асосий камчилиги нисбатан паст иссиқлик изоляция қилиш хусусиятга эгалиги. Иссиқлик ўтказгичларнинг гидроизоляция қатлами узоқ давр мобайнида такомиллаштирилмаган ва сезиларли сифатли ўзгаришлар қилинмаган. Магистрал ва квартал ичидаги тармоқлар ўртасида гидравлик бўлиниш йўқ.Қувур ўтказгичларнинг интенсив ташқи ва ички коррозияси туфайли тармоқлар фаолияти юқори бузилишлар билан тавсифланади. Юқори ташқи коррозия емирилиши коммунал сув ўтказгич, канализация ва иссиқлик трассасининг бузилиши билан иссиқлик тармоқларини тез-тез ирригация, ер ости ва авария сув босишлари холлари содир бўлмоқда. Ўз ресурсларини ишлатиб бўлган ва алмаштиришни талаб этадиган кўп сонли ишлатишда қолдирилган биноларнинг иситиш тизимларида иссиқлик таъминоти тартибининг бузилиши оқибатида тармоқ сувлари циркуляцияси ва қўшимча харажатларнинг кўтарилиши билан

шакллантирилган тизимнинг гидравлик иш тартиби алоҳида хавотир туғдирмоқда. Табиийки, бундай шароитларда биноларда киритилаётган иссиқлик мавжуд босими белгилангандан анча паст бўлиб,бу тизимнинг гидравлик ва иссиқлик иш тартибини регулациядан чиқишнинг янги тўлқинини туғдиради. Тармоқ ва қўшимча тўлдириладиган сувларнинг харажати меъёрга келтирилса мос равишда иссиқлик узатувчилар учун электр энергияси бинобарин, бу электр энергиясини ишлаб чиқариш учун ёқилғининг ҳам иқтисод қилиниши 15-20% камайтирилади.

Тошкентдаги биноларнинг жуда кўпчилиги ғишт ва бетондан қурилган. Мавжуд биноларда иссиқлик истеъмоли (Тошкент шаҳар иситишга ўртача ўлчанган иссиқлик оқими умумий майдонидан 1 $м^2$га 89 Вт ни ташкил этади, Германияда эса бу кўрсаткич анча паст ва 35 – 50 $Вт/м^2$ни ташкил этади. Лекин шаҳарларда ва бутунлай Ўзбекистонда турар жой уйларида иссиқлик изоляциясини узгартириш ва яхшилаш борасида ишлар олиб борилмайди. Ҳозирги пайтда 1991 йилгача қурилган турар жой уйларида уй ичидаги қувур ўтказгичларни капитал таъмирлаш бўйича ишлар олиб борилаётган бўлсада уларнинг сифати талаб даражасида деб бўлмайди. Бунинг далили сифатида иситишнинг ёмонлиги тўғрисида тушаётган шикоятларни келтириш мумкин. Ўзбекистонда Тошкент шахри билан бир қаторда Самарқанд шаҳри иссиқлик энергетикаси ресурсларининг йирик истеъмолчиларидан бири ҳисобланади. Агар Тошкентда марказлашган иссиқлик таъминоти тизими иссиқ сув ва иссиқлик билан 14000дан ортиқ бинони таъминласа, Самарқанд шаҳри эса – 1000 дан ортиқ бинони таъминлайди. Шундан, Тошкент шаҳри – 10000дан ортиғи турар жой уйлари, 650 дан ортиғи даволаш муассасалари, 520 дан ортиғи мактаблар, 640 дан ортиқ болалар боғчалари, 440 дан ортиқ олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва бошқа истеъмолчилардан иборат. Самарқанд шаҳрида бу қуйидагича кўринишга эга: марказлашган иссиқлик таъминоти тизими шаҳарда 830 дан ортиқ турар жой уйларни, 125 та ижтимоий маданий маиший объектларни, 40 дан ортиқ бошқа истеъмолчиларни қамраб олган.Тошкент шаҳрида тизим 9 та йирик иссиқлик марказларини ўз ичига олган. Хокимият хузуридаги “Тошиссиқликмарказ” ОАЖ, “Ўзбек энерго” ДАК хузуридаги “ТошИЭМ” ОАЖ, “Тошиссиқлик энерго” ИЧБ иссиқлик манбалари, таркибида 4 та йирик иссиқлик манбалари бўлган шаҳар хокимияти ҳузуридаги унитар корхона – “Қора – сув” ИМ-2, “Водник”, “ТТЗ”, “Саноатэнерго” қозонхоналари ва 141 та локал қозонхоналари. Самарқанд шаҳар тизими иккита болалар боғчасига 6 та мактабда ва туғруқхонада жойлашган 46 та локал қозонхоналарни ўз ичига олган ва 25 та қозонхона 830 та уй ва ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатади.

Модомики турар жой уйларида иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи ва назорат қилувчилар бўлмаса, иссиқлик истеъмолига тўловлар ҳақиқий харажатлар бўйича эмас, балки нормативлар бўйича амалга оширилади, яъни иссиқлик – квартиранинг турар жой майдонига, шахар сув таъминоти

– яшайдиган одамлар сонига нисбат олинмоқда. Хонадаги ҳароратни керакли даражада ушлаб туриш ойналарни очиш ёки ёпиш орқали исрофгарчиликка йўл қўйиб амалга оширилмоқда. Нормативдан ортиқ йўқотишлар “Тошиссиқликэнерго” ИЧБ нинг харажатларига қўшилади, чунки нормативдан ортиқ истеъмол иссиқлик энергияси тарифларига киритилмаган, зарарнинг бир қисми шаҳар ва давлат бюджетидан қопланади.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида иссиқлик, иситилишининг йиллик ишлаб чиқарилиши, ҳамда иссиқликнинг норматив ва нормативдан ортиқ йўқотилиши 1 – жадвалида кўрсатилган.

1 – жадвал

**Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйича иссиқликнинг йиллик ишлаб чиқарилиши, иссиқликнинг норматив ва нормативдан ортиқ харажати**

| Иссиқлик таъминоти худуди | Иссиқлик-нинг йиллик ишлаб чиқари-лиши | Турар жой ва жамоат бино-ларининг иси-тилиши, венти-ляцияси ва ПВС (минг Гкал) | Даражани $70^0$C ушлаб туриш учун иссиқлик энергиясининг харажатлари (минг Гкал) | Иссиқлик-нинг норматив йўқотишла-ри (минг гКал) | Иссиқлик-нинг норма-тивдан орт-иқ йўқоти-лиши (минг Гкал) |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент ш. | 11777,8 | 7677,9 | 1140,853 | 1150,719 | 20,562 |
| Самарқанд ш. | 246,1 | 211,6 | м/й | 28,9 | м/й |

Маълумотлардан кўриниб турибдики шахарларни иситиш тизимидаги бугунги ҳолат соҳада туб модернизация ишларини олиб боришни ва ҳар бир худуднинг имкониятларидан келиб чиқиб, иситиш тизими вариантларини қўллашни тақозо этади. Шу йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар натижаси қуйидаги асосий хулосаларни чиқаришга асос бўлади:

1. Иссиқлик таъминоти тизимини лойиҳалаштириш тамойиллари техник ечимларнинг кичик диопозонли вариантлари билан стандартлаштириш орқали тавсифланади. Натижада бундай ёндашув қатор ҳолатларда эскирган қувватларга олиб келади, унинг оқибатида паст самарали эксплуатация келиб чиқади. Иситиш тизимини ҳаракатга келтиришда юқори самарали материалнинг етишмаслигини унинг самардорлигини кескин пасайтиради. Тизимни бошқаришда автоматлаштиришнинг йўқлиги эксплуатация даврида тармоқ суви харажатлари, иссиқлик тармоқлари иссиқлик истеъмол қилиш ва трубопроводлар системаси хизматининг кичик муддатлари, ишлаб чиқаришда, транспортда ва иссиқлик энергияси истеъмолида юқори экспулатацион харажатларга олиб келади.

2. Марказий иситиш таъминоти тизимининг ёпиқ сув ҳавзаси ва бинолар иситиш системасининг иссиқлик тармоқларига қўшилиши сув харажатларининг камайишига шарт – шароит яратади. Шунга мос равшда

водопровод суви, иситиш учун тайёрланадиган сувнинг реагентлари, иссиқлик ташувчига электр энергиянинг етказилиши, иссиқлик ташувчини иситиш учун ёнилғи ва саноат оқовалари харажатлари қисқаради.

3. Энергияни мақсадга муофиқ тежаш учун энг яхши восита иссиқлик когенерациясидир, яъни иссиқлик марказларида иссиқлик ва электр энергияни биргаликда ишлаб чиқариш ҳисобланади. Иссиқлик электр энергиясини таклиф қилинаётган схема бўйича комбинацияланган ишлаб чиқариш алоҳида ишлаб чиқариш билан таққослаганда 15.5% тежашни таъминлайди.

4. Ўтказилган ижтимоий суровномани тадқиқ қилиш натижаларига кўра, асосий муаммолар ва респендентларнинг нуқтаи назарига кўра уларни бартараф этиш йўллари аниқланди. Экпертлар ва эски ҳамда янги қурилган кўп қаватили уйларнинг яшовчилари фикрига кўра иссиқлик таъминотининг асосий муаммолари орасида хусусий турар жой уюшмалари фаолияти билан боғлиқ муаммолар аниқланди. Жуда кўп яшовчилар иситиш муаммоларини “Теплоэнерго” таркиби иши билан боғламайдилар, улар уй ичидаги тармоқларнинг сифатсиз тайёрланганлиги, самарали ишлайдиган авария хизматлари йўқлигига урғу берадилар. Уй ичидаги тармоқлар сифатининг ёмонлиги респондентлар томонидан сифатсиз капитал ремонт қилинганлиги, таъмирлаш ишларининг малакасиз ўтказилганлиги, турар жой каммунал хўжалиги раҳбарлари томонидан ўғирлик содир қилиниши, ҳокимиятлар ва “Теплоэнерго” таркиби томонидан керакли назорат йўқлиги билан тушунтирадилар. Капитал таъмирлашни ўтказиш механизми яшовчилар ва экспертларнинг фикрича сув истеъмол қилиш ва ўғирликка тўсқинлик қилмайди.

5. Амалий жиҳатдан баҳо белгилаш механизми соҳада товар пул муносабатларининг ривожланишига таъсир қилмайди; иссиқлик энергиясига боғлиқ бўлган ҳолда қўпол исътемолчиларга ёки иссиқликни тежаш учун рағбатларга қарши санкциялар қўллаш имконини бермайди. Иссиқлик таъминловчи ташкилотлари фаолиятларини фақат ишлаб чиқариш ҳажмига йўналтирилиши етказиб берувчи – истеъмолчи муносабатларида аниқ бўлмаган шартномага олиб келади, унинг асосида расмий шартномадан фарқли равишда ҳисоб – китоблар амалга оширилади, унинг асосида истеъмолчи реал амалга оширилган хизматлар учун ҳақ тўлайди. Бу базавий фарқланиш асос ҳисобланиб, унда соҳада хўжалик юритишнинг бутун тизими юзага келади.

Келтирилган хулоса ва таклифлар шахар иссиқлик тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қилади.

**Ш.М.Исломов** – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.,
**Д.Махмудова** – СамИСИ магистранти

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Энг аввало тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланган қонунлар, президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Ҳозирда барча тадбиркорлик субьектлари ўз фаолиятларини ана шу ҳуқуқий ва меьёрий ҳужжатлар асосида ташкил этмоқдалар.

Бугунга келиб, Ўзбекистон иқтисодиёти инновацион омиллар негизида ривожланиш босқичига ўтди. Бу жараёнда у мавжуд ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга таянган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Соҳани тараққий эттиришга ва бозор ислоҳотларини рўёбга чиқаришга эса кичик бизнес субьектлари ва ҳусусий тадбиркорлар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштиришда ва мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таьминлаш мақсадида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев олға сурган “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” тамойили асосида жуда кўплаб ислоҳотлар, айнан шу кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида амалга оширилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси” да илгари сурилган масалаларни келтириш мақсадга мувофиқдир. “Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, ҳамда аҳоли бандли ва реал даромадларини изчил ошириш”[1] устувор вазифалар қилиб белгиланди.

Тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни кенг тарғиб қилиш ва кенгайтириш ниятида давлат ахборот, маслаҳат, илмий-тадқиқот марказлари, инновацион фондлар ва бошқа ташкилотлар тузиб, иқтисодиётнинг ушбу соҳасининг ривожланишига ёрдам беради.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш қуйидаги асосий масалаларни ечиш йули билан амалга оширилиши мумкин:

- кичик бизнес субъектларини бозорга тўсқинликсиз киришига шароит яратиш;
- иқтисодиётда хусусий секторнинг ҳиссасини ўсишига шароит яратиш;

[1] Президентимизнинг 2017-йил 7-февралидаги 4947-сонли “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони. 3-4 ҳамда 4-1 бандлари.

• тадбиркорликни давлатнинг муҳим ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларини ечишга жалб қилиш.

Мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни тараққий топтириш учун қонуний асос бўлиб «Тадбиркорлик», «Банк ва банк фаолияти», «Якка ҳокимликка барҳам бериш ва рақобатни ривожлантириш», «Ҳиссадорлик жамиятлари», «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси»., «Товар биржалари», «Чет эл инвестициялари», «Гаров» тўғрисидаги қонунлар, ҳамда Ер, Хўжалик (процессуал), Божхона, Маъмурий ва Солиқ кодекслари хизмат қилади.

2017 йил якунлари бўйича миллий маҳсулотлар экспорти географиясини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субьектларининг экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича муайян натижага эришишни мақсад қилган ҳолда иш юритишни ташкил қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодий ўсиш 5,5 % ни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 %га кўпайди. 2018 йил давомида экспортнинг умумий молиявий қиймати 12,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиши кутилмоқда.[1]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017-йилнинг январь-декабрида 38,2 мингдан кичик бизнес субьектлари ташкил этилди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122% га кўпдир). Энг кўп кичик бизнес субьектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субьекларнинг 27%), савдо соҳасида (21%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (13%) ва қурилишда (10%) ташкил этилган.

2018 йил 1 январь ҳолатига Республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субьектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) 229666 тани ташкил этди. Ҳамда айни шу муддатда ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри кедиган кичик бизнес субьектлари сони 12,2 бирликни ташкил этади, ёки ўтган йилга нисбатан 107,0 % га тенг.

Ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (21,2 бирлик), Сирдарё (16,9 бирлик), Жиззах (15,0 бирлик) ва Тошкент (14,2 бирлик) вилоятларига тўғри келади.

Шунингдек, товар ва хизматлар экспорт қилувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар сонининг кўпайиши, экспорт ҳажмининг ошишига имконият яратади. 2016-йил билан солиштирилганда улар сони 1310 тага кўпайиб, асосан саноат (733), савдо (329), қишлоқ хўжалиги (162) корхоналаридир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим аҳамиятга эга улар қуйидаги маьлумотларда ўз аксини топган. Яьни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши

[1] 2017-йил 25-декабрь кунида Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида “Мамлакатимиз экспорт имкониятларини ошириш масалари”га бағишланган видеоселектор мажлиси.

экспортда – 27,0 % ни (2016-йилнинг январь-декабрида 26.0%), саноатда – 39,6 % ни (45,3 %), хизматларда - 58,4 % ни (61,4%), қурилишда – 65,1% ни (66,9%) ва бантликда 78,3 % ни (78,2%) ташкил этди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ошиб бормоқда, хусусий сектор давлатимиз иқтисодиётида ўз ўрнини янада мустаҳкамламоқда. Ҳудудлар бйича саноат тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳри (71,3 %), Наманган (68,4 %) ва Жиззах (61,3%) вилоятлари ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг энг юқори улуши Самарқанд (76,5%), Сурхондарё (76,3 %), Тошкент (76,2 %), Фарғона (75,9%), Жиззах (74,2 %) ва Андижон (73,7 %) вилоятлари ташкил этади.

Маьлумотлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбкииркорликнинг ЯҲМ даги улуши энг кўп Жиззах (74,2 %), Сурхондарё (72,1 %), Андижон (72,0%), Наманган (70,6 %) вилоятларида ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда ва 40,3 % ни ташкил этади.

Юқоридаги айтиб ўтилганлардан шуни хулоса қишлиш мумкинки, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси:

- Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга;
- Аҳоли бандлигини ошириб боришга;
- Инновацион технологияларга асосланган янги иш ўринларини очишга;
- Ҳар томонлама иқтисодий – ижтимоий ривожланишга;
- Аҳолининг барча қатламларини меҳнатга жалб қилган ҳолда бўш иш ўринларини яратишга хизмат килиши керак.

Ҳозирги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, банклар, фирмалар, компаниялар, корхоналар, ташкилотлар инфротузилмасини ривожлантириш, корхоналарни кўпайтириб, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳимдир.

Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг борқарор сурьатларда ривожланиши учун, банкларда тадбиркорлар фаолияти учун бериладиган кредит тизимини соддалаштириш, яьни фоиз ставкаларини камайтириш, муддатларини узайтириш; хорижий инвестицияларни фаол жалб қилган ҳолда инновацион тадбиркорликни ташкил этиш; барча ҳудудларда инновацияга боғлиқ дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш жуда аҳамиятлидир. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ва бу соҳада юқори даражадаги кўрсаткичларга ҳамда самарадорликка эришишда, албатта етук мутахассис кадрлар тайёрланиши муҳим аҳамият касб этади.

**О.Х.Холиқулов** – СамИСИ ассистенти,
**О.М.Эсанов** – СамИСИ ассистенти,
**Б.К.Мирзаев** – СамИСИ, “Сервис ва туризм” факультети талабаси

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА СУД ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Қонун устуворлиги — инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир!***
***Шавкат Мирзиёев.***

Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда ижобий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу бевосита республикамизда иқтисодий-сиёсий жабҳаларда салмоқли вазифалар йўлга қўйилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, 8 январь Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланди. Бу – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинди.

“Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш амалга оширилаётган барча ислоҳотлар самарадорлигининг кафолатидир, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарорликни - таъминлашнинг энг муҳим омилидир.

Шунинг учун ҳам суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларимизнинг бош вазифаси - бу суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини, одил судловнинг мустаҳкам кафолатини таъминлашдан иборат”[1].

2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” давлат дастурида таъкидланганидек: Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари бўйича қуйидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

**Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:**

✓ суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;
✓ «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;
✓ судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;

[1] - See more at: http://www.xs.uz/index.php/2015-11-04-12-39-36/item/8877-O`zbekiston-respublikasi-prezidentligiga-nomzod-shavkat-miromonovich-mirzijoevning-tarzhimai-oli-va-dasturi#sthash.DFzYAHek.dpuf

✓ судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”[1].

“Сизларга маълумки, юртимизда сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, одил судловга эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. Мен бу масалага Конституция кунига бағишланган анжуманда атрофлича тўхталиб ўтганим учун бу ҳақда батафсил гапирмоқчи эмасман”.

Фақат мазкур соҳада олдимизда турган асосий устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланидек: “суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида, судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим”[2].

Республикамизда олиб бориладиган ислоҳотлардан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юз берган операцияларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олишлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Бухгалтерия ҳисобида суд харажатларини, яъни судга даъво аризаси билан мурожаат этганда давлат божини харажатлар ва почта харажатларини тўғри акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Суд узоқ муддат давом этиши мумкин. Шу муносабат билан суд харажатларини тўлаш бўйича мажбуриятни суд қайси тараф (даъвогар ёки жавобгар) зиммасига юклаши, шунингдек ушбу харажатларнинг миқдори ҳам номаълум бўлади.

Бундай ҳолатда 21-сонли БҲМС "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"га (рўйхат рақами 1181, 2002 йил 23 октябрь) мувофиқ, турли операциялар бўйича дебиторлар билан ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш "4800" счётлар гуруҳи субсчётларида акс эттирилади, хусусан, суд қарор қабул қилишидан аввал суд харажатларини 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" счётида акс эттиришни тавсия этамиз (21-сонли БҲМСнинг 205-банди).

Суд харажатлари ҳисоби бўйича бухгалтерия ёзувлари 1-***жадвалда*** келтирилган. Шунингдек, 2019 йил 1 январдан бошлаб *умумбелгиланган солиқни тўловчилар шуни ҳисобга олиши керакки, суд харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегириладиган харажатга киради*.

[1] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

**1-жадвал[1].**

| № | Хўжалик операцияси мазмуни | Счётлар корреспонденцияси | |
|---|---|---|---|
| | | Дебет | Кредит |
| **Даъвогар томонидан** | | | |
| 1. | Суд харажатлари (давлат божи ва почта харажатлари) суммаси ҳисобланди | 4890 – “Бошқа дебиторларнинг қарзлари” | 6990 – “Бошқа кредиторлик қарзлари” |
| 2. | Суд харажатлари суммаси тўланди | 6990 – “Бошқа кредиторлик қарзлари” | 5110– “Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари” |
| 3. | Суд қарорига кўра суд харажатларининг бир қисми қопланди | 5110 – “Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари” | 4890 – “Бошқа дебиторларнинг қарзлари” |
| 4. | Қопланмаган суд харажатлари суммаси харажатга ҳисобдан чиқарилди | 9430 – “Бошқа операцион харажатлар” | 4890 – “Бошқа дебиторларнинг қарзлари” |
| **Жавобгар томонидан** | | | |
| 5. | Суд қарорига кўра даъвогар учун қопланадиган суд харажатлари суммаси харажатга ҳисобдан чиқарилди | 9430 – “Бошқа операцион харажатлар” | 6990 – “Бошқа кредиторлик қарзлари” |
| 6. | Суд харажатлари ҳисобига тўлов амалга оширилди | 6990 – “Бошқа кредиторлик қарзлари” | 5110 – “Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари” |

Юқоридаги операциялардан кўриниб турибдики, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан юзага хўжалик ситуацияларини бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ҳисобга олиш ҳамда бухгалтерия хужжатларида тўғри акс эттириш муҳим ҳисобланади. Корхоналар, юзага келган ҳаражатларни бухгалтерия ҳужжатларида ўз вақтида амалга ошириш асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

[1] 21-сонли БҲМС "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" № 1181, 2002 йил 23 октябрь.

# VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

**С.А. Аликулов**– СамДАҚИ доценти, и.ф.н.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шунга кўра, 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан 1,5 баробар оширилиб 4,2 миллиард доллорга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади. Шунингдек юртимизда саноат корхоналари, қўшма корхоналар, қишлоқ хўжалигида кўплаб кластерлар ташкил этилади, тўқимачилик саноати ривожланади, химия-технология, нефт-газ саноати, электр энергия саноати, туризм, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам ривожланади, замонавий корхоналар ишга туширилади.[1] Демак, 2019 йилда ишга тушириладиган бундай замонавий корхоналарда ишлайдиган юқори малакали мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж ошиб боради.

Бундай юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, бу вазифаларни бажариш учун аввалам бор таълим тизимининг норматив-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 майдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларнинг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151 қарори,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси: Халқ сўзи, 2018, 28 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5544 фармони кабилардир. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги ҳам юқоридаги Президент фармон ва қарорлари асосида бир қанча нарматив ҳужжатлар қабул қилиндики, бу ўз навбатида олий таълим тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Натижада олий таълим муассасалари сони 2016-2017 ўқув йили 77 та бўлган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида 95 тага етказилди. Қабул квоталари 2016-2017 ўқув йилида 57907 та бўлган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида 102741 тага етди.

Айниқса, Олий таълим муассасаларида илмий салоҳият 2016 йил 31.6 фоиз бўлган бўлса, 2018 йилга келиб 34.5 фоизга кўтарилди. Кейинги 2 йил ичида мамлакатимиз олий таълим тизимининг 16 та олий таълим муассасаларида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, кейинги йилларда бундай қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш сони янада кўпаяди. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва уни янада ривожлантириб боришда таълимдаги ўзаро ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳукуматимиз Ўзбекистон-Россия таълим форумини ташкил этди. Форум 2018 йил 18-19 октябр кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Форумда 40 дан ортиқ таълим ва илмий соҳалар ходимлари иштирок этишди, шу жумладан, Россия Федерациясидан 147 нафар. Россия Федерациясининг Москва шаҳридан 20 та, Санкт-Петербург шаҳридан 9 та, Федерал университетларидан 7 та, Ҳудудий 45 та жами 81 та олий таълим муассасаси Форумда иштирок этди.[1] Форум доирасида Ўзбекистонда олий таълим тизимини янада ривожлантиришга қаратилган музокоралар олиб борилди ва 114 та таълим ва илмий фаолиятга бағишланган икки томонлама ҳамкорлик келишувлари имзоланди. Бугунги кунга қадар имзолаган барча келишувларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Форум доирасида имзоланган ҳамкорлик келишувлари натижасига кўра мамлакатимизда янги 2019-2020 ўқув йилга қадар Россия Федерациясининг 6 та олий таълим муассасаси филиалларини очишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Москва энергетика институти (МЭИ), Москва давлат халқаро муносабатлар институти (МГИМО), Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети, А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти, Астрахан давлат техника университети, Россия давлат

[2] Олий таьлимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари; ҳалқаро тажрибалар ва Ўзбекистон амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг маълумоти.

жисмоний маданият, спорт, ёшлар ва туризм университети. Олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион корпаратив ҳамкорликни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади, ҳамкорликдан кутиладиган натижалар бизнинг назаримизда қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, Ўзбекистонда таълим сифатини ва самарадорлигини юксалтириш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш ҳамда мамлакатда фаннинг етакчи ролини янада кучайтириш.

Иккинчидан, Вазирликлар, идоралар ва йирик корхоналарнинг амалий ва назарий муаммолари, шунингдек инновацион лойиҳаларни шакллантиришга ва уни амалга оширишга ёрдам бериш.

Учинчидан, корхона ва ташкилотларнинг талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасалари ўзларининг ўқув режалари ва дастурларига ўзгартиришлар киритиб бориш.

Тўртинчидан, илмий изланувчилар ва амалиётчи-мутахассислар инновацион ғоялари бўйича ҳамкорликда тадқиқотларини амалга ошириш.

Бешинчидан, бинор ҳимоялар ташкил этиш ва тенг кучга эга бўлган диплом ҳимоясини амалга ошириш. (Эксперимент тариқасида, техника, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, транспорт ва иқтисодиёт иқтисосликлари учун).

Таълим тизимида илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда турли хил инновацион ғоялар, ишланмалар, илмий мақолалар шунингдек, муҳим аҳамият касб этадиган илмий кашфиётлар, ихтироларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали мамлакатда инновацион иқтисодиётни босқичма-босқич шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида мамлакатда таълим-амалиёт, фан ва ишлаб чиқариш тизимини янада кучайтиришга олиб келади, натижада яратиладиган илмий тадқиқот-ишларининг натижавийлиги янада кучаяди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қаерда таълим тизими юксак даражада ривожланиб борса, ўша жойда интеллектуал салоҳият юксалади, юксалган интеллектуал салоҳият жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан ривожланишга, пировардида эса мамлакатда инновацион иқтисодиётни ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

**Sh.Sh. Davlatov** – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi
Davlat boshqaruvi Akademiyasi tinglovchisi

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA INNOVATSION IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISHDA SERVIS SOHASIDAGI KADRLAR FAOLIYATI SAMARADORLIGI “INSON RESURSLARI BOSHQARUVI” TIZIMI ORQALI OSHIRISH YO‘LLARI

Xizmat ko‘rsatish sohasi malakat YaIMsining sezilarli qismini egallaydigan, ish o‘rinlari bilan ta`minlashda yetakchi bo‘lgan samarali sohadir. Ushbu soha iqtisodiy o‘sishda sog`lom raqobatni va innovatsion yondashuvni vujudga keltiradigan, yangi eksport imkoniyatlarini yaratadigan bo‘g`indir. Xizmat ko‘rsatish sohasi tabiiy resurslar va xomashyolarni sarf qilmay turib yuqori daromad olishga imkon berishi bilan ajralib turadi. Ta'kidlash joizki, rivojlangan davlatlarda xizmatlarining ulushi yalpi ichki mahsulot (YAIM) ning 2/3 dan 3/4 gachani tashkil qiladi. Shu bilan birga, xizmat ko‘rsatish sohasining barqaror o‘sishi aholi bandligi darajasiga keskin ta'sir ko‘rsatmoqda. 2017 yilda O‘zbekiston Respublikasida YAIM da xizmatlarning ulushi 46,2 % ni tashkil etdi. Yurtimizda xizmat ko‘rsatish sohasi tobora rivojlanib bormoqda. Lekin shunga qaramay ko‘zlangan natijalarga erishish va sohani yanada takomillashtirish uchun qator vazifalarni amalga oshirish lozim. Servis sohasini shiddat bilan rivojlantirishda malakali ishchilar yetishmovchiligi va kadrlar qo‘nimsizligi muammo bo‘lmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasi ma`lumotlariga ko‘ra 2018yil 1 yanvar holatida Respublikada ish bilan band aholi soni 13520,3 ming kishini tashkil etib ularning 49.7 foizi aynan xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat yuritadi.[1] Bu esa ushbu sohada kadrlar menejmentiga qanchalik yuksak e`tibor berish zarurligini anglatadi.

Hozirgi davrda iqtisodiyotni rivojlantirish va korxonalarning bozordagi o‘z o‘rniga ega bo‘lishiga xizmat qiluvchi asosiy manba bu moddiy boyliklar emas, yuqori qiymatga ega bo‘lgan intelektual resurslarning mavjudligidir. Ushbu resurslarni boshqarish tizimi ham eng muhim vazifalardan biri sanaladi. So‘nggi yillar davomida jahon davlatlari boshqaruv tizimini yanada rivojlantirish, uning samaraini oshirish uchun boshqaruvning yangi usullaridan foydalanishmoqda. Bir qarashda Inson resurslarini boshqarish (HRM) tizimi boshqaruvda unchalik ahamiyat kasb etmaydigandek ko‘rinishi mumkin. Aslida esa tanlangan rivojlanish siyosatini amalga oshrish ko‘p jihatdan ushbu o‘zgarishlarni amalga oshiruvchi xizmat ko‘rsatish sektorida faoliyat yurituvchi kuchlarga ya`ni inson resurslariga bog`liqdir. Har qanday korxona xoh u davlat, xoh xususiy tashkilot bo‘lsin o‘z faoliyatini odamlar orqali amalga oshiradi. Ayniqsa davlat tashkilotlarida faoliyat samaradorligi inson resurslari salohiyati bilan belgilanadi. Olim J.Pfefferning so‘zlariga ko‘ra “Yaxshi HRM tizimiga ega

[1] Manba: O`zbekiston davlat statistika qo`mitasi rasmiy sayti. https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3218-bandlik-va-mehnat-bozori-yan-dekabr

bo‘lish tashkilot a`zolarini sodiqlik, intizom va korxona maqsadlariga erishish uchun qo‘shimcha harakat qilishga undaydi. [1] Jahon tajribasiga nazar tashlaydigan bo‘lsak inson resurslari boshqaruvi sohasiga e`tiborning oshishi va ularni boshqarish tizimining takomillashuvi Hindiston information texnologiyalar sohasida o‘ziga xos bum hosil qildi. Hozirda Hindiston YaIMsining 80 foizidan ortiqrog`i aynan servis sohasi hissasiga to‘g`ri keladi. Gonkong, Amerika Qo‘shma Shtatlari va Buyuk Britaniya ham bu sohada yetakchihisoblanadi. Inson resurslari boshqaruvi tizimi yuqori samara berishi uchun eng avvalo kadrlarni jalb etish tizimiga alohida e`tibor qaratmoqlik zarur. Ishchilarni qabul qilishda anketaga qarab tanlash usuli bugungi kunda nachagina eskirgan yondashuv hisoblanadi. Qolaversa bu usul orqali kadrlarni jalb etishda ulardan kutilgan ko‘rsatgichlarga erishish darajasi ham yuqori emas. Xizmat ko‘rsatish sohasining milliy iqtisodiyotimiz uchun dolzarbligini hisobga olib, inson resurslari orqali korxonalarning samaradorligini maksimal ko‘tarishga harakat qilgan holda xodimlarni jalb etishning innovatsion usullaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Ushbu usullardan biri bu rekruting tizimidir. Rekruting (xodimlarni tanlash) bu – tashkilotlardagi bo‘sh ish o‘rinlarini to‘ldirish maqsadida potensial resurslarni aniqlash, tekshirish, saralash va ishga yollash tizimidir. Bu tizim inson resurslari boshqaruvi tizimining asosiy bo‘g`inidir.[2]

Amaliyotda aniqlash, tekshirish, saralash va tanlash uchun xodimlarni qidirib topishda rekrutingning quyidagi usullaridan foydalaniladi:

1. Korxonada mavjud ishchilar tavsiyasi
2. Og`izaki ishga taklif etish
3. E`lon
4. Davlat bandlik xizmati orqali
5. O‘quv yurtlarida so‘rov
6. Kadrlar tanlovi bilan shug`ullanuvchifirmalar
7. Internet

Topilgan nomzodlar orasidan munosiblarini tanlash uchun korxonalar o‘zlarining aniq talablarini ishlab chiqishlari lozim. Bunda xodimdan nimalar kutilayotgani va uning korxona rivojlanishidagi roli aniq bayon etilishi lozim. Umumiy ma`lumotlar, lavozim yo‘riqnimalari, ish vaqti kutuvlari, to‘lov tizimlari haqida ma`lumotlar aks etgan qo‘llanma yoki yo‘riqnoma ishlab chiqish lozim. Ish jarayoni standartlarini shakllantirish va inson resurslarini muvaffaqiyatga yo‘naltirish[3] tashkilotda kadrlar qo‘nimsizligining oldini oladi. Har bir xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotda o‘ziga xos tashkilot madaniyati mavjud. Buni rivojlantirish jamoa orasida ahillikni oshirib o‘zaro hamkorlikni yaxshilaydi. Xodimni ishga olayotganda uni tashkilot madaniyatiga mos kelishi juda muhim hisoblanadi. Hatto kuchlisalohiyatga ega xodimlar ham agar tashkilot madaniyatiga kirisha olmasalar korxonaga kutilgan samarani olib kela olmaydilar.

[1] Int. J. of Human Resource Management 17:1 January 2006 86–105
[2] Tutorials Point (I) Pvt. Ltd. 2016
[3] Erica Nicole, YFS Magazine: Young, Fabulous & Self Employed

Korxonalar ishchilarning motivatsiyalanishini chuqur anglashingiz zarur. Sababi pul mukofoti har doim ham ishchilarni ruhlantirishning eng zo‘r usuli emas. Har bir ximat ko‘rsatish sohasidagi korxona nomoddiy taqdirlash tizimini ishlab chiqishi lozim.

Ishchilarning bilimini oshirish ularni zamon talablariga mos ko‘nikmalarga ega bo‘lishlari uchun malaka oshirish va qayta tayyorlov usullaridan keng foydalanish zarur. Bu jahon hamjamiyatida O‘zbekiston iqtisodiyotining barqarorligini yuksaltirish uchun muhim vazifadir. Zero inson resurslarini rivojlantirishga kiritilgan investitsiyalar doimo o‘zini oqlaydi. So‘zimiz tasdig`ini muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2018 yil 28 dekabrdagi Oliy majlisga murojaatnomasidagi fikrlari orqali ko‘rishimiz mumkin:

Rivojlangan mamlakatlarda ta'limning to‘liq sikliga investitsiya kiritishga, ya'ni, bola 3 yoshdan 22 yoshgacha bo‘lgan davrda uning tarbiyasiga sarmoya sarflashga katta e'tibor beriladi. Chunki ana shu sarmoya jamiyatga 15-17 barobar miqdorda foyda keltiradi. Bizda esa bu ko‘rsatkich atigi 4 barobarni tashkil etadi.

Binobarin, inson kapitaliga e'tiborni kuchaytirishimiz, buning uchun barcha imkoniyatlarni safarbar etishimiz shart.[1]

Tashkilotda xodimlar samaradorligini hisoblash vas hu orqali ularni rag`batlantirishga imkon beruvchi KPI(key performance index) ni joriyetish ham maqsadga muvofiq bo‘ladi. Bu orqali kadrlar boshqaruvida qaysi sohalarga chuqurroq e`tibor berish lozimligi aniqlanadi, yuqori natijadorlikka ega bo‘lgan xodimlar rag`batlantiriladi.

Iqtisodiy faoliyatda ishchi kuchiga muayyan vazifani bajaruvchi vosita emas, balki, qimmatbaho resurs sifatida qarash, u tashkilot jamoasining bir bo‘lagi ekanligini anglashga imkon berish, xodimlarning tashkilot ichida rivojlanib o‘z mahoratlarini oshirishlariga va innovatsion g`oyalarini bayon etishga ko‘maklashish, ish faoliyatidan qoniqish hosil qiladigan muhit yaratish shubhasiz samaradorlikni bir necha barobarga oshirishga xizmat qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmati davlat rahbarining 2019 yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi
2. Int. J. of Human Resource Management 17:1 January 2006
3. Tutorials Point (I) Pvt. Ltd. 2016
4. Erica Nicole, YFS Magazine: Young, Fabulous & Self Employed

**Internet saytlari:**

http://stat.uz
http://lex.uz
http://mehnat.uz
http://kun.uz


[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmati davlat rahbarining 2019 yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Manba: https://kun.uz/uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn

**Д.Гафурова –** СамИСИ, МК-315 гуруҳ талабаси,
**Ш.Латипова –** СамИСИ ўқитувчиси, илмий раҳбар

# “МОЛИЯ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР БЎЙИЧА КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни тараққий эттиришда барча жабҳаларда инновацион ғояларни яратиш жараёнини жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг кечиктириб бўлмайдиган йўналишларини янада ривожлантириш давлатимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим бўғини ҳисобланган инновациялар ҳам бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш қилмоқда. Айниқса, иқтисодиёт таълим соҳаси, хусусан “Молия” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларда инновацион ғояларни шакллантириш бўйича кўникмалар ҳосил қилишга эришиш таълим жараёнининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган.

Ҳозирги вақтда “инновация” тушунчаси жуда кенг қўлланилмоқда. Инновация сўзи инглизча сўз бўлиб, умумий маънода инновацион янгилик киритишни билдиради, яъни тизимнинг ички тузилишини ижобий ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация назария ва амалиётнинг муҳим ажралмас қисми бўлиб, ижтимоий-иқтисодий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Ижтимоий-иқтисодий ва бошқа бир қатор муаммоларни оқилона ҳал этиш, ишлаб чиқариш ва молия тизимида янги технологияларни жорий этиш, инновацион-инвестицион инфратузилмани шакллантириш ва уни ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни янада кучайтириш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш аксарият ҳолларда инновацион фаолият ва миллий инновацион тизимнинг жадал ривожланишига боғлиқ бўлади.Бу эса шу соҳада малакали кадрлар (молиячилар)нинг мавжудлигига бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда “Молия” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида инновацион фаолиятни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад таълим мазмунини модернизациялаш, таълим сифатини ошириш, таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялар, инновацион дастурлар, яратмалар ҳамда қўлланмаларни мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига кенг қўллаш орқали талабаларда инновацион ғояларни яратиш бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборатдир. Бундай кўникмаларни шакллантириш кўп жиҳатдан дарс жараёнида амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг тўғри ташкил этилишига боғлиқлиги эса ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда, инновацион фаолиятга

қисқача тўхталиб ўтсак. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига сабаб бўладиган бўлса, бундай фаолият инновацион фаолият деб юритилади.

Шундай экан, ҳозирги таълим жараёнида мавжуд талаблар асосида “Молия” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларда мутахассислик фанларини ўқишга қизиқишни шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион фаолиятни олиб бориш педагоглардан қуйидагиларни талаб этади деб ҳисоблаймиз:

- машғулот жараёнида талабаларга етказилаётган маълумотлар турли-туман ва қизиқарли бўлиши керак. Бир хилдаги маълумотлар ва бир хилдаги таъсир тизимида талабада тезда зерикиш ҳосил бўлади;
- мутахассислик фанларидан ўтилаётган маъруза дарсларида талабаларнинг ҳар бир савол доирасида ўзлаштириш даражаси ва диққатини текшириш (назорат) қилиш мақсадида ақлий ҳужум уюштириши (ёки мавзуга оид ҳаётий саволлар бериб синаб кўриши) мумкин;
- ўрганилаётган мутахассислик фани ва айрим мавзуга қизиқиш уйғотиш учун унинг зарурлигини, муҳимлигини ҳамда мақсадга мувофиқлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш зарур. Бу нарса талабага мавзуни англаб етиш учун жуда ҳам зарур;
- янги ўрганилаётган мавзу олдинги ўтилган мавзулар билан узвий боғланса, у талаба учун янада қизиқарлироқ бўлади;
- жуда енгил ёки жуда оғир бўлган материаллар асосида ёритилган мавзу талабаларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқиш қийин, лекин талабалар кучи етадиган, улар мавзуни тушунадиган бўлиши зарур;
- энг асосийси, педагог таълим жараёнида қўлланилаётган интерактив усулларни янада такомиллаштириб (ўзгартириш киритиб), улардан кенг фойдаланиши лозим;
- ўрганилаётган мутахассислик фанига қизиқишни шакллантириш орқали ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ташкил этиш;
- талабаларнинг назорат ишлари (жорий ва оралиқ назорат) қанчалик тез текширилиб, баҳоланиб турилса, таълим жараёни ҳам педагог, ҳам талаба учун шунчалик қизиқарли бўлиб боради.

Ўйлаймизки, таълимда инновацион фаолиятни шу тартибда олиб борилиши талабаларнинг мутахассислик фанларидан эгаллаётган билимларини ўзлари ҳам қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳаттоки, хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнда талабани асосий (марказий) бўғинга айланишига эришиб, у (шахс)нинг шаклланиши, ривожланиши, билим олиши ва тарбияланиши учун шароит яратади ва шу билан бирга бошқарувчилик ҳамда йўналтирувчилик функциясини ҳам бажаради.

Молиявий фанлардан талабаларда инновацион ғояларни шакллантириш бўйича кўникма ҳосил қилинишига турли омиллар

(психологик, ташкилий, методик ва ҳ.к.) таъсир этади. Ўқитилаётган мутахассислик фанларини талабалар кўзи билан таҳлил этганда бундай омилларнинг асосийлари сифатида қуйидагилар қайд этилди:

- ўқитилаётган фанлар бўйича мавзуларнинг такрорланиши ёки бир-бирини тўлдириб бориши, узвийлиги ва кетма-кетлиги бўйича мутаносиблик (ёки унинг бузилиши);
- ўқитувчининг ўз фаолиятини доимо янгилаши ва ўзгартириш киритиш орқали фаоллаштиришга эришиш ҳамда бу жараённинг ўқитувчининг педагогик маҳорати билан боғлиқлиги ва ҳ.к.

Умуман олганда, талабаларда инновацион ғояларни шакллантириш кўникмасини ривожлантириш учун олий таълим муассасасининг ўзида кичик инновацион корхоналар (иложи бўлса кафедра қошида) тузишни рағбатлантириш, уларнинг негизида ўтилаётган мутахассислик фанига оид мавжуд молиявий муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш ва бартараф қилиш бўйича тажриба ва экспериментларни олиб боришга эришиш, ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги инновацион фаолигини ошириш (рағбатлантириш), мутахассислик фанларидан дастурларни ишлаб чиқаришда кадрлар буюртмачилари билан узвий алоқада бўлишни янада кучайтириш (1-чизма), энг асосийси талабалар томонидан яратилган молиявий инновацион ғояларнинг тегишли ярмаркаларда сотилиб, талабаларни моддий рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш ҳамда ҳар бир мутахассислик йўналиши бўйича талабаларда “инновацион ижодкорлик қобилияти”ни шакллантиришга ўргатадиган (туртки бўладиган) фаннинг ўтилишини ўйлаб кўриш лозим.




**1-чизма. Таълим жараёнида инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва талабаларда инновацион ғояларни шакллантириш модели**

Юқорида келтирилган фикр ва таклифларни инобатга олган ҳолда ва улардан кенг кўламли даражада фойдаланишга шарт-шароит яратиш келажакда “Молия” таълим йўналиши бўйича илмли, мутахассислиги бўйича инновацион ғояларни шакллантириш кўникмасига эга бўлган ёшларни мутахассис сифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ишмуҳаммедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари (методик қўлланма). Т.: - 2014.
2. Отамирзаев О. У, Зокирова Д. Н, Вахобова С. К. Методические рекомендации по организации самостоятельной работы студентов. //International Scientific Joumal.–2016,№4.
3. Report to the European Commission onNew modes of learning and teaching in higher education, October 2014.



**F.A.Djalilov** – SamDU o‘qituvchisi


## XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI MUTAXASSISLARNI TAYYORLASHDA SIFAT TARKIBINI TAKOMILLASHTIRISH

Mamlakatimizda iqtisodiyotning zamonaviy soha va tarmoqlarini, xususan, oliy ta’lim tizimini modernizasiyalash jarayonida tizimda mutaxassislar mehnatidan samarali foydalanish yo‘nalishlarini aniqlash kelajakda o‘quv jarayoni samaradorligini oshirishning asosiy shart-sharoiti bo‘lib hisoblanadi. Shu jumladan xizmat ko‘rsatish sohasi uchun kadrlarni tayyorlash hal qilinishi kerak bo‘lgan muammolardan biri hisoblanadi.

Innovatsion iqtisodiyotning rivojlanishi sharoitida oliy ta’lim muassasalari rivojlanishining asosiy mezoni bo‘lib, tayyorlanayotgan mutaxassislar sifat tarkibini takomillashtirish va xalqaro talab darajasida bo‘lishi munosibdir. Bu esa oliy ta’lim muassasalarida mutaxassislarni tayyorlash jarayonida personalni (pedagogik-kadrlarni) sifat tizimini takomillashtirishni talab etadi.

Bugungi kunda personal mehnatidan samarali foydalanish jamiyat taraqqiyotining har bir bosqichida takomillashib bormoqda. Bozor iqtisodiyotining rivojlanishi insonning tashabbuskor va faol bo‘lishini nazarda tutadi. Uning qanday yashashi, o‘zining yangi iqtisodiy tizimga singib, u bilan hamohang bo‘lib ketishi mahoratiga bog‘liq bo‘ladi. Insonning jismoniy imkoniyatlari va ma’lumotlilik darajasi, ma’naviyati qanchalik yuqori bo‘lsa, bu narsa shunchalik muvaffaqiyatliroq kechadi.

OTMlarda ta’lim sifatini oshirish quyidagi maqsadlarga erishishni nazarda tutadi:

– ISO 9000 seriyasidagi xalqaro standarti bazasida sifat tizimi asosida mutaxassislar tayyorlash darajasini oshirish;

– innovatsion axborot mahsulotlarini ishlab chiqish;

– yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlashning zamonaviy usullarini joriy etish asosida innovatsion g‘oyalarni ishlab chiqish;

– ta’lim sifati va uzluksizligini ta’minlash;

– pedagogik kadrlarni kasbiy darajasi va malakasini doimiy ravishda oshirib borish;

– yangi texnologiyalarda foydalanish asosida o‘quv jarayonini uzluksiz takomillashtirib borish;

– kasbiy masalalarni yechishga talabalarni ijodiy yondashadigan va mas’uliyatli qilib tarbiyalash.

Bizning fikrimizcha, OTMlarida mutaxassislar sifat samaradorligini oshirishning asosiy jihatlari va yo‘nalishlari quyidagilardan iborat bo‘lishi zarur:

– mutaxassisliklar va kasblar bo‘yicha pedagogik kadrlar bilan ta’min etilganligini o‘rganish va unga baho berish;

– o‘quv jarayoni samaradorligini to‘g‘ri hisoblanganini, uning o‘quv normalarida to‘g‘ri aks etganini aniqlash;

– OTM faoliyatida o‘quv jarayonini tashkil etish holatiga va uning darajasiga baho berish;

– OTMda personal mehnatini rag‘batlantirish va o‘quv jarayoni bilan bog‘liq psixologik vaziyatga baho berish;

– kadrlar qo‘nimsizligi ko‘rsatkichlarini aniqlash va o‘rganish;

– sohada mutaxassisliklar bo‘yicha pedagogik kadrlar zahiralarini aniqlash, ulardan yanada to‘laroq va samaraliroq foydalanish choralarini ishlab chiqish.

Xizmat ko‘rsatish sohasida personalni boshqarish xizmati faoliyatining sifatini aniqlash uchun birinchi navbatda baholash mezonlarini aniqlab olish lozim. Eng avvalo ushbu tashkiliy tarkiblar vazifalarining kompleks tartibda ekanligini e’tiborga olish lozim. V.N.Bas ta’kidlashicha, personalni boshqarishning sifat tarkibi qo‘yidagi elementlardan iboratdir[1]:

1. Quyidagi personalni boshqarish tizimining sifat tarkibiga quyidagilar kiradi:

– tashkiliy-institutsional tarkib;

– tashkiliy tuzilma;

– texnologiy-prosessual tarkib;

2. Mehnat jarayonlarining sifati:

– ishchi kuchi;

– mehnat predmetlari va vositalari;

– ishlab chiqarish axboroti;

– shakllanish;

– mehnat jarayoni natijasi;

3. Tashkilot faoliyati natijalari:

– biznesning obektiv natijalari;

– iste’molchilarni qabul qilish;

[1] Бас В.Н. Управление персоналом в организации, ориентированной на качество. Диссертация к.э.н. 08.00.05. М., 2003.

– aksionerlarni qabul qilish;
– personalni qabul qilish;
– jamiyat qabul qilishi.

Muallif tomonidan ushbu mezonlar ajratib ko‘rsatiladi va alohida faoliyat sohalariga nisbatan har biriga mos ko‘rsatkichni keltiradi. Ta’lim muassasalari faoliyati bo‘yicha ushbu mezonlarning barchasini qo‘llab bo‘lmaydi. Shu bilan birga tashkilotning tashkiliy tarkibi, boshqaruv jarayonlari, personal bilan o‘zaro aloqalar, mehnat sharoitlarining ahamiyati to‘liq aks ettirilgan. Talabning shakllanishi, ishlab chiqarish jarayoni va pirovard natija – sifat nuqtai-nazaridan talabni qondirish o‘rtasidagi o‘zaro aloqaning ketma-ketligini aks ettiradi. Shu asosda ta’lim jarayoni elementlari o‘zaro ta’siri sharoitida personalni sifati tarkibini ko‘rib chiqamiz.

Muhim ahamiyatga ega bo‘lgan baholash mezonlaridan biri – bu OTM ta’lim sifati ko‘rsatkichidir. Bir qaraganda ushbu vazifa asosan ta’lim muassasasi boshqaruv tizimining vazifasi hisoblanadi. Ammo chuqurroq tahlil qiladigan bo‘lsak, personalning hamda professor-o‘qituvchilarning o‘zaro uyg‘unlikda faoliyat olib borishi orqali butun OTM faoliyatini samarali tashkil etishga xizmat qiladi. OTMda ta’lim sifati haqida o‘quv dasturlari, huquqiy-me’yoriy talablarga rioya etish, jarayonlarning hujjatlashtirilishi, talabalarning o‘zlashtirish ko‘rsatkichlari, ilmiy tadqiqot faoliyati va natijalari, talabalarning ta’lim muassasasi xodimlari bilan o‘zaro munosabatlarining samarali tashkil etilganligini e’tiborga olib xulosa chiqarish mumkin.

Personal faoliyatining samaradorligiga xodimlar uchun yaratilgan mehnat sharoitlari xizmat qiladi. Texnologiyalarning rivojlanishini e’tiborga olish, mehnat sharoitlarida qulayliklar yaratish va takomillashtirish lozim. Bunday holda ta’lim berish jarayoni samarali bo‘ladi. Noquyliklar professor-o‘qituvchilarning e’tiborini chalg‘itmaydi. O‘z o‘rnida talabalar ham qulay sharoitlar: yorug‘ va keng xonalar, xona xarorati va boshqalar mavjud bo‘lganda berilayotgan ma’lumotlarni to‘liq anglab oladilar. Bundan xulosa qilish mumkinki, personalni boshqarish sifati mezonlarini hammasini ham xodimlarga bog‘lash mumkin, chunki bajaraliyotgan funksiyalarning bir qismi ta’lim jarayonining sifatini ta’minlashga qaratilgandir.

Xulosa qilish mumkinki, OTMda sifatni ta’minlashga qaratilgan siyosatga ko‘ra mehnat jarayonining har bir bosqichida intizomga rioya etish hamda xodimlarni sifat ko‘rsatkichlarini oshirish zarurligi va shu kabilar to‘g‘risida xabardor qilib turish lozim. OTM o‘z maqsadiga erishishida xodimlar va professor-o‘qituvchilar muhim o‘rin tutadi. Jumladan murakkab raqobat sharoitida xizmat ko‘rsatish sohasi uchun zamonaviy talablarga javob beradigan xodimlar va boshqaruv personalini tayyorlash davr talabidir. Shu sababli personalni boshqarish sohasidagi islohotlar ahamiyati ortib bormoqda.

**Ф.Д.Носирова** – ЎзР ИИВ Жиззах академик лицейи етакчи ўқитувчиси

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ (XX асрнинг 20-80 йиллари мисолида)

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кадрлар масаласи муҳим ўрин тутади. Негаки, айнан малакали кадрлар корхонада иш самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Улар ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариш билан бирга, бугунги кунда ҳаётга тадбиқ этилаётган янгидан-янги қарорлардан тўғри хулоса чиқариб, энг асосийси, ишни тўғри ташкил этишда салмоқли вазифаларни амалга оширадилар.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида маиший хизмат кўрсатиш тизимида аввало, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжда кўзга ташланди. Хусусан, XX асрнинг 20-йиллари ярмида Ўзбекистон ССР Ҳунармандчилик иттифоқи томонидан республикада завод ва фабрикалар суст ривожланганлиги, кўпгина ишлар ҳунармандлар томонидан бажарилишини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳунарманд ёшлар мактабини ташкил этишнинг зарурати масаласи кўтарилди[1]. Совет ҳукумати саноатнинг барча турлари учун ишчи, техник ходимлар тайёрлашнинг асосий воситаси сифатида ФЗУдан (фабрика-завод ўқувчилик мактаби) кенг фойдаланди[2].

Бу даврда соҳада малакали замонавий техникани биладиган малакали ишчилар ниҳоятда кам бўлиб, ҳунармандчилик артелларига ҳам кадрлар етказиб бериш муаммоли масала эди. Жумладан, 1929 йил Марғилон ҳунармандчилик иттифоқини малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда бўлиб, у ерга "ҳеч нарсага ярамайдиган ва ўзбек тилини билмайдиган" мутахассислар юборилган, аммо маҳаллий миллат вакилларидан кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилмаган[3].

1930 йилларда артелларнинг ўзида кадрлар тайёрлана бошлади. Хусусан, 1935 йилда Қўқон шаҳридаги "Иттифоқ" артели қошида ФЗУ мактаби ташкил этилган. Ушбу мактаб Фарғона водийси учун 60 нафар тўқувчи ва йигирувчи уста шогирдларини тайёрлашга мўлжалланган эди. 1935-1936 ўқув йилларида мактаб, синф ва ётоқхона етишмаслиги сабабли, жиддий қийинчиликларга дуч келинди. 1936 йил маълумотларига кўра, ФЗУ мактаби "очиқ осмон остида эканлиги, бу туришда ушбу мактаб келгусида ёпилиши муқаррарлиги" қайд этилди[4].

---

[1] ЎзР МДА, Р.297-фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 25-варақ.

[2] Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни "социалистик" асосда саноатлаштришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941йиллар) Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2001. – Б.114-115.

[3] ЎзР МДА, Р.297- фонд, 1-рўйхат, 282-иш, 74-варақ.

[4] ЎзР МДА, Р.2325- фонд, 1-рўйхат, 79-иш, 11-варақ.

1933 йилда ҳунармандчилик кооперацияси тизимида шогирдларни тайёрлаш ташкиллий асосда юритилиб, касбий мактаблар, ФЗУ мактаблари, умумий устахоналар ва артелларда таълим олиш ишлари орқали амалга оширилган. Ўқувчиликка 15-18 ёшгача бўлган ёшлар қабул қилинган. ФЗУ мактабларида таълим олиш бир йилдан, касбий мактаблар ва бригада усулидаги ўқувчиликда эса икки йилдан ошмаслиги белгиланган[1].

1950 йилларда ҳунармандлар кооперацияси тизимидаги артеллар малакали иқтисодчилар ва бош ҳисобчилар билан таъминланган бўлса-да, ишлаб чиқариш бўйича малакали олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ходимларга эҳтиёж катта эди[2].

Шу даврда соҳадаги раҳбар кадрларнинг маълумот даражасини таҳлил этилса, қўйидаги ҳолатлар кўзга ташланади. Хусусан, артеллардаги 268 нафар бошқарув раисларидан 163 нафари, 242 нафар техник раҳбарлардан 150 нафари ҳамда 159 нафар бошқарув раиси ўринбосарларидан эса 63 нафари фақат бошланғич ва етти йиллик маълумотга эга бўлган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу даврда Қорақалпоғистон АССР даги 15 нафар артеллар бошқарув раислари ва 10 нафар техник раҳбарлари ҳаттоки ўрта маълумотга ҳам эга бўлишмаган. Умуман, бу каби ҳолатлар Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм вилоят ҳунармандчилик кенгашларида ҳам кузатилиб, 80-90 фоиз артеллардаги бошқарув раислари ва техник раҳбарлар ўрта маълумотга ҳам эга бўлишмаган[3].

1960-1970 йилларда мавжуд ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида кадрларни тайёрлашда баъзи йўналиш бўйича мутахассис ўқитувчилар йўқлиги, дарс машғулотлари учун кўргазмали қуроллар ва жиҳозлар етишмаслиги ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, 1967 йил Денов шаҳридаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида “Сартарошлик ишида материалшунослик” машғулотини қишлоқ хўжалиги машиналари бўйича техник ходим, “Сартарошлик иши” машғулотини эса мутахассислиги филолог бўлган комбинат директори олиб борган[4].

Айтиш мумкинки, 1966 йилга қадар республикада айнан маиший хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларини тайёрлайдиган алоҳида ўқув юрти йўқ мавжуд эмас эди. Фақатгина 1966 йилдан Фарғона маиший хизмат кўрсатиш техникуми ташкил этилиб, унда маиший хизмат кўрсатишнинг электрон аппаратуралар, тикувчилик, бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш, фототехника, кимёвий тозалаш, кўп каналли электр алоқаси, телевизион техника ҳамда автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлана бошланган[5]. 1972-йилга келиб Фарғона политехника институтида “маиший хизмат кўрсатиш

[1] ЎзР МДА, Р.2325- фонд, 1-рўйхат, 79-иш, 45-варақ.
[2] ЎзР МДА, Р.2325- фонд, 1-рўйхат, 1916-иш, 3- варақ.
[3] ЎзР МДА, Р.2325- фонд, 1-рўйхат, 3058-иш, 105-106-варақлар.
[4] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 19-20-варақлар.
[5] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 727-иш, 2-3-варақлар.

технологияси” факультети фаолият юрита бошлаган. Соҳага доир кадрлар тайёрлашда анъанавий устоз-шогирдчилик тизимидан ҳам фойдаланилиб, ёш ходимлар кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган малакали усталарга бириктирилган[1].

Соҳада малакали кадрларга эҳтиёжи мавжуд бўлсада, кадрлар қўнимсизлиги масаласи ҳам асосий муаммолардан бири эди. Чунончи, 1936 йил Ўзбекистон ҳунармандчилик иттифоқидаги ҳунармандчилик артелларига 27658 киши ишга кирган бўлса, улардан 17842 киши ишдан бўшаган[2].

XX асрнинг 70-йиллари ўрталарига келганда ҳам бу муаммо хизмат кўрсатиш тизимида оғриқли нуқталардан бири эди. Хусусан, Сирдарё вилоятидаги маиший хизмат бошқармасига 1976 йилда 1616 нафар ходимлар ишга қабул қилинган бўлсалар, бўшаганлар сони 583 тани, Хоразм вилоятида 907 нафар ходим ишга қабул қилинган бўлса, 917 нафар ходим ишдан бўшаган, Самарқанд вилоятида 2060 нафар ишга қабул қилинган бўлса, 1550 нафари ишдан бўшаганлиги аниқланган[3].

Қайд этиш лозимки, маиший хизмат муассасаларида кадрлар қўнимсизлиги иш шароити яхши бўлмагани, иш тўғри ташкил этилмагани, уй-жой билан таъминланмаганлик ва ойлик маошнинг камлиги билан боғлиқ эди. Шуни айтиш керакки, XX асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмида республикада маиший хизмат кўрсатиш тармоғида мавжуд кадрлар қўнимсизлиги бошқа тармоқларга нисбатан “рекорд” даражада баланд бўлган[4].

Хулоса тарқиасида айтиш мумкинки, совет ҳукумати томонидан маиший хизмат кўрсатиш соҳаида кадрларни тайёрлашда бир мунча ишлар амалга оширилган. Бироқ, соҳага оид кадрларни тайёрлашда ва турли муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд муаммоларга етарли эътибор қаратилмаган. Бу эса ўз навбатида, узоқ йиллар мобайнида соҳанинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини мавжуд бўлиши ҳамда кадрлар қўнимсизлигининг юқори даражада бўлишига, умумий кўрсаткичда эса маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳажми Иттифоқ республикаларига нисбатан охирги ўринларда бўлиб келишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Маиший хизмат кўрсатишнинг устки-кийимларни ва оёқ-кийимларни бичувчилар, этикдўзлар, сартарошлар, маникюрчилар, маиший техникани таъмирловчилар, янги технологик ускуналарда ишлай оладиган мутахассисларга эҳтиёж катта бўлган.

---

[1] ЎзР МДА, Р.2698-фонд, 1-рўйхат, 1358-иш, 45-варақ.

[2] Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941йиллар) Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2001. – Б.131.

[3] ЎзР МДА, Р-2698 фонд, 1-рўйхат, 725-иш, 75-91 варақ.

[4] Хашимов Б.Х. Использование рабочей силы в сферы бытового обслуживания Узбекской ССР. Автореф…дисс.канд. эконом. наук. – Ташкент. 1976. – С.19.

# VII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”

**М.Қ.Пардаев –** СамИСИ профессори, и.ф.д.,
**Ш.Б.Ўсаров –** СамИСИ магистранти

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ КИМГА ВА НИМА УЧУН КЕРАК?

Бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳақида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Аммо одамлар орасида рақамли иқтисодиёт кимга ва нима учун керак, деган саволга ечим ахтараётганлигига кўзимиз тушади.

Ушбу саволга жавоб бериш учун, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” асарида келтирилган “Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат нияти қилган нарсаси берилади” [1] деган ҳадисни келтирилганлигига алоҳида аҳамият беришни истар эдик. Ҳамиша холис нияти яхшиликларга олиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Бизда бунга амал қилиниб келинмоқда. Шу туфайли холис нияти қилиб, 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилган эди. Мазкур йилда мамлакат ва ҳудудлар кесимида давлат дастури тузилди ва улар асосан бажарилди. Бунга алоҳида тўхталиб, мазкур дастур бўйича “21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширилганлигини алоҳида таъкидланган[2]. Жорий йилда ҳам яхши нияти билан 2018 йилда бошлаган ишларимизни мантиқий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида, “2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном бериш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур”[3],

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь
[3]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

деб кўрсатиб ўтди. Рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим жиҳати, иқтисодиётни сахталаштириш имконияти чекланади. Бу жуда кўп ижобий ишларни амалга ошириш учун асос бўлади:

- иқтисодиётда коррупция кескин қисқаради ва унинг олди олинади;

- маълум маънода иқтисодиёт соҳасида тартиб-интизом ўрнатилади ва мутасадди ходимларнинг масъулияти ошади;

- иқтисодиётда ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ва бошқа макро ва микро иқтисодиёт кўрсаткичларининг реал ҳажмини аниқлаш имконияти яратилади;

- иқтисодиётда нореал рақамларнинг иштирокига барҳам берилади ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам яратилади.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир муҳим жиҳати, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлилларга таянган ҳолда "ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради"[1], деб таъкидланган. Шунинг учун Ҳукуматга рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бу борада ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳам алоҳида уқтирилган.

2019 йилда иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифаларни ҳам аниқ белгилаб берди. Шу йилда ҳам олдинги йилларда амалга ошириладиган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилади. Шу йилда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган:

"– очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

– иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

– иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

– "яширин" иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;

– валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

– иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш" [2] масалалари устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Ушбу вазифаларни бажариш борасида амалга оширадиган ишларимиз рақамли иқтисодиётниг кимга ва нима учун керак, деган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

саволга жавоб бўлади. Буларга эришиш учун ҳам асосан рақамли иқтисодиётга ўтиш масаласи муҳим бўлиб турибди. Жумладан, очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш учун ҳам биринчи галда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш лозим.

Иккинчи вазифа, яъни иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш масаласи ҳам бевосита юқоридаги рақамли иқтисодиётни жорий қилишни тақозо қилади. Зеро, рақамли иқтисодиёт жорий қилинса давлатнинг иштироки ўз-ўзидан камайиб бораверади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳам жуда кўп омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Улардан бири айнан рақамли иқтисодиёт бўлиб ҳисобланади. Мазкур иқтисодиёт шароитида таъминланган интизом, албатта иқтисодиётни модернизация қилиш учун тегишли шароит яратади. Ушбу масала уни диверсификация қилиш учун ҳам қўл келади. Меҳнат унумдорлигининг оширилиши ҳам юқоридаги модернизациянинг ҳосиласи сифатида номоён бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш учун ҳам рақамли иқтисодиётни жорий қилишни тақозо қилади. Чунки, рақамли иқтисодиёт шароитида уни сахталаштиришнинг имконияти чекланган бўлади. Шу туфайли ушбу иқтисодиётни жорий қилишнинг аҳамияти беқиёс. Булардан ҳам кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиётни жорий қилиш тадбиркор учун ҳам, давлат учун ҳам, жамият учун ҳам, мулкдор учун ҳам жуда керак экан. Чунки ушбу иқтисодиёт уларнинг манфаатларига мутаносиб равишда мос келади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уни модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида жуда кўп дастурлар ишлаб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Чунки, Ўзбекистонда валюта либерализациясидан кейин бирмунча вазият ўзгарди ва анча енгилликлар яратилди. Аммо ҳамон бу борада яшириш иқтисодиёт ва қора бозорнинг аломатлари сақланиб қолаётганлиги ҳам сир эмас. Буларни бартараф қилиш учун ҳам рақамли иқтисодиёт маълум даражада хизмат қилади..

Яна бир муҳим масала, иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқариш учун, уни амалга оширишга қодир бўлган малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам ўта долзарб муаммолардан биридир. Кадрлар малакали бўлиш билан бирга, диёнатли,

инсофли, бировнинг, давлатнинг ҳаққидан, жиноят ва хиёнат қилишдан қўрқадиган маънавиятга эга мукаммал инсон бўлишлари лозим. Бундай кадрларни тайёрлаш масаласи бугунги кунда катта ташкилил-ҳуқуқий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг жорий қилиниши уни ифодаловчи кўрсаткичларнинг аниқ ва реаллигини, сахта рақамларнинг бартараф бўлганлигини, иқтисодиётдан манфаатдор субъектларнинг (давлатдан тортиб қуйидаги корхоналар, ҳатто шахсий тадбиркорларгача) бир хил манфаатдорлигини таъминлайди.

**Р.А.Сейтмуратов –** д.э.н., заведующий кафедрой Экономики и бизнеса, СамГУ

## ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Термин «цифровая экономика» стремительно вошел в нашу жизнь. Эта тема стала предметом многочисленных обсуждений в органах государственной власти, экспертном сообществе и обществе в целом. Старт этому процессу был дан на Давосском форуме, выступая на котором президент форума профессор К. Шваб предупредил о грядущем глобальном социальном кризисе. По его мнению, развитие технологий в ближайшие годы оставит без работы десятки миллионов человек. Четвертая промышленная революция – это смешение технологий физического, цифрового и биологического мира, которое создает новые возможности и воздействует на политические, социальные и экономические системы.

Сама по себе постановка задачи перехода к новым технологиям организации государственного управления и экономики заслуживает безусловной поддержки. Поворот от «управления деньгами» и экспортными потоками углеводородов к «управлению технологиями» представляется крайне важным. Однако на практике такие решения не всегда давали ожидаемый эффект. По нашему мнению, такая ситуация во многом обусловлена реализацией подхода, который формулируется как «инновации без науки», поскольку большинство подобных решений принималось на основании весьма общих соображений без достаточной экспертной научной оценки. Чтобы избежать в перспективе подобной ситуации программу «цифровой экономики» именно сейчас имеет смысл проанализировать, обсудить и, возможно, скорректировать.

Очевидно, что не имеет смысла спорить о выводах и теоремах, если они исходят из разных основополагающих положений, аксиом. Как известно, 2019 год в Узбекистане объявлен Годом активных инвестиций и социального развития[1]. Однако, среди ученых-экономистов существует

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ.

глубокое деление. Одни считают, что экономика призвана обслуживать интересы человека, другие же категорически возражают, считая, что в этом случае экономика превращается в собес. Поэтому обозначим нашу позицию. Будем исходить из того, что при рассуждениях о путях развития водоразделом является вопрос: «Человек для экономики или экономика для человека?» Если «человек для экономики», то большим достижением можно считать «снижение уровня инфляции», «макроэкономическую стабильность», «рост валового внутреннего продукта» (ВВП), повышение удельного веса сферы услуг, туризма в ВВП и т.д.

Если «экономика для человека», то естественно оценивать качество жизни в реальных, важных для человека натуральных качественных показателях: здоровье, качество образования, социальная защищенность, достаток, продовольствие, энергетика, уровень и полнота сервиса и т.д. Мы будем далее исходить из необходимости перехода к парадигме «экономика для человека», искренне уважая коллег, отстаивающих иную позицию.

Мы считаем, что программа «цифровая экономика», как, впрочем, и другие государственные программы, должна исходить из интересов большинства населения. И последнее – реальность не признаёт удобного и привычного для нас деления на «экономику», «социологию», «технологии», «безопасность» и т.д. Проблемы, которые жизнь ставит перед нами, обычно являются системными и междисциплинарными. И наши решения должны быть такими же.

Экономическая составляющая информационного неравенства зависит от цены как, собственно, информации, так и стоимости её передачи. Поэтому возможности доступа к информации определяется, в том числе, и уровнем платежеспособности. В технологическом плане доступ к информации может быть затруднён отсутствием необходимых систем приёма и передачи информации, техническим возможностями телекоммуникационных систем, не позволяющих обеспечить доставку информации на всю территорию страны. Несовершенство систем защиты информации создаёт угрозы личной безопасности граждан. Так, например, сбор персональных данных, сведение их в базы данных и последующее неконтролируемое распространение формируют информационную базу деятельности криминальных структур. Кроме того, неконтролируемое использование ИКТ способствует появлению новых видов преступности, среди которых наиболее опасными для общества являются терроризм, преступления против личности, в области банковской деятельности, в области охраны интеллектуальной собственности и др. С точки зрения национальной безопасности особую угрозу представляют использование ИКТ в террористических целях, несанкционированное информационное воздействие на общество, а также на технические системы обеспечения безопасности. При этом следует отметить, что в ряде случаев это воздействие, хотя и даёт ярко выраженный отрицательный эффект, но

Тошкент, 28.12.2018 й. 25-бет.

изначально не ставит себе такой цели. В этом плане показательна ситуация с освещением в СМИ и, прежде всего, на телевидении, современных проблем науки. Так, в настоящее время отечественная наука и её достижения не находят адекватного отражения в информационном пространстве. Более того, в обществе посредством ИКТ формируется неадекватное, а порой и негативное отношение к науке. На индивидуальном уровне ИКТ играют роль и как инструмент образовательной деятельности, и как средство труда, и как средство удовлетворения индивидуальных потребностей. Использование ИКТ в образовании требует кардинального пересмотра подходов к системе воспитания и образования на базе ИКТ. Это позволяют расширить доступ к образовательным услугам, повысить адаптивность и обеспечить непрерывность образования в течение всей жизни. Но при этом наблюдаются такие негативные явления как формирование у детей так называемого «клипового» и «кликового» сознания. Суть этих процессов заключается в том, что ребёнок с детства привыкает простым нажатием кнопки получать информацию в концентрированном виде, но при этом не вырабатываются навыки по её осмыслению и анализу. Следствием этого является утрата творческих начал и формирование стиля поведения, заключающегося в следовании установленным процедурам. Кроме того, неконтролируемый доступ к виртуальному пространству в детском и юношеском возрасте может привести к такой ситуации, когда будет утеряна грань между действительностью и иллюзиями, сформировано превратное представление об окружающем мире. Развитие информационных технологий подталкивает нас в сфере знаний к полной зависимости от техники. Избыточность информации вокруг создает иллюзию ее постоянной достаточности. Из «внутреннего» знание постепенно становится «внешним». Мозг человека уже более не является единственным хранилищем информации и носителем знаний. С расширением технических возможностей доступа к информационным источникам все актуальнее становится студенческая поговорка: «Главное не знать, а знать, где взять». Если в доиндустриальном и индустриальном обществе знание является внутренним, составляющим основу и преобразующимся в умения и навыки, то в информационном обществе знание становится внешним, подобно тому, как панцирь рака одновременно является его скелетом. Все облегчающийся доступ к огромным мировым информационным массивам позволяет человеку вольно или невольно «отдавать на аутсорсинг» функцию памяти различным цифровым устройствам. Таким образом, человек добровольно превращает собственную память в атавизм. При этом человек теряет индивидуальность информационного пространства. Таким образом, на повестку дня выходит вопрос планирования и экспертизы технологий уже на стадии их создания. Массовость, стандартизация, взаимозаменяемость стали отличительными чертами ушедшего века. Ситуация кардинально

изменилась в последние десятилетия. За прошедший век численность людей, которые нужны для производства товаров, необходимых обществу, уменьшилась. Если ориентироваться на занятость населения в странах-лидерах, то из 100 человек 2 работают в сельском хозяйстве и кормят себя и всех остальных, 10 – в промышленности, 13 – в управлении. Что должны делать остальные 75? Это ключевой вопрос, ответ на который даст ближайшее будущее.

**Ж.Р. Зайналов** - СамИСИ профессори, и.ф.д.,
**Ш.М.Латипова** – СамИСИ ўқитувчиси

## СИФАТЛИ ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда лизинг хизматларини самарали ташкил этишга катта эътибор берилди. Ривожланган мамлакатлардаги лизинг компаниялари каби бизнинг давлатимизда ҳам лизинг компаниялари тараққий этиб, улар бажарадиган хизматлар такомиллашиб бормоқда. Лизинг компанияларининг хизматлари улар учун маълум миқдорда даромад олишга қаратилган. Сўнгги йилларда лизинг хизматларининг турлари ва миқдори кўпайиб, бу ҳолат лизинг компанияси фаолиятининг жиддий йўналишига, унинг даромади манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда лизинг компаниялари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар даромадида асосий ўринни турли соҳаларга лизинг хизматларини кўрсатишдан келадиган тушумлар эгалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси лизинг компаниялари томонидан аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва сифат кўрсаткичлари жиҳатидан халқаро лизинг компаниялари амалиёти андозалари талабларига жавоб бериши муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда лизинг компаниялари ўртасида рақобат муҳити тўлиқ шаклланмаганлиги мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтиришга ва сифатини оширишга салбий таъсир қилмоқда.

Лизинг компаниялари хизматларининг миқдорий тавсифи хизматларнинг миқдори, кўлами ва доираси билан белгиланса, лизинг компаниялари томонидан хизматларнинг сифат тавсифи хизматларнинг сифати, тезкорлиги ва мақсадли амалга оширилиши, мижозларнинг қаноатланиш даражаси билан ифодаланади. Лизинг компаниялари хизматларининг миқдорий ва сифат тавсифи ҳамда самарадорлиги улар томонидан баҳолаш соҳасида олиб борилаётган сиёсат билан узвий боғликдир. Лизинг компанияларининг лизинг хизматлари учун асосланган баҳоларни аниқлаш улар учун лизинг бозорининг ўзгарувчан конъюктурасига мослашиш имконини яратади.

Халқаро лизинг хизматлари амалиётида лизинг компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг бир неча тури мавжуд. Ўзбекистон Республикаси лизинг компаниялари томонидан мижозларга 10дан ортиқ хизмат турлари ва юзлаб жиҳозлар техник воситалари лизингга тақдим этиш таклиф этилади. Лизинг компаниялари томонидан таклиф этилаётган хизматлар бўйича тўловлар мустақил белгиланади ва улар хилма-хилдир.

Лизинг хизматлари деганда лизинг компанияларини стратегик ва тезкор фаолияти ҳамда самарали бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаракатлар мажмуаси тушунилади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон лизинг компаниялари ўз хизматларини етарли даражада шакллантиришга эришди. Бироқ улар ўртасидаги рақобат уларни қўшимча мижозлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш учун янгича ёндашишга ундамоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида лизинг хизматлари тобора кенгайиб, хизмат сифати яхшиланмоқда, янги истиқболли мижозларни жалб қилишда рақобат кучайиб бормоқда. Лизинг компаниялари хизматларини ва уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун лизинг хизматлари таркибий тузилишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Лизинг хизматларини қуйидаги турли мезонлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Мижозлар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилиши жиҳатидан:

- Тўғридан-тўғри хизматлар (лизингга олувчи-лизингга берувчи ўртасида воситачисиз) бевосита мижозларнинг эҳтиёдларини қондиради, масалан, жиҳозларни сотувчи (ишлаб чиқарувчи)сиз лизингга бериш, тўловларни ўтказиш, инновацион-инвестицион хизматлар;
- Билвосита хизматлар, яъни сотувчи (ишлаб чиқарувчи) орқали мижозларга тақдим этилиши билан уларга қулайлик туғдирадиган ва фойдали лизинг хизматлари (молиявий лизинг).

2. Мижозларнинг юридик мақоми жиҳатидан лизинг хизматларини иккига бўлиш мумкин:

- Юридик шахсларга кўрсатиладиган молиявий лизинг хизматлари;
- Жисмоний шахсларга кўрсатиладиган молиявий лизинг хизматлари.

3. Лизинг компанияси фаолиятидан келиб чиқиб:

- Асосий лизинг хизматлари;
- Қўшимча лизинг хизматлари фарқланади.

4. Мураккаблик даражаси бўйича лизинг хизматларини қуйидаги даражаларга бўлиш мумкин:

Биринчи даражали жиҳоз (техник воситалар ва б.) ва хизматлар – кўпчилик истеъмол қилувчи ва фойдаланувчиларга лизинг компанияси томонидан кўрсатиладиган оператив лизинг хизматлари.

Иккинчи даражали жиҳоз (техник воситалар ва б.) ва хизматлар – махсус тайёргарликка эга бўлган лизинг компанияси ходимларини (лизинг компанияси томонидан лизингга бериладиган активлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлган) талаб қилувчи хизматлар;

Учинчи даражали хизматлар – профессионал билим ва тажрибани талаб қилувчи хизматлар (лизинг компаниясининг турли активларини бошқариш);

Тўртинчи даражали хизматлар – молияни режалаштириш, молияни бошқариш соҳасидаги махсус билимларни талаб қилувчи хизматлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, интернет пайдо бўлиши билан мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва молиявий операциялар ўтказишнинг янги стандартлари билан ажралиб турувчи лизинг хизматлари бозори шаклланди. Бунда пул кўчирмаларида электрон пуллардан фойдаланиш, интеллектуал дастур таъминоти ва тармоқ технологияларини такомиллаштириш ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

Лизинг хизматлари сифатига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- лизинг компаниясининг барқарорлиги ва обрўси;
- лизинг компанияси активлари ва капитали ҳажми;
- мижоз базаси;
- кўрсатиладиган лизинг хизматлар кўлами ва ҳажми;
- мавжуд филиаллар ва уни кенгайтириш истиқболлари;
- реклама сиёсати;
- малакали мутахассислар;
- юқори технологик масофавий лизинг хизматларини кўрсатишни жорий этиш.

Лизинг хизматларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига турли хил омиллар таъсир кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

**Лизинг компаниялари хизматларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар**

| Ички | Ташқи |
|---|---|
| Активлар ва капитал ҳажми | Лизинг компанияси ташқи сиёсати |
| Маркетинг фаолияти | Лизинг компанияси капиталида давлат улушининг даражаси |
| Тариф (нарх) сиёсати ва элстиклиги | Лизинг бозорининг ривожланиш даражаси |
| Лизинг объектларининг ривожланганлик даражаси | Лизинг соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар |
| Лизинг компанияси ходимлари малакаси ва ихтисослашуви | Аҳолининг лизинг объектини олиш бўйича реал тўлов қобилияти даражаси |
| Лизинг компаниясининг хизматлар бозоридаги стратегияси | Аҳолининг лизинг компанияси ва хизматларига бўлган ишончи |

Лизинг компанияси фаолиятини даромадлилик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш лизинг компанияси сиёсатини шакллантириш, кам даромадли операцияларни аниқлаб, компания учун сезиларли даромадлар олиш имконини берувчи таклифларни ишлаб чиқиш асосларини яратади. Ушбу масалаларни ечишда фаолиятнинг иқтисодий, молиявий таҳлили,

компания молиявий ресурслари ҳаракатини бошқариш механизми, капиталдан фойдаланишнинг самарали ва оқилона тизими сифатидаги молиявий менежменти катта аҳамият касб этади.

Лизинг компанияси томонидан кенг кўламли лизинг хизматларининг кўрсатилиши, унинг мижоз (лизингга олувчи) учун ишлаши бугунги куннинг талабидир. Шундай экан, мижоз (лизингга олувчи)лар манфаатини кўзлаган ҳолда лизинг компанияси учун даромад келтирадиган дастурларни яратиш, тадбирларни уюштириш, ҳар бир молиявий лизинг хизмати туб моҳиятини, фойдали ва зарарли томонларини мижоз (лизингга олувчи)ларга тушунтириб бериш билан шуғулланувчи лизинг компаниясида бўлимларни очиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Молиявий лизинг хизматларни кенг доирада олиб бориш компания учун даромад манбаини кенгайтиради ва уларни замонавий банк даражасига олиб чиқади.

Лизинг компанияси хизматининг сифат кўрсаткичларини оширишда лизинг компаниялари ўртасида рақобат омили муҳим аҳамият касб этади. Чунки рақобат жараёни лизинг хизматларининг миқдори ва сифатини оширади. Бундан ташқари, лизинг компаниялари фаолиятида қуйидаги йўналишларни жорий этилиши бўйича таклифларнинг амалга оширилиши лизинг компаниялари хизматининг сифат кўрсаткичларини яхшилайди деб ҳисоблаймиз:

1. Лизинг компаниялари фаолиятида замонавий ахборот технологияларни қўллаш орқали харажатлар камайтирилади. Шунингдек, инновацион технологиялар мижоз вақтини тежашга ва харажатларини қисқартириб, лизинг операцияларни тезкорлик билан амалга оширишни таъминлайди. Бугунги кунда республикамизда глобал интернет тармоғининг юқори суръатларда кенгайиши ва мобиль алоқа хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўсиб бораётганлиги мазкур йўналида масофавий лизинг хизматларини кенг жорий қилишни тақозо этади.
2. Лизинг компанияларининг фаолиятини такомиллаштириш.

Лизинг компаниялари томонидан лизинг олувчи мижозлар эҳтиёжини аниқлаш ва улар учун зарур лизинг хизматларини белгилаш маркетинг тадқиқотларига асосланади. Маркетинг тадқиқотларини аҳолининг маълум гуруҳлари ўртасида ташкил этиб, уларнинг лизинг хизматларига бўлган талабини баҳолаши ва шунга мос сиёсатни амалга оширилиши лозим.

3. Лизинг компанияси фаолиятини кенг тарғиб қилиш.

Лизинг компаниялари ва унинг кўрсатадиган лизинг хизматлари ҳақида аҳоли ўртасида кенг тарғиботнинг йўлга қўйилганлиги келажакда лизинг компаниясининг мижоз (лизингга олувчи) базасини кенгайишига олиб келади. Чунки аҳоли ёки хўжалик юритувчи субъектлар қайси лизинг компанияси тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлса, лизинг компаниясининг ушбу хизматларидан фойдаланиш даражаси ортади. Банк

фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва уни танитиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Интернет тармоғида реклама доирасини кенгайтириш;
- Телевидение ва радио тармоқларида лизинг хизматлари ҳамда унинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни тарғиб этиш;
- Оммабоп матбуот нашрларида лизинг компанияси фаолиятини тағиб этиш.

Шунингдек, лизинг компанияси фаолияти билан яқиндан таништириш ва уни кенгайтириш учун конференциялар ташкил этиш, лизинг компанияси ҳомийлигида тадбирларни уюштириш ва турли акцияларни ташкил этиш орқали мижоз (лизингга олувчи)ларни кенг жалб этиш мумкин.

4. Лизинг компанияси ходимларининг касбий маҳоратини баҳолаш.

Лизинг компанияларида ходимлар фаолиятини баҳолаш менежментнинг муҳим йўналиши бўлиб ҳисобланади. баҳолаш жараёни лизинг компанияси фаолиятининг ҳамма босқичларида, яъни ишга олишда, лавозимини ўзгартиришда, иш жараёнида ва бошқа ҳолатларда кечади. Баҳолашдан мақсад ҳодимнинг иш фаолиятидаги қобилиятини тўлалигича намоён этишига шароит яратиш. Бириктирилган вазифаларнинг бажариш сифатини таҳлил этилиши асосида ҳодим фаолиятига баҳо берилади.

Лизинг компанияси мутахассислари (ходимлари) лизингга олувчи мижозлар билан доимий алоқада бўлувчи ва хизматларни кўрсатувчи шахслар ҳисобланиб, лизинг компанияси фаолияти натижалари ҳодимлар билим даражаси ва касбий маҳоратига бевосита боғлиқ. Лизинг компаниялари мутахассис ходимлари фаолияти самарадорлиги ва жозибадорлигига эришиш, пировард натижада олинадиган даромад билан мижозларни жалб этишдан иборатдир. Ҳар бир хизмат турининг самарадорлиги ўз навбатида лизинг бозори ҳолати, ушбу хизмат турига бўлган талаб ҳамда унинг сифатига тўлиқ боғлиқ бўлиши лозим.

**Ж.Х.Қамбаров** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академияси, 2-босқич тингловчиси

## МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

*“Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган*

*таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда. Шунинг учун Ҳукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш топширилади. Бу борада ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур"*[1].

Рақамли иқтисодиётни таърифлашга кўплаб ёндашувлар мавжуд, жаҳон банкини аниқлик киритишича, рақамли иқтисодиёт бу-рақамли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар тизимидир. Иқтисодиёт ва ахборот технологияларининг уйғунлашуви деб аташ хам мумкин. В.М.Бондаренконинг сўзларига кўра[2], "Рақамли иқтисодиёт" бу яхлит тизимли тўртинчи саноат инқилобининг технологиялари билан мос келадиган, инсонлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар муаммосининг ечим моделини топиш демакдир. Рақамли иқтисод иқтисодиётнинг юқори технологияли бизнес тузилмалари томонидан электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган ва бу маҳсулотларни электрон тижорат орқали тақсимлаш имконини беради.

Яқин келажакда иқтисодиётнинг рақамли трансформациясидаги асосий омиллар шартли равишда 4 блокга бўлинган ахборот технологиялари қуйидагилардан иборат: интернет, шу жумладан саноатлашган, булутли ҳисоблаш, робототехниканинг ривожланиши, сунъий интелект; катта маълумотлар ва қўшимча 3Д технологиялари; алоқа технологиялари, квант ва суперкомпютерли технологиялар; блокчейн технологиялари, кибер-физикавий тизимлар, рақамли проектлаш ва моделлаш.

Рақамли иқтисодиёт, ўзаро боғлиқ бўлган учта даражадан иборат: иқтисодиётнинг муайян объектлари ўзаро таъсир этувчу бозори (товарлар, ишлар ва хизматларнинг етказиб берувчилар ва истеъмолчилар) ва тармоқлари; бозорлар ва саноат салоҳиятини ривожлантирувчи платформалар ва технологиялар; бозор субъектлари ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминловчи ва тартибга солувчи норматив, ахборот инфратузилмалари, кадрлар ва ахборот хавфсизлигини қамраб олувчи соғлом муҳит.

Рақамлаштиришнинг асосий дастаклари қуйидагилардан иборат 1.Катта маълумот (Big data). "Катта маълумот" атамаси 2008 йилда пайдо бўлган бўлсада, катта маълумотлар бундан олдин хам мавжуд бўлган. Бироқ, глобал ахборот оқимининг ортиши билан, бундай кенг маълумотлар массивини белгилаш зарурати пайдо бўлди. Катта маълумот бу таҳлил объекти, агарда янада аниқроқ айтганда, бирхил бўлмаган катта ҳажмли ва тез қабул қилинувчи, анъанавий усуллар билан ўқиб бўлмайдиган рақамли ахборот тушунилади.

2.Интернет. 2008-2009 йилларда интернет тармоғига уланган қурил-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 22.12.2018 йил «2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси».

[2] Бондаренко В.М. Мировоззренческий подход к формированию, развитию и реализации "цифровой экономики" // Современные информационные технологии и ИТ-образование. 2017. Т. 13. № 1. С.237-251.

маларнинг сони интернетдан фойдаланувчилар сонидан ошиб кетди. Шундай қилиб интернет маҳсулотлари концепцияси шаклланди. Интернет махсулотлари инсонни жалб қилмасдан бир-бири билан ёки ташқи муҳит билан алоқа қила оладиган физик предметлардан иборат тармоқни англатади. Бу эрда маълумотларнинг мустақил равишда узатилиши мумкин бўлган қурилмаларнинг аҳамияти катта. Huawei компаниясининг прогнозларига кўра, интернетдан фойдаланишнинг 55% бизнесни ривожлантириш, ақлли шаҳарлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва яхшилашга қаратилган бўлиб, қолган 45% одамларнинг эҳтиёжлари, маиший техника, ҳайдовчисиз бошқарилувчи автоуловлар, тиббий қурилмаларга қаратилади.

3.Блокчейн. Дастлаб блокчейн технологияси биринчи марта 2009 йилда ишлатилган. Криптовалюта аноним транзакциялари учун асос бўлиб хизмат қилди. Криптовалютани нусха кўчириш имконияти мавжуд бўлмаган шифрланган ахборотга эга электрон тангага қиёслаш мумкин. Блокчейн технологияси криптовалюталар билан чегараланиб қолмайди, ахборотни ёки битимларни, трансферлар, шартномалар, битимларнинг рақамли рўйхатини ва тасдиқланиши талаб этиладиган барча ҳужжатлар ва маълумотларни сақлаш воситасидир. Бундай маълумотлар базасида ҳар қандай маълумотни сақлаш мумкин: касаллик тарихидан тортиб банк ҳисобварағи ҳолати, ёки муҳим шартномалар тарихигача. Маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрда “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржа фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929 қарори имзоланди[1] ва криптовалюта соҳасида илк қадамлардан бири сифатида 2018 йил сентябр ойида “Мангу” номи билан илк криптовалюта муомалага чиқарилди.

4.Интеллектуал ахборот технологиялари. Интеллектуал ахборот технологиялари деганда, сунъий интелект алгоритмлари ёрдамида турли маълумотларни қайта ишлашга қодир технологияларни тушунилади. ИАТ ёрдами билан одатда илгарилари фақатгина инсон онги орқали хал қилинган масалаларни тартибга солиш имконияти яратилди. ИАТ тизими шаклланишига, қарорларни қабул қилиш тизимлари ва сунъий интелектнинг биргаликда амалиётда фойдаланиши сабаб бўлди. Уларнинг яхлитлашуви қарор қабул қилиш самарадорлигини оширишга ёрдам бериб, ҳар бир ишни олдиндан тасвирлаш ва моделлаштириш имконияти яратилди. ИАТнинг ўзига хос хусусиятлари- ўз-ўзини ўргатиш ва ривожлантириш, маълумотлар базасида ҳал қилинган муаммоларнинг мисоллари мавжудлиги. Яқин келажакда рақобатбардош устунлик рақамлаштирилган юқори даражали компанияларга тегишли бўлади. Зотан, дунё этакчилари иқтисодиётнинг турли соҳаларида рақамли воситаларни жадаллик билан жорий этмоқда, бизнес операциялари ва мижозлар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тизимларини, марказларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржа фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929 қарори. 02.09.2018 йил

қуришни молиялаштиришни давом эттирмоқда. Рақамли иқтисодиёт, ишлаб чиқаришни индивидуал жиҳатдан бирлаштириб, инновацион ғояларни ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотлар сотишгача бўлган жараённи қисқартиришга, истеъмолчининг талабларига самарали мослаштиришга имкон беради.

Инновацион ривожланиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон иқтисодиётини рақамлаштиришнинг муаммолари ва истиқболлари тўғрисида фикр юритсак, бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистон ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири саналади, чунки бу янги технологик тартиботда мамлакат рақобатбардошлигини белгиловчи факторлардан бири рақамлашув даражасидир. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишнинг янги даражасига ўтиши учун, ижтимоий соҳалардаги муаммоларни ҳал этиши учун ўзининг илғор ишланмаларига ва илмий ечимларига муҳтож. Ўзбекистонда янги технологик тузилмаларни ривожлантиришнинг максимал самарадорлигига эришиш учун, рақобатни шакллантирадиган ва эркин бозор иқтисодиётига кириш қоидаларини ҳуқуқий асослаш, рақамли иқтисодиётнинг имкониятларидан фойда олишига имкон берадиган салоҳиятни аниқлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиши керак. Рақамли технологиялар ўз навбатида, ривожланиш суръатини тезлаштириши мумкин. Базавий инфратузилмаларга инвестициялар, бизнесни ташкил этиш харажатларини камайтириб, савдо тўсиқларини бартараф этиши, янги компанияларни бозорга кириши, бизнес ва давлат бошқарувини янада самарали ва инновацион ҳолатга олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун рағбатлантириш механизмларининг сустлиги, мамлакатнинг инновацион ривожланишида тараққиётнинг сезиларсиз эканлигига асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан ўсиши учун бозор ва саноатнинг мавжуд ҳолатини аниқ бахолаш имконини берадиган ҳамда уларнинг ривожланишини прогноз қилиш, миллий ва жаҳон бозорларида вазият ўзгаришига тезкор жавоб берадиган технологияларга эга бўлиш лозим. Рақамлаштириш ҳозирги пайтда мавжуд бўлган барча асосий бозорларга таъсир қилади, шунингдек, тармоққа эга бўлган янги бозорларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Иқтисодиётни бошқариш учун рақамли платформалар яратиш стратегик аҳамиятга эга вазифа бўлиб, уни ҳал этиш моддий ишлаб чиқаришни қайта тиклабгина қолмай, келажакдаги инновацияларни жорий этиш учун замин яратади, ва айни пайтда ривожланган ғарб мамлакатлари билан хамнафас, Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва тизимлилик жиҳатидан мутлақо сифатли босқичда ривожлантириш учун янги корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш, жаҳон бозорига йўналтирилган ва глобал

рақамли рақобат шароитида фаолият юритадиган стартапларни қўллаб-қувватлаш, барча йирик ишлаб чиқариш ва иқтисодий жараёнларни автоматлаштириш, юқори техҳнологияли ишлаб чиқариш соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги таклиф ва мулохазаларни амалиётда ижросини таъминлаш орқали, Ўзбекистон миллий хавфсизликни таъминлаш ва фуқароларнинг юксак даражадаги турмуш даражасига эришиш нуқтаи назаридан муҳим бўлган янги технологик тартибни яратишга имкон берадиган рақамли иқтисодиёт жорий этилади.

**З.Қ. Ахмедов**– Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқарув академияси магистранти

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Хоразм вилояти республикамизнинг шимолий ҳудудларидан бири ҳисобланиб, бу ерда иқтисодиётнинг турли соҳалари ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун имкониятлар жуда катта. Меҳнаткаш халқнинг турмуш даражасини ошириш, инсонларни ўзлари лойиқ бўлган турмуш кечиришлари мақсадида республика раҳбарияти, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан вилоятда иқтисодиётни хусусан саноатни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда кичик саноат зоналар фаолиятини таҳлилига ўтишдан аввал жаҳон тажрибаси ҳамда бу соҳанинг қанчалик даражада самарадорлиги хусусида тўхталиб ўтсак. Жумладан, Ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия ва бошқа Европа давлатларида индустриал парклар фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот институтларини, ишлаб чиқариш ва кадрлр тайёрлаш тизимини ўз ичига олади. Уларда яратилган янгиликлар ишлаб чиқаришга тезжорий этилади ва ишлаб чиқаришни охирги фан-техника ютуқлари асосида ривожлантиришга эришилади. Россия Федерациясида ҳудудларни ривожлантиришда “Индустриал парк”, “Индустриал зона”, “Промышленная зона” каби ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади. Индустриал парк деганда-янги ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун махсус ташкил этилган ҳудуд бўлиб, у электроэнергия, инфратузилма, маъмурий-ҳуқуқий шароитлар билан таъминланган, ҳамда у ихтисослашган комплекс томонидан бошқарилади. Индустриал паркларда ишлаб чиқариш, омборхона ижтимоий- маиший ва бошқа объектлар биргаликда жойлашади. Россия Фдерациясида индустриал паркларга ишлаб чиқарувчи компанияларни жалб этиш учун бир қатор имтиёзлар берилади. Инвесторларга бериладиган солиқ, кредит

имтиёзларининг ҳажми асосий фондларга киритиладиган инвестициялар миқдори ва инвестицион лойиҳанинг регион иқтисодиётининг устивор ривожланиш йўналиши билан қанчалик боғлиқлигига қараб белгиланади. Илгари саноат ишлаб чиқариши жойлашган, кейинчалик улар фаолиятини қисман ёки тўлиқ тугатган ҳудудларда саноат зоналари ташкил этилади ва уларни комплекс ривожлантириш шарт-шароитлари ўрганилади. Ҳудуд бошида тўлиқ ўрганилади, кейин саноат зонаси ҳудудини комплекс ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва уни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилади. Индустриал парк, саноат зоналари худуди, охирги вақтларда 100 гектар атрофида бўлмоқда.

Мазкур соҳани ўрганишга дунёнинг етакчи иқтисодчи олимларидан М.Портер, Ахмадеева О.А., Любова О.В.,Беленов О.Н., Смольянинова Т.Ю., Шурчкова Ю.В., Беркович М.И., Антипина Н. Фридман А.М., Семенов В.М., Василенкова Н.В., Егорова А.О., Кузнецова С.Н., Ленчук Е.Б. лар катта ҳисса қўшган(2-8). Бу олимларни ишлари минтақа иқтисодиётини таҳлил этиш ва уларни ривожлантириш масалаларига ҳамда россия ҳудудларида индустриал паркларни ва саноат паркларини ташкил этиш, молиялаштириш уларни ривожлантириш масалаларига қаратилган. Индустриал парклари ва саноат парклари ва зоналари ҳудудий жиҳатдан жуда катта булиб уларда йирик саноат корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантириш муаммолари қаралади. Ўзбекистонлик олимлардан Баева Ш., Ғуломов С.С., Яхшибоев Г.К. ва бошқаларнинг ишлари асосан корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга бағишланган. Лекин, юқоридаги ишларда кичик саноат зоналарини молиялаштириш масалалари деярли қаралмаган.

Бугунги кунда кичик бизнесни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларидан бири бўлиб кичик саноат зоналари ҳисобланади (КСЗ). Кичик саноат зоналари – бу тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришга мўлжалланган, муҳандислик-коммуникация ва инфратузилма объектларини, маълум ер майдони ёки ишлаб чиқариш майдонини ўз ичига олувчи худуд. Кичик саноат зоналари улар жойлашган худудларни ривожлантиришга катта имкониятлар яратади. Хусусан, саноат ишлаб чиқаришни жадаллаштиради, ҳудудларни тадбиркорлик учун инвестицион жозибадорлигини оширади, янги инвестиция ва янги технологияларни жалб қилишга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга ва уларни ривожланишига кенг имкониятлар очиб беради, жамият учун ўлик юк бўлиб ётган бўш майдонлардан реал иқтисодий секторни ривожлантириш орқали улардан самарали фойдаланишга, аҳоли учун иш жойларини яратишга, ҳамда янги рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 378-сонли қарори билан тасдиқланган низом Республикамиз ҳудудларида

кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий замин яратди десак бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Хоразм вилоятида давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига реализация қилиш ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3513 сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Хоразм вилоятида қўшимча кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги 308-сонли қарорларига асосан вилоятда 7 та фаолиятсиз корхоналарнинг бўш турган **18,0 гектар** *(шундан қурилиш ости 41 668,0 кв.м.)* ер майдонида кичик саноат зоналари ташкил қилинган.

Жумладан:

- Урганч шаҳридаги тугатилган “Автохизмат” МЧЖ ҳудуди кимё ва пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга;

- Урганч шаҳридаги “Урганчтрансгаз” ШКнинг Таъмирлаш бутлаш бошқармаси участкасида фойдаланилмаётган бино-иншоотлари жойлашган ҳудуди қурилиш материаллари, пластмасса, электротехника, чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга;

Кичик саноат зоналар зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг ва давлат мулки бўлиб фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларида ва биноларда ташкил этилади. Бу жойларда маълум даражада ишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжуд, яъни, сув, газ, электроэнергия таъминоти ва автомобиль йўллари. Бу ўз навбатида тадбиркорларнинг ўз ишларини йўлга қўйиш учун кетадиган бошланғич харажатларини кескин камайтиришга олиб келади ва бизнесни бошлашни тезлаштиради. Кичик саноат зоналар учун ажратиладиган майдонлар тадбиркорлик субъектларига минимал ставка билан қўшимча коэффициентларсиз узоқ муддатга ижарага берилади.Улар учун зарур бўлган ташқи муҳандислик коммуникация ва инфратузилма объектларининг қурилиши ДАК “Ўзбекэнерго”, АК “Узтрансгаз” ва маҳаллий ҳокимият бюджети маблағидан амалга оширилади ва кичик саноат зонасида жойлашган тадбиркорлик субъектлари электроэнергия ва табиий газ билан мунтазам равишда таъмиланади.

Урганч шаҳридаги кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш танлов асосида амалга оширилади. Бундай ёндашув кичик саноат зоналарга рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, яъни замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқришни йўлга қўювчи тадбиркорларни жалб қилишга шароит яратади. Бу кичик саноат зоналарнинг рақобатбарошлигини оширади.

Урганч шаҳридаги 2 та кичик саноат зонаси бўйича тегишли ташкилотлар билан биргаликда жойига чиққан ҳолда ҳудудларнинг чегаралари белгиланиб, лойиҳаларни жойлаштириш юзасидан хариталар ишлаб чиқилган ҳамда жами 26 та лотларга ҳамда ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида йўналишларга ажратилди. Ўтказилган аукцион натижаларига кўра, Урганч шаҳридаги тугатилган “Автохизмат” МЧЖ ҳудудидаги 9 та

лотдан 8 та (88 фоизи) лотнинг ғолиби аниқланган бўлса, Урганч шаҳридаги иккинчи кичик иқтисодий зона ҳисобланган “Урганчтрансгаз” ШКнинг Таъмирлаш бутлаш бошқармаси ҳудудидаги 17 та лотдан 15 та (88 фоизи) лотнинг ғолиби аниқланган.

КСЗларни ижтимоий самарадорлигини баҳолаш ва уни атроф-муҳитга экологик таъсирини баҳолаш ҳам зоналарни ташкил этилишини асослашда муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бу ерда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини даромад билан таъминлаш, атроф-муҳитга салбий таъсирини минимал даражада бўлишига эришиш назарда тутилади. КСЗларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш қуйидаги босқичлар бўйича амалга оширилиши мумкин:

- ҳар бир тадбиркорлик субъекти лойихасининг самарадорлигини унинг бизнес режасига кўра аниқлаш;
- Ҳудудни тайёрлаш, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини яратишга қилинган харажатларни аниқлаш, яъни, сув, газ, электроэнергия таъминоти ва автомобиль йўлларини яратиш сарфлари;
- зоналарда кичик бизнес субъектларига умумий хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этилиши билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаш;
- КСЗнинг умумий самарадорлигини бахолаш.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтамиз

Кичик саноат зоналарида ишлаб чиқаршни кластер асосида ташкил этиш орқалили синергетик самарага эришиш;

Кичик саноат зоналарида кичик бизнес субъектларига умумий хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этиш;

Кичик саноат зоналаридаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш;

КСЗларини барпо этишни асослашда уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мухим ахамият касб этади. Бу ерда, биринчи навбатда, зона худудига жойлаштириладиган тадбиркорлик субьектларининг лойихалари самарадорлигини баҳолаш. Кейинги босқичда зона худудини тайёрлаш, унда мухандислик-коммуникацион элементларини, хизмат кўрстиш обьектларини қуришга сарфланган харажатларни эътиборга олган холда зонанинг умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зона фаолиятини иқтисодий асослашда мухим кўрсатгич ҳисобланади. Бундан ташқари, КСЗларни ижтимоий самарадорлигини баҳолаш ва уни атроф-мухига экологик таьсирини баҳолаш ҳам зоналарни ташкил этилишини асослашда мухим кўрсаткичлардан ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги

“Хоразм вилоятида давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига реализация қилиш ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3513 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Хоразм вилоятида қўшимча кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги 308-сонли қарори.
4. Ахмадеева О. А., Любова О. В. Индустриальные парки как основа развития регионов на примере Чистопольского муниципального района Республики Татарстан // Стратегия устойчивого развития регионов России. 2013. № 18. С. 8-20.

**Д.Худайберганов –** УрДУ, Туризм кафедраси доценти, и.ф.н.,
**З.Қабулова –** УрДУ, 181- “Туризм” таълим йўналиши талабаси

## МИНТАҚАДА ҚИШЛОҚ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА

Бозор муносабатларига ўтиш ўз навбатида ишлаб чиқариш, ижтимоий ва саноат инфратузилмалари, савдо соҳаси, молиявий ва инновацион фаолият каби соҳаларга муҳим ўзгартиришларни киритиш заруратини тақозо этади. Ушбу соҳаларни кенг тараққий қилдириш ўз навбатида тадбиркорликнинг ривожлантиришни талаб этади ҳамда турли соҳаларга ўзининг таъсирини ўтказади. Мазкур ҳолатлар бозор иқтисодиёти шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари бошқаришнинг замонавий тизими, уни самарали ишлаши ва ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти ривожи учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо қилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидагича таъкидлайди: “Тегишли тузилма ва ҳокимликларнинг жиддий ва кундалик эътиборини талаб қиладиган яна бир муҳим йўналиш бор. Бу – хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг таъсирчан ҳимоясини таъминлашдир.”. [1] Ушбу масала қишлоқ шароитида тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо қилади ҳамда уни туризм соҳасида қўллаш, янги йўналишларини яратиш бевосита келажакда юқори даражадаги ўсишга олиб келади.

Дарҳақиқат, туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш уни кенг тараққий қилдиришга замин яратади. Бугунги кунда туризм ўзининг кўп қиррали таркиби билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир ўтказиб келмоқда. У иқтисодиётнинг кўпгина янги жабҳаларини ривожлантиришга имкон туғдиради. Жумладан, қишлоқ хўжалиги,

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // “Хоразм ҳақиқати” газетаси. 2017 йил 18 январь. № 5 (19351).

транспорт тармоқлари, алоқа, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси, савдо тармоқлари ва ҳакозоларни ўз ичига олади. Айниқса, туризмда қишлоқ тадбиркорлиги фаолиятини ривожлантириш бир вақтнинг ўзида меҳмононалар индустрияси, хизматлар соҳаси шунингдек, миллий туризмнинг барқарор ўсишида ўз аҳамиятини кўрсатмоқда.

Ушбу соҳанинг ижобий таъсири ва инновацион таъсири натижасида меҳмонхоналар индустриясининг ривожланишида вужудга келадиган турли вазифалар, яъни замонавий меҳмонхоналар, туристик мажмуаларни ташкил этиш ва уларда юқори даражада сервис хизмат кўрсатиш ривожланади. Бу борада туризмда қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш натижасида меҳмонхоналар ва хизматлар соҳасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ шароитида тадбиркорлик фаолияти ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлган янги бўлган мустақил фаолият соҳаси ҳисобланади. Чунки, бу фаолият хўжалик фаолиятининг асосий тури бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Шунингдек, туризм соҳасида қишлоқ тадбиркорлиги фаоллигини рағбатлантириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари қилиб белгиланган.

Хоразм вилояти минтақасида туризмини ривожлантиришда қишлоқ тадбиркорлиги фаолияти ривожланиб бормоқда. Жумладан, ушбу фаолият билан шуғулланувчи туристик ташкилотлар, яъни турагентлар ва меҳмонхоналар фаолияти кенгайди ҳамда айниқса қишлоқларда ривожланмоқда. Хусусан, 2018 йил давомида вилоятда жами 13та жойлаштириш воситалари фойдаланишга топширилишига эришилди ва қўшимча 80та хоналар сони ҳамда 201та ўринлар сони яратилди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда вилоятда фаолият юритаётган жами жойлаштириш воситалари сони жами 69тага етиб, улардаги хоналар сони1 356тани ва ўринлар сони 2 646тани ташкил қилади. Яъни, Урганч шаҳрида 16 та, Хива шаҳрида 45 та, Хазорасп туманида 4 та, Урганч туманида 3 та ва Гурлан туманида 1 та меҳмонхоналар фаолият юритмоқда. Ундан кўринадики, Хива, Ҳазорасп ва Гурлан туманларида ташкил этилган меҳмонхоналарнинг аксарияти қишлоқларда жойлашган.

Ҳамда 2018 йилда вилоятда жами 11 та янги туроператорлар фаолиятлари йўлга қўйилишига эришилди.Натижада вилоятда фаолият юритаётган жами сайёҳлик ташкилотлари сони жами 33 тани ташкил қилди. Улардан Урганч шаҳрида 17 та, Хива шаҳрида 11 та, Хива туманида 2 та, Урганч, Ҳазорасп, Хонқа ва Боғот туманларининг ҳар бирида 1 тадан сайёҳлик ташкилотлари ташкил этилди.Шунга мувофиқ, Хива, Урганч, Боғот ва Ҳазорасп туманида фаолият юритаётган ташкилотларнинг айримлари қишлоқ ҳудудларида жойлашган.

Дарҳақиқат, вилоятда туризм соҳасида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш орқали кучайтириш, энг аввало хизматлар бозоридаги янги хизмат турларининг мулкдорлар ва тадбиркорларга ўтказилишини таъминлаш ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Ушбу соҳаларда маҳаллий аҳолини янги иш тури билан таъминлайдиган кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш зарур бўлади. Бу эса, хизматлар бозорининг аҳамиятини кичик корхона ва микрофирмаларни тузиш шаклида кучайтиришга имкон беради. Ҳамда қишлоқ ҳудудларида туризм соҳасида кичик корхоналарни ташкил этиш йирик молиявий маблағ талаб қилмайдиган молиявий хизматлар кўрсатишни осонлаштиради. Бундай хизматлар бозори фаолиятида қишлоқ тадбиркорлигини амалга ошириш учун, аввало фаолият иштирокчиларини аниқлаш, яъни фаолият учун зарур субъектларни танлаш ва таркибини аниқлаш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хоразм вилояти туризмида қишлоқ тадбиркорлиги инновационйўналиш сифатида уни ривожлантириш йўлларикуйидагилардан иборат бўлади:

- қишлоқ жойларида хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини янада кенгроқ амалга ошириш;
- туризм соҳасида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантиришнинг турли йўналишлари тизимида кичик корхоналарни ўстирувчи махсус ‘‘инкубаторлар’’ни ташкил этиш;
- қишлоқ ҳудудларида қурилиш соҳасининг ривожига ёрдам берадиган инвестиция муҳитининг миқдор ва сифат даражасида интеграциялашни ўзгартириш;
- қишлоқлардаги хусусий корхоналарнинг стратегиясини аниқ белгилаб олиш ҳамда илмий-тадқиқотлар асосида маркетинг, реклама ва ишлаб чиқариш жараёнини қайта кўриб чиқиш;
- қишлоқ ҳудудларидаги корхона ходимларини мотивлаштиришдаги рағбатлантиришнинг замонавий ёндашувларини кенг қўллаш.

Умуман олганда, Хоразм вилоятида қишлоқ тадбиркорлигиянги йўналиш сифатида туризм соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда етакчи субъект, йирик омил ва даромад олиш соҳаси сифатида унинг янада тараққий этишига имкон беради. Натижада, минтақада туризм соҳасини соҳасини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва стратегик вазифаларнинг ажралмас қисмига айланиши лозим. Бу эса туризмда қишлоқ тадбиркорлиги соҳаларини ривожлантириш, унинг нафақат амалий, балки бир қатор назарий масалаларини ҳал этиш лозимлиги мазкур соҳанингтаъсир самарадорлигини ошириш ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарор ривожланишига қаратилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини тақозо қилади.

**J.N.Xushvaxtov** – Islom Karimov nomidagi TDTU Termiz filiali talabasi,
**S.A.Begimova** – Islom Karimov nomidagi TDTU Termiz filiali talabasi

## GRUNT SUVLARI VA ULARNING HARAKATI

**Grunt suvlari**. Yer yuzasi bilan suv o‘tkazmaydigan qatlam orasidagi suvlardir. Bu suvlar, odatda, g`ovakli jins (qum, shag`al, lyoss) orasida ko‘proq uchraydi. Bundan tashqari, qadimgi va serdarz jinslar orasida ham uchrab turadi. Grunt suvlarini o‘tkazmaydigan qatlam ustida yana suv o‘tkazmaydigan qatlam bo‘lmaganligi uchun bu suv joylashgan qatlam bilan uni suv bilan ta’minlovchi qatlam birdir. Grunt suvlarining sathi yerning ustki qismidan har xil chuqurlikda yotadi. Yer osti suvlarining qatlamlar orasida hosil qilgan balandligi yer osti suvlarining oynasi deyiladi. Suv bilan to‘yingan qatlam suv saqlovchi qatlam deb ataladi. Grunt suvlarida bosim bo‘lmaydi, chunki uning ustida suv o‘tkazmaydigan qatlam bo‘lmaydi. Grunt suvlari pastroq joylarda (soy, jar, ariq) yer betiga sizilib chiqib qoladi va buloqlar hosil qiladi. Yer osti suvlari yer yuzasiga chiqmagan joylarda quduq qazilganda ham yer osti suvlarining ko‘tarilishi, ularning umumiy sathidan oshmaydi. Bunga O‘rta Osiyoda grunt suvlar yuzasini birlashtiruvchi quduqlar (kyaris) usuli yaxshi misoldir.



1-rasm. Grunt (sizot) suvini kyaris usuli bilan yer yuziga chiqarish..

**Grunt suvlarining harakati.** Yuza va boshqa yer osti suvlari daryo, ariq va boshqalarga qaraganda ancha sekin harakatlanadi. Yer osti suvlari tog` jinslari orasidan sizib o‘tadi, ular gorizontal holda bo‘lmaydi, ko‘pincha nishab tomonga qarab oqadi. Relefning bunday joylaridan yer osti suvlari buloq yoki siljiq suv tarzida chiqib turadi. Bunday suvlar Sirdaryo viloyatidagi yangi o‘zlashtirilgan joylarda ko‘plab uchraydi.

Yer osti suvlari tog` jinslari orasidan sekin, lekin doim o‘tib turadi. Yer osti suvlarining harakat tezligi jinsning suv o‘tkazuvchanligiga va yer osti suvini saqlovchi qatlam qiyaligiga bog`liq bo‘lib, quyidagi formula bilan ifodalanadi:

$$V = k\frac{h}{e}$$

Bunda *V* — oqim tezligi http://hozir.org/xorijiylar-etirof-etilmagan-mazxablar-hamda-zamonaviy-diniy-si.html; k — jinsdan to‘xtovsiz o‘tuvchi suvning tezligi yoki sizish koeffitsienti; *h* — bir nuqtadagi suvning ikkinchi nuqtadagi suvdan balandligi; e — ikki nuqta orasidagi masofa.

Yer osti suvlarining harakat tezligi, ularning qanday jinslar orqali o‘tishiga bog`liqdir. Qum orqali sutkasiga 1—5 m, yirik qumda 15—20 m, shag`al yoki serdarz jinslarda 100 m va undan ham tezroq siljishi mumkin. Qatlamlar orasida hosil bo‘lgan suvlar daryo va jar yonbag`irlaridan buloq tarzida chiqib oqar suvlarga qo‘shiladi.

**Grunt suvlaridan hosil bo‘lgan artezian suvlari**. Bosimli suv odatda maxsus strukturali yerlarda uchraydi. Masalan, ular yer qatlamlarining tektonik protsess natijasida bukilib sinklinal shakl olgan strukturalarida to‘planadi. Bundan tashqari, artezian suvlar monoklinal va tektonik yoriqlarida ham paydo bo‘ladi.




2-rasm. Artezian suvining to‘planish sxemasi:

A — yer yuzasi, B — suv o‘tkazmaydigan qatlam, V — suvli qatlam.

Sinklinallarda ikki suv o‘tkazmaydigan qatlam orasidagi suv o‘tkazuvchi qatlamga ko‘p suv to‘planishidan artezian suvi hosil bo‘ladi. Artezian suvining hosil bo‘lishi uchun suv o‘tkazuvchi qatlamning yer betiga chiqqan qismi shu qatlamning yer ostidagi yotish holatiga nisbatan balandda bo‘lishi shart. Artezian suvlarini Surxondaryo viloyatining shimoliy-g‘arbida ya’ni Denov, Sariosiyo hamda Uzun tumanlarida ko‘plab uchratamiz. U taxminan yer ostining 40-100 metr (gruntlar tarkibi hamda yer osti suvlari zaxirasiga qarab) chuqurliklaridan chiqadi.

Sinklinal qatlamlarda hosil bo‘lgan yer osti suvini burg`u qudug`i bilan qaziganda ikkita suv o‘tkazmaydigan qatlam orasidagi suv otilib chiqadi. Toshkent mineral suvi xuddi shunday sinklinal qatlamda joylashgan bo‘r davri dengiz qumi yotqiziqlari orasidan (1800—2200 m chuqurlikdan) otilib chiqmoqda. Artezian suvlar monoklinal shakldagi yer qatlamlaridagi jinslarning tarkibiy qismini chuqurlikda o‘zgarishidan ham (shag`al→qum→gil) hosil bo‘ladi. Masalan, yer yuzasidan shag`al va qum qatlamidan o‘tib borgan suv ma’lum chuqurlikda gilga duch kelib to‘xtaydi. Buning natijasida yuqoridan shimilib o‘tuvchi suv ichkariga o‘ta olmay, to‘plana boshlaydi va shu yer (gil qatlamining yuqorisidan) qazilsa, suv otilib chiqadi. Ba’zan artezian suvlari tektonik harakat natijasida yer yorilishi bilan suv saqlovchi qatlamning sinib pastga yoki yuqoriga so‘rilishidan ham hosil bo‘ladi. Bu hol monoklinal va sinklinal strukturalarning buzilishi natijasida ro‘y beradi.

Yuqoridagi fikrlardan shuni anglab yetish mumkinki, bugungi kunda tobora global muammoga aylanib borayotgan toza ichimlik suvlari ham grunt suvlaridan hosil bo‘lar ekan. Demak biz eng avvalo tabiatga, atrof-muhitga zarar

yetkazmasligimiz, gruntlarning tarkibini buzmasligimiz, tabiat in’om etgan har ne’matlardan oqilona foydalanishimiz kerak. Yer ostidagi grunt suvlari va ularning harakatini insoniyat buzmasa, u kelajak avlodlarimizga ham uzoq vaqt xizmat qiladi desam mubolag‘a bo‘lmaydi. Biz bo‘lajak muhandis talabalar geologiya, geodeziya, gidrologiya va boshqa bir qator fanlarni chuqur o‘rganib, kelajakda xalqimizga nafimiz tegadigan yetuk kadrlar bo‘lib yetishishimiz lozim. Xalqimiz orasida shunday gap bor: “Dengiz oldida tursang ham, bir qatra suvni isrof qilma”. Darhaqiqat, grunt suvlaridan hosil bo‘ladigan barcha turdagi suvlarni qadriga yetib, barchasini o‘z o‘rnida ishlatsak, maqsadga muvofiq bo‘ladi deb o‘ylayman. Hammamizga ma’lumki, toza ichimlik suvi yildan-yilga tobora tanqis bo‘lib bormoqda, shu sababli biz joylarlarda tarkibida tuzlari ko‘p, ichishga yaroqsiz suvlarni filtrlash hamda ularga ishlov berish yo‘li orqali aholiga toza ichimlik suvlarini yetkazib berishimiz kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. Shermuhamedov T.Z. Cho‘kindi tog‘ jinslari petrografiyasi. O‘quv qo‘llanma, ToshDTU, 2007.
2. Islomov O.I. “Umumiy geologiya” «O‘qituvchi» 1991 yil
3. Shvesov G. I. Muhandislik geologiyasi va gruntlar mexanikasi, hamda zamin va poydevorlar. O‘quv qo‘llanmasi, 1987.
4. Ananev V. P., Peredeliskiy L. V. Muhandislik geologiyasi va gidrogeologiya, 1980.



**Б.Хонтўраев –** Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси


## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги кунда республикамизда иқтисодиётни сифат жиҳатдан янгилаш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам ривожлантиришда инновацион фаолликни ошириш заруриятини юзага чиқарди. Илм-фан ва иқтисодий ҳаётни ўзаро узвий алоқаси кенгаймоқда. “Кучли фан – кучли иқтисодиёт” ибораси нафақат бугунги кун учун, балки инсоният келажаги учун ҳам долзарб бўлиб қолмоқда[1].

Инновацион муҳитни шакллантириш доимий равишда маҳсулотни янгилаш, ишлаб чиқариш фондларини янги техника асосида янгилаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятини яратади ва муҳим омил ҳисобланади. Инновацион жараённи кичик бизнес соҳасидаги муҳитга мувофиқлаштириш, унинг самарасини ошириш мавжуд ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни

[1] Кирпичников М. «Наука как основа экономики». Доклад министра науки и технологий РФ. М.: 2006. стр.

тақазо этади. Асосий эътибор бозор рақобати шароитида энг оқилона вариантларни танлаш, фойдалилик даражасини таъминлаш ва кичик корхона фаолиятини жадаллаштиришга қаратилиши лозим бўлади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, кўплаб ривожланган мамлакатлар юксак тараққиёт даражасига фан ва техника соҳасидаги энг сўнги инновацияларни ишлаб чиқаришга тез ва кенг кўламда жорий этиш ҳисобига эришмоқдалар.

Инсонлар ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни беқиёслиги боис ҳам дунё мамлакатлари миқёсида хизмат кўрсатиш соҳаси муттасил ривожланиб бормоқда.

Хизматларнинг ривожланиши XX аср сўнггига келиб жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улуши 68,0 % га етди. Ўтган йиллар давомида хизматлар соҳаси таркибий жиҳатдан кескин ўзгарди. Бугунги кунда эса илмий тадқиқотлардан тортиб, таъмирлаш хизматларигача, таълимдан бошлаб қариялар ва ногиронларга хизмат кўрсатишгача бўлган 160 та хизмат турлари мавжуд бўлиб, бунда мураккаб ақлий меҳнатдан фойдаланиладиган соҳалар алоҳида юқори ўринни эгаллайди.

XXI асрнинг бошига келиб инсоният янги парадигма, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда мамлакатлар ўз инновацион ишлаб чиқариш концепциясига ўтиши зарур деган хулосага келинди[1].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳаракатлар стратегиясининг ***“Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”*** номли учинчи йўналишида айнан хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган [2]. Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш иккита: *анъанавий* ва *инновацион* моделга бўлинади. ***Анъанавий модель*** тадбиркорликнинг анъанавий, сермашаққат ва репродуктив шаклига асосланади. Бунда тадбиркор корхона фойдасини кўпайтириш ва рентабелликни ошириш учун ички резервларни сафарбар қилиши тақозо этилади. Мазкур моделга мувофиқ, тадбиркорликнинг муваффақияти давлат томонидан маблағ ажратилиши ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ. ***Инновацион модель*** эса тадбиркорликни инновациялар асосида ривожлантириш билан тавсифланади. Бунда корхонани ривожлантириш инновация, яъни илмий ихтироларга асосланади. Инновацион маҳсулот ёки технологиянинг ҳақиқатан ҳам

[1] Мильнер Б.З. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. – Москва: Инфра-М, 2010. – С.123.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

янгилиги ундан фойдаланиш натижасида ҳамма вақт иқтисодий самарага эришиш билан белгиланади.

Америкалик иқтисодчи олим Ж. Брайт “Инновация жараёни илм, техника, тадбиркорлик ва бошқарувни ўзида бирлаштирувчи, инновация-ларнинг тижоратлашувига қаратилган фаолиятдир” – деб, таъкидлади. Унинг фикрича, инновация жараёни ғоя пайдо бўлишидан бошлаб, тижорат асосида ҳаётга татбиқ этиш жараёнигача бўлган босқични ўз ичига олади[1].

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион моделларини ишлаб чиқилиши соҳани ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Аммо, хизмат кўрсатиш соҳасини модернизацияланишда ягона ёндашувни ишлаб чиқиш ва уни аниқлаш имконини бермайди. Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион лойиҳалар орқали ривожлантириш, уни миллий иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун ҳам модернизациялаш зарур.

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион лойиҳалар асосида ривожлантириш жараёнида қуйидаги муаммолар келиб чиқади:

- хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг билимини, малакавий кўникмасини, тажрибасини ошириш муаммоси;
- хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини янада ошириш муаммоси.

Инновацион ривожлантириш меҳнат унумдорлигини оширсада, бироқ ушбу соҳада банд ходимларнинг янада кўпроқ хизмат кўрсатиш учун рағбатлантиришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш муаммосини қўяди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик корхоналар катта корхоналарга қараганда 4 баробар кўп инновация, ғоялар яратади ёки илмий тадқиқотга сарфланган ҳар бир долларга кичик инновацион корхоналар катта корхоналарга қараганда 2,5 баробар кўп маҳсулот яратадилар.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2017-2020 йилларга мўлжалланган дастур”га асосланиб, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш бўйича қуйидаги асосий йўналишларни тавсия қилиш мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳаларида алоҳида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини яратиш лозим;
- янги турдаги ишбилармонлик (касбий) хизматлари кўчмас мулк билан савдо қилиш, вақтинчалик эркин пулларни жойлаштириш, ахборот, маркетинг ва реклама хизматлари, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларини

[1] Очковская М.С. Инновации как качественный фактор экономического роста. Автореф. диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: Дело, 2006. – С.4.

тузиш, электрон котиба;

- инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш;
- илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;
- инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш.

Хулоса чиқарадиган бўлсак, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасининг инновацион жараёнларини ташкил этиш жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшади деб бемалол айтишимиз мумкин.

**А.Ж.Бойхонова –** ТАТУ Фарғона филиали, 631-17 гуруҳ талабаси,
**Ҳ.Ф.Умаров** – ТАТУ Фарғона филиали, 650-16 гуруҳ талабаси

## АХБОРОТ АСРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жаҳон иқтисодий тизимларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири ривожланишнинг инновацион вариантини танлаш, тан олиш ва бунинг учун тўпланган ишлаб чиқариш, илмий-техник ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш вазифаси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ўсишининг экстенсив омиллар максимал фойдаланиш даражасига максимал даражада яқинлашаётганлиги сабабли, XXI асрда ривожланган давлатлар иқтисодиётига илм-фан, инновация ва технологияларнинг роли тобора ошиб бормоқда[1]. Мамлакат хаётининг барча сохаларида демократик тамойилларни жорий этиш жараёнларини чуқурлаштириш ислохотларнинг асосий мақсади, яъни бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқоролик жамиятини барпо этиш зарурияти билан узвий боғлиқдир[2]. Киритилаётган инновацион жараёнларнинг кейинги ривожланиши, бевосита, инновацион фаолиятини, айниқса иқтисодиётнинг муҳим сегменти ҳисобланмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг шакл ва усулларини такомиллаштиради десак асло муболаға бўлмайди.

Инновацион жараёнларнинг ривожланиши кўпинча иқтисодий маконнинг бир хил бўлмаганлиги ва минтақавий иқтисодиётларининг инновацион ўзгаришларга бўлган турли мослаша олиш даражаси билан боғлиқ бўлади. Шу ўринда жамият хаётида иннаватцион фаолиятни ташкил этиш ҳусусида қисқача фикр юритсак ўринлидир. Шуни таъкидлаш керак бўладики, инновацион жараёнлар иқтисодиётда

шаклланган ўзаро алоқаларни вақтинча тартибсизлантиришга олиб келиши, бунинг натижасида иштирок этувчи хўжалик субъектларда вужудга келган йўқотишларни қоплайдиган тижорат натижасини олишига ҳеч ким кафолат бермайди. Шу боис, бундан хулоса қилиш мумкинки, корхона раҳбари инновацияларга маблағ қўйишга манфаатдор эмас, чунки шу тарзда фаолиятнинг даромадини ошириш эҳтимоли паст. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектида инновацион жараёнларни амалга ошириш билан боғлиқ мотивацияси йўқлиги давлатни инновацион фаолиятини фаол рағбатлантиришга чорлайди. Мазкур муаммони кейинчалик ўрганиш учун ушбу масалага таъаллуқли бўлган айрим назарий жиҳатларни ёритиш талаб этилади.

Инновацияларни рағбатлантириш бу – “илм-фан ютуқларини яратишдан то ишлаб чиқаришга жорий этишгача бўлган даврда рағбатлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган технологияларни такомиллаштириш” жараёнига тушунилади. Унинг ривожланишга эхтиёжманд шундай қисмлари мавжудки, уни аниқланишининг ўзи ушбу соханинг ривожига катта самара келтириши кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар давлат томонидан кўмак олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 - йил 1 ноябрдаги “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3365-сон қарори ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури айни шу сохадаги ривожланишнинг мезони ва гарови бўлиб хизмат қилади. Буларнинг асосий сабабларидан бири инновацияларни ишлаб чиқариш амалиётига жорий этиш ҳисобланади. Бу қийин ечиладиган масала бўлиб, у иқтисодий трансформациянинг энг мураккаб жараёни ҳисобланади. Такидлаш жоизки, халқимиз танлаб олган сиёсатни амалга оширишдаги ижобий тамойилларнинг дастлабки асослари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ шакиллана бошлади. Иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришлар иннавацион лойихаларни молялаштириш манбалари бўйича ҳам муаййан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Турли мулк шаклларини ривожлантириш ва инвестицион муҳитни тартибга солувчи механизмларнинг чиқилиши хорижий инвесторлар учун қулай муҳитни яратишга олиб келади. Бизнинг фикримизча, инновацион фаолиятини рағбатлантириш деб, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардош маҳсулотларни ошириш мақсадида инновацияни киритишга чорлаш шакл ва усулларининг йиғиндисини тушиниш лозим. Изоҳланган тарифни тўлдириш учун инновацион фаолиятини рағбатлантириш шакл ва усулларини тавсифлаш мезонларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Инновацион фаолиятини

рағбатлантиришнинг шакл ва усуллари таснифи уларни муайян таснифий белгилари бўйича аниқ бир гуруҳларга тақсимлашни англатади. Таснифий белги мазкур гуруҳнинг фарқ қилувчи хусусият, унинг асосий ўзига хос жиҳатини ўзида намоён этади.

Инсоният ўзининг ривожланиши тарихи мобайнида модда, кувват ва ахборотларни узлаштириб келган. Бу ривожланишнинг бутун бир даврлари шу боскичнинг илгор технологияси номи билан аталган. Масалан, “тош аср” - мехнат куроли ясаш учун тошга ишлов бериш технологиясини эгаллаш боскичи, “китоб чоп этиш асри” - ахборотни таркатишнинг янги усулини узлаштириш боскичи, “электр асри” - кувватнинг янги турларини ўзлаштириш боскичи шулар жумласидандир. Бундан 20-30 йиллар илгари “атом асри” бошланди дейилган булса, хозирги кунда “ахборот асри”, “ЭХМ асри” деб аталади. “Информатика” фанининг келиб чикиши, унинг уч таркибий кисми алгоритм, дастур ва ҳисоблаш воситаларини пайдо булиши ва ривожланиши билан боглик. Кишилик жамиятида ҳисоблаш ишлари бошланган даврдаёк кўшиш, айириш каби арифметик амаллар кейинчалик эса кўпайтириш бўлишдан фойдаланганлар. Ҳисоблаш ишлари учун зарур булган ахборот хажмини ошиши, кўлнинг бармоқларидан фаркли ўларок янги турдаги ҳисоблаш воситаларини яратилишига сабаб булади. XIX аср охири, XX аср бошларида фанларнинг янги йуналишлари ва янги фанлар пайдо бўлиши ишлов бериш учун зарур бўлган ахборот хажмини кескин ошиб кетишига олиб келди. Бунинг натижасида мураккаб илмий-техник масалаларни (атом энергетикаси, космосни узлашитриш, об-хавони башорати, ишлаб чиаришни автоматлаштирилган лойихалаш ва х.к.) ечиш, уларни таҳлил килиш мумкин бўлиб колди. Демак, куйилган масалани тўгри ечиб олиш учун зарур билим ва махорат ва ахамият касб етар екан. Информатика фани хам бошка фанлар каторида оламни билиш учун хизмат килади. Оламдаги хар бир жонли ва жонсиз мавжудот маконда ва вактда ўзгариб турадиган модда ва кувват куринишда намоен бўлади. Модда ва кувват дуненининг икки мухим мазмуни, унинг икки мухим таркибий кисмидир. Лекин борликни мавжуд бўлиши ва уни билишнинг яна бир мухим ва зарур мазмуни бор, бу хам бўлса ахборотдир.

Давлатимиз томонидан таълим тизимида “Информатцион ва ахборот технологияси” фанларини ўқитишга аҳамият берилиши билан ўқитиш тизимида кескин ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаётганлиги қувонарли ва аҳамиятлидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизаци ва ислоҳ қилиш йўлида Тошкент 2005; [18, 21]
2. O‘zbekiston innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish muammolari va yechimlari. R.X. Ayupov, G.B. Boltaboeva; T.: TMI, 2013, 202 sahifa;
3. O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida;
4. Internet saytlari: ziyo.uz, O‘zbekiston kutubxonasi.

# М У Н Д А Р И Ж А :


| | | |
|---|---|---|
| **I ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”** | | |
| Мирзаев Қ.Ж.,<br>Бердиев У. | Агросервис хизматлари харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари | 3 |
| Seytmuratov R.A.,<br>Djalilov F.A. | Xizmat ko‘rsatish sohasining milliy iqtisodi-yotda va aholi bandligidagi ahamiyati | 7 |
| Очилов И.С. | Инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлиги масалалари | 10 |
| Холиқулов А.Н. | Хизмат кўрсатиш соҳаси жамоат эҳтиёжларини қаноатлантириш усули сифатида | 13 |
| Barakayev T.U.,<br>Abdullayev O‘. | Innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishda xorij tajribasi va uni O‘zbekistonda qo‘llash istiqbollari | 16 |
| Султонов Ш.А.,<br>Йўлдошов Б. | Хизматлар соҳасининг назарий муаммолари | 19 |
| Parpiyava N.,<br>Qambarov M. | Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirsh sharoitida xizmat ko‘rsatish sohasining samaradorligini oshirish istiqbollari | 22 |
| Рахманов Қ.С.,<br>Махманов Б.Қ. | Давлат бошқарувида давлат хизматчилари фаолияти мониторингини юритишнинг ўрни | 25 |
| Рустамов Д.Д. | Развитие государственно-частного партнерства в узбекистане | 29 |
| Султонов Ш.А.,<br>Рахматов А.,<br>Хайдаров Ж. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли | 33 |
| Жалилова Ш. С.,<br>Ишмуродова С.Т. | Хизмат кўрсатиш соҳаси асосий тармоқлари самарадорлигини ошириш механизмлари | 37 |
| Машарипова М.А. | Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари | 39 |
| Тореев Б. М. | Ўзбекистонда урбанизациялашув шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг муаммо ва истиқболлари | 42 |
| Парпиева Н.Т.,<br>Шамшиева С.Х. | Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни | 44 |
| Назаров С.Б. | “Навоий Кон-Металлургия Комбинати”да фойдали қазилмаларни ташишда темирйўл тизимида локомотивлардан унумли фойдаланиш орқали унинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш усуллари | 47 |

| | | |
|---|---|---|
| Шукуров И.Х.,<br>Ниёзова Ш.,<br>Муқимова Ў. | Хизматлар соҳаси самарадорлигини таъминлашда инновацион иқтисодиётнинг ролини ошириш | 50 |
| Эрназаров Н.Э.,<br>Адҳамов С. | Мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоқларини инновацион фаолиятини ривожлантириш йўллари | 54 |
| Jalilova Sh.S.,<br>Sulaymonova S.G`. | Xizmat ko‘rsatish sohasini innovatsion rivojlantirishning dolzarb muammolari | 58 |
| Toshpo‘latova Sh.Sh. | Mamlakatimizda xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda innovatsiyalarning o‘rni va ularni moliyalashtirishda tijorat banklari kreditlarining ahamiyati | 60 |
| Boyxonova A.J.,<br>Umarov H.F. | Innovatsion faoliyatning ijtimoiy hayotdagi ahamiyati | 62 |
| Xasanboyeva M.V. | Xizmat ko‘rsatish sohasining hayotimizdagi o‘rni va innovatsion xizmat ko‘rsatishning iqtisodiyotni rivojlantirishdagi ahamiyati | 65 |
| **II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”** | | |
| Тухлиев И.С.,<br>Қўзибоев Б.А. | Ҳудудларда эркин иқтисодий ва эркин туристик зоналарни шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти | 68 |
| Xudoyorov A.A.,<br>Gulmuratov I.M. | Turizm rivojlanishining iqtisodiy va ijtimoiy ahamiyati | 73 |
| Холиқулов А.Н.,<br>Муртазакулова П.А. | Туристик ташкилотларнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўллари | 76 |
| Ochilova H.F.,<br>Sa’dullayeva S.H. | Turizm sohasida innovatsiyalarni samarali tatbiq etish | 79 |
| Ибрагимов И.Ҳ.,<br>Аллаёров Ҳ. | Халқаро туризм бозорида миллий турмаҳсулотни мавқеилаштириш муаммолари | 82 |
| Лазарева М.В.,<br>Мирхомитов М.М. | Значение информационных технологий для повышения эффективности туристического бизнеса | 87 |
| Каримов М.,<br>Истамова М.,<br>Каримова Н. | Развития сферы услуг в индустрии гостеприимства | 91 |
| Хонкелдиева Г.Ш.,<br>Фаёзов А. | Формирование и развитие туристско-рекреационного кластера в регионах – как фактор увеличения доходов населения | 94 |

| | | |
|---|---|---|
| Самиев С.С. | Туризм-меҳмонхона хўжалиги хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари | 96 |
| Ахунова О.,<br>Мамажонов Ж. | Ўзбекистон ҳудудларида туризм хизматлар бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари | 101 |
| Соипов С. | Рекреацион-туризм кластерларини ривожлантириш – туризм самарадорлигини ошириш истиқболлари | 102 |
| Хонкелдиева Г.Ш.,<br>Жабборова Н.И. | Ўзбекистонда рекреацион туризмни ривожлантириш муаммолари ва ечимлари | 105 |
| Аюбов И. | Туристский рынок – механизм для привлечения инвестиций | 107 |
| Рустамов Ж.Э. | Ҳудудлар иқтисодиётини юксалтиришда экотуризмнинг моҳияти | 110 |
| Ашрапов М.Дж. | Событийные мероприятия в туризме как инструмент социально-экономического развития страны | 112 |
| Остонов Ў.Я. | Самарқанд вилоятида қишлоқ туризмини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш | 115 |
| Усмонов П.Ш.,<br>Ҳамроев М.С.,<br>Содиқова Д.А.,<br>Одинақулова Ҳ.А. | Туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари | 119 |
| Turdiyeva N.A.,<br>Akhmadov M.I. | The developing of the ancient and cultural tourism in Uzbekistan | 122 |
| **III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”** | | |
| Xudoyorov A.A.,<br>Suvonov B.B. | Xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini oshirishda moliyaviy munosabatlarni takomillashtirish | 125 |
| Ботиров Э.Х. | Инновацион иқтисодиётнинг муҳим воситаси | 127 |
| Маматкулова Ш.Ж.,<br>Исакова Р.С. | Инновацион шароитда корхонада маркетинг комплексини самарали ташкил этиш | 129 |
| Хонтўраев Б. | Хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда менежментни такомиллаштириш масалалари | 132 |
| Холмаматов Д.Ҳ. | Улгуржи савдо маркетинг фаолиятида товарга хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг аҳамияти | 135 |

| | | |
|---|---|---|
| Ишанкулова Ф.А. | Особенности технологий менеджмента в сфере услуг в Узбекистане | 139 |
| Musayev B.Sh.,<br>Shukurov M.F.,<br>Suyarov A. | Jamoaviy ishlashning o‘ziga xos xususiyatlari va uni boshqarishda zamonaviy yondoshuvlardan foydalanish | 144 |
| Усманова Н.А.,<br>Шакирова Ф.Ф. | Особенности гендерных аспектов в управленческой деятельности | 146 |
| **IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”** | | |
| Абдукаримов Б.,<br>Ўроқов Ф.О. | Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти | 152 |
| Бектемиров А.,<br>Даминов Ф. | Замонавий шароитда банк тизимининг ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари | 155 |
| Саидов У.,<br>Турсунқулов Ф.Н. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш имкониятлари | 158 |
| Алиева С.С. | Финансовые услуги в современных экономических условиях | 161 |
| Набиев У.М. | Банк хизматлари кўрсатиш соҳасининг иқтисодиёт ва аҳоли фаровонлигига таъсири | 165 |
| Тогаев С.С.,<br>Маликова Д.М.,<br>Бахрамов Б. | Кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини янада яхшилаш – кредитга лаёқатликни баҳолашни такомиллаштириш | 168 |
| Набиев Ш.,<br>Хамроев М.С.,<br>Усмонов П.Ш. | Суғурта хизматларини ривожлантиришда маркетингнинг роли | 171 |
| Латипова Ш.,<br>Номозова Л. | Лизинг компанияларида молиявий рискларни минималлаштириш йўллари | 174 |
| Ахроров З.О.,<br>Усмонов П.Ш.,<br>Адхамов С. | Солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти | 177 |
| Тогаев С.С.,<br>Муҳаммадиев К.Ғ.,<br>Казаков Х.Ж.,<br>Туйчиев А.К. | Тижорат банклари фаолиятини макропруденциал назорат қилиш масалалари | 181 |
| Хамроев М.С.,<br>Жамолов Б.,<br>Муродуллоев Ф.Б. | Инновацион иқтисодиётда суғурта хизматларини ривожлантиришда давлатнинг роли | 184 |

| | | |
|---|---|---|
| **V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”** | | |
| Уразов К.Б.,<br>Хусанов М.Х. | Махсус саволни текшириш бўйича аудиторлик хизматларини кўрсатишнинг хусусиятлари | 188 |
| Бектемиров А. | Ўзбекистон шаҳарларида иссиқлик таъминоти тузилмаларининг техник аҳволининг таҳлили ва тармоқни ривожлантиришнинг самарали вариантлари | 193 |
| Исломов Ш.М.,<br>Махмудова Д. | Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳозирги ҳолати таҳлили | 197 |
| Холиқулов О.Х.,<br>Эсанов О.М.,<br>Мирзаев Б.К. | Хўжалик юритувчи субъектларда суд харажатлари ҳисобининг хусусиятлари | 200 |
| **VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”** | | |
| Алиқулов С.А. | Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг инновацион иқтисодиётни шакллантиришга таъсири | 203 |
| Davlatov Sh.Sh. | O‘zbekiston Respublikasida innovatsion iqti-sodiyotni shakllantirishda servis sohasidagi kadrlar faoliyati samaradorligi “Inson resurslari boshqaruvi” tizimi orqali oshirish yo‘llari | 206 |
| Гафурова Д.,<br>Латипова Ш. | “Молия” таълим йўналиши бўйича мутахас-сислик фанларини ўқитишда талабаларда инновацион ғоялар бўйича кўникмаларни шакллантириш масалалари | 209 |
| Djalilov F.A. | Xizmat ko‘rsatish sohasi mutaxassislarni tayyorlashda sifat tarkibini takomillashtirish | 212 |
| Носирова Ф.Д. | Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида малакали кадрларнинг ўрни | 215 |

| VII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ” | | |
|---|---|---|
| Пардаев М.Қ.,<br>Ўсаров Ш.Б. | Рақамли иқтисодиётга ўтиш кимга ва нима учун керак? | 218 |
| Сейтмуратов Р.А. | Проблемы развития цифровой экономики в Республике Узбекистан | 221 |
| Зайналов Ж.Р.,<br>Латипова Ш.М. | Сифатли лизинг хизматларини амалга ошириш йўллари | 224 |
| Қамбаров Ж.Х. | Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда рақамлаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари | 228 |
| Ахмедов З.Қ. | Хоразм вилояти кичик саноат зоналарини барпо этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари | 232 |
| Худайберганов Д.,<br>Қабулова З. | Минтақада қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш – инновацион йўналиш сифатида | 236 |
| Xushvaxtov J.N.,<br>Begimova S.A. | Grunt suvlari va ularning harakati | 239 |
| Хонтўраев Б. | Кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш масалалари | 241 |
| Бойхонова А.Ж.,<br>Умаров Ҳ.Ф. | Ахборот асрида инновацион технологиялардан фойдаланиш | 244 |

## ҚАЙДЛАР УЧУН

**2019 йил. Қоғоз бичими А5,**
**Офсет қоғози. Times New Roman" гарнитураси**
**Босма табоғи 16**
**Буюртма № 3, Адади 90 нусха**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**
**Босмахонасида чоп этилди**
**Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй**